

Азамат
КОРЖОВОВ

БАХТИҚАРО МАЪШУКА



CH0000035538

84(503)
K 59

296


Азамат ҚОРЖОВОВ

уш

БАХТИҚАРО МАЪШУҚА

*ёхуд шоу-бизнес кўчасида адашган
жувон саргузаштлари*

Қисса



Тошкент
«IJOD-PRESS»
2018

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Қ 59

Тақризчи:

Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ

ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Қоржовов, Азамат.

Бахтиқаро маъшуқа: қисса / А.Қоржовов. — Т.: IJOD-PRESS, 2018. — 224 б.

ISBN 978-9943-5234-2-5

Қўлингиздаги “Бахтиқаро маъшуқа” қиссасида ўзбек шоу-бизнеси атрофида ўралашиб юрган, унинг номини булғаётган айрим кимсалар тақдири акс эттирилган. Жумладан, Зарнигор эридан ажрашиб, Тошкентга келади ва Чингиз каби продюсерларнинг қўғирчоғига айланади. Қўшиқ ўғирлаш, пулга ўчлик, нопок йўл, таниш-билишлар орқали санъат оламига киришга уриниш, шуҳратпарастлик фожиа билан якун топади...

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-994-5234-2-5

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018

МУҚАДДИМА

Ўзбек шоу-бизнес вакиллари ҳаётидан ҳужжатли роман ёзиш ғояси 2011 йилда кўнглимга чўғдай тушдию тинчим йўқолди. Санъаткорлар ҳақида энди ёзмасдан тура олмасдим. Кўплаб мамлакатларда улар халқнинг диққат-эътиборида. Ҳатто қўшиқчию актёр-актрисалар нима еб-ичишигача, либосларигача, ёқтирган рақамию рангларигача қизиқишади. Шу даражага боришадики, айрим мухлислар қип-қизил девонаю жинни бўлишади. Санъаткорнинг суратини ёстиғи остида асрайди, қўшиқларини йиғлаб тинглайди, «тиригини» кўриш, суҳбатлашиш, биргаликда суратга тушиш учун ҳамма нарсасага тайёр. Инсоният тарихида бундай ҳурматга паҳлавон жангчилар, донишмандлар, шайхлар, сиёсатчилар, ёзувчи-шоирлар сазовор бўлишган, аммо йигирманчи асрнинг иккинчи ярими ва йигирма биринчи аср, шубҳасиз, хонанда ва актёрлар замони бўлиб қолди, назаримда.

Бироқ шоу-бизнес машинасининг парраклари баъзи санъаткорларнинг шахсий ҳаётини, ахлоқини, виждонини бурдалаб ташлаётганини кўрмаслик ҳам мумкин эмас. Турмушга чиқиш, хотин олиш ёки атайин бўйдоқ юриш бобида айримлари кўрсатаётган «каромат»ларни мухлислар билишмайдими? Билишади ва ҳар доим ҳам севимли санъаткоридан кўнгли қолавермайди. Дарҳақиқат, шахсий ҳаёти қай аҳволда бўлишидан қатъи назар озми, кўпми уларда оҳанрабо бор: ё қўшиқлар, ё кинодаги роллар. Бир замонлар қўшиқчилар, томоша қўювчилар кўчаларда, араваларда тунаб юришган, саройларда хизматкор бўлишган. Санъат чойчақа келтирган, холос. Йигирманчи асрга келиб, микрофон, карнай, чолғу асбоблари тараққиёти, граммофон, патефон, радио-телевидения, кейинчалик магнитофоннинг

пайдо бўлиши хонандаларни юксак чўққиларга кўтариб юборди. Санъат ҳам ривожланди, санъатни бизнесга айлантирган корчалонлар ҳам бижғиб кетди. Оммавий ахборот воситаларининг тараққиёти журналистларга эмас, шоу-бизнес вакилларига олам-олам шуҳрат келтирди. Бурунги замонлардагидек маълум бир жамоага хизмат қилиб, пул йиғиб олишмайди, энди қўшиқни бирйўла бутун дунё тинглайди, продюсерлар ҳадсиз-ҳисобсиз маблағ тушадиган концертларни уюштиришади, тўй-томошаларга буюртма топишади. Гўё санъаткор — дунё нигоҳида, санъаткор — ҳеч қандай заводу фабрикасиз сердаромад миллионер. Бу эса санъаткор бўлишни истовчиларни минг баравар оширди. Миллионлаб мияларда шон-шуҳрат қозониш, ҳар куни пул ишлаш, умрбод роҳат-фароғатда яшаш орзуси чарх уриб юради.

Албатта, шон-шуҳрат ва бойлик ўз сўзини айтмасдан қолмайди: инсон ўзгаради, кўнгли кўп нарсани тусай бошлайди. Унга шон-шуҳратни Яратган беради, аммо истаган ишни қилишга, халқнинг эркаси бўлишга, истаса ярим яланғоч кийинишга, истаса оиласини бузишга ҳеч ким изн бермайди. Бошқаларнинг гуноҳини кечирмаса ҳам меникини кечирази, ахир мен машҳур санъаткорман, деб ўйлашнинг ўзи энг олий гуноҳ...

Айтиш ёдимдан кўтарилмасин: ушбу асар ҳужжатли роман эмас, бир жувоннинг бошидан кечирганлари акс этган қисса. Ҳужжатли романимда санъаткор-ларимизнинг исм-фамилиясини, яхшию ёмон ишларини — бирортасини яширмайман, айти ҳақиқатни очиб беришга ваъда бераман. Бунда эса Зарнигор таҳаллусли жувоннинг хонандаликка ҳавас қилиб, не кўйларга тушганини билиб оласиз. Бу ҳавас эса юқорида айтиб ўтганимдек, бойлик ва шон-шуҳратнинг кўнгил кўчасида туғилган боласи эди.

Шундай қилиб, қиссани жувоннинг тилидан ҳикоя қиламан. Камчиликлар учун олдиндан узр сўрайман. Мен у даврларда ўзбек шоу-бизнеси атрофидаги ҳаётни ҳозиргидек яхши билмасдим.

1. ОИЛАМДАН ВОЗ КЕЧАМАН

Тахаллусим Зарнигор. Исмим ҳам шунга яқинроқ, аммо асл номимни, қайси вилоятдан эканимни сир тутаман. Бошимга тушган савдоларни дабдурустан бошлаб қўя қолай. Дугонамнинг тўйида қўшиқ куйлаганимдан сўнг отам турмушга бериш аҳдида қатъий туриб олди. Мактабдаги байрамларни ва қишлоқдаги Наврўз, Янги йил тантаналарини шўх-шўх қўшиқлар билан қиздирардим. Микрофон, овоз кучайтиргич, карнайларни, ашулага муштоқ одамларни кўрсам, ҳеч ўзимни тиёлмасдим. Артистларга хос кийинардим. У вақтларда мени «шопоголик» эмас, қишлоқчасига оддий қилиб «боди қиз» дейишарди. Мактабда ўқиб юрганимдаёқ отам ташвишга тушиб, ҳадеб саҳнага чиқавермасликни, ялтир-юлтур, калта кийинмаслигимни тайинлаган. Бироқ ўқувчининг мактаб ёки қишлоқ клуби саҳнасига чиқиши нега уят, дердим ичимда. Ялтир-юлтурни байрамда бўлмаса, қачон кияман? Пардоз-андозимга ҳам ҳамиша қарши чиқишган. Фалсафани қаранг: келинчак бўлганингда бўянасан эмиш. Нима, фақат келинчаклар бўяниб, атир сепиб юриши керакми?! Нега одамлар фақат келинчакларгина ясан-тусан қилиб юришга кўпроқ ҳақли, деган фикрга ёпишиб олишган?

— Сенда истеъдод йўқ, — деган эди синфдошим Шоҳрух. — Куйлайман деб саҳнага чиққанингдаёқ қарсаклар фақат ҳуснинг учун, қилпанглашинг учун чалинади. Қоматинг, нозли ишва қилишинг ёқади уларга!

— Нималар деяпсан?!

— Ҳатто ўқитувчиларга ҳам ёқасан! Ўтган кунни жисмоний тарбиядан дарс бераётган «практикант»га шериги нима деганмиш, биласанми?

— Хўш, нима дебди?

— Айтсам, йиғлаб юборасан. — Йигит тумшайган эди, рашк қияпти, деган гумонга бордим. Ўйлашимча, ҳамма қатори унга ҳам ёқардим, бежиз амалиётчилар билан ёқалашмаган. Саҳна эса кимнингдир севиб, кимнингдир куйиб қолишига хизмат этарди.

Хулласи калом, ишқ изҳорларию турли мактубларнинг адоғи йўқ эди. Йигитларни куйдириб яшаш менга ёқарди. Юракларига оз-оз чўғ солиб қўярдим-да, ҳуркак қушдек учиб кетардим. Мендек бахтли, хушчақчақ қизни бутун атрофдаги қишлоқлардан кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмасди. Ҳатто ўша бегона маконда — дугонамнинг тўйида ҳам истеъдодимдан бохабар эканлар, куёвжўралар ёпишди-қолишди. Даврабоши таклиф этгач, очиги, севинчимдан қийқариб юбораёздим.

О-о, синфдош қизларнинг тўйига ясан-тусан қилиб боришни, ҳаммани (энди фақат ошиқлар эмас, уйланиш истагидагилар ҳам қанчалар кўп!) куйдириб, севги ҳақида куйлашни нақадар истаганимни ҳеч ким тасаввур этолмаса керак. Отарчилар ҳам таниш эди: туманимизда донг таратган Эсонбой ака гуруҳи. Уларга-да ўзимни бир кўрсатиб қўймоқчи эдим.

Бир пайт тўй эгаси пул қистирди. Ижрога чунонам фарқ бўлганимдан хаёл билан қўл чўзибман. Кейин яна бири пул узатди. Қарасам, ширинликка қўнган пашшалар мисоли атрофимда куёвжўралар, ароқ сасиган эркаклар, рўдапо либосдаги шанғи хотинлар, ялинчоқлар, хушомадгўйлар... Ўйнанг, деб аёллар қўлимдан, елкамдан тортқилашади, йигитлар ҳуштак чалишади. Маст бўлиб қолдим гўё. Рақс аралаш ҳам куйладим. Тўйхонанинг нариги бурчагида ўтирганлар ҳам қизиқсиниш ила кўз

узолмай қолишганини кўриб турардим. Тўй-ҳашамда еттидан етмиш ёшгача — барчани бу қадар ром этган қўшиқчини шу вақтгача кўрмагандим.

Яна қанча вақт куйлардим, билмайман. Ёқамдан кимнингдир қўли илон каби сирғалиб кирдию сўзим бўғзимда қолди. Ё алҳазар, отам тенги ширакайф кимса — кўзлари сира ҳам отамникидек эмас — бир сиқим пулни қаерга қистиришни билмай, ўзича «чора» топган эди. Гезарган лабида кўпик, сузилган кўзлари қонталаш, бир қўлида сигарета. Аввал микрофонни отдимми, кейин пулними, эслолмайман. Даврани йиғлаб тарк этаман, деб оний лаҳзада ўйладим. Йўқ, негадир танимда қатъиятми, шартакиликми уйғонди. Одамлар орасини ёриб ўтиб, ғазабнок қиёфада, ҳар қадамимдан ўт чақнаб, дугоналарим сари шошилдим, аммо уч-тўрт қадам ташладимми, йўқми, шартта қўлимдан тутишди: важоҳат билан ўгирилдим.

— Эсонбой ака чақиряпти, қараворасизми? — деди ўйинчи жувон.

У мени одамлар нигоҳидан яширмоқчидек мусиқа ускуналари ортидаги столга шошилишча бошлаб борди-да, ўтиринг, деди. Ҳақиқатан, одамлар ҳалиги эркакнинг бақир-чақир қилишига чалғиб, мени кўздан йўқотиб қўйишди. Оз бўлса-да, енгил тортиб, теграмга боқдим. Ўйинчи опа, Эсонбой ака ва ниҳоятда пўрим кийинган, қад-қомати келишган, қирқ ёшлардаги шаҳарлик эркак менга ачинганнамо тикилиб ўтиришарди.

— Зарнигор, мени танийсан, — деди Эсонбой ака. — Сени ҳам, отангни ҳам танийман, қишлоқларингда қанча-қанча тўй ўтказганман. Бирдан бунақа куйлаб кетма, ҳаммани ўзингга яқин олма. Кўрдингми оқибати нима бўлди? Ҳатто санъатдан кўнглингни қолдириб, истеъдодингни синдириб қўйишинг мумкин.

«Истеъдод» сўзи кўнглимга мойдек ёқди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Йўқ-йўқ, — деди шунда шахарлик киши, — дарҳол панд-насиҳатга ўтманг. Зарнигор жуда тўғри иш қилди. Санъаткорга таклиф тушдими, халқ уни истаяптими, мана шундай чақнаб, отилиб, портлаб чиқиши керак. Анави маст эса, кечирасизу, ҳайвондан фарқи йўқ экан. Нима ҳаққи бор санъаткорни ҳақоратлашга? Ким у? Нега улар санъаткорларга, айниқса, санъатдаги қизларга бунақа муомала қилиб ўрганишган? Сиз хафа бўлманг, синглим... Беринг қўлингизни...

Шу дам кўзларимда ёш живирлади. Қанчалар шармандаю шармисор бўлганимни, бесабаб хўрлашганини англаб, йиғлаб юбораёздим.

У қўлимни мулойим қисиб, ширин жилмайди.

— Бутун ўзбек санъати номидан раҳмат айтаман!

— Курсдошим, — деб таништирди Эсонбой ака, — Чингиз Давронов, Тошкентда яшаб, ижод қилади. Бугун Самарқандга фестивалга келган экан, мени кўриб ўтай деб, туманимизда тўхтабди. Машҳур хонандамиз Маҳлиё Фозилованинг продюсери. Ундан ташқари ёшларнинг «Комета» гуруҳини эшитганмисан? Ўшанинг ҳам продюсери эди, афсус, дўстимсиз «Комета» ҳеч нарса қилолмади. Метеоритга айланиб, парчаланиб кетди.

— Зарнигорга ўхшаган талантлар ҳеч қачон парчаланмайди, — деди Чингиз ака. — Гап йўқ сизга, синглим. Ҳозир Эсонбойдан сўрадим, санъат бўйича ўқимаган, деди. Устозсиз шундай куйлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Сиз куйлаган иккинчи қўшиқ Гуллоланики. Уни шахсан танийман, ижодга қандай кириб келганини ҳам, истеъдоди йўқлигини ҳам биламан. Офарин, ўшандан яхши куйладингиз! Овозингиз «ми»дан ҳам ўтади. Ноталарни билсангиз, «ми» жуда яхши кўрсаткич.

Тўйдан қайтарканман, кўнглимнинг ярми ёруғ, ярми зулматда эди. Машҳур продюсер Чингиз Давроновни қойил қолдирдим-а! Бундан севин-

масдан илож йўқ эди. Балога гирифтор бўлгур шилқим кимсани ўйлаб эса дунё қоронғилашиб кетди. Ёқамга пул тиқиштирди-я, тўнғиз! Мана, автобусдаги дугоналарим ҳам, хотин-халаж ҳам шу воқеани ўйлаётган бўлса ажабмас. Қишлоқда роса гап-сўз болалайдиган бўлди-да. Отам эшитсами! Шоҳрухга ҳам панд-насиҳат учун баҳона топилди.

Отам куёвга узатиш аҳдида бежиз қатъий турмади. «Дугонасининг тўйида қўшиқ айтиб, эркаклар билан ўйнабди, бири кучоқлабди, бири қўйнига қўл солибди...» Ўша тўйдан сўнг кўп йиғладим, кўп жанжаллар бўлди. Отам охирги гапини айтди:

— Узатаман! Куёв рухсат берса, санъат институтида ўқи, Тошкентда яша! Лекин мени ҳозир тириклай гўрга тиқаман, деб ўйлама!

Модомики, оила қуришим муқаррар экан, куёвни ўзим танлаганим мақбул эди. Шунда сипо ва ақлли йигит — Шоҳрухгагина турмушга чиқишим мумкинлигини ичдан тан олдим. Шоҳрух руҳан яқин кишим бўлиб кўз олдимда гавдаланди. Унга хотин бўлишнинг ҳеч мушкул жойи йўқ эди, афсусланмасам ҳам керак. Пайдар-пай совчи қўйган беш-олти, ҳатто тўққиз ёш катта йигитларни ўйлаб, этим жунжикиб, баъзиларидан жирканиб ҳам кетардим. Доим эшакда юрадиган, ёз бўйи тоғдан бери келмайдиган, ҳирсдай бақувват, офтобда ялтираб қорайган чўпон йигитлар ҳам сўраттиргани қанчалар аламли эди менга.

Шоҳрух билан қуюқ сўрашдим. Айниқса, унинг Тошкентга ўқишга жўнаётгани бирам ёқдики... Тўйдаги ҳодисани эшитган шекилли, кайфияти йўқ эди.

— Энди нима қилмоқчисан? — деди у.

Дазмолланган оқ кўйлаги, озода жинси шими, қалин, тимқора сочлари, қора қошлари, келишган гавдаси — айтдим-ку синфдошим чаккимас деб. Агар у санъатга қизиққанидами, зўр санъаткор бўларди-да. Шундоқ ҳам юриш-туриши, гаплашиши, фикрлаши кинодаги қаҳрамон йигитларни эслатади.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Отам эрга бервормоқчи, Шоҳрух, нима қилсам экан? — хўрсиндим мен.

— Кимга? — мағрурона боқди у.

— Э, қаёқдан биламан! Совчи келса, бериворадида! Тўйдаги бир ифлосни деб...

— Унга ўзинг имкон яратгансан, Зарнигор! Нега бошқа қизларга шу қилиғини қилмади? Нега? Доим аччиқ гапираман! Чунки... чунки сени севаман! Биласан буни!.. Сени ёмонлардан асрагим келади...

— Асра! — дедим тик боқиб. — Ҳамманг энгилтак деб ўйлайсан. Ким билан юрдим? Ким билан учрашувга чиқдим? Кўрмаяпсанми қанақа қизлар бор! Айбим, санъатга қизиққаним, саҳнага чиққанимми?!

— Совчи юбораман, сенга уйланаман, лекин артистликни умрбод унутасан! Ваъда бер, Зарнигор!

— Шарт қўйдинг-а, Шоҳрух? — ўпкаладим ундан.

— Ваъда деяпман...

— Майли... Начора... Ҳаёт шунақа экан... — Ҳозирча алдаб туришни жоиз топдим.

У атрофга кўз югуртириб, қучоғини очиб, бир қадам ташлади. Қўлини силтаб, ортга тисарилдим, «Эсинг жойидами, нима қиляпсан?» дедим. Кўнглимни эритадиган гап айтибмиди, ёғдай эриб, сингиб кетсам.

Эҳ, санъат Зарнигорни сотади, деб чўчидинг, афсуски, санъатни мен сотдим, битта эрга — арзонгаровга! Ҳа, санъатнинг олдида барибир арзонсан, Шоҳрух!

Уйга келсам, муштдеккина аёл ўтирибди. Тоғ ортида отамнинг Рухсат исмли аммаси борлигини эшитгандим, ўша экан. Амма бўлганда ҳам ўгайми, узоқроқми, мен танимайдиган қандайдир бечорагина бева хотин эди. Уч-тўрт йил бурун эри касалликдан вафот этганда, ота-онам жанозага бориб, бирийўла маъракаларини ҳам ўтказиб келишганди.

— Қизим, — деди онам ошхонага чиқиб, — бу киши

ҳам навбатдаги совчилардан бири, келадию кетади, дема. Отанг рози бўладиганроқ...

— Нима? Ўша қишлоққа келин бўлади, деб ўй-лаяпсизми?

— Нима бўпти? Одамлари яхши, меҳмондўст. Қандай хушманзара жой!

— Эшитганман, уйлар қирларда жойлашган, кўчалари илонизи, тупроқ, лой, ўйдим-чуқур. Ҳатто газ йўқ.

— Доим бировларни камситасан! Ана, опаларингга қара! Ҳаммаси ўзидан тиниб-тинчиб кетишган.

— Қўйхонаси, сомонхонаси, товуқхонаси... Пастқам-пастқам, бир-бирига туташиб кетган, сариқ лой билан сувалган иморатлар! Ўлсам ҳам яшамайман унақа жойда! Ахборотингиз учун, бир йигит билан аҳду паймон қилиб қўйдим! Билганимдай шу бугун, ярим соат аввал! Эртага совчиси келади! Мени унга узатмасангиз бўлмайди, ая!

— Шунақа гапларинг билан қачон қарама юрагимни ёрасан! — бўш-баёв онам куюнчаклик билан нолиди. — Сен ҳам одоблигина бўлсанг, осмон узилиб тушмасди-ку, қизим! Қачон қарама юзимни ерга қаратганинг қаратган! Тўйда қўшиқ айтганингни кўрганимдан кўра...

— Бўлди, бўлди! Ҳозир йиғлаб юборасиз! Майли, турмушга чиқаман, лекин фақат синфдошим Шоҳрухга! Ёмон йигит билан аҳду паймон қилармидим, ая! Ичингизда «уятсиз» деб ёмон қарғаяпсизми? Бахт тиласангиз-чи!..

— Тентак! Отанг бу гапларингни эшитса...

— Отамга айтиб қўйсин, деб гапиряпман-да! Тоғнинг нариги томонига ҳеч қачон келин бўл-май-ма-н!

Бироқ умр савдом пишганини ҳали билмасдим. Бечора Шоҳрух совчи юборишга ҳам улгурмади. Отам Рухсат аммамга сўз бериб қўйибди. Йиғлаб-сиқтаганимда, даҳшатли хитобни эшитдим: «Лаф-

зимдан қайтарадиган бўлсанг, ота дема мени, сен учун ўлганман!..» Кейин ётиғи билан тушунтирди: Рухсат аммам билан қариндошчилик ришталари узилиб кетмаслиги керак эмиш. Опамлардан бирини узатмаганига сабаб, Кимсан улардан кичик экан.

Ана холос, мендан қутулиш баҳонасида бўйнимга «миссия» ҳам юклаб қўйишди. Тўйда икки жуфт қўшиқ куйламаганимда, ширакайф эркак пул қис-тирмаганида, аҳтимол, икки-уч йил эрга тегмай юрармидим. Шу тобда ўз-ўзидан Чингиз акани ўйладим. Чекка қишлоққа келин бўлаётганимни, умр бўйи чорва тагидан чиқмайдиган уй бекасига айланаётганимни билса, менга раҳми келади, қис-матимга ўкинади, отамдан ғазабланади. Туман марказидаги маданият уйини менсимай, тўғаракларга қатнамаган эдим, энди эса қишлоғимиздаги клуб саҳнаси ҳам армон бўлиб қолмоқда. Нега Чингиз ака қариндошимиз эмас? Нега эркин қуш бўлиб юрган дамларимнинг сўнгги кунларида тақдир у кишини учратди? Бир умр эзилиб юрсин дедими?

Шоҳрух Тошкентга жўнади. Бояқиш бир оғиз гапирмади. Аввал фотиҳа, кейин никоҳ тўйим бўлди. Тоғ ортидаги Чангак қишлоғига келин бўлиб кетарканман, ўзимни дунёдаги энг бахтсиз қиз деб ҳисобладим. Эрим — молбоқар, маконим — қир ёнбағридаги кичик қишлоқ, ишим — хамир қориш ва печкага тезак ёқиш.

Ўлганнинг устига тепгандек куёвнинг исми Кимсан эди. Кимсан ёмон исм эмас, лекин айнан менинг эримнинг исми Кимсан эмас, Шоҳрух бўлишини истагандим. Эримни «ака» ёки «бегим» деб чақиришни қанчалар орзу қилгандим. Энди нима дейман? Ўттиз-қирқта қўй-эчкисини қирда боқиб келадиган шу майда чорвадорни «бегим» дейманми? Беклар шу бўлса, ўлишга мазор излай қолганим минг марта аъло эмасми?

Уни бир ҳафта ёнимга йўлатмадим. Янгам икки

кун кутиб, роса асбийлашганча жўнаб кетди, «ўзларингиз келишиб олинглар», деди. Бояқиш куёв! Ҳеч қаттиқ гапиролмайди, эркалатолмайди ҳам, нуқул довдирайди. Юз-кўзимга тикилса, ўзини буткул йўқотиб қўяди. Шу ҳам йигитми? Лекин тушунаман, мендек гўзал ва замонавий қизни фақат шаҳарларда ёки киноларда кўрган. Ҳарҳолда қишлоқнинг энг соҳибжамол келинчаги эканимдан беҳад шод эдим.

Еттинчи куни кечқурун хонамизга бир хотин кириб келди. Бу хотин бошқа ҳамқишлоқларидек қуёшда қорайган, юзи сепкилли, ажин босган эмас эди. Эғнидаги униққан кўйлаги, байроқча рўмоли, қаварган қўллари шу қишлоқ аёли эканидан далолат бериб турса-да, мени ҳайратга солгани у рус эди, офтобда қизарган ҳақиқий рус аёли.

— Вой, донгирлоқ ҳалиям куп-қуру экан! — деб хитоб қилди у. Келин салом қилмоқчи эдим, қўл силтади. — Қўйинг, Зарнигорхон, меған салом соманг. Аввал келин бўп олинг, кейин солас. Қиз бола бўла туриб келинсалом солишга уялмайисма? Ўз номи билан «келинсалом», а?!

Соф қишлоқ лаҳжасида, жайдаричасига сўзлаши буткул лол қолдирди. Одам ҳам шу қадар ўзгариши, мослашиши мумкин экан-да! «Донгирлоқ» дегани темир тоғора эканини эшитгандим. Бу висол кечасига ишора эди; Чангакда ҳаммомга бало борми?

Даставвал парда-бепарда ҳазиллари билан гапни қизитди, сал ўтиб ачитиб гапирди. Охирида эса...

— Меған қоранг, ҳой келинчак, — деб шивирлади ранги хиёл гезариб, таҳдидомуз. — Бу ўтиришингизда аниқ шарманда бўлас! Одамлар қизамас экан, сирым очилмасин, деяпти, деб гап чиғориб жеради. Энди шу жигит — эрингиз! Нима-а ноз қилас?! Кимсандай жигит борма дунёда?! Ичмайди, чакмайди, меҳнатни роса қилади! Тўғри, ўқимоған. Лекин сиз ўқиғонсизма? Чиройли бўсонгиз, Кимсаннинг бахти! Жошларингиздаги парқ ҳам жуда мос — беш жош!

Даврим келди деб мнов янги кўрпаларда думалаб жотмайсларма? Кўрпаларнинг исини қоранг, исини! Эҳ, қонийди менинг янги келинчаклигим қойтиб кеса! Ойтиб қўяй, бундай зўр довр бўмайди ҳаётда! Эртага жовабини билишга келаман, келишдикма? «А-то» ёммон бўлади! Қўл ташланг!.. Вой-ей, қу-вирчоқдайсиз-а?! Шу Кимсанга ҳам беш кетмадим. Олдинга ошни ташлади, жемайсанма! Жигит ҳам шундай ландовур бўлама!..

— Марюса чечам жуда шўх-да, — деди Кимсан уялиб.

— Амакингизга тегмасимдан бурун мунданам шўғийдим! Журиш-туришимни кўриб, жиғилиб қолардингиз! Ҳай, ёр-ей!.. — Бир пайт магнитофонни қўйиб, рақсга тушиб кетди. — Мен шаардинг энг олд қизи бўп шу жайга мослашдим, сиз ким бўпсиз, ҳўв келинпошша?! Хотин бўлишга қўрққон қиз чимилдиққа кирама!.. Эҳ-ҳ... Пул қистир, ҳўв Кимсан! Чечанг бўсамам ҳаётда сизламайман сени! Чунки сен тани бўш эдинг, бўшлигингча қоласан!.. Қўтир бўсанг ҳам ўзингни кўрсат, чўтир бўсанг ҳам ўзингни кўрсат!.. Бу мновдинг амакисининг қўшиғи, ҳеч кимди ҳақорат қигоним жўқ, Зарнигор!..

Яқин-ўртада бундай маза қилиб кулмаган эдим. Мени ҳам ўйинга тортди. Яхшиям, қайнонам, қўни-қўшни кўрмади, акс ҳолда мен билан Марюса янгани тентакка чиқаришарди-қўярди.

Санъатнинг телба кучини қаранг: завқ-шавққа тўлганимдан Кимсанни ўзим ўйинга тортиб, ўзим ўйнатдим. Кейинчалик бу ҳолатимни эслаб, қўшиқнинг иблисга ҳам хизмат қиладиган қандай сифати бор, деб кўп ўйладим.

Кимсан иккимиз рақсга тушганимизни иблис ўйинига менгзамоқчи эмасман. Ўътибор берганмисиз, гоҳида таниш-нотаниш, дўст-нодўст, ёққан-ёқмаган, тагу аёл — ҳаммаси бирдек рақсга тушишади. Шундай? Хатти-ҳаракатларини мусиқасиз та-

саввур қилинг. Нима қилишяпти ўзи улар? Бунча ноз-карашма, қилпанглаш, омонат жон қўним топган танани қимирлатишдан маъно не? Санъатни жон-дилим билан севсам-да, гоҳо кўзим ярқ этиб очилгандек бўлар, нималар қиляпман, деб сўрардим ўзимдан.

Шу кеча Кимсан билан ҳақиқий эр-хотин бўлдик. Бироқ янгамлар тўйдан аввал уқтиришганидек ҳаётим ўзгариб қолмади, куёв ҳам кўзимга олов бўлиб кўринмади. Никоҳ шартини адо этиб, бир ташвишдан қутулдим, холос. Санъатда юрган қизлар энгилтак бўлишади, деб мени неча бор ҳақорат этишган. Гарчи санъатга киролмаган эсам-да, клуб ва тўйда қўшиқ куйлаган ҳаваскор сифатида шуни айтишим лозимки, ўзимда энгилтакликдан аломат сезмасдим. Ҳатто қонуний эримни ёнимга яқинлаштиришни истамайман, бегона эркаклар билан ош-қатиқ бўлармидим? Эҳ одамлар... Санъатга кирган қиз йўлдан адашади, деган гапда жон бўлса, нега ароқ ичувчиларнинг ҳаммаси пиёниста эмас, нега спорт билан шуғулланувчиларнинг барчасидан чемпион чиқмайди?

Дардим кўп эди, лекин ҳеч кимга айтолмасдим. Оилада тўрт киши эдик: қайнонам, эрим, мен ва саккизинчи синфда ўқийдиган Гулчеҳра исмли қайнсинглим. Хонадонда ўйин-кулги йўқлигини ўн кундан сўнг билдим. Бу вақтга келиб, тўйдан кейинги келим-кетимлар ниҳоялаб, оила ҳаёти эски ўзанидан оқа бошлаган эди.

— Магнитофонни ўчиринглар, — деди қайнонам ҳовлидан туриб. — Ҳадеб қўшиқ эшитишдан нима фойда?! Ҳовли-повлига қаранглар, уят бўлади.

— Нега уят бўларкан? — сўрадим Кимсандан.

— Сўталарини ажратиб, маккайни боғлаш керак, — изоҳлади у. — Бизда шундай: бир иш чала қолиб ётганини, уй эгалари магнитофонни баралла қўйиб,

Азамат ҚОРЖОВОВ

ялқовсиниб ўтирганини кўрса, ўтган-кетганлар кулади, гап-сўз қилади.

— Одамлар шунчалик талабчан, «принцип»лими?

— Ҳа, — деди Кимсан ғурурланиб.

— Нега унда кўчаларингиз асфальтланмаган? Нега уйларнинг деярли ҳаммаси эски? Бирортаси тузук-роқ ҳаммом қурай демайди ҳам. Йўқ, бу талабчанлик эмас, бировнинг камчилигини кўриб, ғийбат қилиш. Талабчан одам кўчасини, қишлоғини, ҳовлисини обод қилиб қўяди, ҳаммом қуради.

— Қўшиқчи бўлолмаганинг учун одамларни ёмон кўрасан, шундайми? — деди Кимсан.

— Нима?! Нишингизни санчяпсизми?

— Нуқул одамларга хусумат қиласан. Қишлоғимизнинг устидан куласан.

— Қишлоғингизнинг устидан куламан? Мен-а?

— Энди бу сенинг ҳам қишлоғинг, Зарнигор!

— Вой, тўғри гапни нима учун ҳақорат деб қабул қиласиз?! Бутун қишлоқ аҳли шунақа! Сизларни фақат мақташ керак! Камчилигини топдими, хусумати бор, деб ўйлашади, танқидни тўғри қабул қилиш ўрнига тиш-тирноғи билан душман бўлиб қолишади! Умуман, сизларга ҳайронман, ўз қобиқларингизга бунча ўраласиз? Чет давлатда ишлайдиганларингизга ҳам беш кетмадим. Юборган пулларига иморат қуришади, тушунмайман бу одамларга!

Кимсан ҳайрон бўлиб қаради.

— Бўлмаса, нима қилади? — деди қизариб-бўзариб.

— Икки-уч йил четда ишлаб келиб, уй қуrolмаса, одамлардан уялади, ахир!

— Уялади-уялади! Тавба, уй одамни боқадими? Ундан кўра цех очсин, савдога пул тўпласин. Бир умр шу ерда яшашни ўйласам, қўрқиб кетаман! Шаҳарга кўчиб кетайлик. Шунинг жиддийроқ ўйланг...

— Шаҳарга?! — Кимсан шундай бир оҳангда сўрадики, ғўеки мен ўта мантиқсиз, тутуруқсиз таклифни ўртага ташлаган эдим. — Бу гапни бир

айтдинг, иккинчи эшитмай. Шу уйда туғилдим, шу уйда ўламан. Битта ўғил бўлиб, отамнинг чироғини ёқиб ўтирмасам, синглимни узатмасам, онамга қараёлмасам...

Овози титрай бошлагач, «Бўлди, бўлди, ҳазиллашдим, минг марта тавба қилдим», деб уни жаврашдан тўхтатдим. Шаҳар ва санъат ҳақида ўйлашга-да ҳаққим йўқлигини тушундим, аммо ўйламасдан бўлармикан? Қалбим ҳали ҳеч қачон яшамаганим ўшал улкан шаҳарлар ва ижод қилмаганим эстрада олами соғинчи билан тирик эди, ҳар сония қўмсардим.

Кимсаннинг гаплари, дунёқараши бошиданоқ аллергия қўзғатган эди, вақт ўтган сайин кўникиш ўрнига баттар асабимга тега бошлади. Айниқса, қўшиқчилик ва қўшиқчилар ҳақида шундай гапларни гапирардики, кўнглим айниб кетарди. Оғир, миллий ашулаларни эшитишига-ку чидаса бўларди. Қўшиқларни ёмонламоқчи эмасман, лекин ҳаётда янги-янги санъаткорлар, эстрада деган санъат турлари бор, чолларга ўхшаб фақат чўзма қўшиқ тинглаши жигимга теккани теккан эди. «Хайрият, ҳеч бўлмаса, оғир қўшиқнинг ихлосманди-ку, санъатнинг «с» ҳарфи қизиқтирмайдиган кесак бўлганида додимни кимга айтардим?» деб ўзимни юпатардим.

Нариги қир ортидаги ҳовлилардан бирида тўй бўлди. Келиннинг дугоналари ичида шўх қизлар кўп экан, роса ўйнадилар. Куёвжўралардан бири озроқ ичган экан, ишқий шеърни жуфт қилиб айтди. Уйга келганимизда, қайнонам уларни қарғади:

— Жувонмарг ўлгурлар, тортинмасдан бунча дикирлаб ўйнайди! Қиз бола деган эл-юрт олдида сал ўзини босиб ўтиради. Кап-катта йигитларда ҳам эс йўқ, қизларга гап отгани отган.

— Эна, ўйнаса нима қипти? — деди Гулчеҳра. — Ҳадеб бировларнинг орқасидан гапираворманг!

929282

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Тўй бўлдим, йигит киши ичиши, сигарета чекиши, микрофонни эгаллаб, шеър айтиши шартми? Бизнинг Кимсан бирорта жўрасининг тўйида ўйнамаган, овозини чиқариб кулмаган. Одоблигина бўлиб бориб, одоблигина бўлиб қайтган. Сен ҳам, Гулчер, акангдан ўрнак ол. Дугоналарингнинг тўйида бўлар-бўлмасга тишингнинг оқини кўрсатиб, ўйнаб-нетиб юрма, тушундингми?

«Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит». Ҳали бу аёлдан адабимни ейман, шекилли. Тўйда ҳусну малоҳатимни кўрган борки, оғзи очилиб, донг қотиб қолаверди. Қирқ-эллик ёшли, неварали, маст-аласт эркаклар ҳам зимдан қараб қўйишганини қайнонам сизди. Бироқ мен бирортаси билан кўз уриштирдимми? Элнинг оғзига элак тутиб бўлса бўлар, аммо кўзга қора рўмол боғлаб чиқишнинг иложи йўқ-ку.

Гулчеҳра мактабда аёло баҳоларга ўқирди, одоб-ахлоқига ҳам тан берганман. Уй ишларинию мактабни баб-баравар аёло даражада эплашига қойил қолганман. Кимсан ва қишлоғини танқид қилаётганимни эшитиб, ўртага бир марта ҳам суқилмагани-чи! Қайси маънода, қайси мақсадда бўлса ҳам, барибир онаси танбеҳ беради, бераверади. Гулчеҳрани ким келин қилса, келинга ёлчирди, мени эса... Назаримда, қайнонам ота-онамнинг ҳурмати учун феълимга, рўзғор ишларини эплолмаслигимга, тўй-томошаларга ўчлигимга чидаб ўтирарди. Бироқ қачонгача чидайди? Бу кунларнинг охири борлигини ўйлаб, уриш-жанжалга тайёргарлик ҳиссини кўнглимнинг бир бурчагида сақлаб қўйдим. Ўз қизига қўйган талабни менга қўйса, тамом эдим-да!

Жиғимга тегадиганлардан яна бири — Кимсаннинг синфдош дўстлари эди. Йигитларнинг бирортаси ёқмасди. Улар бир-бирининг хотинига бепарда ҳазил қилишар, сабаб-бесабаб тиржайишар, уйни сигарета тутунига, дераза ташқарисини эса туфланган носга

тўлдириб кетишарди. Айниқса, синфдошнинг хотини «мўйинса» деб аталиши, очиғи, ғазабимни қўзғарди. У нима дегани? Мунисами, бўйсунувчими — тушунмадим. «Мўй», бу тук ёки қил эканини ўйлаб, масхара қилингандек ҳис этардим ўзимни; Зарнигор де, келин де, тилинг узилиб тушмайди-ку!

Бир куни кулни тўкиш учун оғилхона ортига чиқсам, кўча бошида Зафар деган ўртоғи келяпти. Кайфи борлигини сезиб, тоғорани тезда бўшатиб, ҳовлига шошилдим. Йўқ, у мени кўриб, ҳуштак чалиб чақирди. Қарамаган эдим, бор овозича:

— Мўйинса, тўхтанг! — деб бақирди.

Етиб келгач, саломлашиш учун қўл узатди. Қўл берган эдим, қўйиб юбормади. Ароқ ҳиди гупуриб, дардини дoston қила бошлади:

— Бугун уйдагилар совчиликка борган эди, беришмади. Сиздай чиройли бўлса ҳам гўрга, хунук қиз! Биз — бечораларнинг пешанаси Кимсанникидай беш қарич эмас. Лекин ёмон чиройлисиз-а, мўйинса? Ўзи шундай туғилгансизми ё бошқа сири борми?

— Илтимос, қўлимни қўйиб юборинг.

— Қўлингиз бунча оппоқ? — У гапимга қулоқ солмади. — Ўзингизга зўр қараб юрасиз-а? Шунча вақтнинг ичида дағаллашмабди ҳам. Бизнинг қишлоқ қизлари эса...

— Зафар ака, яхшимас... Қўйворинг.

— Улай агар, мўйинса, бирор ёмонлик кўнглимга қелаётган бўлса! Жўранинг хотини ҳам жўрадай гап! Ўтиришларимизга ҳали кўп қатнашмагансиз-да, қанақа ҳазиллар қиламиз, эҳ-ҳе! Вальслар...

Шу пайт қайнонам кўчага чиқиб қолди. Аслида Зафарнинг овозини эшитиб, «разведка»га шошилгани кўриниб турарди. Аҳмоқ Зафар шунда ҳам қўлимни қўйиб юбормасдан қайнонамга салом бериб, ҳолаҳвол сўрашди, хаёли жойида эмас эди. Қўлимни тортиб олиб, уйга шошилдим. Шу куни илк марта жанжал бўлди. «Кўчада қўл ушлашиб туришинг

нимаси? Жувонмарг ўзи яхши бола эмас, ўтган йили янгасининг уйини бузиб юборай деган. Бунақа енгил бўлма...» Чидайманми? «Енгилтаклигимни исботлаб берасиз», дедим. Гулчеҳра аралашмаганида, жанжал ўт олиб, кўч-кўронимни кўтариб, жўнаб қолардим. Санъатдан воз кечиб, чекка қишлоқда сургунда ҳаёт кечираётганимни тушунармиди булар? Ҳар бир куним нақадар зерикарли эканини-чи? Ўша дамларда ота-онамнинг уйини қаттиқ соғинардим. Кейинчалик Тошкентда яшаганимда, соғинчни ҳис этмай қўйдим ва Чангақда кечган кунларимни ўзимча дўзахга йўйдим.

Иккиқат бўлган чоғимда ҳам дилим хуфтон эди. Телевизорда машҳур хонанда Маҳлиё Фозилованинг тўрт кунлик концерти ҳақида бот-бот реклама берилгач, «Шу концертга олиб боринг», деб Кимсанинг қулоғини қоқиб, қўлига бера бошладим. Кимсан Тошкентга олиб борармиди? Умрида Тошкентга борганми ўзи? Бироқ новвос яхши пулланган куни қайнонамга инсоф кириб, деди:

— Зарнигор шу концертга бошқоронғи бўлган. Кимсан, шанба куни Тошкентга жўнайсилар. Баҳонада синглингнинг «тўққиз»ига «Ипподром»дан материал олиб келасилар. Ўзимам қўшилиб борай дейману...

Қувонганимдан «есть» деб қийқириб юбордим.

— ...ўзимам қўшилиб борай дейману узоқ йўлга бўлмайман, «давлениям» чиқиб кетади, — деб менга ачинганнамо қараб қўйди қайнонам.

Биз тонг-саҳар йўлга тушдик. Хурсандлигимдан, ҳаттоки, ичимда қўшиқ куйлаб борардим. Бу қўшиқнинг мусиқаси ҳам, шеъри ҳам ўзимники эди. Шарт-шароит бўлса, мусиқачилар ва студия хизматимга шай турса, мендан тузуккина хонанда чиқишига минг карра ишонч ҳосил қилдим.

Чиноздан ўтганимизда пойтахтга бир қадам қолганини айтишди, бироқ ҳадеганда кириб кел-

мадик. Ташқарини кузатиб борарканман, улуғ, афсонавий шаҳарга етганимиздан даставвал нима далолат бераркан, деб ўйлардим. Баланд-баланд иморатлар, дўконлар лоп этиб чиқадию шаҳарга кириб борамиз.

Постдан ўтганимиздан сўнг автобус тўхтади. «Ипподром» деган овозлар эшитилди, айрим йўловчилар туша бошлашди. Кимсан бир кишидан «Собир Раҳимов»ни сўради. «Кейингиси», деди...

Мана, Тошкентдаман! Кўзларимга ишонмайман! Қимматбаҳо хорижий русумдаги машиналарга диққат қиламан: бу шаҳарда машҳурларни учратиш ҳеч гап эмас. Балки ҳозиргина ўтган қора машинада халқ артистларидан бири ўтиргандир?

Кечки концертга тушиб, сўнг Кимсаннинг узоқ бир қариндошиникига боришимиз керак эди. Эртага тонгдан «Ипподром»дан материал харид қилиб, уйга қайтамиз. Кимсан шу ҳақда ўнинчи марта гапириб, йўл ёқасидаги ошхоналардан бирига бошлаб борди. «Тўйиб овқатланиб олайлик, концертда қорин оч қолмасин», деди авомларча. Ошхона ниҳоятда гавжум экан, зўрға жой топдик. «DVD»га уланган телевизорда машҳур хонандалардан бири жўшиб куйлар, раққосаси атрофида хиром айлаб ўйинга тушар эди. Қўшни столдаги эркаклардан бири тишини ковлаб, хириллоқ овозда деди:

— Замон шуларники-да! Бир оғайним айтди, Ангренга уч минг долларга тўйга борганмиш. Тасаввур қияпсизми, бир кунда уч минг доллар! Мен эшакдай ишлаб, бир йилдаям тополмайман!

— Ҳа, биз уларнинг олдида ғирт шўрпешанамиз, — маъқуллади ҳамтовоғи. — Шунақа бўлиб туғилдик, шунақа бўлиб ўламиз.

— Бизга ўхшаб оддий ошхонада овқатланишмайди. Энг зўр ресторанларда, энг сара овқатларни танлаб ейишади, энг қиммат кийимларни кийишади. Ўйинчи қизларни айтмайсанми! Ҳар доим ўн етти-

ўн саккиз ёшлиларни олиб юришади, ҳе-хе-хе... Бир нима деб кўр-чи! Истеъдодим учун эришдим, дейди. Нима, истеъдод фақат уларда борми?!

Эркакларнинг гапи менга ботиб кетди, гўёки худди ўша санъаткор мен эдим ва улар ҳозир каминанинг ғийбатини қилишмоқда эди. Бироқ... ҳақиқатан, бир кунда уч минг доллар ишлаш ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, орзулари ушалмаётган кишилар қалбида санъаткорга ғайирлик, ҳасад, нафрат ҳисси уйғонади. Мана, биз бир йил боқилган ҳўкизни, агар долларга чақилса, мингга сотиб, Тошкентга келдик. Санъаткор эса минг долларни бир соатда ишлайди, ҳатто фонограмма қилса ҳам.

«Мен ҳам санъаткор бўламан», деди ички овозим. Шундан сўнг ажиб енгилликни, мамнуниятни туйдим.

Залга оёқ қўйганимда, ўзимни эртаклар дунёсига тушиб қолгандек ҳис этдим. Муҳташам зал, ғала-ғовур, ўзгача ҳид, кишини ажиб ҳисларга чулғовчи босим... Қидира-қидира жойимизни топдик. Бутун вужудим кўзу қулоққа айланди, дунёни унутдим. Мен Маҳлиё Фозилованинг концертидаман, мен унинг продюсери Чингиз Давронов билан битта бинодаман... Оҳ, бу онлар вақтинчалик эканини, кўп ўтмай концерт залини тарк этиб, қишлоққа равона бўлишимни, қайтиб яна келишим даргумонлигини ўйлаганимда, юрак-бағрим пора-пора бўлди.

Бир пайт сахнанинг четида Чингиз ака кўринди. Хизматдаги йигитларга алланимани тайинлади, сўнг дарҳол кўздан йўқолди. Продюсер янада тўлишган, қоматдор, янада шижоатга кирган, ўт-олов эди. «Ҳамма аёлларга ҳам ҳақиқий эркаклар насиб этмайди», деган дайди ўй кўнгил сўқмоғимдан ғивирлаб ўтди.

— Чингиз ака... — тилим беихтиёр гўлдиради.

— Ким? — қулоғини тутди Кимсан.

— Маҳлиё Фозилованинг продюсери... У киши

биз томонлардаги Эсонбой ака деган артистнинг курсдоши. Бир дугонамнинг тўйида кўрганман...

Кимсан нимадир деди, қулоғимга кирмади. Концерт бошланди. Маҳлиё Фозилованинг ҳар бир ҳаракати, либослари, қошу киприклари — ҳеч нарсасини назардан қочирмадим. Дунёда шундай касб бор экан, бошқасига қизиқишнинг ўзи тентаклик эди. Ҳар доим пардоз-андозда, ажойиб либосларда, ҳар куни пул, пул, пул... Қаерга бормасин, ҳамма танийди, ҳурматини жойига қўяди. «Эй Худо, мен ҳам санъаткор бўлармиканман?» дедим ичимда, аммо шу заҳотиёқ хўрлигим келиб, кўзимга ёш қуйилди. «Қай гўрдан бўламан?! Қай гўрдан?..»

Вақт қандай хотима топганини билмадим. О, вақтнинг тўхтаб қолишини, концертнинг яна чўзилишини қанчалар истаган эдим-а! Ярим соат чироқ ўчмайдими, нимадир бўлиб, яна ўн-ўн беш дақиқа шу ерда ўтирмайманми?! Йўқ, ҳеч бундай бўлмади, бўлмайди ҳам. Чунки мен... мен истаган воқеалар қачон юз бергандики, энди юз берса?! Бахтиқароман, шўрпешанаман... Бу — Тошкентни сўнгги марта кўришим бўлса керак, энди бир этак бола-чақа билан ўралашиб, Чангакнинг чангалида умрбод қолиб кетаман. Умрим ўтгач, тепаликдаги сарғиш қабристонда сарғайган ўтлар қоплаган тупроқ остида ётаман. «Ҳаётга келиб нима кўрди?» дейишса, «Болачақасининг бахтига соғ-саломат, узоқ умр кўрди, армони йўқ», деб жавоб беришади. Мен эса аслида бундай яшамоқчи эмасдим, деёлмайман. Юракдаги орзу-армонларини, ҳатто фарзандларига ҳам айтолмай кетганлар қанча?! Мен ҳам шундай бўламан.

Концерт якунида бошловчи саҳнага иштирокчи ва ташкилотчиларни бир-бир чақира бошлади. Навбат мен кутган одамга келди:

— Продюсер Чингиз Даврон-о-о-ов!..

Кўзим ўнгида Чингиз ака намоён бўлди. Келишган гавдасига ёпишиб турган қора костюм уни янада

кўркам, барно қилиб кўрсатарди. Айниқса, ним кулимсираб, кафт учида оҳиста қарсак чалиб, киборлардек сафдан жой олгани-чи. Энди ундан бошқа ҳеч кимни кўрмаётган эдим.

Ҳаммага сўз берилмади, аммо Чингиз ака гапирди: Маҳлиё Фозилованинг истеъдоди, мухлислари кўпайгандан кўпаяётгани, шу йил мукофотга ҳам сазовор бўлгани, хорижий гастроллари, юртда санъат равнақ топаётгани... Қовоқ-тумшугим баттар осилиб кетди. Илк бор кўнглимда Маҳлиё Фозиловага ғайирлик ҳиссини туйдим. Чингиз аканинг мақтовларига жавобан дарҳол микрофонни оғзига тутиб, бир-биридан жимжимадор миннатдорчиликларни қалаштирди. Нақадар бахтли эканини ҳадеб таъкидлашига ўлайми! Бундай мақомда ким ўзини бахтсиз ҳисоблайди? Ким ҳам ич-ичидан севиниб жилмаймайди! Бир интервьюсини ўқигандим: оилавий ҳаётим сир, деб-ди. Рисоладагидек бўлса, сир тутармиди?! Мана, ёши, қадди-басти Чингиз акага мос, ўрталарида нимадир бор. Шубҳасиз! Эркак ва аёлнинг шунчаки бирга ижод қилиб юришига, худди ҳамқишлоқларим каби, аслида мен ҳам ишонмаслигимни англадим. Бироқ санъат ҳар қандай «майда-чуйдалар»дан устун кўринди. Агар ўзимни Маҳлиё Фозиловага таққосласам, кампир, ҳа, менинг олдимда қари кампир у! Фарқимиз шуки, унинг «танка»лари бор, пули бор, жазманлари бор, холос. Иккимизнинг моддий имкониятларимиз тенг бўлсаю мусобақалашсак, ютқазиши муқаррар...

Шунда шайтон кўнглимга «имконият» ҳақида ҳар хил ўйлар сола бошлади. Пешанамни совуқ тер босиб, ҳамон сахнадан кўз узмай ўтирардим. Кимсан: «Эртaroқ чиқиб олайлик, ҳозир эшик тиқилинч бўп қолади», деб турткилаганди, силтаб ташладим. «Қандай қилиб шуларнинг даражасига эришим мумкин?! Кимсан ўз ҳолимга қўярмиди?! Балки Кимсан билан эртaroқ ажрашиб, Тошкентга кўчиб

келишим керакдир?.. Йўқ-йўқ, отам тикка сўяди! Бошқа чора топишим керак. Бироқ қандай чора у?» — дердим ичимда.

Чингиз ака гапи охирида:

— Биламан, ораларингизда санъатга, Маҳлиё Фозиловага ҳавас қилиб ўтирганлар кўп! — деди. — Санъат эшиги ҳамиша очиқ бўлган, очиқлигича қолаверади. Бу эшикдан Маҳлиё ҳам бемалол кирган, сиз ҳам кира оласиз. Фақат жон куйдириб ишлаш, тинимсиз изланиш, энг камида ижодкор ўз олдига Осиёни забт этаман, деган мақсад қўйиши керак! Шахсан мен чекка қишлоқларда ҳам ёш-ёш талантларни кўрганман. Ҳеч бир устозсиз, ҳеч бир тайёргарликсиз шундай жўшиб куйлашадики...

Қулоқларим битиб, оғзим ланг очилиб, ҳайкалдек қотдим. Ўша — мен! У мен ҳақимда гапиряпти! Ахир, дугонамининг тўйида куйлаганимда, лол қолганини яширмаган эди-ку! Наҳотки, мени бутун элга мисол қилиб кўрсатяпти?! Воҳ, шу ерда ўтирганимни билармикан-а?!

Шунда қизик воқеа юз берди. Ўзим ҳам англамаган ҳолда ўрнимдан туриб, қўл силкиб, қичқирдим:

— Чингиз ака-а-а!..

— Ўтир! — Кимсан қўлимдан тортди. — Нима қиялпсан, Зарнигор? Калланг ишлайдими?!

Ранги қув учганини кўриб, тушунтирдим:

— У киши мен ҳақимда гапиряпти! Ҳозирги гапларини тўйда шахсан ўзимга айтганди... Эшит-япсизми, ўша менман!

— Қанақасига сенсан?! Одамни шарманда қилдинг! Улар ҳар куни тўйга боришади. Сен ҳақингда гапириб тентак эмас-ку!

Чингиз Давронов мени кўрди, аммо юзлаб одамлар ичида, айнан шу муҳташам залда учратаман деб ўйламаган чоғи, танимади. Боз устига келинчак либосида эканим ҳам чалғитди.

Кетар вақт бўлган эди. Кимсан судрагудек қўлим-

дан тортқилади. Кўзларим эса саҳнада. Саҳна ширин ҳаёт эди, эрим мени нариги дунёга — жаҳаннамга судраб борарди гўё. Қовоғидан қор эмас, дўл ёғарди унинг. Йўлакда одам тирбанд экан, бир муддат туриб қолдик. Шунда ўзимни тиёлмай, ялиндим:

— Кимсан ака... Кимсан акажон, илтимос, Маҳлиё Фозилова билан учрашайлик! Илтимос сиздан! Нега мендан хафасиз? Нима қилдим, ахир?! Продюсернинг исмини айтиш шунчалик шармандаликмиди? Ҳеч ким эътибор бергани ҳам йўқ. Концертга келган томошабин қарсак чалади, гул беради, ўйинга тушади. Нима, сизнингча, ҳайкалдек келиб, ҳайкалдек кетиш керакми?.. Кимсан акажоним, гапиринг...

Турмуш қурганимиздан буён биринчи марта эркаланишим, биринчи марта ноз-карашма қилишим, ялиниб-ёлворишим эди.

— Йўқ, — деди Кимсан қатъиятсизлик уфурган оҳангда. — Маҳлиё Фозилованинг ёнига яқинлашиб бўпсан! Ўзларича юлдуз бўлса! Нима керак итдай дум ликиллашиб!

— Ростдан ҳам юлдуз-да! Илтимос...

— Нега бунча қизиқиб қолдинг-а? Менга қолса, умуман келмасдим! Шуюм концертми? Шуюм артистми? Фонограмма, бачкана қўшиқлар, қилиқлар... Тезроқ кетайлик, кеч бўлди!

— Шунақа қиласизми? — деб нозли аразладим, аммо мустаҳкам қалъани маҳв этолмайдигандек, жаҳлим чиқиб кетди. — Одам эмас экансиз!.. Мужмал! Бўш... Қўрқоқ...

— Зарнигор! — деди Кимсан кўзларимга ғазаб-латикилиб. — Шунча йўл босиб, Тошкентга келиб, шу ерда бир тийин қилиб... — Бояқиш гапидан адашиб, қалтираб-қақшаб, қулт этиб ютинди. Хотини томонидан ҳақоратланган, хўрланган, устидан бир тоғора мағзава ағдарилган эр деб билмоқда эди ўзини.

— Бўпти, кетамиз... — Юзим буришиб, қовоқларим пир-пир учганини, кўзларимдан нафрат қайнаб

чиққанини ҳис этдим. — Ҳеч нарса керакмас... Қариндошингизникига ҳам бормаймиз, тўғри уйга қайтамиз, кечқурун вилоятга машиналар бўлади...

Тасодифни қарангки, шу пайт эшиклардан бири очилиб, Чингиз ака шошилганча чиқиб, кўча эшик олдидаги кишига алланимани тайинлай бошлади. Издиҳом бизни суриб, унинг ёнига олиб келди. Халқ учун Давронов шунчаки фуқаро эди, холос, ақалли бирор йигит ёки қиз тўхтамас, бирга суратга тушишга, дастхат олишга қизиқмас, айримларигина бир қараб қўярдию йўлида давом этишарди. Аразимдан асар ҳам қолмай бутун вужудим яшнаб, у кишига талпиндим.

— Чингиз ака, — дедим, эрим қўлимдан тутиб қололмади. — Бу мен — Зарнигорман!

У ялт этиб ўгирилди: бир менга, бир Кимсанга қаради.

— Тўйда учрашгандик, дугонамнинг тўйида!.. Эсингиздами, Гуллоланинг қўшиғини айтгандим... Курсдошингиз Эсонбой ака бизни таништирганди. Роса мени мақтагандингизу...

— Қайси Эсонбой? — таажжубланди у.

— Эслолмаяпсизми, Чингиз ака? Мен Зарнигорман... — Шундай дея яна Эсонбой акани, туманимизни, ўша тўйни қайта тилга олдим.

— Зарнигор! — Бечора эрим аламдан йиғлаб юбораёзди.

— Эсонбойми?.. Э-э!.. — дедию Чингиз аканинг юзи ёришди. — Эсладим, нега эслолмас эканман! Қандай, Эсонбой яхши юрибдими? Бу дейман, турмушга чиқибсиз-да? Куёвми? Бахтли бўлинглар, бахтли бўлинглар! Одатда ўзбекларда бир кўрган таниш деб, тўйга айтишарди?

— Маҳлиё Фозилова билан учраштиролмайсизми? — дедим етдим деганда эрим ишнинг пачавасини чиқаришдан қўрқиб шошилар эканман.

— Кимни? Сизларними? Гап йўқ. Қани, кет-

Азамат ҚОРЖОВОВ

дик! Нима гап ўзи? Тинчликми? Ижодни бошламоқчимисиз?

Концертхонанинг менга номаълум қандай жойлари борлигини ўшанда кўрдим. Рақс ўрганиладиган кўзгуванд хона, либосхона, гриммхона, дам олиш хоналари...

Торгина йўлакдан чапдаги хонага кираётиб, ди-моғимга сигарета ҳиди урилди, қулоғимга шанғи аёлнинг сўкиниши эшитилди:

— Эй ипλος, концертим санинг ташвишинг эмас девопману!.. Сан ўзинг шаллақисан! Етти минг долларингни ҳозироқ жўнатвораман!.. Козёл! Туршак!

Чингиз ака бизни остонада бирпас ҳаяллатди, сўнг киришимизга ишора қилди. Мен остона ҳатладим, ҳафсаласи пир бўлганиданми, довдираганиданми, Кимсан йўлакда қолиб кетди. Ичкарида Маҳлиё Фозилова ва мен танимаган икки аёл, бир хўппасемиз эркак ўтирарди. Дастлаб лол қолдирган нарса Маҳлиё Фозилованинг оддий аёлларга ўхшаган шунчаки бир хотин экани эмас, бир қўлида сигарета, иккинчисида телефон, сўкингани эди. Чингиз ака гапни кўпиртириб, олис қишлоқдан атайин уни кўришга келганимни, санъаткор бўлиш орзуйим борлигини, бунинг учун ҳамма нарсадан, жонимдан ҳам кечишим мумкинлигини айтган эди, хонанда сигарета чекиб, деди:

— Яхши. Хурсандман. Лекин Чингиз ака у сизни кўришга келган, менимас. Боринг, хонангизда гаплашинг.

— Маҳлиё, балки бир-икки оғиз тилак билдирарсиз?

— Нима?.. Ўзиям «таранг нарса» экан, доим шунақасини орзу қилиб юрардингиз. Боринг, тилакларни менинг номимдан айта қолинг. Ахир, продюсерсиз!

— Маҳлиё... — деди Чингиз ака эзилиб.

— Бундай соҳибжамол хонимни умрим бино бўлиб

кўрган бўлсам, шу ердаёқ тил тортмай ўлай, — деди хўппасемиз қилт этмай ўтирган кўйи. — Актрисалик уқуви бўлса, Чингизбой, кастингимизга олиб келинг, янги фильмимга жуда мос шекилли.

— Ўртангизда нимадир бўлмаса, минглаб мухлислар ичидан уни ҳузуримга олиб кирармидингиз?! — деди Маҳлиё Фозилова. — Отингиз нима, синглим? Узр, шунақа асабий, қўполманки, бу менинг айбим эмас! — Хонанда менга энди тик боқди. — Исмнингиз деяпман?

— Зарнигор.

— Зарнигор, чекасизми?

— Йўқ, — деб довдирадим.

— Ичмайсиз ҳам, юрмайсиз ҳам, минг хил мақомга кирмайсиз ҳам! Шундоқми? Жуда яхши-да! Ҳойнаҳой, эшик орқасида куёвингиз турган бўлса керак? Маслаҳатим, куёв йигитни санъат деб тасаввур қилинг! Оила эса ижод маҳсулингиз! Мухлислар эса ҳамиша топилади, ғам еманг! Бу дунёда бир оғиз ғийбатингизни қилган ҳам, ҳавасу ҳасаддан ёнган ҳам бирдек мухлисингиз! Мухлис деганда ана шунақа тоифаларни тушунаверинг. Сиз ҳақингиздаги энг бадбўй миш-мишни ҳам мухлислар тарқатади. Тушунарлими?.. Келинчакмисиз?

— Ҳа.

— Халқнинг эмас, куёвингиз билан қайнота-қайнонанинг хизматини қилинг! Ўшалар сиз учун халқ! Омон бўлинг, сингилжон!

Чиқиб кетаётгандик, Маҳлиё Фозилованинг яна бир қўпол гапи юрагимни тешиб юбораёзди:

— Чингиз ака, кейинги сафар сўкиниб, сигарета чекаётганимда эмас, душда ювинаётганимдами, кийим алмаштираётганимдами, одам олиб киринг, майлими?!

Йўлакда Чингиз ака мингиллади:

— Жуда қўпол-да шу Маҳлиё! Сал этикага риоя қилса бўларди. Эшакка ўхшаб, тумшуғи кўтарилди-

ми, фақат ҳанграйди. Юргандинг ўн йил аввал маданият уйларида пианино чалиб!

Кимсанни тополмай аланглагандим, бино қўриқчиси йўлак бошига ишора қилди:

— Куёвингиз анави ерда.

— Зарнигор, — деди Чингиз ака, — кўрдингиз, ҳамма санъаткорлар ҳам сиз ўйлаганча эмас. Менимча, куёв билан Тошкентга келиб, санъат ҳақида ширин ҳаёллар суриб юрибсиз. Санъаткор бўлиш учун қанча ҳаракат, қанча пул, мустаҳкам асаб, қаттиқ меҳнат керак. Маҳлиёдек хотинлардан шаллақиликни ҳам бир чимдим ўрганиш зарар қилмайди. Буларга чидармикансиз?

— Жон деб чидайман, Чингиз ака, лекин мен... афсуски, қишлоқда яшайман. Сиз борган қишлоқ туман маркази биқинида эди, шаҳардай гап. Эримнинг қишлоғи эса ўттиз километр ичкарида, тоғ орқасида, одам оёғи етмаган жойлар... Тошкентга биринчи марта келишим, балки шу охиргиси ҳам бўлар. Шунчалик орзу қилгандим Тошкентда яшашни, хонанда бўлишни...

— У ҳолда... энди нима қилмоқчисиз? — узрхоқ жилмайди продюсер. — Сизни Тошкентга кўчиб келмоқчи, ишламоқчи деб ўйлабман.

— Йўқ, кўчиб келолмаймиз...

— Манави хонага кирайлик.

Кирдик. Бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Агар куёвингиз рози бўлса, — деб сирли оҳангда гап бошлади Чингиз ака, — сизга баъзи йўл-йўриқларни кўрсатаман. Куёв қаерда ишлайди?

— Ҳеч қаерда. Уйда мол-қўйлари бор, чорва билан тирикчилик қилади. Йўл-йўриғингизга у ҳам, қайнонам ҳам ҳеч қачон кўнишмайди. Қайнонам магнитофон эшитишга, тўйда аёллар билан ўйнашга зўрға рухсат берадию, артист бўлишимга қўядими?! Жудаям қийналиб кетдим, Чингиз ака. Ўша тўйда маст эркаклар пул қистиргани учун отам куёвга узатиб

юборди, Камчаткага тушдим! Энди нима қилсам экан, деб бошим қотяпти. Шундай яшайвераманми хор бўлиб? Ё ажрашиб кетсаммикан?

— Дарров-а? — деди Чингиз ака. Назаримда, у қувонгандек бўлди.

— Санъатнинг кучини ҳис қиляпман, кўзимга оила ҳам кўринмаяпти.

— Кўп сиқилманг. Биласизми, ютуғингиз нима? Сиздан ажойиб тўйбоп артист чиқади! Дугонангизнинг тўйида кўриб, оғзим очилиб қолган! Ўшандан бери сизни ўйлайман! Боя сахнада ҳам сиз ҳақингизда гапирдим! Лекин бизнинг қизларнинг ҳаммаси ҳам эркин қуш эмас, эгалари бор: отаси, тоғаси, ака-укаси, эри! Сиз ҳам шундай! Агар санъатга кирсангиз борми, миллионер бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас! Шундай санъаткорларни кўряпмиз, аслида халқ артисти, лекин тўйи йўқ. Мана, Маҳлиё! Унинг ҳам даври ўтмоқда, одамлар тўйга кам чақиряпти! Қанийди, куёвни кўндириб, Тошкентга келсангиз, студияда икки-учта қўшиғингизни ёзиб, радиоларда «айлантириб», кейин тўйларга одамларнинг ўзлари чақирадиган қилиб олсак. Санъаткорнинг тирикчилиги тўй билан! Тўйдан пул топиб турсангиз, телевиденияга чиқасиз, клиплар ишлайсиз, янги-янги қўшиқлар ёздирасиз. Пул бўлгандан сўнг у ёғи ўз-ўзидан юришиб кетаверади.

— Уй-чи? — соддадиллик билан сўрадим.

— Уйдагиларми? Уларни кўндирмоқчимисиз ё ажрашиш ниятингиз қатъийми? Санъаткор учун оила керак, лекин, тўғриси айтсам, Зарнигор, ҳали ёшсиз, оила жуда катта роль ўйнамайди...

— Тошкентдан уй олишни айтяпман. Ижара ҳақи жуда қиммат деб эшитганман, уй сотиб олишга пулимиз йўқ...

— Ўзингиз ҳам шоколадсиз, гапингиз ҳам! Оббо сиз-ей!.. — кулиб юборди Чингиз ака ва қўлларимдан тутди. — Отангиз қаториман, қўлингизни ушлаб

гапираётганимни нотўғри тушунманг. Агар санъатга кираман, десангиз, телефон рақамимни бераман, устозлик қиламан. Бу масалада бир тўхтамга келсангиз, фақат менгагина қўнғироқ қилинг, хўпми? Эсонбой курсдошимга ҳам бир оғиз гапирманг! Улар бизни тўғри тушунмаслиги аниқ! Шоу-бизнесда ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Ҳеч қайси бири артист бўлиб ном қозонишингиз учун бекорга пул тикмайди. Бу гапни умуман ёддан чиқарманг, тушундингизми?.. Уй дейсиз-а! Ҳар куни бир минг-икки минг доллар тушиб турса, данғиллатиб ҳовли қурасиз, Чорвоқдан дала ҳовли оласиз, «Ласетти», «Мерс» — нима хоҳласангиз, минасиз. Мен кафолат бераман, Зарнигорхон!

Йўлакдан Кимсаннинг овози келди:

— Улар қайси хонада, ака?

Қўриқчи йигит жавоб берди:

— Бу хонада шекилли.

— Хўжайиним... — дедим юмшоқ ва илиқ қўллардан оҳиста суғурилиб чиқарканман. — Хайр, Чингиз ака.

— Гаплашамиз. Телефон қилинг.

Чингиз ака телефон рақамлар ёзилган қоғозчани узатиб, кўз қисди-да, боравер, дегандек имо қилди. Ширин жилмайиб бармоқ учларини қимирлатиб, хайрлашдим. Ишонасизми, шунда юрагим ғалати энтикиб кетди. Чингиз акани аввалгидан беш баравар ёқтириб қолгандим. Шу кеч Кимсаннинг қариндошиникида тунадик. Намозхон одамлар экан, оиламизда ҳеч ким ибодат қилмаслигини эшитиб, панд-насиҳатлар билан миямни ачитиб юборишди. Ёстиққа бош қўяр эканман, на панд-насиҳатни, на шаҳри азимда таҳсил олаётган синфдошим Шохрухни ўйладим. Тушимга саҳна кириб чиқди. Концертдан сўнг либослар хонаси олдида бир неча басавлат эркак қўлларида машина калитларини ўйнатиб турганмиш. Чингиз ака қувончдан терисига сиғмай дебди: «Бойваччалар тўйга айтиш учун

навбатда турибди, Зарнигор! Икки минг доллардан!.. Биласанми, агар санъат йўлини танлаб, кўп нарсадан воз кечолмаганингда, икки минг долларни умр бўйи қўлингга ҳам ушламасдинг! Бу ҳафта тушган пулларга қайси бирини оласан: уйми, машинами?..»

2. АЖРАШИШ ОРЗУМГА АЙЛАНДИ

Она қишлоғи Чангакка келгунча Кимсан қовоғини очмади. Мендан ёмон аразлади. Яхшиям, синфдошлари каби қаҳри қаттиқ эмас. Йўқса, Тошкентдан тобутда қайтармидим.

Ҳар ҳолда анойи эмасдим. Чингиз ака билан хонада ёлғиз қолганимни, қўшиқчилик касби ҳақида гаплашганимни, ташриф қоғози берганини сир тутдим. Тушимни-ку сувга ҳам айтмадим. Шушу Тошкент сафари ҳаётимни ағдар-тўнтар этиб, эсудардим санъат бўлиб қолди. Бурунги кунларда рўзгор ишларига эпсиз эдим, энди эса қўлимни совуқ сувга ҳам урмай қўйдим. Яхшиям, иккиқат эканман, баҳона бор: бошқоронғилик.

Уйга қамалиб олиб, яширинча қўшиқ хиргойи қилардим. Гулчеҳра ҳамма юмушларни дўндириб, мени бало-қазолардан бирмунча вақт сақлади. Узунқулоқ гапларга қараганда, қайнонам қўни-қўшниларга: «Қариндош билан қуда бўламан деб, мен шўрлик энди улардан бутунлай жудо бўлмасам эди. Бу келин роса куйдирыпти! Умуман келинлиги йўқ! Чиройига нон ботириб емайман-ку!» деб нолиётган эмиш.

Бошимга шармандалик тушмасидан бир ойча аввал қайнонамнинг хонасига кириб, шундай дедим:

— Эна, сезиб юрибман, мени нотўғри тушуняпсиз. Сиз ўйлаганчалик эпсиз келин эмасман. Отамнинг ҳам эркатоий бўлмаганман. Айбим — яхши яшашга интилиш, бошқа айбим йўқ менинг.

Қайнонам дарров қовоқ уйиб, кўзимга ташвиш-

манд тикилди. Бу нигоҳда ғазаб ўти гуриллаб ёнмоқда эди. Чангак аҳлининг шу тахлит феълига на йиғлашни, на кулишни билардим. Танқид ёки бошқа бир аччиқроқ ҳақиқатдан оғиз очдингизми, ўзларини худди уриш эшитаётгандек ҳис этишарди.

— Сени қачон эпсиз келин, отасининг эркаси дебман? Ҳали туҳматларинг ҳам бормиди? Кун бўйи бекорчиликда нима қилади десам, гап кавлаб ўтираркансан-да?

— Туҳмат қилмадим-ку, эна, сезиб юрибман, деяпман. Илтимос, мени бекорчи ҳам деманг. Сиз билан нима учун бирор нарсани бемалол гаплашишнинг иложи йўқ? Дарров одамнинг ёмон томонини кўриб, гапни ҳам ёмонликка оласиз. Олдингиздан бир ўтай, маслаҳатлашай, гапим ичимда ётмасин, деб кирдим.

— Гапни ўшшакдан бошлама! Тўғри гапир, тушунаман! Мен одамман, тоғнинг бошида юрган девона эмасман... — Қайнонам эзмалик билан эътирозлар билдиргач, ип йигиришдан тўхтаб, урчуғини тиззасига қўйди. — Гапир, нима дейсан?

— Ифво қўзғаш ниятим йўқ. Яшашимиз ҳақида сизга гапирадиган гапларим бор...

— Яшашимизга нима қилибди? Қани, эшитайликчи.

— Тонг-азонда сигир соғишим, енг шимариб таппи қилишим, қўл куви пишишим, уйдаги ҳамма шарт-шароитга «аввалдан шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлади», деб чидашим, кўникишим шарт эмас. Бутун умрни шунақа ҳаётга бағишлашим ҳақида ўйласам, тўғриси, қўрқиб кетаман. Эна, хафа бўлманг-ку-я, ҳаммаларингиз: сиз ҳам, шу қишлоқдаги одамлар ҳам қотиб қолгансизлар, ҳаёт шу деб ўйлайсизлар. Сахарлаб турмасдан, эртадан қора кечгача ишламасдан, жонни кўп қийнамасдан ҳам яхши яшаш мумкин-ку. Урчуқ йигиришнинг эса умуман кераги йўқ. Нариги қишлоқдаги тўйларга эшакда борасиз, эшак миниб юриш уят эмасми? Ўз

кунимизни ўзимиз таппига қолдираётганимиз-чи? Нима, дунёда газбаллон деган нарсалар йўқми? Балки шаҳарга, район марказига кўчиб кетиш керакдир? Бутун дунёда одамлар шаҳарга интилиб яшайди. Бир вақтлар мол-қўйдан бошқа тирикчиликни билмаган одамларгина бунақа жойларга ўрнашган...

— Тўхта! Камбағалсизлар, уйларингизда яшаб бўлмайдими, демоқчимисан? Авваламбор, Худойга шукр қилсанг, биринг икки бўлади. Кейин ўнг қулоғинг билан ҳам, чапи билан ҳам эшитиб қўй: бева бошим билан икки фарзандни ҳеч кимдан кам қилиб қўйганим йўқ. Қишлоқнинг бойи бўлмасакда, энг яхши оилалариданмиз. Ҳм, ана шунақа!

— Туғилган жойим деб бир умр шу ерда яшаш шарт эмас. Балки шаҳарда яшаса, одам ўзидаги...

— Кимсанжон айтганди, — гапимни шартта кесди қайнонам, — шаҳарда яшаш азалдан орзуйинг экан. Мен тирик эканман, ҳеч қачон шаҳар-пахар деган гап кетмайдими.

— Ундай деманг, шаҳарда аввал бир яшаб кўринг. Ҳаёт бутунлай бошқача.

— Сен шаҳарда яшадинг дейлик, кунингни қандай кўрардинг? Кўчада писта сотармидинг?

— Олдингиздан бир ўтай, деб шу ҳақида гапирмоқчийдим-да, эна. Тошкентга, концертга борганимизда катта артистлар, артистларнинг продюсери билан учрашдим...

— Эшитдик. Сағана қолгур, аёл боши билан сўкиниб гапираркан, сигарет чекаркан.

Кимсан кўзимга яна бир марта хотинмижоз бўлиб кўринди. Ҳамма гапни онасига айтадиган йигитларни жинимдан ҳам ёмон кўрардим. Писмиқ! Мижғов!

— Улар менда талант бор, дейишди... — тишимни тишимга босиб сўзладим.

— Ё Баҳовуддин!.. — Қайнонам ёқасига туфлади. — Ростдан Тошкентга бориб, артистлик қиламан, деб ўйлаб юрибсанми? Вой, шарманда! Шўргинам бор!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма-е, калланг қурсин! Отангга бир арз қилмасам, юрган эканман ана тузалар, мана тузалар, деб!

— Тошкентга демаяпман-ку...

— Тошкентдами, бошқа гўрдами, артист бўламан, деяпсан, шундайми? — тутаб кетди қайнонам. — Шунинг учун миямни қотириб ўтирибсанми?

— Ўзимизнинг районга кўчиб борсак, ижодни бошласам, ўғлингиз доим ёнимда бўлади, мен билан бирга ишлайди. Кун-кун ора сиздан хабар олиб турамиз. Нимаси ёмон?

— Биттаю битта келиним отарчи, яллачи, Худо қаргаган ўйинчи...

— Эна, қўйинг шунақа гапларни! Артист дегани ўғри-ғар дегани эмас! Бировнинг касбини билмасдан ёмонлаш гуноҳ, намозхонсиз ахир! Уларнинг орасида пок юрганлари кўп! Нега бунча гур-р этиб оловланаверасиз-а?! Кўрасиз, тез орада машҳур бўп кетаман. Бир кунда уйга икки минг долларлаб пул тушадиган бўлади ҳали! Бу — ҳар куни тўртта сигирнинг пули дегани! Тўртта сигир ҳар куни-я! Бир ойда қанча бўлишини биласизми? Ўйлаб кўринг!

— Ўйлаб кўрмайман! — қичқириб юбораёзди қайнонам. — Эсингни еб, тентак бўп қопсан! Эртагаёқ отангга бориб, ҳамма кирдикорингни бир бошидан айтаман!

Ростдан ҳам эртасига отамнинг олдида бордик. Бироқ аҳмоқона даъво юзасидан эмас, отам инфаркт бўлиб, шифохонага тушиб қолганди. Қўни-қўшнилари: «Ойдеккина хотинга айланибсан, чақалоғингни эсон-омон қўлингга олвол», деб ўргилиб-эврилиб парвона бўлишди. Кечки овқатдан кейинги суҳбатда қайнонам онамга деди:

— Зарнигордан хафа эмасман, бизнинг қишлоққа, рўзғорга энди-энди ўрганияпти. Лекин... шу бир орзуси бор, ҳеч ташламаяпти-да.

— Муштдайлигидан артист бўламан, деб куйдирарди, — деди онам. — Яна бошламадимми, ишқилиб?

Мен эса миқ этмай алам билан бош эгдим. Ҳарҳолда қайнонамнинг олдида онамни қопишга бурунгидек журъат этолмадим.

— Келиним, қизим ёки синглим тугул, — деди қайнонам, — ҳатто қўшнимнинг қизи артист бўлса, эл орасида бошимни кўтариб юролмайман. Зарнигор эса шаҳарга кўчайлик, районга кўчайлик, артистлар кунига фалон пул топади, дейди. Ўзингиз ҳам бир нима деб қўйинг. Бегона эмасмиз. Томир бойлашайлик деб қуда бўлдик, у эса... ҳеч тушунмайман шу орзусига. Қиз нарсанинг... келиннинг артист бўлиши... Худойнинг бизга раҳми келсин, деб намозларимда илтижо қиладиган бўп қолдим. Эл-юрт олдида юзимиз ерга қарамасин дейман.

— Зарнигор, — пешанаси ажинга тўлган онам менга ўгирилди, — отангнинг ҳолини кўряпсан, инфаркт ўйинчоқ эмас. Агар шу гапларни эшитса, ўлдирасан-кутуласан! Ўлмаган тақдирда ҳам... — онамнинг овози қалтиради. — ...ўлмаган тақдирда ҳам сени... сени оқ қилиб юборади! Эшитяпсанми?.. Бир гал менга шундай деганди... Энди тўйда қўшиқ айтмайди, деб йиғлаб-ёлворганман. Нима етишмайди сенга?

— Вой ўлмасам! — қайнонамнинг кўзлари ола-кула бўлди. — Аввал тўйларда қўшиқ айтармиди?

— Худо сақласин-е, опа! — соддагина онам ёқасини ушлади. — Бир дугонасининг тўйида қизлар ялинавериб, ҳоли-жонига қўймаган, шундан сўнг бир жуфтгина айтган. Отаси эшитибоқ эрга бериб қутуламан, деб эди. Мана, қизим энди сизники! Маҳкам ушланг-да-қўйинг! Қўшиқ айтаман деса, айткизманг. Ўлса ўлсин, қўшиқ айтмасин!

Қайнонамни ўй босди.

— Мактабда фаол эди, — деди онам ранг-рўйи оқаринқираб. — «Қувноқлар ва зукколар»ми, Янги

йил, Наврўзу линейками, ўртага шу чиқарди. Мактаб билан тўйнинг фарқига бормаган-да ёш қиз! Агар ҳамма шаҳарда яшаса, ҳамма артист бўлса, ҳамма кунига жарақ-жарақ пул ишласа, дунё дунё бўлади-ми, опа?!

Кутилмаганда шайтон қитиқлаб, кулиб юбордим.

— Нега куласан? Жийда-пийданинг тагидан ўт-дингми? — аччиқланди онам.

— Энг яқин қариндошларимизнинг тўйида битта-битта қўшиқ айтай, илтимо-о-с, — дедим қувлигим тутиб. — Икковингиз икки ёнимда қўриқчи бўлиб турасизлар. Майлими? Қўшиқ мен учун ҳаво, бўғиб қўймангизлар! Ахир, икковларингиз ҳам радиодан аёл артистларнинг қўшиқлари берилса, ёнбошлаб эшитасизлар-ку! Шунчаки мени элнинг кўзидан қизғанияпсизлар...

— Сенга кулги бўлса, бас, — деди онам баттар хафа бўлиб.

Бироқ мавзу ўзгарди, гўёки уларни ўз шартимга кўндиргандек хурсанд эдим...

Кун ўтган сайин қорним қаппая бошлади. Кимсан тўнғичи ўғил бўлишини жон-дилидан истарди. Мол-қўйларни боқишга дастёр бўлармиш. Менинг ўғлим подачи-я?! «Бекор айтибсан, сўтак! Барибир сен билан ажрашаман!» — дердим ичимда. Қайнонам «ўғилми, қизми, фарқи йўқ, фарзандми, фарзанд», деса ҳам, аслида ўғилдан мудгар эканини бекитолмасди. Бир куни алам билан дедим:

— Мен эмас, ўғлингиз санъаткор бўламан, деганида, ижозат берармидингиз? Албатта, ҳеч қандай қаршиликсиз артистлик қиларди. Энди билдим айбим нималигини! Қиз бола бўлиб туғилганман! Ҳаммангиз ўғил орзу қиласиз! Қизим туғилсин, санъат институтида ўқитиб, артист қилмасам...

— Э, жағингни юмасанми, йўқми?! — портлаб кетган қайнонам қўлидаги урчуқни отди, юзимни тўсишга зўрға улгурдим. — Артист, артист, ўл артист!

Бор, катта кўча! Чиқ-да, дуч келган эркакка осилиб қўшиқ айт! Бошимга битган бало бўлдинг-ку, ер ютгур!

— Қарғаманг мени! Тирноқдай ҳам ҳаққингиз йўқ қарғашга! Бу ерда яшаганимдан кўра ўлганим минг марта яхши!

Аввал Гулчеҳра чопиб кирди, хонамга етаклади, кейин Кимсан ранги гезариб остона ҳатлар-ҳатламас менга бақира бошлади. Роса бақир-чақир бўлди. Нарсаларимни бир сумкага солдим-да, жўнавордим. Йўл бўйи кўз ёшларимни тиёлмадим. Эрдан ажрашиш оғир эканини илк бор юракдан туйдим, аммо тарозининг иккинчи палласида санъат турарди, ялтироқ ва қимматбаҳо. Тезроқ ажрашиб, тезроқ санъатга кирсам эди, бундай аросат даврининг чўзилишидан эзилиб кетдим.

Автобуснинг орқа ўриндиғида бир эркак билан ёнма-ён ўтирдим. Раҳмдиллик билан ҳол-аҳвол сўраган эди, қўлидаги телефонга кўзим тушди.

— Бир одамга қўнғироқ қилсам майлими, амаки?

— Жоним билан, — деди у телефонни узатиб.

Сумкамдан Чингиз Давроновнинг ташриф қоғозини титкилаб топдим ва рақамларни тердим. Назаримда, телефон эгаси ҳар бир ҳаракатимга, ҳатто бармоқ учларимгача сер солаётгандек туюлди. Чингиз ака ҳадеганда кўтаравермаганидан зиқ бўлдим. Телефон эгаси баҳонада бунча зимдан қарамаса-я. Шунда хаёлимдан «агар инсон енгил йўлдан юраман деса, қанақа оиладан эканию касбидан қатъи назар юради, юрмайман деса, хиёнат жарлиги ёқасида қад ростлаган санъат қасрининг энг хавфли, энг чекка айвонида турса ҳам жарликка қулаб тушишдан ўзини сақлай олади» деган дабдабали ўй ўтди.

— Алло, ким бу? — деди Чингиз ака. Телефондан шовқин-сурон, қаҳқаҳ кулгилар эшитилди.

— Мен... Зарнигор...

— Эшитилмаяпти!.. Зулхумор? Кечирасан, мен

«кампания» билан саунадаман. Келганимга беш минут ҳам бўлмадию!..

— Зар-ни-гор! — исмимни бўғинлаб айтдим.

— Бўпти, эртага гаплашамиз, — Чингиз ака алоқани узиб қўйди.

— Чангакданмисиз? — сўради эркак телефонини қопчиққа жойларкан. — Келин бўлиб тушганга ўхшайсиз? Кўз ёшларингизни кўриб, уйингизга аразлаб кетаяпсизми, деб ўйладим... Синчковлигим учун узр, синглим.

— Аразлаб эмас, бутунлай кетяпман.

— Хафа бўлманг, турмуш бор жойда уруш-жанжал ҳам бор.

— Менга... керакмас!

— Лекин, тўғриси айтганда, Чангак яхши жоймас, одамлари ҳам қасамхўр. Мана, бизнинг қишлоқни мисол келтирай, тилла конига яқин, шаҳардан фарқи йўқ. Уйим қасрдай, машинам ҳам бор. Ҳозир устада, шунинг учун автобусдаман. Хотиним билан ажрашмасимдан аввал айтганман: сен кетсанг ўрнингга келадиган хотин мени тушунадиган бўлади... — У бирмунча вақт гапни айлантириб, секин муддаога ўтди: — Нобоп эрдан бошидаёқ воз кечиш керак, эртага болалар туғилса, кейин қийин. Яхши хотинга ҳамisha эр топилади, нима дедингиз?.. Ие, бекатга ҳам оз қолибди. У ерда зўр сомса пиширишадди, икки куйган дил бир дардлашайлик, баҳри дилингиз ҳам очилади, синглим...

— Эй, менга қаранг, боядан бери нималар деб сасияпсиз?! — шарт ўрнимдан туриб, олд ўриндиқларнинг бирига ўтдим.

Эрсизликнинг тахир таъмини ҳали эримдан ажрашмай туриб татиб кўрдим. Нега одамлар бунақа-я? Балки олдинда бўш жой бўла туриб, айнан унинг ёнига ўтирганимни бошқача тушунгандир? Нима учун бир умр ўзгаларнинг фикрлашларига қараб иш тутиш керак? Фалончи ундай деб ўйламасмикан,

пистончи нотўғри тушунмасмикан?.. Балки мен қўполлик қилгандирман? Бир камим бегона эркак билан сомса ейишим қолувдими? Минг лаънат ҳаммасига!

Уйда отам пичоқ қайраб ўтирган экан.

— Сен кимсан ўзи?! — ўшқирди жаҳлини босиб ололмай. — Кимсан деяпман?! Менинг қизимми ёки ота-онасию жамики аждодларининг тайини йўқ бир дарбадарми? А?! Керакми сенга шу гаплар? Нега тутуруқсизлигинг билан бизни қийнайсан?

Бечора отам! Уйга етиб келгунимча қайнонам қўнғироқ қилган шекилли, худди эси оққан одамдек кўзлари қинидан чиққудек ўдағайларди.

— Ота, сизни соғиниб келсам, сиз... — гўлдирадим.

— Бор, онанг билан кўриш, бир пиёла чойни ич, кейин бу ерда қорангни ҳам кўрмай! Ҳе йўқ-бе йўқ аразлаб келадиған қизимнинг боридан йўғи яхши! Билдингми?! Артист деган сўз яна бир марта оғзидан чиқса, ўласи қилиб дўппосланглар, дедим, уриб майиб қилинглар, ўлдилинглар, дедим!

Кўзларим филт-филт ёшга тўлди. Отам мени жисмоний жазога лойиқ кўраётгани учунми, санъатдан айро тушириш йўлида ҳар нимага, ўлимимга ҳам рози эканликлари важиданми, билмайман. Ич-ичимдан ачишиб бўғзимга тиқилган хўрлик негадир шу ёқди.

Бир қултим чой ичмай, онам билан ҳам кўришмай изимга қайтдим. «Сендақа қайнонага ҳам, эрга ҳам мингдан-минг лаънатлар ёғилсин», деб Рухсат аммани ҳам, Кимсанни ҳам кела-келгунча қарғадим. Орзуларим рақамлаб чиқилса, биринчи рақамли орзуйим эрим билан ажрашиш эди. «Тинчгина ажрашсам, отам ўз кунингни ўзинг кўр, деса, маданият уйига ишга ўтсам...»

Шунда лоп этиб миямга бир ўй келди: санъаткор бўлишнинг йўли санъаткор йигитга (майли, у оддий маданият уйи ходими бўлсин) турмушга чиқиш эди.

«Чиройлиман, ёшман, агар ажрашсам, бирор доирачи, мусиқа ўқитувчиси менга уйланади», деб ўйладим. Ҳа, санъат салтанати чек-чегарасиз, унда фақат халқ артистлари эмас, ўқитувчилару репетиторлар ҳам бор, турмуши бузилган эса ҳар қандай соҳа ходимлари ичидан топилади.

Икки ҳафта ҳеч ким билан гаплашмадим. Тўшагимни ҳам алоҳида қилиб олдим. Марюса янга кўчада кўриб, танбеҳ берган эди, дедим:

— Биринчи кечада сиздек янга керак эди, энди ҳаётимизга аралашманг, ҳаққингиз йўқ! Янга нима, малай нима, иғвогар нима — аралаштириб юборманг, ўзингизга ёмон бўлади. Кимсан қайнингиз тўшакни алоҳида қилиб олди, деб сизга нолиган бўлса, охириги бир грамм обрўйи ҳам шу бугундан кетди. Ҳа, шу бугундан бошлаб у менга ҳеч ким эмас!

— Биласма, келинпошша, — деди ўрис янга, — сиздан ҳеч қачон артист чиқмайди. Сизники қуру орзу-ҳавас! Санъат нималигини биласма ўзи? Тўйда даврага чиғиб, тўртта қўшиқ ойтган билан иш битама! Шунчаки овоз, шунчаки ҳавас бор, холос. Ўн йиллаб тайёрланганлар, репетиция қилганлар яхши артист бўлолмаган. Артистлик ҳам қисмат! Қисмат бўлганда ҳам талантидан келиб чиққан қисмат, билдингизма? Сиз, келинпошша, «шизик»сиз, пул билан обрўни ўйлаган шизофрения! Санъатга тўйда қўшиқ ойтиб чиқмайдилар. Қўшиқ ойтиб санъатга кирганларни тўйга ойдадилар, хўпми?!

— Бунақа гапларни эшитишни ҳам истамайман.

— Ота-энам мени «музыкальный»да ўқитган, пианино совға қилган, лекин шу олис қишлоқда яшаяпман, чорва билан куним ўтяпти. Санъатда бирор янгилик қилишга ишонганимда эди, санъатнинг этагини қўйиб жермасдим. Менимча, сиз ҳали санъат нима, хабарингиз жўқ. Каллангизда тўёнлар, долларлар, телевизорга чиқишлар... Сизинг учун санъат шу!

— Сизга ўхшаб воз кечиб, бир чеккада чувалашиб юрадиганлардан эмасман, — дедим.

Шу кўйи биз қайтиб гаплашмадик. Рост, баъзан унинг гаплари тўғримикан, хонандалик, машҳурлик ҳақида хомхаёл сураётганмиканман, деб кўнглимга шубҳа-гумонлар ҳам тушди. Бироқ тўйбоп санъаткор бўлишимга, фақат Чингиз ака эмас, мабодо дарагимни эшитса, яна ўнта Чингиз акалар чиқишига имоним комил эди. Шухрат қозониш осон эмас, шунда ҳам нега энди Марюса янгага ўхшаб чекина эканман, дедим ўзимга-ўзим.

Декабрда қуёш чарақлаб, кунлар илимлик бўлиб қолди. Қор Янги йил байрамидан сўнг ёғармиш, деган миш-мишлар тарқалди. Шундай кунда Чангакда ҳам катта келин тўй белгиланди. Тўй эгаси шинаванда инсон эди, обрў ҳам талашарди. «Ўғлимнинг уйланиши тарихда қолади, Чангакда ҳали бунақаси бўлмаган, бўлмайди ҳам», деб Тошкентдан санъаткор чақиришга қарор қилди. Бироқ пули етмади чоғи, Самарқанддан хонанда ва раққосалар келишди. Бу тўйга қўшни келинлар билан мен ҳам бордим. Раҳматли қайнотамнинг узоқ қариндошларидан бири вафот этган бўлиб, қайнонам ўша ёққа кетган эди. Чангакда тўйлар кундуз ўтказилиши русум эди. Куёвнавкарлик, ФҲДЁдан ўтиш, фотосалонга бориш кабилар бажо этилгач, келинни пешинга яқин куёвникида кутиб олишар, болқон тутилар, ҳовлига кираверишда гулхан ёқилар эди. Тўй томошасига ҳам ёш-яланглар асосан пешинда боришарди.

Бўш жойлар бор экан, хотин-халаж, келинчакларни стол-стулга таклиф этишди. Ҳамманинг диққат-эътибори давра тўридаги келин-куёвда эди, мен эса санъаткорларга, раққосаларга тикилдим. Тикилдим улар ҳам тез-тез менга кўз ташлаб қўйишаётганини кўрдим. Мен учун завқли эди бу. Тез орада фикру хаёлим буткул уларга боғланди-қолди. Ҳар гал кўз

ташлаганимда қувончдан кулгим қистарди. Шу пайт орқада турган қизларнинг бири — шаддотроғи деди:

— Намунча ҳановлар бизга қарайди? Нима, одам кўрмаганми?!

— Артист ҳам одам, — жавоб берди бошқаси, — қарайди-да!

Қизлар кулишди. Кўп ўтмай ўйинчи иккала қўлини пулга тўлдириб, давра айланиб ёнгинамизга етди ва менга қўли кўксида салом берди.

— Ваалайкум! — қишлоқ қизлари мазах қилишди.

— Шунақа чекка қишлоқда маъбудани учратамиз деб ўйламагандик, — деди ўйинчи жувон.

— Маъбудаларнинг нимаси гўзал?! — гап отди шаддот қиз. — Улар ҳаттоки пешанасига каптар гўнг ташлаб кетса ҳам тозалашга жони йўқ. Мулла бобом шундай деган, ҳа-а! Янгам эса маъбудалардан минг чандон гўзал, билдингизми? Тенглаштирманг уларга!

— Мабодо телевизорга чиқмаганмисиз? — деди қизларнинг гапига парво қилмаган ўйинчи.

— Йўқ, — беихтиёр қўлимни кўксимга қўйиб, жилмайиб бош чайқадим, — чиқмаганман, опагон.

Очиғи, ўйинчининг гапи ҳайрону лол қолдирган эди.

— Шу қишлоқда яшайсизми?

— Ҳа. Келин бўлиб тушганман, — деб жавоб бердим.

— Сиз, тўғриси... ҳайрон бўлманг-ку-я, Дилижон эмасмисиз? Жуда ўхшаркансиз.

— Қайси Дилижон? Хонандани айтяпсизми?

— Ҳа. Икки йил аввал «Кўзларингда муҳаббат...», «Беоргина ёрим маним», «Сен, сен...» қўшиқлари билан машҳур бўлиб, шоу-бизнес олаmidан бирдан йўқолиб қолган қиз! Бировлар ўлган, бировлар чекка қишлоққа эрга тегиб, санъатдан умрбод воз кечган дейишганди. «Ўлган» деган гаплар ёлғонлигини билардим.

— Исмим Зарнигор. Икки йил аввал эмас, яқинда

турмушга чиққанман. Сиз айтган хонандани эшитганман, лекин, афсуски, у эмасман.

Қўшиқ тугаб, бир дам жимлик чўкди. Фафлатда қолган ўртакаш бир қўлида дафтар тутиб, микрофонга шошилди.

— Юринг, акаларнинг ёнига борайлик, — деди ўйинчи. — Ўзингиз айтмасангиз, улар барибир менга ишонишмайди. Юрсангиз-чи! Нега қўрқасиз? Қишлоғингиз-ку!

Қиз-жувонлар сафидан сирғалиб чиқдим. Бир пайт санъаткорлар ёнида ҳаммаси билан кулиб-кулиб ҳол сўрашяпман, «мен Дилижон эмасман», десам, улар баттар ишонишади, гоҳ чиндан, гоҳ ҳазилдан «йўғ-е, бизни алдаманг, ахир ашаддий мухлисларингизмиз», дейишади.

— Уни-буни қўйинг, қўшиқ айтасизми? — деб сўради қўшиқчи ака. — Биз энди сиздек телевизорга чиқадиган даражадамасмиз, машҳурлар ҳаётидан ҳам тўлиқ хабардор эмасмиз. Агар бу ерда яшашингизни билганимизда, аввалроқ келиб зиёрат-пиёрат қилиб кетардик. Ҳозир қўшиқ айтмай, илтимосимизни ерда қолдирсангиз, қаттиқ хафа бўламиз.

— Майли, жон деб куйлардим! — дедим жўшиб. — Лекин қайнонам ҳам, эрим ҳам рухсат бермайди. Ҳеч иложим йўқ.

— Э, мен рухсат олиб бераман! Шундай бир юлдузни учратдик, нега рухсат ололмас эканман?! Бу қишлоқларда бирор келинга, қизга ҳаддимиз сиғиб гапиролмаймиз, одамлари тошбўрон қилиб ташлашади-я! Сизни кўриб эса ҳамма қўрқинч унутилди!

Сўзга чиққан меҳмон тўй эгасини ҳам эргаштириб олганди. Айни шу он тўй эгаси нечундир биз томонга кўз ташлади. Кўз ташладию юзи янада чарақлаб, нима гаплигини суриштирди. Кейин менга таъзим қилгудек алфозда:

— Келинжоним! — деди сузилиб. — Бир умр садағангиз кетай, шу одамлар ҳам қўшиқчи эканингизни сезибди! Қалбида санъат бор инсон ҳеч қачон уни пинҳон тутолмайди. Битта куйланг! Биттагина!

— Ахир мен... — дея туйқус Кимсанни эслаб, тилим айланмай қолди. У қаердадир — шу атрофда менга қанчалар даҳшат билан тикилиб турганини тасаввур этдим. Эртага қайнонам ҳам хабар топади, кейин отам! Ҳолимга маймунлар йиғламаса эди!

— Бир бошга бир ўлим, — кўз қисди тўй эгаси. Мастликдан қип-қизариб кетган эди у. — Шу келиним куйламаса, тўйим бузилади, тамом-вассалом!

— Биламан, сиз Дилижон эмассиз, — қулоғимга шивирлади қўшиқчи, — лекин сизни зўр куйлайди, дейишди, илтимос, эшитайлик. Бир жуфт қўшиқ билан ҳеч ким ейилиб-кемтилиб қолмаган, нега уяласиз?! Одатда хизматга келган санъаткор ҳеч қачон нонини бировга бериб, ялинмайди. Кўряпсиз-ку, мен ҳаваскорлар мухлисиман!

Тўй эгаси ўзи микрофонни олди. Мени тўй аҳлига таништиргач, деди:

— Чангакни кўпчилик чекка қишлоқ дейди, лекин бир ҳақиқат бор: санъат чекка қишлоқларда ҳам барибир санъат! Яна шуни айтмоқчиманки, санъат шаҳарда туғилади, деган қоида дунёнинг бирор жойида йўқ! Мен тўй қилаётган эканман, тўйимда қишлоғимнинг санъаткорлари ҳам куйлайди, раққосу раққосалари даврага чиқади... Ҳов Кимсан! Кимсан қани? Чақиринглар бу ёққа! Эшитдим, келинимиз жудаям талантли экан, уйдагилари эса рухсат бермасмиш! Ҳой Рухсат чеча!.. Шу ердамисиз? Исмингиз жисмингизга мос бўлсин-да, чеча!.. Келмаганми? Кимсан ҳам йўқми? Нима бало бўлган уларга?

Эримни ҳеч ким тополмади. Кўнглимда ловиллаётган ҳадик ўти кучайди. Бироқ тўй эгаси қўлимдан тутиб, бир неча қадам олдинга бошлади,

аввал санъаткорлар, сўнгра тўй аҳли чапак чалиб, олқишлашди.

— Бунинг ҳеч уят жойи йўқ! — деди тўй эгаси томоғи йиртилгудек баланд овозда. — Зарнигор келин куйлайди, бошқалар ҳам навбати билан чиқади!.. Чангакликлар! Қолоқмисизлар?

«Йўқ» деган овозлар эшитилди. Микрофонни олдим. Эй кўнгиллари санъатдан сув ичганлар! Мен маст эдим! Олов ичига кириб боряпманми, сув ичигами, англолмасдим. Ҳамманинг кўзи менда эди, мен эса ҳеч кимни кўрмасдим. Яна микрофон қўлимда, яна давра меники, яна куйлаш сўралмоқда...

— Қайси қўшиқ? — пичирлади кимдир.

— Дилижоннинг «Беоргина ёрим маним»...

Карнайларни ёрган куй тўлқини ҳаммани қалқитиб юборди. Назаримда, рақсга тушмаган, ҳеч бўлмаганда, қарсак чалмаган бирор ким қолмади. Гўё мисли кўрилмаган истеъдодли хонанда эдим, қўл етмас юлдуз эдим, афсунгар қўшиқчи эдим. Куйладим, куйлайвердим!.. Гуноҳим учун Кимсанга тўй эгаси жавоб беради, қишлоқнинг энг обрўли одами, дедим ичимда. Яна бир кўнглим эса «ҳаммаси ёниб-кул бўлиб кетмайдими, отам оқ қилса ҳам қўшиқ куйлайман», дерди.

Ҳарҳолда дугонамининг тўйидаги хатони такрор-ламасликка уриндим. Пул узатганларга бош чайқаб, қўлларини қайтариб ташладим, ёнимга ҳеч зогни йўлатмай куйладим, куйлайвердим.

Учинчи қўшиққа ҳам талаб тушди. Шунда ўша шармандали воқеа юз берди: бир қарасам, рўпарамда басавлат эркак бир сиқим пул узатиб турибди. «Олмайман! Кетинг!» деб ишора қилдим, мен томон яна бир қадам ташлади, чекиндим. У бегона эркак эди, тўй эгасининг узоқ қариндошларидан ёки курсдошларидан, шекилли. Нигоҳлари бунчалар совуқ, бунчалар беҳаё бўлмаса! Ахир, шу қишлоқ

келини эканим, отарчиларга алоқам йўқлиги айтилди-ку, қайси калла билан хиралик қилмоқчи?..

Ва устимга пул сочиб юборди! Чангак болалари пулларга чумчуқлардек дув этиб ёпирилишди. Тўсатдан эркак белимдан қучиб, кўтарди, оёғим ердан тизза бўйи узилди. Нақоратни айтиб бўлган эдим, шўх куй карнайлардан сочилиб, тоғларни ҳам ларзага келтирарди, қанчалик шўх куй бўлмасин, бир зумда бахтсизлик келтирувчи шовқин-суронга айланиб қолди. Қичқирдим, қарғадим. Оёқларимни типирчилатиб, қўлларим ила унинг елкаларига ура бошладим, қани қўйиб юборса! Без бўлиб тиржайганча мени кўтариб ўйнай бошлади. Балки бу ўн сония давом этгандир, балки йигирма, аммо асрларга чўзилиб кетгандек туюлди. Ҳеч ким қутқармади, ҳатто Кимсан ҳам. Ширакайф эркак мени бир айлантириб, ерга қўйди. Тимдаламоқчи бўлган қўлларимдан маҳкам қисиб, белимга қайириб олди-да, ёноғимдан ўпди. Тўйхона кулгига тўлганини кўрдим, одамлар учун мен томошага қўйилган ошқовоқ эдим гўё. Бировнинг устидан ҳеч бир виждон азобисиз кулиш уларга жўн бир эрмак эди.

Ғала-ғовур, кулги, тўполонни ортда қолдириб, кўчага йиғлаб чиқдим. Қайнсинглим ортимдан қувиб, зўрға етиб олди. Юпатмоқчи бўлди, аммо жуда-жуда кеч эди, қандай ҳам юпатсин! Йўл-йўлакай эркакни қарғаб бордим. Энг ёмони, ҳозир қаерга қочишни билмасдим. Шундай бир қопқонга тушган эдимки, ўлибгина қутулиш мумкин эди. Бироқ эримнинг уйидан бошқа қаёққа ҳам қочардим? Ҳар бир шармандаликдан сўнг ўлиб кетилаверса, санокли одам қолади-ку бу дунёда.

Ҳовлига яқинлашганимда рангим бўзарганини сездим. Изтироблар исёни мени тез орада еб-битиришини ўйлаб, қадамимни секинлатдим. Кимсан биздан аввалроқ етиб келиб, ниманидир бор кучи билан тарақлатиб уриб синдирмоқда эди. Гулчеҳра

ҳолимга қараб акасининг жазавасидан қўрққанга йўйди чоғи, деди:

— Янга, юраверинг, акамга ўзим тушунтираман.

— Нимани? — дедим талмовсираб.

— Қўшиқ айтганингизни, анави песнинг қилигини...

— Йўқ, қиз бола, тушунтирманг... Мен барибир қўшиқ айтавераман... Бунақа қўрқиб яшагандан ўлганим яхши... Қучоқласин, дебманми?! Устимдан пул сочсин, дебманми?! Энди ҳаммалари «қўшиқ айтмаса, шу иш бўлмасди», деб мени ейишади!.. Лекин мен ейилиб қолмайман! Тўйдим! Ҳаммасидан тўйдим!..

Кимсан болтанинг орқа томони билан альюмин тоғорани кучи борица уриб, пачоқлаётган эди. Бизни кўриб, болтани ошхона эшигига отди.

— Йўқол! Сен билан яшамайман, бузуқи! — деб бўқирди менга.

Тоғорага қарадим: тўйга боришдан аввал унга шимларини ивитиб қўйгандим, ҳозир кийиб олганига эса лой сачраб, расво бўлган эди.

— Гулчер! — қичқирди Кимсан синглисига. — Амакиникига шу кийимда ҳам кетавераман! Уйга қараб ўтир, энам билан келгунимизча уни уйга киргизма! Энамни чақириб келиб, шу бугун ажрашаман! Бу ифлос энди янганг эмас, эшитдингми?!

— Ҳимоя қилиш ўрнига ҳақорат... — дедиму гапиришдан фойда йўқлигини тушуниб, гапимнинг яримини ютиб юбордим.

— Телефон қилайлик, ака, бориб юрасизми! — ялинди қайнсинглим. — Энам келгунича сизга тушунтириб бераман...

— Телефон ишламаяпти!!! — Кимсан шундай бақирдики, бўғзидан чиққан овоз бегона ва ёввойи эди. Кейин энг қўланса сўзлар билан сўкинди-да, ҳовлидан югуриб чиқиб кетди.

— Нималар қилиб қўйдингиз? — Гулчеҳра менга

қараб йиғлаб юборди. — Умримда биринчи марта акамни бундай ҳолда кўришим! Ярашмаса, ростдан ажрашиб кетса, нима қиласиз? Ниятингизга етасизми энди?!

— Менга ҳеч нарса керакмас... ҳеч нарса... — деб гўлдирадим ва остонага чўкиб, бошимни чангалладим. — Ажрашса, ўзига яхши, мендан рўзгорбоп хотин чиқмайди... Кўп нарсага ақлингиз етади, тушунтиринг, отаси оқ қилса ёмонми? Нега «оқ қилиш», «талоқ» деган сўзлардан кўпчилик қўрқишади?

Гулчеҳра ёшли кўзлари билан менга анграйиб қаради.

— Янга, ҳазиллашяпсизми? — деди хавотир билан. — «Оқ қилиш», «талоқ» энг ёмон сўзлар! Агар, Худо кўрсатмасин, отангиз оқ қилса, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қийналасиз, акам «талоқ» айтса, хотини бўлолмайсиз! Муллага қайтадан никоҳ ўқитсангиз ҳам бир марта талоқ айтилган уйдан бахт кетади!

— Ишонмайман...

— Буни мен тўқимаганман, янга! Юз йиллардан бери бор нарса!

— Нега европалик, америкалик баъзи қўшиқчилар исталган номаъқулчилигини қилса ҳам, машҳур ва бой бўлишади, тарихда номлари қолишади?! Айримлари неча марталаб «оқ» бўлиб кетиши мумкин, неча-неча марта «талоқ»боп ишлар қилган! Гап фақат қандайдир сўздами? Йўқ!.. Ишонмайман...

— Ҳар бир гапингиз бойликка, машҳурликка бориб тақалади. Биринчи галда ўз бахтингизни ўйланг, янга, илтимос қиламан сиздан!

Гулчеҳра бошқа гапирмади, юзини тўсганча йиғлаб ўтирди.

— Ҳеч бўлмаса, қорнингиздаги болани ҳам ўйламадингиз-а? — нолиди бир оздан сўнг.

Ҳақиқатан, иш қайнсинглим кутганидек жиддий тус олди. Қайнонам ранг-қути ўчиб, пилдираганча

келди. Нима деб минғирлаяпти экан, десам, қарғаяпти: «Ҳе ўл, мундайчиқон келин бўмай», «илоё, артист бўлолмай ўл», «ўлигингни Худойдан қайтган эркаксимон хотинлар, хотинсимон эркаклар кўмсин», «Кимсанжонимга шу қишлоқдан қиз олиб бераман, узоқдаги акамнинг мундай қўтир эчкиси борлиги тушимга кирибдими!..»

Қайнонамнинг ортидан Марюса янга ҳам келди. Тўйда қўшиқ айтганим, қўшни тумандан келган маст эркак мени кўтаргани, ўпгани ҳақидаги овоза бутун қишлоққа ёйилган эди. Тўйдан қайтаётган ёш болалар ҳам ҳиринглашиб шу ҳақда сўзлашаётган, гувоҳ бўлолмаганларга кўпиртириб-тоширтириб сўзлаб бераётган эмиш.

— Мия жўқ, ай-йай-йай, — бошини сарак-сарак қилди ўрис янга. — Энди нима бўлади, Зарнигор келин?

Улар шошилмасдан, аммо қўполлик ила жамики буюмлар, мебеллар ва кўрпа-тўшакларни иккига ажратишди: Кимсан томонидан харид қилинганлар уйда қолдирилиб, мен билан келтирилганлар айвонга чиқарилди. Эшитганман, ажрашиш чоғида буюм талашишлар бўлади, улар ҳам мендан ҳадиксираётганларини сезиб, Марюса янгага:

— Бензин топиб бероласизми? — дедим. — Бу матоҳларнинг кераги йўқ, ўт қўйиб юбораман!

— Телефон қилдингми? Нимага лаллаясан? — қайнонам ўғлини койиди. — Юк тўла машина билан бирдан бориб қолиб, акамнинг қон босимини чиқариб қўймайлик тагин! Бунинг устига юрак касали бўлса! Битта бетавфиқни деб ота бечора ажалидан беш кун бурун ўлиб кетсинми?!

— Кўтармаяпти, — тўнғиллади Кимсан.

Можародан хабар топган, айни дамда тўйдан қайтган қўшни хотинлар жўрттага ҳалиги эркакнинг қилиғидан қайғуриб, қарғаб кириб келишди. Ботаётган қуёш остида никоҳ салтанатим ҳам синиб,

мажақланиб, майдаланиб, тарих қаърига равона бўлмоқда эди.

— Келинда айб жўқ, — деди бири, — тез жукларини қойтиб киргизинг. Нима-а дейсма? Зарнигарди қўшиқ ойтишга опчиқасан, деб артислар билан Кимсаннинг синптошлари келишиб, отайин уюштирипти. Хотини чиройли, бир боплаб қўшиқ ойтгизсак, Кимсан экови уришиб-жейишади, депти-да, ўнгсиздинг боллари! Тўйда қўшиқ ойтса озрашади, деб шарт қўйганларингизниям эшитган экан, тоза билиб қипти лекин!

— Нимани уюштирибди? — дедим ўрнимдан туриб.

Қўшни хотин фитнани ижикилаб тушунтира бошлади. Гапини охиригача ҳам эшитмай ичкарига йўл олдим.

— Қаёққа? Кирма уйга! Қадамнингни ҳам босма! — тутақди қайнонам.

— Бу қишлоқда, бу хонадонда бир кун ҳам қолмайман! — дедим кўзимдан учқун, оғзимдан олов пуркаб. — Ҳозир кетаман! Нима эмиш, гўёки синфдошлари қўшиқ куйлашимни уюштирган эмиш! Шунақа йўл тутилса оила бузиладиган қилиб қўйганларингдан сўнг нимани ҳам кутиш мумкин бу тентаклардан! Бутун қишлоқ — ёшингдан қаринггача томларинг кетган! Фақат фитна қилиниши керак бўлсагина қўшиқ айтоламан! Қўшиқ айтсам, уйдагиларимга шармандалик!.. Йўқ, чидаёлмайман!..

Орқамдан тўнғиллашди. Қалинроқ кийиниб чиқиб, жаҳлимни босолмай, яна дард-аламимни тўкиб солдим:

— Нима қилибди қўшиқ куйласам?! Менга жирканчлик қилган ўша кимсани қайтармайсанларми? Дўппосламайсанларми?.. Йўқ, бошидан айтганман — ҳамманг тентаксан! Ўзларинг ҳам бир гўр, қишлоқларинг ҳам! Отам оқ қилса ҳам бу дўзахда яшамайман! Санъаткор бўламан дедимми, санъаткор бўламан!.. Кимсан ака, талоғимни беринг! Нега

бўзраясиз? Сизга ўхшаган эрим бўлгандан кўра эрсиз ўтганим минг марта яхши! Беринг талоғимни!

— Вой ўлмасам! — аёллар баб-баравар ёқа ушлашди. Қайнонам миқ этиб оғиз очмади. Қовоқлари учиб-учиб, қўллари қалтираб-қалтираб, тугун тугаверди ва:

— Ўзинг тентаксан! — деди, холос.

Кимсан устимга бостириб келди.

— Мен ҳам энди сен билан яшамайман! — деди у. — Қорнингдаги боланинг уволи мени эмас, сени уради, чунки сен... на бизни, на отангни ҳурмат қилдинг! Талоқ сўрадингми, ўзингдан кўр...

— Кимсан, ўйлаб иш қил, — қайнонам киприк қоқмай тикилиб қолди.

— Кимсан, энангга қулоқ сол, — дейишди бошқалар ҳам.

Эрим қанчалар қийналаётганини сезиб турардим. Бироқ иккимиз ҳам ҳозир портлаб, икки ёққа қайтмас бўлиб учиб кетишимиз керак эди.

— Талоқ... — дедим тишларим такиллаб. Ич-ичимга ҳам қалтироқ кирди.

— Талоқ... — Кимсанинг кўзларига ёш тўлди, ихтиёрсиз равишда қорнимга, ҳар замонда қимирлаб қўяётган зурриёди томон кўз ташлади. — Талоқсан... Лаънат бўлсин сенга, Зарнигор... Одам эмас, ҳайвон экансан!..

Оғзимнинг бир чети тортишиб, кулганга ўхшаш ғалати ҳаракат қилдим. Қайнонам ҳиқ-ҳиқ йиғлашга тушди. Кимсан кўз ёшларини яшириш учун шарт ортига бурилиб, уй орқасига ўтиб кетди.

— Акажон!.. Янга!.. — Гулчеҳра додлай бошлади. — Нима қилиб қўйдиларингиз?! — У қўшни хотинларга юз бурди. — Нега қараб турибсизлар? Ҳали кеч эмас! Иложи бор-ку!

Ниҳоят, телефон тўлқинлари тоғнинг нариги томонидаги она қишлоғимнинг клуб кўчасида жойлашган қадрдон уйимда ўтирган ва бир лаҳзадан сўнг совуқ хабар эшитадиган ота-онамни ахтариб топди.

— Алло... алло... — деди Гулчеҳра телефонга ёпишиб. — Ҳа, мен... Гулчеҳраман!.. Йўқ, эшитмадик... Ҳеч ким телефон қилмади... Вой, нега?! Ҳозир бераман, мана... — Қайнсинглим югуриб келиб менга телефонни тутди. — Отангиз реанимацияда экан, тез йўлга тушсинлар, деяпти!

Онажоним юм-юм йиғлаб гапирди:

— Тезроқ йўлга чиқавер, болам... Отангни энди одам бўлмайди дейишди. Охирги марта кўриб қол...

3. САНЪАТ ЙЎЛИДА

Отам вафот этди. Кўнглимга таскин берадиган икки нарса бор эди: биринчиси, менинг айбим билан ўлмади, оилам бузилганини эшитишга улгурмади. Иккинчиси, санъаткор бўлишимга тўсқинлик қиладиган асосий тўсиқ отамнинг ўлими билан ўпирилиб тушди. Энди на отаси, на эри бор эркин жувон эдим. Онамни ва бошқа яқинларимни кўндириб, санъат йўлига киришимга ишонардим.

Бироқ бошқача бўлиб чиқди. Отам тирикдек, ичкарида, ўз хонасида дам олиб ётгандек ҳаммалари овозларини пасайтириб, аввалгидаги каби ҳурмат, ҳатто қўрқув билан сўзлашардилар. Бу жиғимга тега бошлади. Отамдан қанчалар ҳайиқардим, қанчалар қўрқардим-а! Энди эса вужудимни қоплаб ётган ҳадик офтоб нурларида эриган қор ҳовури сингари ҳавога кўтарилмоқда эди. Мен кутган кун тезроқ келишини хоҳлардим.

Нихоят, отамнинг «еттиси» ўтганидан сўнг онам ёнига секин чақириб, деди:

— Нега қайнонанг индамай жўнаб қолди? Сени бирга кетади деб ўйловдим. Куёв эса таъзиядан бери кўринмади. Тинчликми?

— Улар ўзи шунақа, ая.

— Қанақа?

— Шунақа дедимми, шунақа-да!

Онамнинг гумонлари тасдиқланиб, шундай ух тортдики, жаноза кунидагидек ҳушидан кетиб қолишидан қўрқиб кетдим. Ҳам эридан айрилган, ҳам қизи бебахт, есир бўлган эди.

— Ўша куни, ҳали отам ўлмасидан аввал Кимсан ит менга талоқ айтганди. Биз ажрашдик, ая!.. Сизга ҳаммасини тушунтириб бераман... — дедим ўзим билмаган ҳолда қорнимни силаб. — Ўлсам ҳам у ёққа қайтиб бормайман!

Онам ҳушидан кетмади, қорнимга бир қарадию ўрнидан инқиллаб туриб, нари кетди. Худди қайнонамдек қарғаганини эшитдим:

— Ҳе ўл куйдирмай...

Қўни-қўшни, қариндошлар юз берган воқеадан хабар топишди. Шу вақтгача менга меҳрибонлик кўрсатган аёллару эркаклар тўнларини тескари кийиб олдилар. Айниқса, онамга иккинчи фожиа жабр бўлмасин, деб мени Кимсан билан тезроқ яраштириш ташвишига тушиб қолишгани асабимни ўйнарди. Телефон орқали Рухсат амма билан гаплашиб, муаммони ҳал қилишолмагач, Кимсан иккисини уйга чақиришди. Эртасига қайнонам етиб келди, эрим қорасини ҳам кўрсатмади. «Баттар бўлсин!» — дедим.

Қайнонам барча кирдикорларимни шошилмасдан, паст овозда шундай ҳикоя қилиб бердики, дунёдаги энг маккора хотинга дуч келгандек ҳис этдим ўзимни. Бунчалик иқтидорли ҳикоянавислигини билмаган эканман, ҳатто Чангак шевасидан чекиниб, адабий тилда сўзлаб юборди-я! «Ахир, қайси она ўз фарзандига, ўз келинига ёмонлик соғинади?» деганида, очиғи, кулгидан ўзимни зўрға тийдим. Менга жим ўтириш қатъий буюрилган эди. Шусиз ҳам талашиб-тортишиш ниятидан буткул нари эдим: ёмонлайдию ёлғон дейманми? Истаганча қора чапласин, ҳар бир айтган сўзи санъат йўлига

бурилишим учун хизмат қилади. Эрдан ажрашиш орзум деярли ушалаётган эди-да.

Қариндошчилик жиҳатидан бизга у қадар яқин бўлмаса-да, ҳарҳолда салобати бор деб (балки Кимсан келса, никоҳ ўқитиш ниятидадир) қишлоғимиз мулласини ҳам чақиришган эди. Унга сўз теккач, мени мулойимлик билан айблаб, «дунёдаги энг буюк инсон, бу — эрининг измидан чиқмайдиган аёл», деди. Сўнгра ота-онаси тирик бўла туриб, зурриёдни она қорнидаёқ етим қилишнинг, уни отасиз ўс-тиришнинг, умуман, оилани сабабсиз пароканда этишнинг гуноҳи ва бу гуноҳнинг шу дунёнинг ўзидаёқ бўладиган жавоби ҳақида гапирди. Юрагимга оз бўлса-да, қўрқув ёки инсофга ўхшаш қандайдир муроса чўғи тушди. Бироқ фурсат ўтмай ўйладим: агар унинг гапи рост бўлса, нега айрим хонанда аёллар эридан неча бор ажрашган бўлса-да, эл-юрт орасида машҳур? Нима учун халқ уларни севиб тинглайверади? Ҳатто ўшаларнинг ароқ ичиши, сигарета чекиши, жойи келса, никоҳсиз ҳам яшаши мумкинлигини одамлар билишмайдими?..

Мана, мулланинг келини! Эсимни таниганимдан бери товони ёрилган оёғига эски калишни илдириб, бола кўтариб юради. Қопга айланган кўйлаги, минг йиллик байроқча рўмоли... Қўйингки, мулланинг гапига кирсам, мен ҳам чувриндисифат уй бекаси бўламан-қоламан. Уларга ўхшаб бир умр номим чиқмай яшаганимдан ўлганим дуруст эмасми? Яшаш — орзулар ушалиши! Яшаш — ҳар кимнинг ё ўзи, ё бир сабаб билан мажбуран танлаган умр йўли. Дарвоқе, мазкур фалсафамнинг инъикосини, ҳар икки важни ўзимда муштарак кўриб турардим: биринчидан, санъаткорликни ўзим танлаяпман, иккинчидан, турмушимда содир бўлган воқеалар ҳам, назаримда, мажбурият юзасидан барибир санъаткорликни тақозо этяпти.

— Ярашмайман, — дедим бош эгиб.

— Сабаб нима? — деди мулла. — Талоқ айтган бўлса, бугуноқ сени эргаштириб бориб, қайтадан никоҳ ўқийман. Невара кутаётган эканмиз, ҳеч бўлмаганда, унинг тақдирини ўйламайсанми, жияним? Боланинг ўз отаси бўла туриб, отасидан ўз ихтиёринг билан, ҳеч қандай жиддий сабабсиз жудо қилсанг, катта гуноҳга йўл қўясан. Гуноҳнинг у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам жавоби бор. Нега ўз ҳолича ажрашиб кетганлар бедаво дардга чалиниб, қирилиб кетишмайди, қанақа ҳам жавобгарлиги бор, деб ўйлаётган бўлсанг, хато қиласан. Куёв билан ажрашиб, ўқишда ўқишинг, бойиб кетишинг, бошқа оила қуриб, яна фарзандлар кўришинг, саксон-тўқсон ёшга кириб, момо бўлишинг ҳам мумкин. Бу дунёдаги жавоби деганда, қарғиш уриб, ҳалокатга учрайсан, кўчада қолиб, тиланчига айланасан, демоқчи эмаслигимни тушундинг-а? Унда гуноҳнинг жавоби нима, дейсанми? Иккинчи бахт ҳеч қачон биринчисига етолмайди. Кимсан куёв, у ҳам аслида жиянимиз бўлади, на ичса, на чекса, на чертса, нима керак ўзи сенга, Зарнигор? Камбағал деяпсанми? Йигит-моли кўчада. Эртага бойиб кетмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди. Қолоқ қишлоқ, деяпсанми? Кўрмайпсанми юртдаги ўзгаришларни?! Ўн йилдан кейин ўша Чангакни танимай қоласан. Биз бир вақтлар Самарқандга тиқилинч автобусларда қийнала-қийнала бир кунда бориб-келганмиз. Ҳозир-чи?

— «Нексия»да шип этиб бориб, шип этиб келамиз, — гап қўшди қўшнимизнинг хотини. — Тунов куни опамнинг ўғли иш билан бир кунда тўрт марта бориб кепти.

— Ана, кўрдингми! — хитоб қилди мулла. — Японияда одамлар бир шаҳарда яшаб, иккинчи шаҳарда ишлашади. Тезюарар поездларга икки юз-уч юз километр нима деган гап? Бизда ҳам тезюарар поездлар йўлга қўйилмоқчи. «Нексия»ни ким

ўйлабди дейсан? Чангакка ҳам беш минутда бориб келишнинг йўли топилар ҳали? Нима дединглар?

Ҳамма унинг гапини маъқуллади.

— Бу дунёдаги жавоби, — давом этди мулла, — биринчи галда афсус-надомат, кейин виждон азоби, қайта турмуш қуришдаги омадсизлик...

— «Биринчи бахтим — ой бахтим» деб бежиз айтилмаган, — деди қўшнимизнинг хотини.

Қайнонам кўрпача ипини ўйнаб, мунғайиб ўтирарди. Кўнглидаги гаплар айтилмади чоғи, томоқ қириб, жонланиб олди-да:

— Мулла бова, — деди, — Зарнигордан розиман, майли, ўзи истаганича яшасин. Бу қишлоқ эна қишлоғим, ҳаммаларингиз қариндошларимсиз. Мен янада боришли-келишли бўлайлик, деб Зарнигорни келин қилгандим, лекин... хатога йўл қўйиб қўйдим. Кечирингизлар.

— Бу нима деганинг, Рухсат? — мулланинг бароқ қошлари чимирилди.

— У артист бўлмоқчи, артист бўла қолсин. Никоҳ ўқитиш билан иш битадиганга ўхшамаяпти.

— Артист? — мулла нотўғри эшитдимми деб қулоқларини динг қилди. — Артист дедингми?

— Ҳа, артист.

— Артист? — яна такрорлади мулла ва менга ўткир нигоҳ ташлади. — Астағфирулло... Артист бўлмоқчимисан, жияним? Сен-а?... Астағфирулло!..

— Нега бунча ҳайрон қоляпсиз? — дедим бошимни кўтариб. — Нега ҳаммаларингиз ёқа ушлайсиз? Санъаткор бўлмоқчиман, лекин менга одамхўрга қарагандай қарамангизлар!..

— Сендан бутун эл юз ўгиради, шуни хоҳлайсанми? — мулланинг соқоли селкилади. — Номинг қорага чиқиб кетади!

— Санъаткор... — деб овозимни бир парда кўтаргандим, мулла важоҳат ила гапимни кесди:

— Вой жияним-а! Санъаткордан халқ юз ўгирмай-

ди, бошига кўтариб юради, лекин сен санъаткор эмассан, тушуняпсанми шуни?! Бир қарашдан маълум, сендан санъаткор чиқмайди! Қаерга бориб қўшиқ айтмоқчисан? Кимнинг ҳомийлигида? Узунқулоқ гапларни эшитганман: байрамларда қўшиқ айтардинг. Ҳеч ким сени қўшиқчи бўлади, истеъдодли, демаган, мен ҳам демайман. Чунки сеники — ҳавас! Ҳою ҳавасларга учма, жияним! Санъат учун кўп нарсадан кечиш мумкиндир, лекин ҳавас учун ҳам кечадими одам?! Мен бир қишлоқ мулласи бўлсам ҳам, юрт оралаб юрибман, янгиликлардан жуда яхши хабарим бор. Битта одамнинг таниқли қўшиқчи бўлиб етишиши учун истеъдоддан ташқари қанча маблағ, қанча ҳомий керак. Сен ёшгина бўлсанг, бошингда ҳимоячинг йўқ, маблағинг йўқ, истеъдодинг ҳам ҳаминқадар, кимларнингдир қўлида ўйинчоқ бўлиб кетасан-ку!

Онам ҳам, Рухсат амма ҳам рўмоллари учини тишлаб, кўрпачадан кўз узмай қолишди. Мулла мени ҳақорат қилган эди, ошкора ҳақорат!

— Сиз хўжайин эмассиз, — дея ўрнимдан турдим. — Ая, сиз ҳам!.. Ҳаммаларингиз ҳам!.. Тўғри, қайсидир даражада хўжайинлик қилишларингиз мумкин, лекин касб танлашимга эмас! Шунча вақт дардимни ичимга ютиб яшадим! Бир кун, бир соат ҳам санъат кўнглимдан чиқиб кетмаган! Агар бузуқчилик билан хонандаликнинг фарқига бормасаларингиз, яхшиси, бу ҳақда гапирмангизлар! Бировни ғийбат қилиб гуноҳга ботиш қандай ёмонлигини мендан яхши биласизлар!

— Сендан таниқли қўшиқчи чиқмаслиги юз фоиз аниқ! — қўл силкиб гапирди мулла. — Ҳаракатингга яраша ўттиз-қирқ ёшларингда телевизор-радиоларда тўрт-бешта ашуланг чиқиши мумкин. Лекин ўшангача ўтган ўн-ўн беш йилингни ўзбек аёлига, қишлоғимиз аёлига, умуман, аёл зотига хос бўлмаган

тарзда ўтказасан! Умрбод юзинг қора бўлади! Мингта машхурлик билан ҳам юволмайсан!

— Ерга урманг! Ҳаққингиз йўқ!

— Зарнигор!.. — деди онам.

— Ҳа! — қичқириб юбордим.

— Онангга бақирма! — мулла хонтахтани тарсиллатиб урди. — Кўряпман, ҳамма айб сенда экан! Бир бечора бева йиғиб-териби, яхши ниятлар билан ёлғиз ўғлини уйлантирсаю сен бошига битган бало бўлсанг, жазойингни Худодан оласан! Нега тақдир билан ўйнашасан? Ўйинчоқми сенга? Тез кечирим сўра онангдан! Сўра! Сўра деяпман, уятсиз!

Кўзимга ёш қуйилиб, чопиб чиқиб кетдим. Ичкари уйда ҳўнг-ҳўнг йиғладим. Отам ўлса ҳам ўз ҳолимга қўйишмайди шекилли. Қандай қутулсам бўлади, қандай? Уйдан қочиб кетишим керакми? Қаёққа ҳам бораман?! Мулла айтгандек, ҳали санъаткор эмасман, ҳаваскорман. Ким ҳам ишга оларди, бунинг устига қорни қаппайган жувонни?!

Чангакка кетмадим. Мени яраштиришни, Кимсанга қайтадан никоҳлаб қўйишни мақсад қилганларнинг қўлидан ҳеч иш келмади. Буни катта ютуқ деб ҳисобладим. Илк бор мени ҳеч ким енга олмаган эди. Омадим чопишига ишониб, Чингиз акага қўнғироқ қилдим.

— Сизни Санам билан кўп адаштираман, — деди Чингиз Давронов. — Икковларинг битта тумандан... йўқ-йўқ, у қўшни туманларингдан экан, узр... Айтгандай, Эсонбой деган бой курсдошимнинг танишисиз-а? Қаранг, кўпчилик билан ишлайвериби, Зарнигорхонимни бошқалар билан адаштириб ўтирибман! Қалайсиз, Зарнигорхон? Ижодни бошладингизми? Ё ҳалиям эрим ижозат бермайди, деб нолиб юрибсизми?

Бошимга тушган кўргиликларни қисқача сўзлаб бердим. Продюсер овқат чайнамоқда эди, лабини

чалпиллатиб ялагани эшитилди. Чалпиллаш аралаш нимадир деди. Тушунмаганимни айтгандим, овозини биландлатди:

— Чакки иш бўлмабди, деяпман.

— Энди у билан яшамайман, пешанада борини кўраман, — хўрсиндим мен.

— Тошкентга келинг, гаплашамиз, Зарнигорхон.

— Меҳмон кутяпман-да, Чингиз ака.

— Қанақа меҳмон?

— Ўзингиз тушуниб олаверинг... шу... янги меҳмон...

— Э-э, жиянчали бўларканмиз-да! — продюсер ёйилиб кулди. — Табриклайман! Маслаҳатим, уни етим қилманг, эрингиз билан ярашинг. Ўртада бола бор экан, бир қишлоқи эрни кўндиролмай, бу дейман, қандай қилиб санъаткор бўласиз? Мақсадига эришган одамларнигина халқ танийди. Юришингиз шу бўлса, Зарнигорхон, ном қозонишингиз ҳам қийин.

— Ахир, Чингиз ака...

— Ростини айтсам, санъатнинг нони қаттиқ! — шошиб таъкидлади продюсер. — Сиз эса бундай нонни тишлашга ҳам журъат этолмайдиганга ўхшайсиз! Мен ҳолингизга қараб тўн бичиб гапиряпман. Аслида санъаткор бўламан деган инсон санъаткор бўлади, тамом-вассалом! Бир йилдан бери, ҳушингиз келса, кўнғироқ қилиб, «хонанда бўлмоқчиман», «мени кўйворишмаяпти», «фалон эди, пистон эди», дейсиз.

— Ростдан ҳам шу вақтгача эримникида яшадим. Энди эса отам вафот этгач...

— Узр, боя айтганингизда таъзия билдирмабман, таъзиямни қабул қилинг... Э, салом! — Чингиз ака ҳузурига келган одам билан хуш-хандон сўрашди. Сўнгра менга деди: — Кўнғироқ қилиб туринг, хайр, Зарнигор...

Кўнглим айниб, телефонни деворга отаёздим. Тўйда, концертда қандай баландпарвоз гапларни айтган эди, ҳозир эса... Хаёлимда, у эшак эди, мен

эшакдан ёрдам сўраб, кўнгил дардларимни очиб ўтирибман-а!

Кунларим маҳзун ўта бошлади. Бир қарасам қуёш чиқади, бир қарасам ботади. Дам совуқ, дам серқуёш кунлар. Янги йил байрамида остона ҳатламадим ҳам. Биздан кейинги синфларда ўқиган қизлар қишлоқ клубида қўшиқ куйлашибди. Қўшнилар уларни мақташганида, гашим келди: мендан ўрганишган, турмушга чиққанам, ҳомиладорлигим уларга имкон туғдирди, бўлмаса, ким эди улар? Айрим қизлар: «Зарнигор опа жуда фаол эди, афсус, мактабни битириб кетди-да», деганлари ҳам таъбимни тирриқ қилди. Нега энди ўтмишда қолган фаол эканман? Асло! Мен бўлажак юлдузман! Мактабни битириб, бутунлай йўқолиб кетмайман. Телевизорда кўрсалар, концертлар берсам. қишлоққа қачон келаркан, деб кўзлари йўлимга нигорон бўлади ҳали. Бу ердан санъаткор чиқмаган-да. Санъаткорнинг ҳаётини қаёқдан ҳам билишсин! Топиб олган гаплари — юзиқора, енгилтак, ўйинчоқ...

Баҳорда қайнонам қишлоғимиздаги тўйга келганида, онам билан учрашибди. Кўзим ёрийдиган кун яқин эди. Онам «Зарнигор билан яна гаплашиб кўринг», деган экан, Рухсат амма дардини дoston қилибди: Кимсан ўша воқеадан сўнг қишлоқда бош кўтаролмай қолганмиш, чет элга ишга кетмоқчи бўлибди. Қайнонам йиғлаб-сиқтабди. «Уни уйлантирмасам, кетади, — дебди онамга, — қишлоғимиздан бир қиз топдик, бир-бирига маъқул келди, нон синдириб, белгилаб қўйдик, ёзда тўй қилсакми, деб турибмиз, чеча. Ҳозир Зарнигорнинг отини ҳам эшитишни хоҳламайди, гишт қолипдан кўчди, акамнинг арвоҳини ҳам норози қилдик-да, минг афсус...»

Пуф, сассиқ! Исмимни-да эшитишни истамайсанми? Вой аблаҳ-ей! Аслида сенинг исмингни эшитиш ҳайф менга, овсар! Қорнимда болангни кўтариб

юрибман-а! Қанийди ҳомиладор бўлмаганимда! Каллам ишлаб, аборт қилдирмайманми!..

Кимсаннинг уйлангани ҳақидаги хабарни туғруқ-хонада эшитдим. Тентаклар бизнинг уйни ҳам тўйга айтишибди. Онам худди отам ўлганидек кун бўйи уйдан чиқмай йиғлабди. Тўй хабари дастлаб мени мутаассир этмади: «Қутулганим чин бўпти», дедим. Бироқ сал ўтмай бўғзимга аччиқ нимадир тиқилди. Ўша уйда яна ёр-ёр, безатилган хона, парку тўшаклар, ёстиклар. Ҳойнаҳой, Марюса янга шақиллаб мени ёмонламоқда... Кимсаннинг оғушида ўзга ёр — қишлоқ қизи. Ўзларича бахтли! Рўзгор ишини қул каби бажарадиган келини бўладию ўзларини бахтсиз санайдими улар?

Шу тобда телевизорга чиқишни шунчалар истадимки, асти чидаёлмай бир шифокорнинг телефони орқали Чингиз акага боғландим.

— Алло, Чингиз ака, — дедим ялинчоқ овозда, — ассалому алайкум, бу яна мен — Зарнигорман. Илтимос, менга иш топиб беринг, фақат санъат бўйича ёки санъатга яқинроқ иш бўлсин. Агар харажат кетса, иш ҳақимдан тўплаб, қарзимни узаман. Мақсадим...

— Ҳой, ким бу ўзи? — боши қотди Чингиз аканинг.

— Зарнигорман деяпман-ку, ака.

— Сен анави қизмисан?.. Эсонбойнинг районидан... Қалайсан? — Продюссер ароқ ичган шекилли, сенсираклаб, қўпол оҳангда гаплашмоқда эди. — Нима гапинг бор? Яна ўша муаммоми?

— Йўқ, Тошкентга ростдан бормоқчиман.

— Демак, яна ўша муаммо экан-да? Менга қара, Тошкент уйим эмас, мендан сўраб ўтирма, хоҳлаган вақтинг келиб, ишлайвер. Санъат ҳам отамнинг чорбоғи эмас, истасанг бугун кир, айлан бу чорбоғни!.. Нега йиғлаяпсан?

— Менга ёрдам беролмайсизми? — ҳиқилладим мен.

— Вей, нима ёрдам керак? Нега сиқилияпсан ўзингдан-ўзинг? Тушунмаяпман.

— Эрим уйланди, қонуний ажрашганмиз... Қизчали бўлдим... Энди Тошкентга кетиб, ижодни бошласам, дегандим... Бирорта гуруҳга жойлаштиролмайсизми?

— Ҳм... шунақа де. Эсонбой нима деяпти?

— У кишини кўрганим йўқ... Мен фақат Тошкентда яшаш ниятидаман, Чингиз ака, қишлоқ тўйларида қўшиқ айтиб юриш тўғри келмайди.

— Ҳозир гуруҳимизга тўйда ўйнайдиган битта раққоса етишмаяпти, лекин сен ўйинчилик қило-лармикансан? Қўрқма, оддий қишлоқларга тўйга бормаимиз.

— Йўқ, қилолмайман, — дедим жаҳлимни зўрға босиб.

— Сабаб?

— Раққоса эмас, хонанда бўлмоқчиман.

— Гуруҳга хонанда сифатида олсин, демоқчимисан. Афсус, бунинг иложи йўқ.

— Нега иложи йўқ?

— Биласанми, Зарнигор, нима гапираётганингни ўзинг тушунмаяпсан! Ахир, сен хонанда эмассан, бирорта қўшиғинг ҳам йўқ! Тўйма-тўй юрадиган отарчилар гуруҳига ёки мактаб ҳаваскорлар тўғарагига ишга ўтишинг мумкин, чунки сендаги қобилият ўшалар даражасида. Қобилиятингни ривожлантиришинг, репетицияларга қатнашинг, сен учун студияларда қўшиқлар ёзиш, клиплар ишлаб, телевизорда айлантириш — булар учун бадавлат ҳомий, бошқача қилиб айтганда, юз миллион сўм керак. Шундай одаминг борми?

Бундай катта маблағни эшитиб, дамим ичимга тушди.

— Юз миллион сўм... Унчаликмасдир, — дедим.

— Юз миллион бўлмаса, эллик миллион! Шоу-бизнесда кичик пуллар ўйнамайди, яъни артистнинг калишига патак ҳам бўлмайди, — продюсер гап

оҳангини яна бир парда дағаллаштирди. — Битта клипга қанча кетишидан хабаринг борми?.. Ҳиқиллашни бас қил! «Ҳа» ёки «йўқ»? Хуллас, ҳеч вақони билмайман дегин?.. Ҳа, майли, демак, кечирасану, хом хаёл суриб юрибсан! Битта клипга беш минг доллар сарфланади. Унгача кал шоирга икки юз доллар, битта гарангнинг мусиқасига уч юз доллар, оранжировкачи орангутангаю студиячи сутенёрга, бор-е, минг доллар бўлсин. Телевизорга чиқишдан аввал ўнтача қўшиғинг дискларда, радиоларда тарқалган бўлиши керак. Тасаввур қил, ҳар бир қўшиққа минг доллардан сарфлагансан! Клипга навбат келишигача одамнинг бити тўкиладикуну! Эшитяпсанми? Энди клипни телевизорда айлантириш ҳақини ҳисобла.

— Вўҳ-хў, бунча қийин! — бошқа нима ҳам дердим, продюсернинг гапини маъқуллаб туришим кераклигини англаб, товушимни ўзгартирдим. — Сизга ҳам осон эмасдир-а, ака?

— Нима «вўҳ-хў»? Нима «осон эмас»?

— Қиммат экан, демоқчиман.

— Хўш, бу даражада сахийлик қиладиган одамни қаердан топасан? Сахийликка яраша машҳур бўласанми, йўқми, Худо билади. Санъат шундай соҳаки, машҳурлик ҳеч кимга кафолатланмайди, никоҳлаб ҳам берилмайди. Бундан ташқари қуруқ машҳурлик ҳам роль ўйнамай қолишини унутмаслигинг керак. Бу нима дегани? Машҳурсану шоу-бизнесда, тўй-ҳашамларда ҳашаротчалик ўрнинг йўқ! Даҳшат қўшиқ айтиб қўйсанг ҳам, номинг лоп этиб ёниб, лоп этиб ўчиб кетиши мумкин. Бир гапни минг марта айтаман, номинг улуғ бўлсаю тўйларинг бўлмаса, косанг оқармай ўтасан!

— Тошкентда ишлаб юрсам, қўллайдиган бирорта инсон учрар, Чингиз ака. Тушунишимча, улар ҳам ҳар кимга пул тикмайди. Таниш-билиш бўлиши, истеъдодини кўриши керак. Келажаги бор бўлса...

Чингиз ака димоғида «хе-хе...» деб берилиб кулди.

— Сен билан гаплашиб маза қиялман. Жуда соддасан-а? Истеъдод кимда йўқ дейсан? Ҳар ўнта қиздан биттаси истеъдодли! Лекин қўшиқчилар нечта? Нарӣ борса, юзтадир, юз элликтадир. Нега қўшиқ куйлаш қўлидан келадиган ҳар бир инсон санъаткор бўлиб кетавермайди? Тахминимча, бир ярим-икки миллион одам бемалол қўшиқ куйлай олади...

— Кайфингиз бор-а, Чингиз ака? Ҳадеб жигимга тегиб, асабийлаштиряпсиз.

— Кайфим? Тавба, нега бунга кайфни аралаштиряпсан?

— Мени яхши кўрасиз, биламан, — деб шайтонларча илмоқ ташлаб қўйдим. Продюсер «м-м-м...» дедида, алланималарни тақирлатди.

— Узр, ёндиргич қўлимдан тушиб кетди... чекяпман, — изоҳ берди у. — Сени яхши кўрмай бўладими, Зарнигорхон!.. Агентинг борми?

— Агент деяпсизми? — ҳайрон бўлдим мен. — Айғоқчиларни бошимга ураманми!

— Мейл-агент! Интернет!.. Худо-ё тавба, ҳали интернетни ҳам билмайман, дерсан?

— Рост, билмайман.

Чингиз ака хо-холаган эди, қўшилиб кулдим. Овозимни эшитганлар ҳозиргина йиғлаётган бу жувонни жин чалди, деб ўйлаб, ҳайрон бўлиб қарашди.

— Сени қайси жиҳатинг учун яхши кўраман, биласанми? — сўради у.

— Вой, сиз қайси маънода тушуняпсиз? Янгамга... келинойимга арз қилишим мумкин, эҳтиёт бўлинг, Чингиз ака.

— Зарнигор, мени лол қолдирияпсан!

— Э, боринг-е, ёмон экансиз! Мен дардимни айтиб ўтирсам, бу қишим устимдан куляптилар.

Ҳарҳолда Чингиз ака билан гапларимиз апоқ-

чапоқ бўлаётган эди. Ўртамиздаги йигирма ёш фарқ, мен эридан ажрашган жувон, у бола-чақали эркак эканлиги, айро туширган юзлаб чақирим масофа — ҳеч нарса туғилиб келаётган қалин дўстлигимизга тўсқинлик қилолмаётган эди. Балки бундан дўстлик эмас, бошқа нарса вужудга келар, барибир оқибати орзуйим ушалиши билан якунланишига ишонардим.

— Ўтган сафар ёмон хафа қилгандингиз, — дедим айёрлик билан. — Индамасам, ҳозир ҳам ерга урмоқчисиз. Ота-онам, опа-укам санъаткор эмас, ўзим эса қишлоқдан чиқмаганман, бундоқ йўл кўрсатмайсизми, Чингиз ака? Нуқул ваҳима, ваҳима...

— Тўғри айтасан, орзуйинг ушалишининг йўли йўқ эмас.

— Масалан? — тишимнинг оқи кўриниб, кўзим сузилган эди, йўлакдагилар эри билан гаплашяпти, деган хаёлда маъноли қараб ўтишди. Шифокор эса «шу бечора яхшилаб гаплашиб олсин, зора эри гўдаккинасини кўришга келар», деб ўйлади чоғи, телефонини қистамади.

Чингиз ака сал ўтмай жиддий тортдими, бир нимани ўйладими, бирдан ўзгариб қолди: телефондан хўрсинган каби ҳазин овоз эшитилди.

— Агар жуда санъаткор бўлгинг келса, юз миллион шарт эмас, — деди у. — Бировларнинг шўх, тўйбоп қўшиқларини студияда куйлайсан, дискка ёзасан ва тўйларда фонограмма қиласан. Тасаввур қиялпсанми, ҳатто бировнинг қўшиғини ҳам жонли айтмайсан! Бу қийин эмас.

— Жонли айтганим яхшимасми?

— Қанийди! Лекин пойтахт тўйлари қишлоғининг тўйлари эмас. Маромига етказолмадингми, қизитолмадингми, тўйга чақирмай қўйишади. Сен эса маромига етказолмайсан, мактаб кўрмагансан! Оддий қоида: тўйинг кўпайса, ақча ҳам кўпаяди! Бирйўла юз миллион тушмайди, лекин секин-аста ўзинг топиб, ҳаммасини бир бошидан қилаверасан.

Бу... қачон учрашамиз? Сенга энг арзон, янада осон йўлини кўрсатаман. Келасанми?

— Ҳозир туғруқхонадаман.

— Туғруқхона деганинг нимаси? «Прикол»ми?

— Мен... ростдан туғруқхонадаман... қизчам кеча туғилди. Бу телефон шифокоримизники, туғруқхонадаги болалар врачиники...

— Вей, қанақасан?! — Чингиз ака тўсатдан портлаб кетди. — Нега боядан бери бошимни қотириб ётибсан?! Чақалоқлиман, ҳали туғуруқхонадан чиққаним йўқ, демайсанми? Сенга ростдан ҳам иш топсамми, раққосалик ёқмаса, бирор гуруҳга қўшсамми, деб миямни ачитиб ўтирибман-а!

Чингиз ака ўзини хафа қилиб кўрсатди, аммо кўнглим сездики, мендан жаҳли чиқмади. Келажагимнинг ҳали офтоб нури етмаган олис манзилгоҳида кимдир чироқни ўчириб-ёқиб, белги бермоқда эди: «Келавер! Келавер!...»

Ҳар доимгидек Чингиз ака алоқани бирдан узмади. Гарчи туғуруқхонада ётган ҳолда иш сўраганим ниҳоятда ажаблантирган бўлса ҳам, нимадир уни қизиқтириб қўйган эди; санъатни севишим қойил қолдирди шекилли, илиқ гаплар айтиб, хуш-хандон хайрлашди.

Қизимга Асила деб исм қўйдим. У даставвал кўзимга жуда йиғлоқи, инжиқ, ҳатто касалманд кўринди. Бироқ онам жонимга оро кирди. Бола қарашнинг ҳадисини олган эмасми, қўрқувга ҳожат қолдирмади: жигарбандимни қийналмай парвариш қила бошладик. Гоҳида қизчамни ўз фарзандим эмас, синглим деб ўйлардим. Шундай кезларда оналик туйғуси юрагимга чуқур ўрнаша олмаганини англаб, эрим йўқлигига, ёш бошим билан турмушга чиқиб, эрта она бўлганимга йўярдим.

Кимсан хотинчаси билан ўзи орзу қилган турмушга — ота-боболаридан қолган анъанавий ҳаёт тарзига эришиб, мазкур ҳаёт тарзини мендан, фарзандидан

устун қўйганида, қўл қовуштириб ўтираманми? Мен ҳам унинг ўша ҳаёт тарзидан санъатни устун қўяман. Қанақадир сохта ғурур учун у боласидан кечди, бир марта келиб хабар олмади, лекин санъат учун мен боламдан кечмадим-ку! Санъатга кирмасам, ютган ҳар қултум сувим ҳаром, деб онт ичдим. Кимсан, Рухсат амма кабилар учун санъат йўлини умрбод тарк этишимга бир баҳя қолибди-я! Энди машҳур хонанда бўлишим шарт. Шарт! Ғийбатимни қилганлар, беписанд қараганлар, баайни ўша Чангак аҳлию Кимсан хонадони мени ойнаи жаҳонда кўриб, тилини тишлаб қолади ҳали! Кимсан «Санъаткор хотин эмас, уй хизматкори керак», деб дунёга жар солмаган эса-да, ўнта жарчининг овозини эшитгандек бўлаверардим. Бир умр мени эслаб, армонда яшашга мажбур қиламан уни!

Кўп ўтмай орзуларим сари дадил қадам ташладим. Кузги тўйлардан бирида ўрнимдан оҳиста туриб, санъаткорлар томон мағрур борганимда ўзимни исёнкор ҳис этиб, исёнкорлик билан кўплаб тўсиқларни енгишимга ишондим. Ҳеч ҳам ҳаяжонланмасдан Эсонбой ака қаршисида тўхтадим. Биламан, кўпчиликнинг нигоҳи менда. Айниқса, онам «бу яна қандай машмаша бошляпти?» деган хавотирда киприк қоқмай ўтирган бўлса ажаб эмас эди.

— Менга навбат беринг, — дедим кибр билан.

— Майли, майли, Зарнигор, лекин... — чайналди Эсонбой ака.

— Бирон муаммо борми? — чимирилдим унга.

— Йўқ, Зарнигор... Лекин қишлоғингнинг одамлари олдида гапга қолишинг... Буни ўзинг ҳам истамасанг керак? Мен ҳаммасини эшитганман.

— Энди мен бошқаман, Эсонбой ака.

— Нима ҳам дердим, — у микрофонни тутқазиб, қулоғимга шивирлади: — Чингиз билан ҳам қўнғироқлашиб тураркансан. Қўшиқдан сўнг кетиб қолма, икки оғиз гаплашиб олишимиз керак.

Шундай куйладимки, одамлар мени ўз кўзлари ила кўриб, ўз қулоқлари билан эшитиб туриб ишонмадилар. Гўё диск қўйиб, фонограмма қилган эмишман. Бу қадар жарангдор, бу қадар кучли овоз соҳибасига айланганимни ҳақиқатан ҳазм қилолмадилар. Пул қистирадиганлар бир тўда бўлиб кетди. Бир маст эркак кўкрак чўнтагини имиллаб кавлаб, яқинлаша бошлади. Кейин бир неча минг-таликини олди-да, рўпарамга келиб, узатди. Олмадим. У эса қўлини чўзиб тураверди. Барибир олмадим. Яна бир қадам ташлаган эди, важоҳат билан итариб юбордим, чайқалиб кетди.

— Одоб сақланглар, ҳурматли эркаклар! — дедим қўшиқ орасида. — Эркак номини пастга урманглар!.. Қани, кетдик! Ҳамма рақсга!.. Ялла, ялла!.. Ўйнасин!.. Ҳамма, ҳамма!..

Энди мен ҳушёр эдим. Ичиқоралик билан пул қистирувчиларни, ҳирсга ботган нигоҳларни, мастларни ҳушёрлик-ла пайқаб олаётгандим. Ёшлигимда кучук қувлаганда, отам айтган: «Қизим, итга дуч келдингми, қоча кўрма! Кўзига тик қараб тур. Кўрқмаган одамдан ҳайвон ҳам ҳайиқади!» Ўйлаб кўрсам, куйлаётганимда ўзимдан ўзим завқланиб, гоҳида кўзимни юмиб олсам, гоҳида қаршимдаги инсонга ишва-ноз қиларканман. Улар мисоли ит бўлиб, менга ташланишга ўзларини ҳақли ҳисоблашган эдилар. Нияти ёмон экан, ўзимни тутишим ва нигоҳларим билан шаштини қайтариб қўймайманми? Санъаткор битта ножўя иш билан фақат ўзини эмас, барча ҳамкасбларининг номини қорага чиқариши ҳеч гап эмас эди.

Микрофонни топшираётганимда, қуда томондан бир одам келиб, яна қўшиқ куйлашим илинжида хиралик билан ялина бошлади. «Ака, ҳурматингизни билиб, нари туринг! Тушундингизми?» деб ўқрайдим, қўлини кўксига қўйиб, узр сўраганча жўнаб қолди. Қўшни қишлоқлик ўртакаш шаънимга мақ-

товлар ёғдириб, табрик сўзига чиқувчи меҳмонларни таклиф эта бошлаганида, Эсонбой ака мени бир четга чақириб, шундай деди:

— Одамларни яхши ўрганибсан, баракалла, син-гилча! Лекин олдингга аниқ мақсад қўйиб олишинг керак. Бу мақсад шахсий ҳаётингнинг илдизига болта урмасин!

— Насиҳатгўй бўлиб қолибсизми? Мени ёш қиз ҳисобламанг.

— Турмушга чиққанинг билан катта бўлганинг йўқ. Гап шу ерда қолсин, Чингиз яхши одаммас. Ҳаётига ҳеч қачон ҳавас қилмайман.

Гап ўзани маълум бўлди-қолди. У мени Чингиз аканинг ўйнашига айланади, деб ўйлаяпти. Сезгандим одамлар шундай ўйлашларини. Аслида Чингиз акадан фойдаланиб, санъат майдонига қадам қўйишни, номимга доғ туширмай, ўзимга муносиб йигит топишни кўнглимга туккандим. Шоу-бизнеснинг нима эканини газеталарда ўқиб, тасаввурим бирмунча кенгайганди. Пул ва қўллаб-қувватлайдиган турмуш ўртоқ сув билан ҳаводек зарур эди менга.

— Хотини билан ажрашганми? — сўрадим қовоқ уюб.

Эсонбой ака заҳарханда кулди.

— Ажрашиш Чингиз учун модадан қолди. Хотин олиб-хотин қўйишдан чарчаб кетгач, ҳар йили биронтаси билан «тинчгина» яшашга аҳд қилган. Ҳозир тўртинчими, бешинчими хотини билан яшайди, лекин қизлар масаласига бефарқ эмас. У шоу-бизнеснинг қайноқ нуқтасида юрадиган одам. Номигагина продюсер. Аслида артистларга тўй топиб бериш, концертларни ташкил қилиб, чипта сотиш билан пул ишлайди. У продюсер, администратор, матбуот котиби, шахсий котиб деган касбларни бирлаштириб, умумий битта касбни ўйлаб топган. Аслида ҳақиқий даллол! Масалан, Маҳлиё Фозилова

икки минг долларга борадиган жойларга икки минг беш юз деб гаплашади. Беш юз долларни чўнтагига уради. Хотинлар масаласида худди сўнгги бекатга етганга ўхшайди. Қанийди шундай бўлса! Қачон қарама боғичи бўш қизлар теварагида айланишгани-айланишган. Тузоқни ўзи, айёрона қўядиган сайёд у! Сайд тузоққа тушгач, «мен овлаганим йўқ, ҳамма айб ўзида», дейди.

— Қўрқманг, мен унақа эмасман.

— Ўшанақасан, демадим-ку, Зарнигор! Чингизни икки ҳафта аввал Самарқанддаги тадбирда кўрганимда, сен ҳақингда илмоқли гапиргани ёқмади. Хуллас, ўйлаб кўр. Санъат билан шоу-бизнеснинг, ижод билан тўйнинг, соф севги билан «касбий севги»нинг катта фарқи бор.

— Бу гаплар билан нима демоқчисиз ўзи? Нега юрган йўлимда насиҳат эшитавераман?

— Бировга насиҳат қилишни хоҳламайман. Мени танийсан, неча йиллардан бери районимизда, қўшни районларда тўй ўтказиб юраман. Катта санъаткор бўлиш орзуси кимда йўқ? Тошкентда ўқиганимизда мен ҳам, Чингиз ҳам камида халқ артисти бўлишни ўйлардик. Шоу-бизнес деган нарсалар тушга кирибдими?! Қарасак, истеъдод, овоз, жўшқин ижодий куч ҳолимизга яраша. Кўрпангга қараб оёқ узат, деб бежиз айтилмаган. Кулгига қолмай деб пойтахтни тарк этиб, қишлоғимга қайтиб келдим. Кимдир қишлоқ тўйларида ҳам хизмат қилиши керак-ку. Сени ўша кезлардаги менга қиёсласак, очиги, кучсизсан, анча кучсиз. Микрофон, карнайлар одамни бир оз чалғитади. Улар қўшиқни узоқроққа етказиб бериш учун ихтиро қилинган, санъаткор бўлишимга ёрдамчи восита, десанг хато қиласан.

— Лекин мен барибир санъаткор бўламан. Ортга чекиниб, кейинчалик «мен ҳам зўр эдим», деб армон қилиб юрганларни ёқтирмайман.

— Мени тушунмаган бўлсанг ҳам сени тушундим, — деди Эсонбой ака уҳ тортиб. — Агар жуда ҳам санъаткор бўлгинг келса, эшигимиз очиқ, сени шогирдликка оламан, гуруҳимда ишлайсан.

— Раҳмат, — дедим.

Бу — рад этганим эди. Уйга келганимда илк бора дўқ-пўписа, ҳақорат эшитмадим. Онам гинг деб оғиз очмади, аммо қаттиқ хафа экани кўриниб турарди. Қизчамга қараб ўтирган опам кетар олдидан:

— Тўйда қўшиқ айтдингми? — деди.

— Ҳа, куйламасам яшолмайман, опа, — кўзларига тик қарадим.

— Отамнинг арвоҳини безовта қилма.

Биз бир-биримизга сўзсиз тикилдик. Опам ка-лишини кийиб, ерга қараган кўйи уйига жўнади. «Отамнинг арвоҳини безовта қилма!..» — унинг овози акс-садо берди. Энди мен отамнинг гўрига ҳам дахл қиладиган жиноятчига айландимми?

Уйда онам, синглим, икки укам ва қизим Асила — олтовимиз яшардик. Оила иқтисодиёти инқирозга юз тута бошлагани ошкора сезилиб қолганди. Орзуларим кўп эди, лекин турмушим аввалгидан-да камхаржликни талаб қилаётгани кўзимга дунёни тор қилиб қўйди. Худо кўрсатмасин, қизим ёки мен касал бўлиб қолсак, шифохонама-шифохона чопадиган одамим йўқлигини, жар ёқасида турганимни англадим. Ғамга ботган муштипар онам, ўз рўз-горларидан бош кўтаролмайдиган опамлар нима ёрдам бероларди? Укамлар ҳали ёш. Асила билан тенгдош қўшни чақалоқларга оталари қимматбаҳо кийим-кечак олиб бераётганини кўриб туриш ҳам менга осон эмасди. Мазаси қочса, ўз машиналарида шифохонага олиб боришади. Она қурмағур нимадан ўйланади: боланинг иситмаси чиққандан эрига сим қоқади, бақир-чақир, ваҳима билан масъулиятни унга ағдаради-қўяди. Эр — ишонган тоғ!

Бир куни менга совчи келди. Хотини вафот этган, икки болали эркакдан, аниқроғи, йигирма уч ёшли йигитчадан. Қаерда ишлайди дейсизми? Икки гектарча ери, эски бўлса ҳам «Москвич» машинаси бор эмиш. Деҳқон-да!

— Ўша сценария-ку, — дедим бурнимни жийириб. — Тегмайман.

— Қанақа сценария? — катта опам қизариб-бўзариб эътироз билдирди. — Энамни тамом қилмасдан тег ўша йигитга! Йигирмага ҳам кирмагансан, ҳали ёшсан, барибир турмушга чиқишинг керак. Чангакни чекка қишлоқ дединг, бу йигитнинг уйи районга бир қадам. Катта ҳовлиси бор!

— Тегмайман. Сизга ўзбекчалаб айтяпман, опа! Мен боғча тарбиячиси ёки энагаманми?! Эвазига раҳмат ҳам айтишмайди. Бир умр ўгай деган тамға билан яшайман! Эшитиб қўйинглар, бировнинг боласини ўлсам ҳам катта қилмайман!

Бир қанча вақт маданият уйига қатнаб юрдим. У ердаги йигитлар ҳам менга парвона бўлишди. Мавлуда Асалхўжаева, Дилфуза Исмоилова, Ойпопук Эшонхонова, Сайёра Қозиева репертуарларидан куйлаганимда, олқишлар олдим. Лола Йўлдошева, Райҳон, Манзура ижодидан ҳам куйлашни тавсия этишди. Бонунинг «Ёлғизман» қўшиғини куйлаб эса қон-қон йиғладим...

Мен ўзимни ёлғиз ҳис этардим. Назаримда туғилганимдан бери ўнглироқ сирдошим, маслакдошим йўқ эди. Боз устига турмушим бузилгач, ҳамма айбни Кимсандан, аччиқ қисматимдан ахтара бошлагандим. Нега турмушим бузилди? Нима учун санъатни тушунадиган бойвачча куёв учрамади? Қайси гуноҳим сабаб чекка қишлоққа келин бўлиб тушиб, эндиликда муносиб иккинчи эр қидиришга маҳкумман? Айб барибир менда эмас, зеро санъатга интилиш, бу — жинойтга интилиш ҳисобланмайди, шундай экан, не ваздан айбдор бўларканман?

Айни дамда юқоридаги каби ўй-фикрлар гоҳ хўрлигимни келтирар, гоҳ симиллаётган виждон азобимни юмшатар, ҳарҳолда барибир ўзимни дарддан овута олардим. Онда-сонда тўйга чиқа бошладим, пул керак эди-да, ахир. Бироқ туман маркази ва атроф-жавонибдаги тўй-тадбирлар мен орзу қилган ижодий ҳаётга қоришиб кетмаганди. Чунки бу юришимизни ижод деб бўлмасди, ҳатто гуруҳдаги қўшиқчиларда ижодга бир мисқол ҳам интилишни кўрмасдим. Янги, тўйбоп қўшиқ чиқса, ўшани репетиция қилишади, холос. Бўш вақтларида ҳар ким қўшимча иши ва рўзғори билан банд.

Бу ботқоқдан чиқиб кетишим керак эди.

4. МЕҲМОНХОНАДА СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕА

Тақдир денгизида сузиб чарчаган кемам туманли кечаларда адаша-адаша соҳилга яқинлашди. Кун ёриша бошлади. Узоқ сузганингдан кейин ерни, ер бўлганда ҳам орзу қилганинг гўзал шаҳарни, тўкин-сочинлик, фаровонлик, шон-шуҳрат кутиб турган лангаргоҳни кўрганингда кўксинг нақадар севинчга тўлади. Мана, рўпарамда шоу-бизнес салтанати! Машаққат чеккан дарбадар эдим. Баногоҳ, ўзим ҳам сезмай, гўё жаннат қаршисидан чиқиб қолдим. Ўша куни тушдан сўнг Тошкентга жўнадик. Ростини айтсам, кўрик-танлов фольклор бўйича эди, аммо қайсарлик билан дастага кириб олдим. Маданият уйида ҳам эркаликларимни, инжиқликларимни кўтарадиган кишилар топила бошлаганди. Мақсадим — Тошкентга бориш.

Гуруҳимизда Пардахол деган аёл бор эди. Бир вақтлар тўйларда ўйинчи бўлган деб эшитгандим. Боргунча бир ўриндиқда ёнма-ён ўтирдик. Қизи ҳам ўйинчи бўлиб, Хоразм, Бухоро томонларда юради, дейишганди. Бироқ у бошқача маълумотни айтди:

— Қизим ҳозир Тошкентда. Топиш-тутиши зўр.

Танловга бораётганимизни атайин айтмадим, бир «сюрприз» қилай. У сен билан тенгқур.

— Ўқийдими? — дедим ичимда нимадир чирт узилиб.

— Йўқ.

Шу заҳотиёқ енгил тортиб, сўрадим:

— Турмушга чиққанми?

— Ишлайди, деяпман-ку! Умидим катта, бир кун келиб, машҳур хонанда бўлади.

Энди ростакамига хурсанд бўлдим.

— Вой, опажон, қизингиз артистлик қиладими? Нега шу вақтгача айтмадингиз? Мен ҳам неча йилдан бери Тошкентда яшасам, ижодимни бошласам, дейман. Исми нима?

— Сафара.

— Зўр исм экан.

— Раҳмат. Сафарда туғилгани учун ўзим қўйганман. Сафара — оригинал исм, шундайми?

— Шундай, опажон.

Пардахол опанинг кулоғимга шивирлаб айтишича, Сафара катта ижод майдонига чиқиш учун пул йиғаётган эмиш. Унчалик танилмаган «Синоат» гуруҳида ҳозирча фаолият юритиб турганмиш. Бу — кечалари тўйма-тўй юриб, пул ишлайди, дегани эди.

— Одамлар нотўғри тушунмасин, деб қизимнинг иш жойини сир тутаман, — деди Пардахол опа. — Эл оғзидан чиқаётган гапларни элаб бўлармиди, айланай. Улар қизимни ўйинчига, кўча қизига чиқаришди. Ўлсин, ким гапирса, гуноҳи ўзига!

— Мени ҳам гапиришган, — жилмайиб қўйдим.

— Районда ҳовли-жойим бор, онам ҳам кексايиб қолган. Кечаю кундуз қизимнинг ёнида юролмайман-ку, тўғрими? Худо хоҳласа, катта санъаткор бўлганида, бир қадам ҳам ажралмайман. Қўриқчинг ҳам, кассиринг ҳам ўзимман, деб ҳалитдан тайинлаб қўйганман, — кулди Пардахол опа. — Айрим санъаткор қизларнинг оналари шунақа

қилармиш. Бўлмаса, қиз нарсани турмушга беришда анча муаммо кўпаяди, онаси ёнида юрган қизлар эса... ишончли. Нима бўлгандаям, сиз — ёшлар бахтларингни топиб кетаверинглар, кўз ўнгимизда ўсган, ўзимизнинг шогирдимиз, деб мақтаниб юрайлик, дуолар қилайлик.

Пардахол опанинг «сюрприз» ҳақидаги гапи хуш ёқиб, мийиғимда айёрона кулиб қўйдим. Тошкентда мен ҳам «сюрприз» қилсам бўлади: Чингиз ака нишонимда!

Автобус ёқилғи қуйиш шохобчасида тўхтаганда, гуруҳ бошлиғининг қўл телефонини сўраб олдим-да, Чингиз Давроновнинг номерини тердим. У охири вақтларда бегона рақамларни кўтармай қўйганди. Тобора қариб бораётган хонандаси учун кўпроқ тўй топиш илинжида юрган одам нега бошқа рақамларни кўтармаётганига тушунмасдим. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Ассалому алайкумлар! — дедим ниҳоят бир неча уринишлардан сўнг Чингиз аканинг овозини эшитиб.

— Ким бу? — тажанг кишининг сўроғи эшитилди.

— Машҳур хонанда Зарнигор!

— Кимнинг устидан куляпсан?! — асаби қўзиди Чингиз аканинг.

— Саломга алик ҳам йўқ... Бу — мен, синглингиз Зарнигорман! Нега аччиқланасиз, Чингиз ака?

— Э, сенмисан, Дардигул? Дардларингни эшитиш жонга тегди. Қачон тугайди-я? Ҳар хил номерлардан чиқиб роса безор қиласан одамни!

— Мен Тошкентдаман.

— Бўлмаган гап.

— Ўлай агар, Чингиз ака, маданият уйидаги гуруҳимиз билан фольклор танлови бўйича келдим. Ҳозир қаердасиз? Ростки, «сюрприз» қилмоқчи эдим, қарасам, жаҳлингиз чиқиб турибди.

— Бугун... биласанми... — мижғовланди у, —

Ангренга хизматга кетаётгандик... Неча кун бўласан Тошкентда?

— Икки кун дейишди, лекин мен, агар рухсат беришса, яна бир-икки кун қолсам дегандим...

— Тошкентдами? — яна мижғовланди Чингиз ака.

— Ҳа, жиддий гаплашиб олсак. Сиз айтгандек, энди санъаткор бўлиш ҳақида оғзаки гапиргандан кўра амалий ишга ўтганим маъқул экан, мана, биринчи қадамимни ташляппман. Ҳозир бир қиз ҳақида эшитдим, у...

— Хўп, эртага гаплашамиз, машинамиз келди, — деб Чингиз ака телефонини ўчирди.

Бизни кўп қаватли эски меҳмонхонага жойлаштиришди.

— Қурумсоқлар! — маданият уйи ходимларини қарғади Пардахол опа. — Тузукроқ меҳмонхона танлашса бўлмасмикан? Бу ер яхши жоймас, қаранглар...

Зинапоядан кўтарилаётган бир барзанги ва ёш қизни кўрдик. Қиз нари борса ўн саккизга кирган эди. Улар келин-куёвга сира ўхшамасди.

— Иш билан юришгандир-да, яхши меҳмонхонаку, — эътироз билдиришди қишлоқдан келган фольклорчи аёллар. — Ҳар нимадан гумон қилиб, ҳар кимни ёмонотлиқ қилиш яхшимас, Пардахол. Ёмон учрайман деса, масжидда ҳам учрайди, учрамайман деса, қамоқхонада ҳам йўқ.

— Меҳмонхона эмас, учрашувхона! — деди Пардахол опа ўз гапидан қолмай.

Кимдир менга эшитадиган қилиб мингиллади:

— Ўзи бир замонлар шунақа жойларда юрган, бирдан бурунги тажрибаси эсига тушиб қолди.

— Никоҳ қоғозини номигагина сўрашади, — гапини қўймади Пардахол опа, — ходимларга пул қистиришса, яшил чироқ... Ҳой синглим, — у столда ўтирган ходимага мурожаат қилди, — икки кишилик хона топиладими?

— Сизга хона беришди-ку, — ажабланди у.

— Иккитаси келмоқчи эди, яъни меҳмонларим. Гуруҳимизга алоқаси йўқ уларнинг. Хўш, топиладими?

— Эркакларми, аёллар?

— Бири эркак, иккинчиси аёл, — ролга кириб, ийманди Пардахол опа. — Иложини қилиб беринг, илтимос. Улар ҳам менга илтимос қилишиб, икки кишилик хона топиб қўйишимни айтишди. Ўзингиз тушунасиз...

— Эр-хотин эмасми? Унда кечирасиз, биз никоҳ қоғозисиз эркак ва аёлни битта хонага қўёлмаймиз.

Шундан сўнг фольклорчи хотинлар Пардахол опани койиб беришди. Бундай олиб қараганда, бу шунчаки Пардахол опанинг ҳазили эди. Бироқ тунда қандай воқеа кутаётганини ҳеч биримиз билмасдик. Ундан-бундан гаплашдик, душга кирдик. Кейин чой ича бошладик. Кимлардир ўз номерларида репетиция қилмоқда эдилар.

— Зарнигор, қон босимим ошиш касалим аллақачон йўқолиб кетган, чой бадимга урган, «кола» ичгим келяпти, — деди Пардахол опа. — Ёшлиқ қилиб, зип этиб пастга тушиб келмайсизми? Биринчи қаватдаги барда ҳамма ичимликлардан бор. Хоҳласангиз, қизил вино ичамиз. Қайсидир куни винони ўзингиз мақтагандингиз... Болангизни эмизмаяпсизми?

— Кўкракдан чиқарганман.

— Жуда яхши. Болангиз узоқда-ку, нега эзманляпман...

Лифтга шошилдим. Тошкентнинг ҳидини, таърифга тил ожиз ўзгача муҳит нафасини юрак-юракдан туйдим. Худди чет элга саёҳатга келгандек беҳад шод эдим. Эҳ, Чингиз ака шу бугун ҳам Ангренга кетадими? Йўли узоқ дейишди, ярим кечаси ҳориб-толиб қайтади. Албатта, менга қўнғироқ қилишга ёки келиб хабар олишга ҳоли бўлмайди. Анави Маҳлиё Фозиловаси, ҳойнаҳой, «уйимгача ташлаб кел, тўшагимгача ётқизиб қўй» деса керак.

Мендан нимаси устун? Кампиршо! Ҳали кўрамиз, шундай кунлар келадики, менсимагани учун мен ҳам қиё боқмайман! «Биз сенлардан аввал санъатга кириб келганмиз», «устозлар қаторидаги инсонмиз», фалонмиз, писмадонмиз деб қағиллаб қолишади. Устоз бўлсанг, шундай кунимда қўлингни чўз, ярамас! Йўқ, қачон буларга устунлигингни кўрсатасан, кейин устозликни даъво қилиб қолишади. Устунга устоз нима зарил!..

Кўнглим ҳам масрур, ҳам аламзада бўлиб, гавжум барга тушдим. «Кола» олдим, сўнг иккиландим: вино ичсамми, ичмасамми? Бир сония... Ҳа, иккиланиш бир сония давом этди. Ароқ-вино бўлими сари юзландим. Муздек тошдеворларга, жилдираб оқаётган сунъий булоққа, ясама пальма дарахтларига, деворлардаги рангин чироқларга ва сигарета тутунига сингиб кетаётган мусиқа оҳангидан мен ҳам сархуш эдим, чиққим келмаётган эди бу бардан. Охирги марта бундай жойга қачон кирганимни эслолмайман. Туман марказидаги бир ресторан ертўласидаги шунга ўхшаш масканни агар бар деб ҳисобламасак, эҳтимол, ҳеч қачон қадам босмагандирман.

Пештахтага уч-тўрт қадам қолганда, бир одамга кўзим тушдию тошдек қотдим. Барнинг баланд айлана стулчасида ўтириб, пештахтага тирсак таяб вино ичаётган киши ёнидаги сариқ сочли қиз томон юзини хиёл бурганида, таниб қолгандим. Дастлаб кўзларимга ишонмадим, аммо, не тонгки, у Чингиз Давронов, Ангренга тадбирга кетдим, деган продюсер эди. Шу пайт қизнинг сочларини силаб-сийпалади. Уйнаши ҳам юзини бурди: мен қатори ёшгина, аммо лаблари дўрдоқ, тумшуғи олдга бирмунча туртиб чиққан қизни кўрдим. Бир қарашдаёқ у менга таниш туюлди.

Қадахлар ичиб бўлингач, стулдан тушдилар. Ҳаёлимда бу шунчалик тез содир бўлдики, ҳамон қотиб турган ҳолатимни ўзгартиришга, яъниким

жилдираётган сув томон терс ўгирилишга аранг улгурдим. Нимқоронғиликда қиз мени салкам туртиб ўтди. Чингиз аканинг: «Санамхон, ҳечам мастга ўхшамайсан», деганини эшитдим. Санам? Таниш исм!.. Эсладим, бир куни Чингиз ака билан қўнғироқлашганимда, у мени Санам деган қиз билан адаштирганди. «Санам билан кўп адаштираман, — деганди ўшанда Чингиз ака. — Икковларинг битта тумандан... йўқ-йўқ, у қўшни туманларингдан экан...»

Аблаҳ! Дарров ўйнаш қилиб олибди-да! Хунукки-на-ку, нимасини ёқтирибди шу махлуқнинг! Алам устида Чингиз Давроновдан умрбод воз кечмоқчи бўлдим, аммо ҳеч нарса ўзгармаслигини англаб, тилимни тишладим. Аксинча, мана энди Чингиз акадан фойдалансам бўлади, деган ўй қўнглимдан ўтди. Ахир, у айб иш билан нақ кафтимда турибди, бир уриб мажақлаб ташлайман.

Шоша-пиша бир шиша вино олдим-да, одамларга туртина-суртина бардан чиқдим. Вино олгунимча уларнинг кетиб қолишидан қўрқсам-да, лифт ва зинапоянинг узоқлигига ишонгандим. Чопиб чиққаннимда, улар йўқ эди. «Вино ичгунча заҳар ич!» — дедим. Бироқ тошойна олдига етганимда, зинапоядан қизнинг кулгиси эшитилди. Демак, улар лифтдан чиқишмаган.

— Маст бўлиб қолдим, Чингиз ака... — Қизнинг овози қулоғимга чалинди, продюсер эса бу гал қаттиқроқ оҳангда, аммо паст товушда нимадир деди.

Зинадан секин кўтарила бошладим. Улар шундоққина иккинчи қаватга чиқиб, ўнгдаги йўлак охирига кетди. Қаватнинг кенггина дам олиш жойидаги диванга ўтириб, қайси хонага киришини кузатдим. Кетавердилар, кетавердилар... Ниҳоят чапдаги эшик рўпарасида тўхташди.

Номеримга қайтганимда, Пардахол опа винони кўриши билан яшнаб кетди.

— Яшшанг, Зарнигор! Боплабсиз! Бир ичайлик,

эрталабгача қотиб ухлаймиз. Бошқалар билмасин, эшикни қулфланг, қоқиндиқ!

— Опажон, — дедим сирли қилиб, — фақат тезроқ... Бир иш чиқиб қолди.

— Нима иш экан?

— Бир танишимни учратдим, иккинчи қаватда. У киши катта одам, санъат соҳасида юради. Менга неча йилдан бери ёрдам бераман, дейдию ҳеч қунт қилмайди. Ўша кишининг эшигини тақиллатиб берсангиз.

— Нима қилмоқчисиз?

— Биттаси билан ушламоқчиман. Кейин менинг олдимда тили қисик бўлади.

Пардахол опа кулиб юборди.

— Вой айёр-ей! Ораларингизда бир нима борми дейман? Ахир, у шўрликни ушлаш учун бир нима бўлиши керак-да!

Вино ичдик. Фольклорчи хотинлар эшикни тақиллатган эди, очмадик. Ярим кечаси бировнинг хонасида уларга бало борми!

— Ўзимизнинг аёлларга юрак шунча ёрилди, — деб шишани бекитган жойидан олди Пардахол опа, — танишингнинг ҳоли нима кечаркан-а? Жўрттага важоҳатли тусга кирсам, эсхонаси чиқиб кетса керак... Тўхта-тўхта, мен онанг ролини ўйнасам-чи? «Нега қизимнинг бошини айлантирасан? Кўрдим бузуқлигингни!» деб ғиппа бўғаман... Яна бир стакдан ичайлик, хўпми?

— Нега унақа деяверасиз, бошимни айлантиргани йўқ, опа! Эшикни тақиллатасиз, мен ён томонда пойлайман, шунчаки ичкарига қарайман ва уни бе-хосдан кўргандек, ёқамни ушлайман...

— Э, унинг ёқасини ушлаш керак!

Йўлакда ғўнғиллашиб юрган хотинлар кетгач, эшикдан сирғалиб чиқиб, иккинчи қаватга тушдик. Чингиз ака бемаъни томошани уюштирганимни сез-са, «Ангрендаман, деганингиз учун бу ердалигингиз

тушимга кирибдими!» деб баҳона тўқишни ўйлаб қўйдим.

Йўлак охирига оёқ учиди бордик, гиламлар бизни сотмади. Ичкарига аввал Пардахол опа қулоқ тутди. «Яшшамагурлар, уят-андишани ҳам билишмайди», деди. Кейин мен қулоғимни босдим: «Ифлосларей...» — деб пичирладим. Ўрнимда бошқа жувон бўлганида, барнинг ўзидаёқ юз ўгирарди, менинг эса ҳар доимгидан баттар хиралигим тутаётган эди. Шу ишни қилмасам, ўлиб қоладигандек ҳис этардим ўзимни. Юзлаб чақирим наридан йўл юриб келсаму, ҳеч кутилмаганда Чингиз ака қопқонда! Шунчалик ҳам омадим чопадими!

— Эшикни очиши билан, «Жонибекнинг хонадошимисан? Нега довдирайсан? Ўзи қани?» деб бостириб кираман, анави қиз, ҳатто, ўрнидан ҳам туролмай қолади! — деди Пардахол опа қизишиб.

Ҳаммаси режадагидек бўлди. Эшик устмас-уст тақиллагач, Чингиз ака асабийлашиб, ким кераклигини жаҳл билан сўради. Пардахол опа Жонибекнинг исмини такрорлаб, менга кўз қисиб қўйди. Продюсер англашилмовчилик бўлаётганини айтиб, қўшни эшиклардан сўраб кўришни маслаҳат берди. Пардахол опа барибир тақиллатишни ва бир сўзни такрорлашни қўймади.

— Бу ерда Жонибек йўқ, келинойи, гапга тушунасизми ўзи?! — деди Чингиз ака эшикни очиб.

Воҳ, унинг кўзи менга тушди. Битта шимдаги ярим яланғоч продюсерга, унинг қаримсиқ тукдор гавдасига, ичкилик ва ишратдан толиққан кўзларига тикилдим.

— Чингиз ака?.. — дея кўзларимни катта-катта очдим. — Сиз...

— Чингизхонми, Македонскийми, нима фарқи бор! Менга Жонибек керак!.. — Пардахол опа вино таъсирида тўпорилик билан ичкарига кириб кетди.

Бировнинг тўшагини томоша қилиш собиқ ўйинчига бунчалик қизиқ эканини тасаввур ҳам қилмагандим. Эҳ, қариган енгилтак хоним!.. Бироқ шу пайт... орадан икки сония ҳам ўтмай, хонадошимнинг даҳшатли чинқириғи эшитилди. Ичкарига қандай кирганимни билмайман: қарасам, Пардахол опа илонни кўргандек ётоқ диванидан кўз узмай турибди, диванда эса ранги мурдадек оқарган ўша қиз, кўксини чойшаб билан бекитган. Қизил лакка бўялган оёқ тирноқларига нечундир синчиклаб қарадим. Даставвал нима воқеа юз берганини англолмадим. Сўнг эса...

— Сафара!.. — овози зўрға чиқди онаизорнинг. — Сени туққандан кўра... ит туғсам бўлмасмиди...

Кўп ўтмай ҳақиқатни билдим: Санам ижоддаги тахаллуси экан. Чингиз ака унинг қўшни туманимиздан эканини айтганди. Бу ҳам ҳақиқат эди: Пардахол опа ҳозирда бизнинг туман марказимизда яшаса-да, қизи қўшни тумандаги отасиникига, бувисиникига тез-тез борар экан, ҳатто бир неча йил ўша ердаги мактабда ўқиган, шунинг учун ҳар икки туманни юрт ҳисобларкан.

Қичқириқдан сўнг йўлакдаги эшиклар бир-бир очила бошлади. Мен Пардахол опани олиб чиқишга уринаётганимда, эшик олдида бир неча киши тўпланиб улгурган эди.

— Нима бўляпти бу ерда? — сўради ёши ўтинқираган киши дағдаға билан. — Меҳмонхона ходимлари қаерда? Тинчлик борми ё... милиция чақирайликми?

— Чингиз ака... — деб атрофга кўз югуртирдим. Бироқ продюсер худди ер ютган каби ҳеч қаерда кўринмас эди.

— Зарнигор... З-зарнигор... — деди Пардахол опа алаҳсираётган каби. — Қизим қани?..

— Кийиниб, чиқиб кетди, — дедим.

— Бизникиларга... анавиларга қизим эканини

айтманг... илтимос... — йиғлади бахтиқаро она. — Шарманда бўлдим... шарманда! Энди нима қиламан?... Қизим... ўз қизимни бундай аҳволда кўрганимдан ўлганим яхши эмасми?! Бунчалар пешанам шўр... пешанам шўр экан...

Зинапояга етганимизда, у деворга суяниб қолди. Ортиқ тутиб туришга мажолим йўқ эди, йиқилиб тушди. Афт-ангорига қараб қўрқиб кетдим: сурпдек оқариб, хириллаб нафас ола бошлади.

— Адашдим... — деди у.

Шу пайт меҳмонхона ходимлари пайдо бўлишди.

— Ҳушидан кетибди!.. «Скорий» чақириш керак! — деди бири.

Дастамиздаги хотинлар ҳам воқеадан хабар топишган эди. «Вой, Пардахол опа-ку!» деган хитоблар янгради, мени ҳар томондан турткилаб, нима бўлганини сўрай бошлашди. Назаримда, Пардахол опа ўлиб қоладигандек эди. Шундай карахт эдимки, кимга нима деганимни эслолмайман. Хонамга кирдим, бошим гир-гир айланган кўйи диванга ўтириб қолдим, аммо кўнглим айниб, ваннахонага югурдим. Ичимдаги биров Чингиз ака ва Сафарани тинимсиз қарғамоқда эди.

— Ичдингларми? — дарғазаб раҳбаримиз Азим ака икки аёл билан келиб сўроққа тутди.

— Бир оз... Ўзлари айтди, нима қилибди? Менда нима айб?

— Аёл бошларинг билан ичишга уялмадиларингми?! — тутақиб кетди фольклорчи хотин. — Нима қилибди, дейишини бунинг!

Гуруҳ раҳбари Пардахол опанинг ичишидан жуда яхши хабардор эди. Қовоғини уйганча менга тикилди. Уни ҳеч бундай қаҳҳор аҳволда кўрмагандим.

— Иккинчи қаватда, икки юз ўнинчи хонада нима қилдиларинг, Зарнигор? — деб дона-дона қилиб сўради.

— Ҳеч нарса.

— Зарнигор, огоҳлантириб қўяй, мен билан ҳазиллашманг! — қизариб-бўзарди Азим ака. Шу дамда у эркакдан ҳам кўра уришқоқ аёлни эслатиб юборди. Кейин қўлини шимининг чўнтақларига солиб, ух тортиб, у ёқ-бу ёққа юрди. — Сизни бу дастага қўшиб олиб келган одамни ҳам, сизнинг ўзингизни ҳам маданият уйидан йўқ қиламан! Муҳитни бузиб, бизни ҳаммага ёмон кўрсатишларинг кўнглимдан ўтганди, лекин ишонмагандим! Одам деган Тошкентда ҳам шарманда қиладимиз! Кап-катта, эсли, ҳушли аёллар шу даражага ҳам борасизларми?!

— Э, менга бақирманг! — кутилмаганда «портлаб» кетдим. — Бунақа муомалангизни хотинингизга, ёнингиздаги фольклорчи аёлларга қиласиз! Менга бир тийинлик ўтказиб қўйган жойингиз йўқ! Эстрада хонандаси бўлиш учун маданият уйига қатнаб юрибман, аллақандай лапар, алла, «беш қарсак» айтаман деб ўлиб бораётган эмасман! Маданият уйига қатнашга ҳаққим бор! Маданият уйи — ҳамманики!

— Фольклорчи бўлмасанг, дастада бало еб юрибсанми?! — қишлоқ аёли ҳам ўзини тутолмади. — Маданият уйи ҳамманики эмиш! Билиб қўй, маданият уйи маданиятчиларники, сендақа шаллақиларники эмас! Ёшгина бўлиб ўзингдан катталарга жириллайсан! Ким сенга бунақа тарбия берган?!

— Тарбиям билан ишингиз бўлмасин!

— Сиздан иккинчи қават ҳақида сўраяпман! — менга қўлини силкиб гапирди Азим ака. Яна-да важоҳатли тусга кирди у.

— Пардахол опа пастга тушайлик, деганди! — ёлғон тўқидим. — Тушдик! Битта эркак бизга ўдағайлади. Бошқа ҳеч вақо билмайман. Иккинчи қават керак бўлса, боринг, иккинчи қаватдагилардан сўранг-да!

— Эртага эрталаб йўқолинг бу ердан! — раҳбар шарт бурилиб чиқиб кетди, икки думи менга яна бир ўқрайиб қаради-да, хожаларига эргашди.

Эшикни қарсиллатиб ёпдим. Вино кайфи секин-

аста аримоқда эди. Диванга ўзимни ташлаб, бошимни чангалладим. Чингиз ака билан Сафара эмас, мен қўлга тушгандек кўнглимнинг бир четида аламли виждон азоби лип этиб ёниб-ўчди.

— Вўҳ, Сафара!.. — дедим гижиниб. — Нега Чингиз ака билан бунақа иш қилиб юрибди? Наҳотки, шу йўл билан катта саҳнага чиқмоқчи бўлди?! Лекин Чингиз Давронов Маҳлиё Фозилованинг продюсери, Сафара эса «Синоат» гуруҳида ишлайди-ку! Шоу-бизнесда бир-бирига «иши тушса» бошқа-бошқа гуруҳдагилар билан ҳам топишиб кетаверишадими? Ё Сафара мажбур бўлганмикан? Нега мажбур бўларкан? Ким мажбурлади уни? Ҳали турмушга чиқмаган қиз бола отаси қатори эркак билан меҳмонхонада дон олишиб юриши... ақлга сиғмайди-ку!

Йўлакдаги ғала-ғовур тинган бўлса-да, кимлардир ҳар замонда ғўнғирлашиб ўтиб кетарди. Бир пайт эшик оҳиста тақиллади. Ҳеч эсимдан чиқмайди: эшик менга тобут қопқоғи, тақиллатувчи эса қабристон ғўркови бўлиб туюлганди ўшанда. Сапчиб туриб, эшикка гандираклаб бордим.

— Ким у? — сўрадим титроқ товушда. Шум хабарни гоҳида одам шубҳасиз сезар экан.

— Очинг, Зарнигор, — майин, аммо алланечук ҳадикли сас эшитилди.

Гуруҳимизда Зайнаб опа деган аёл бор эди. Кишига жилмайиб, сирли оҳангда мулойим сўзларди.

— Сизми, Зайнаб опа? — дедим. Тасдиқлагач, калитни бурадим. Зайнаб опа кира солиб, негадир хонага шошиб кўз югуртирди.

— Нима бўлганди? — деб илжайди у пастга имо қилиб. — У ёққа ўз-ўзидан тушмагандирсизлар? Бирортаси чақирганмиди?

— Йўқ.

— Эшитдингизми?

— Нимани?

— Бўлмай қолибди... — яна-да сирли сўзлади Зайнаб опа.

— Нима бўлмай қолибди?

— Ўлибди.

Қалқиб тушдим, лекин йиқилмадим.

— Ким? — тилим зўрға айланди.

— Пардахол опа... Хайр, мен кетдим, ич-ичимдан қалтираб боряпман, тезроқ хонамга кириб, чой-пой ичай. Бечора, реанимация столига ётибдию жони узилибди. Тушимда реанимацияда ўлганмишман, деб ўтган куни аёлларга гапирган экан. Худо-ё тавба қилдим... тавба... тавба...

У лип этиб чиқиб кетдию шу заҳотиёқ изига қайтди ва:

— «Давлениyasi» жуда баланд экан... — деди. — Бекор ичибсизлар, Зарнигор! Бир қизи Тошкентда ишлайди, деб эшитганман. Винони сиз олиб келганингизни билса, тинч қўймайди.

— Ким? Қизи-я?!

— Ҳа. Боя бошлиқ «кетавер» деганмиш-ку! Вақт борида кетаверинг-да. Бу ерда нима қиласиз?

Тошкентдан кетиш хаёлимга ҳам келмаётган эди. Шу тобда ёлғон ипларини воқеа бичимига мослаб, бир калава қилиб йигираётгандим. Ёлғоним қуйидагича эди: Пардахол опа менга вино олиб келишни буюрди, ўзи ҳам ичди, менга ҳам ичирди. Сўнг Жонибек деган таниш йигит (хуштор маъносида эмас, албатта)ни иккинчи қаватда кўриб қолганини айтиб, мени эргаштириб, пастга тушди, ахир кечаси аёл боши билан бировнинг номерига ёлғиз бормаёди-ку! Қарасак, бегона эркак! У Пардахол опага янглишганини, Жонибекни танимаслигини айтди, ичкарида бир аёл Пардахол опани жанжал қилиш учун келди, деб ўйлади чоғи, қичқириб юборди. Кейин мен Пардахол опани суяб, зинапоя томон олиб келдим. Зина ёнида йиқилди, одамлар «Тез ёрдам» чақиришди...

Чингиз акага ҳам шу вариантни айтаман. «Ичкаридан сиз чиқишингиз тушимга ҳам кирмаганди», дейман. Сафарадан-ку зиғирча қўрқмайман. «Раҳматли онанг сен туфайли ўлди, лекин бунӣ ҳаммадан сир тутишимни илтимос қилиб кетди, сир сақлаётганим учун менга раҳмат айт», деб уни модаркушга чиқараман. Бундоқ олиб қараганда, у ростдан ҳам модаркуш! Онаси кап-катта эркак билан тутиб олиб, қон босими ошиб ўлди! Мен эса Чингизнинг ўйнаши Пардахол опанинг қизи эканини ҳақиқатан билмагандим, атайин она-болани учраштирадим. Гарчи бир сабабчи бўлсам ҳам, қотил эмасман.

Эрталаб, Пардахол опанинг нарсаларини Зайнаб опага топшириб, меҳмонхонани тарк этдим. Кечагина биз билан шаҳарга келган, мен билан битта хонада турган, бирга қадаҳ кўтарган аёлнинг бугун жанозаси эканини, оппоқ кафанга ўраб, гўрга кўмишларини ўйлаб этим жунжикиб кетди. Ҳаёт ўткинчи, токи навбати яқинлашмагунча кўпчилик ўткинчи дунёни қалбан тан олмайди, худди ҳеч қачон ўлмайдигандек, кафанга ўралиб, тупроқ тагидаги зулматли уйчада ётмайдигандек эди. Ўшанда мен ҳам ўлимни ўйладим, аммо касалланган имоним танамни ўз измига олишга ожиз эди, «ўлишимга анча бор, бир гап бўлар, пешанада борини кўраман», деб ўйладим.

— Ҳар бир ўлган одамни ўйлайверсам, ўзим ҳам тамом бўламан, бунинг устига Пардахол опа менга ким? Фирт бегона! — дея безовта жонимга тасалли берганим-чи!

Тўйиб ухламоқчи эдим. Таксичига бошқа меҳмонхонага элтиб қўйишни илтимос қилдим. Энди мен меҳмонхоналардан номер олишни, бир четдаги салқин ва сокин хонада ҳузур қилиб ётишни ўрганиб бўлгандим.

— Марҳамат, — деди меҳмонхона ходими бўлмиш хушсурат аёл йўл кўрсатиб.

— Кечирасиз, телефон борми?

— Албатта.

У менга телефонни кўрсатди. Чингиз ака билан боғландим.

— Сен ифлос!.. — сўкиниб кетди продюсер. — Нега бизни «подставит» қилдинг?

— Чингиз ака, мен ахир...

— Кимсан ўзинг? Кимнинг айғоқчисисан? Нега изимдан соядек эргашиб юрасан? У ердалигимизни ким айтди?

— Ҳеч ким! Бу — тасодиф...

— Бекорни ебсан!

— Чингиз ака, — дедим шоша-пиша, — у аёл вафот этди. Сафара эшитдимиз? У... у онаси эди, ўз онаси! Қон босими ошиб, шифохонада ўлди.

— Эшитди! Энди бўйнимга қўймоқчимисанлар? Айтиб қўяй, бўйнимга қўйиш у ёқда турсин, мен ҳақимда меҳмонхонадан гап чиқса, оқибати яхшилик билан тугамайди!

— Қулоқ солинг, Чингиз ака, мен ҳозир бошқа меҳмонхонадаман. Сафаранинг... Санамнинг онаси айтдики... васият деймизми, бошқами... хуллас, номердаги қиз унинг фарзанди эканини ҳеч ким билмаслиги керак экан! Тушуняпсизми? Раҳматли аёлнинг руҳи чирқирамасин! Сафарани танимаслигингизни айтинг.

— Мен-чи? Одамлар Сафарани билмаса, мени билишлари керакми?! — ўшқирди продюсер. — Ўзи сен касофат қаердан келиб қолдинг? Гапни айлантирма менга!

— Фольклорчи аёллар билан танловга келгандим. Ангрендаман дегандингиз-ку! Сизни «подставит» қилиб, нима, ўчим борми, пойлаб юрибманми?

— Илонсан!

— Чингиз ака, одамни бекорга хафа қиляпсиз!

Пардахол опанинг ўлимида ҳеч ким айбланаётгани йўқ! Меҳмонхона ходимлари танишларингиз бўлса, тайинлаб қўйинг, улар сизни ҳам, Санамни ҳам сотмасинлар, демоқчиман. Сизга яхшилик қилмоқчиман, холос...

— Бундан кейин телефон қилма!

Қисқа-қисқа гудок эшитилган эса-да, бир қанча вақт гўшакни қулоғимдан қўймадим. Омад қуши пириллаб учиб кетгандек эди. Мен ҳозир Чингиз акага шарт қўядиган аҳволда эмасдим, у ҳам қошимга келмайди: учрашувимиз — муқаррар уруш!

Шаҳарни роса кездим. Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Навоий кўчаси, Чорсу... Бир вақт автобусда кетаётиб, «Халқлар дўстлиги» санъат саройи-ни кўриб қолдим. Бекатда тушиб, санъат саройига анча термилиб ўтирдим. «Мен ҳам шу жойда концерт берармиканман?» — деб ўйладим. Ёнимдан ўтаётган кекса киши неварасига шундай деди:

— Агар санъаткорни саркарда деб тасаввур қилсанг, қўшиқлари унинг лашкаридир. Ҳар бир аскар ўзингники бўлиши керак. Ўғирланган аскарлар билан бирор маррани ишғол қилишга ишонмайман. Бу санъат саройи эса баҳайбат қалъа! Уни ишғол қилишинг учун юрагинг ватан деб уриб туриши керак. Кўнглингда киринг бўлмасин! Сен ҳам бир кун келиб мана шу қалъани забт этармикансан, болажоним?

— Ҳа, забт этаман, — деди митти рубобча ушлаган бола.

У ростдан ҳам қалъани забт этадиган бўлажак саркарда, мен эса бир дайди, пиёниста, чўлоқ аскар бўлиб қолдим гўё. Юришим шу бўлса, мен ҳам Сафарага ўхшаб продюсерларнингми, ҳомийларнингми ўйинчоғига айланмасмиканман? Агар виждонимни чиритиб юбормаганимда, шаҳар кезиб юргунча Пардахол опанинг жанозасига бормасмидим?

— Илтимос, эй виждон, мени тинч қўй, — деб

оёққа қалқиб арзонроқ тамаддихона ахтариб кетдим. Пулим ҳам худди виждоним каби кам қолган эди.

5. САФАРА ВА МЕН

Овқатланиб ўтирганимда, қўшни столдаги шалпангқулоқ йигитнинг шанғи овози эътиборимни тортди.

— Олдин официант бўлиб ишлаганман, — деди у одми кийинган ҳамтовоғига, — қарасам, қўшиқчи мендан кучсиз. Юлдузлик касалига чалиниб, каттароқ маош сўраганди, хўжайин орани очик қилди.

— Ҳайдавордими?

— Ҳа-да. Ресторан қўшиқчиси кўп пул ишламайди, кунлик ўн-ўн беш минг. У эса ҳар кунги хизмати учун йигирма минг сўради. Тўғриси, жа ҳавасим келиб юрганди, шартта хўжайиннинг оёғига йиқилиб, «бошқа қўшиқчи олманг, ўзим куйлайман, братан», деб ялиндим.

— Сендан кутса бўлади, — ҳиринглади ҳамтовоғи.

Бу гаплар туртки бўлиб, ресторанларни кеза бошладим, лекин кимга учрашишни билмасдим. Баъзи ресторанларга қўшиқчи умуман керак эмасди. Официантлар менга ажабланиб қараб, бар томон ишора қилишар, бардагилар елка қисиб, бош ошпазга юборишар, бош ошпазни рус гумон қилиб, рус тилида чала-чулпа гапира бошлаганимда, у:

— Ўзбекчалаб гапираверинг, — деб энасаси қотган ҳолда мени бошдан-оёқ кузатарди.

Номини сир тутишга мажбурман, мўъжазгина бир ресторан соҳиби — қирқ ёшлардаги қисик кўз, дўрдоқ лабли, оппоқ бармоғига тилла узук таққан, тўлачадан келган оқсоқ эркак — иккинчи қаватга таклиф этди. Чўлоқланиб зинадан кўтарилгунча бир соат ўтди. Иш кабинетига кириб ўтирдик. «Майлими сигарета тутатсам?» — деб сўради. Афтидан у сигарета чекмаса,

жиноий ишларни кўнгилдагидек гапиролмайдиганга ўхшарди. Исм-шарифимни, қаерлик эканимни, турмушга чиққан-чиқмаганлигимни, нечанчи йилда туғилганимни, иш жойимни, паспорт бўйича «пропискам»ни ҳам сўради. Эримдан ажрашиб, шунча ҳусниму ёшлигим билан бошқа уй қилмаганимга ишонқирамай:

— Кечирасиз, йигитингиз йўқми? — деб сигарета кулини кулдонга қоқди.

— Йигитим? — қип-қизариб кетдим. — Мен... турмуш қурганман, деяпман, амаки, ёш қиз эмасман...

— Турмуш қурган аёлда йигит бўлмайдими? — кўзлари ишвали боқди.

Кеча меҳмонхонада содир бўлган воқеани эслаб, миямда «ўйнаш!» деган ўй ялт этиб чақнади. Шундай ресторанны қурган шахс нега уялмасдан менга кўча одамнинг гапини гапирмоқда? Бутун бошли ресторан очишга фаросати етган кимса менинг пок эканимга фаросати етмаётгани жаҳлимни чиқарди. Афтидан мени фарлик йўлига тортмоқчи эди. Ресторан қўшиқчиси бўлиш учун ўзини сотиш — тубанлик эди. Бир-бирини қучиб ўлаётган имон ва виждон менга ҳар ҳолда ана шуни бонг урди.

— Хўш? — деди у оғзидан паға-паға тутун чиқариб.

— Кетишим керак, — ўрнимдан турдим.

— Зўрлаш йўқ, — истехзоли кулиб қўйди соҳиб.

— Эшик бу томондан ҳам, нариги томондан ҳам ҳамиша очик. Агар ҳеч қаердан ашулачилик бўйича иш тополмасангиз, келаверинг. Ҳамма жойнинг ҳам ўз шарти бўлади, менимча, шартимни сиз бемалол бажара оласиз. Шартимни эшитмадингиз ҳам... — Орқамдан гапириб кела бошлади. — Мен ҳам асли ўша ёқданман, қўшни вилоятдан. Ойига икки юз доллар бераман... Ҳаракат қилсангиз, сиздан машҳур артист чиқади...

— Тинглаб кўрганингиз йўқ-ку, — дедим ўгирилиб.

Қанчалик бадавлат кимса бўлмасин, бу кимса билан битта хонада қолишга ўлсам ҳам рози бўлмасдим.

Ресторанларда бировлар суқланиб, бировлар ачиниб, бировлар шубҳаланиб қарашди — қўшиқчилик бўйича иш топилмади. Меҳмонхонага ҳолдан тойиб қайтдим. Асила ёдимга тушди. Мени соғиниб йиғлаётгандир? Бироқ кўз юмишим билан қизчамнинг эмас, Пардахол опанинг қиёфаси жонланди. «Бугун гўрдаги биринчи туни, — деган совуқ хаёл вужудимга ўрмалаб кирди, — қилган гуноҳлари учун жавоб беришни бошлагандир? Уни қизи ўлдирди-я! Менинг ҳам қизим бор, мен ҳам санъаткор бўлмоқчиман...»

Эртасига қишлоққа жўнадим. Уйда онам кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтирган экан. Меҳмонхонадаги фожиа ҳамда менга кеча жавоб бериб юборишгани ҳақидаги хабарлар уйга етиб келган эди. Сал бўлмаса, йўқолганим хусусида милицияга арз қилишгача боришаркан. Онам кўз ёш тўкиб, икки кун ваъз ўқиди. Турмушга чиқишим керак эмиш! Асилага ўғай отани раво кўрмайман, деб баҳона айтгандим, «Қизингни ўзим катта қиламан, турмуш қуриб кетавер», деб қатъий туриб олди. Опамлар ҳам онам тарафда эди, бошқалар ҳам.

Ўша куни алам исканжасида туман марказига жўнадим. Эндигина маданият уйига етгандим, йўлимни тўсган қиз ўтакамни ёриб юборди. У Сафара эди. Шошиб қолганимдан каловланиб:

— Сафара... Санам... сизми? — деб юбордим.

Унинг қошлари шундай чимирилдики, юлиб-юмдалаб ташлашидан қўрқиб, юрагим орқага тортиб кетди. Қанчалик қўшиқчиликка қизиқмай, санъатни кўкларга кўтармай, ўзим билмаган ҳолда қўшиқчи қизларни шаддот, юлмахотин ва ахлоқсиз сифатида тан олишимни тушундим, назаримда ана шундайларгина тўйма-тўй юриб, ўз ҳаққини ундирар эди. Ва шулардан бири ҳозир қаршимда турарди.

— Иккала исмимни ҳам биларкансиз, зўрсиз-ку! — деди палағда товушда. Онасининг ўлганига йиғлайвериб, овози битиб қолганди унинг.

— Сафара, сизга ҳаммасини... — гапимнинг яrimi ичимда қолди.

— Сафара эмас, Санам деяверинг. Паспортдаги исмим ёқмайди! Кеча аямнинг буюмларини олиб кетишга келгандим, сизни сўрасам, «энди ишламайди», дейишди. Нима бўлди?

— Аввал ҳам ишламасдим. Қўшиқ куйлаш учун қатнаб юргандим.

Сафара кутилмаганда янада юмшоқ гап айтди:

— Нима бўлганда ҳам сизга раҳмат, Зарнигор.

— Нима учун?

Сафара бир қадам ташлаб, боши билан шарққа, юзлаб чақирим олисда қолган Тошкент томонга ишора қилди.

— Чингиз акамдан эшитдим, аям охирги гапларини сизга айтибди. Меҳмонхонада мени кўрганингизни ҳаммадан сир сақлашни илтимос қилибди. Шунинг учун раҳмат айтяпман. Бу ердагилар ўша қиз мен эканимни билишмас экан.

— А... арзимаЙди... Лекин ростдан шундай бўлганди, аянгиз менга...

— Ҳеч ким сизга ёлғон дегани йўқ-ку!

— Биз номерда сизлар борлигингизни билмагандик... Аянгиз «Жонибекдан ҳол-аҳвол сўраб келайлик», деди...

Сафара йиғидан қизарган кўзларини йўлак четидаги ариққа тикиб, бир зум жим қолди. Эҳтимол, онаси суриштирган Жонибек исмли йигитни ўйлаётгандир. Хазонларга тўлган сувсиз ариқ захлаб кетганди. Шу пайт ёмғир томчилай бошлади. Енгил шамол туриб, дарахтлардаги сўнгги япроқлар ҳам чирт-чирт узилиб тушди. Файзсиз шаҳарча манзараси юракни эзиб юборди.

— Ҳа, майли, — деди Сафара ўзини мажбурлаб

жилмаяркан, — аям маданият уйи ишлари билан кўп юрарди, ухахонлари кўп эди, Жонибек ҳам шулардан бири бўлса керак. Бу ерга келишимдан яна бир мақсад — сизни учратиб қолсам, бир иш таклиф этиш эди, рози бўлармикансиз, Зарнигор?

— Менми? Қанақа иш?

— Хабарингиз бўлса керак, «Синоат» гуруҳи хонандаси эдим...

— Хабарим бор, лекин... рости, қўшиқларингизни эшитмаганман, — дегандим, Сафара лабининг бир чети билан заҳарли кулимсираб, деди:

— Қаёқдан эшитасиз, менинг ҳали ўз қўшиқларим йўқ. Лекин студияда ёздирганларим кўп, ўшалар билан тўй ўтказаман. Тўйларда энг «по-пулярний»лари Юлдуз, Ҳосила, Озода. Яқинда Зулайҳодан ҳам олдим. Гулсанам билан Хулкардан ҳам терма қилмоқчиман.

Шу дамда Чингиз Давронов айтган гапни эсладим: ҳатто бировнинг қўшиғини ҳам фонограмма қилиб, тўйларда пул ишлаётган қўшиқчилар бор! Мана, Сафара. У Чингиз «таълимоти»ни олганига шакшубҳа йўқ эди.

— Маҳлиё Фозилова ҳам яхши куйлайди, — дедим. Ҳарҳолда Чингиз ака унинг продюсери эди, Сафарага қўшиқларидан тавсия этган бўлиши мумкин.

— Нима? — Сафаранинг оғзи қийшайиб кетди. — Унинг қўшиғи ҳам қўшиқми?! Энг катта ўғри ўша қари илон! Одамми у?! Гапирма ўшани!.. Узр, сенлаб гапиряпман. Кел, сенсираб гаплашамиз. Яқин ўртоғини сенлаб гапириш Тошкентда ҳам урф.

— Майли.

— Бир умр шундайлигимча қолмайман, Зарнигор, пулим кўпайсин, ўз қўшиқларим, клипларим бўлади, «ТВ»да ҳам «айлантираман». Кейин қарабсанки, «ставка»м камида беш юз долларга чиқади. Сени ҳам Тошкентга ишга чақирмоқчиман, хонандаликка. Борасанми?

— Қачон? Ўшандами?

— Жиннимисан, ҳозир чақиряпман. Эртага эрталаб чиқиб кетамиз.

— Вой!.. — дедим қувончдан кўзларимни катта-катта очиб. (Айнан шу гапни кутиб, бир соатдек чўзилган икки дақиқани интиқ ўтказдим-а!) — Ростданми? Ўзим ҳам иш излаб юрувдим.

— «Синоат» гуруҳидагилар билан келишмай қолганман. Чингиз акам янги гуруҳ очмоқчи. Иккита хонанда қиз керак. Сени тавсия қиламан. Лекин бу гап ҳозирча оғзингдан чиқмасин, ўртоқ. Чингиз акам Маҳлиё билан орани очиқ қилиб, бошқа бир каттароқ одам билан шартнома имзолаб қўйган, шунинг учун бизга очиқчасига продюсерлик қилолмайди. Ўрнига бошқа йигит, найнов шогирди ишлаб туради, аслида барибир Чингиз акамнинг гуруҳи ҳисобланамиз. Улар тўйлар топиб бериш, оромгоҳларда, турли ташкилотларда концертлар уюштириш бўйича профессионал. Ҳар куни пул тушади. Биз фақат куйлашимиз керак, бошқа иш йўқ. Яхши қўшиқлар эса, санаб ўтдим-ку, тиқилиб ётибди, мана бундоқ!

— Лекин Чингиз ака мени қабул қилмайди-да.

— Нега қабул қилмас экан?

— Меҳмонхонадаги воқеа учун сўкиб бердилар, — дедим. Бироқ ичимда бутунлай бошқа фикр ғимирлади: «Продюсернинг қўполлигига бир оз чидаб вақтдан ютсам, у Сафарадан кўра мен афзал эканимни тушуниб етади, унинг ишончига кириб оламан. Ўз ўрнимни топиб, шароитим яхшиланганидан сўнг Чингизнинг ҳам, Сафаранинг ҳам кераги йўқ! Ўзим алоҳида хонанда бўламан, маош билан ишлайдиган продюсер топаман, у кечаю кундуз хизматимда...»

— Сўкади, ўшқиради, лекин машҳур қилади, пулга кўмади, яна нима керак сенга?! — жўшиб сўзлади Сафара. — Доим мақтайдиган одамдан қўрқиш керак, Зарнигор! Меҳмонхонадаги воқеада ўзингни Чингиз акамнинг ўрнига қўйиб кўр, кимнинг жаҳли

чиқмайди? Бахтингга Чингиз акам тушунадиган, кўпни кўрган, олижаноб инсон! Мен билан юришига ўзи эмас, хотини айбдор! У ўлса ҳам Чингиз акамнинг кўнглини топишни билмайди. Хотини бўла туриб хотинга зор бўлиб яшаш эркакка осонми?

— Осонмас, — дедим ва негадир лоп этиб кўз олдимга Кимсан келди.

Сафара билан анча суҳбатлашдик. Ҳар бир гапи ичимга чўғ ташлади. Машинада уйдан олиб кетиб, машинада қўйиб кетишаркан, бировга бир тола сочимни ушлатмас экан. (Дарҳақиқат, тўйларда ҳимоячим йўқлиги боис икки марта обрўйимни тўкишган!) Меҳмонхонадаги шармандали кечада Сафара озроқ ичгани учун ихтиёрини Чингиз акага топшириб қўйибди, шунча вақт пок-ҳалол яшаганмиш. Одамлар қўшиқчию раққоса қизлар ҳақида истаганча ёмон хаёлларга боришавераркан, ҳақиқатда эса ҳеч кимни ҳеч ким мажбурлаб ёки алдаб йўлдан оздирмас эмиш. Шоу-бизнеснинг қоронғи кўчаларида нима воқеалар бўлган бўлса, ҳаммаси ихтиёрий, онгли равишда содир этилармиш. Истаксиз истак йўқ экан бу дунёда.

— Масалан, — деди у, — сен эридан ажрашган фарзандли жувонсан. Эри йўқ экан, деб гапга олмоқчи бўлганлар бошқа касбдагиларга қараганда бизда ўн барабар кўп учрайди. Элнинг кўзидаги инсонмиз-да, ахир! Лекин кимгадир ширин, кимгадир аччиқ гапириб, вазиятга қараб рад этасан. Чунки мақсадинг — санъатни тарқатмасдан турмушга чиқиш. Уйланаман, қизингга оталик қиламан, санъатингни қўллаб-қувватлайман, деганлар билангина гаплашасан. Феъли, ўзини тутиши, ташқи кўриниши, чўнтаги тўғри келса, турмушга чиқасан. Тўғрими гапларим?

— Тўғри, Санам, менга сени худо юборди, — дедим ниҳоят ўзимни қўлга олиб. — Бирга ижод қилсак, яхшиликларингни ошиғи билан қайтараман.

Хуллас, Сафаранинг таклифига жон-жон деб рози бўлдим. У ҳам ўз туманидан дугона топилганига шод эди. Уйга келиб, қизчамга термилиб қолдим. Эгнидаги эскирган, саргайган кўйлакчасининг узун енгчасини маҳкам қисиб, пишиллаб ухлаб ётарди.

— Ким эски кўйлак кийдирди бунга? — зарда билан ортимга ўгирилдим.

— Зули опам кийимчалар бериб юборибди, яп-янги бўп турибди-ку, — деди кичик укам.

— Кийимчалар бериб юборибди? Кимга?

— Асилага, — деб укам токчадан эскирган бўғчани олди. — Мана, кўринг, опа, ҳар хил кўйлак-иштонлар.

Зулфия опам туғишни тўхтатган эди: икки ўғил, бир қизни дунёга келтирди. Болаларининг чақалоқ кийимларини асрашга энди ҳожат йўқ эди, одат бўйича кимгадир ҳадя этиши керак — ўша Асила эди.

— Жулдурвоқи ҳамсояларига берсин буларни! Менинг қизим бировдан қолган эски кийимларни киймайди!

— Опа, Зули опамнинг болаларини «бирова» деяп-сизми?

— Ҳе, ўчир! — қичқирдим укамга.

Шу кун ичиги овқатдан сўнг онам билан ҳам жанжаллашдим. Омадим чопиб, нақ шоу-бизнеснинг ўртасига, бирданига янги гуруҳ хонандаси сифатида парвоз қилмоқчи бўлсаму яна ўша машмаша: эрга тегиш, қарамлик, камбағаллик, бир умр номи чиқмай яшаш, рўзгор, бола-чақа!

— Энамни адои тамом қилиб, тириклай ўлдирдинг! — меҳмонга келган катта опам ҳам менга қарши исён кўтарди.

— Мени-чи? — опамга ғазаб билан боқдим. — Мени ўлдирганларинг ҳисобмасми? Йўқ, эртагаёқ Тошкентга кетаман! Тайёр ишдан воз кечадиган аҳмоқ эмасман! Битта қизни боқолмаяпман, у ёқда эса энага қарайди, қиммат яслига бераман, одам қиладиган жойларда ўқитаман! Ҳамма нарсам бўлади, ҳамма

нарсам! Кетаман бу қишлоқдан! Тушунсаларингиз-чи, мен шаҳарда яшашим керак, шаҳарда! Менинг жойим санъат!

— Отам ҳаёт бўлганида...

— Отамни гапирманг! Ота улуғ, унинг гапига кириш керак, деб сиз ўн етти ёшингизда, Зули опам ўн олтида эрга тегиб кетди! Нима кўрдиларинг? Нима топдиларинг ўша миждов эрдан, рўзғордан, заҳар қайнонадан?! Шу ҳаётларинг ҳам ҳаётми? Ҳаммаларинг бирикиб, мени ҳам бахтсиз қилдиларинг! Битта тўйда қўшиқ айтганимга шунчаликка бордиларинг-а? Энди умрбод тўйларда қўшиқ айтиб яшайман!

— Ўл, тўйларда қўшиқ айтиб яшамай, ўл! — онам умрида қилмаган ишни қилди: менга қўл кўтарди. Юзимга, гарданимга бир неча шапалоқ туширди, юмдалади. — Тур йўқол! Қорангни кўрмай! Таъзиямга ҳам келма!.. — Кейин бирдан ҳилвираб, хонтахтага бош қўйиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. — Сени не умидларда катта қилдик, шуми кўрган орзу-ҳавасимиз? Шўх дедик, чиройли дедик, бошга битган бало бўлдинг-ку! Отангга қўшилиб ўлибгина кетсам бўлмасмиди-я! Қандай кунларга қолдириб кетди мени? Эй Художон, нима гуноҳим учун бу қизим бунча куйдирди?! Қачон ўламан? Қачон қутуламан шу азоблардан?!

Опам ва сингилларим онамга парвона бўлиб, юпата бошлаганида, мен гуноҳларга ботган бошимни кўтариб, сочимни йиғдим. Тарсаки зарбидан чап юзим лов-лов ёнар, бўйним ачишарди. «Етар! — дедим ичимда. — Кетишим керак... Онам билан гапимиз барибир келишмайди. Машҳурликка эришсам, оила қурсам, ҳаммаси унутилади, мени кечирадилар, йўлларимга интизор бўлишади. Бу фақат менинг бошимга тушаётган савдо эмас. Ота-онаси оқ қилган хонандалар, актрисалар, раққосалар йўқми?! Уларни ҳам кечиришган-ку!..»

Асилани кийинтириб, эшикка юрган эдимки, синглим йиғлаб, опамга хабар етказди. Опам чоңиб келиб, бўсағада йўлимни тўсди.

— Кетмайсан!

— Кетаман, қочинг! Агар бугун шу уйда қолсам, ўзимни ўлдираман! Мен ҳам ҳаммасидан тўйдим!

— Қарасам, опам қўйиб юборадиганга ўхшамайди. Шунда тўнимни ўнг кийдим. — Илтимос, опа, мен ҳақимда ёмон хаёлга борманг, ундан кўра оқ йўл тиланг. Тайёр иш чиқиб турибди, бошқа бундай имконият бўлмайди! Бегона эмас, шу туманлик таниш қиз билан ишлайман. Ўзимга тўғри бўламан, мени тушунадиган йигитга турмушга чиқаман. Агар юзингизни ерга қаратсам, Худо урсин, опа!..

— Қасам ичма! Асилани ташлаб кет!

— Кимга? — дедим киноя билан. Нигоҳимдаги маъно сўзимдан-да устун чиқди.

Опам бир он тикилиб турди, сўнг шартта қизимнинг устига энгашиб, ўпди: ёноғидан бир томчи ёш думалади. Шу тобда опамга раҳмим келди, аммо тақдир шамоли тобора кучайиб, киндик қоним тўкилган остонадан мени учириш пайида эди.

— Кимдир Дубайга кетган, кимдир ўйнаши билан қочган, мен бор-йўғи санъат учун, танилиш учун кетяпман-ку, бунинг нимаси ёмон?! — дедим опамга. — Ҳали Тошкентга меҳмонга борасиз, шаҳар айлантираман, концертимга тушасиз. Айниқса, телевизорга чиққанымда, «Зарнигорнинг опасиман», деб фахрланиб юрасиз.

— Илойим, тўғри юр, сен ҳақингда фақат яхши гаплар эшитайлик, — опам мени дуо қилди.

Қишлоғимиз таксичисини чақирдим. У мени туман марказига, Пардахол опаникига олиб борди. Дилим вайрон эди. Бу ҳам етмагандек, Сафара мени кўриб ижирғангандек бўлди: бир кечага жой бермай ўлган экан-да. Қизчамни эркаламади ҳам. Қайтанга бурнини жийириб:

— Боланг билан келма, деб тайинламабман-да, ким қарайди бунга? — деди.

— Энага топаман.

— Хўп, топасан, лекин пулинг борми?

— Ишлайман, — дедим таажжуб ила. — Ўзинг айтдинг-ку ҳар куни пул тушади, деб.

У мени ҳовлисига ноилож киритди. Яқинда ўлик чиққан хонадонда совуқ сукунат ҳукм сурарди. «Мен бўлмаганимда Пардахол опа ўлмасди», деган ўй кўнглимдан лип этиб ўтди. Ўтдию учар юлдуз каби сўнди. Нега энди мен айбдор эканман? Сафара — фоҳиша! Онасини у ўлдирди!

— Ким келди? — чўзиб, инқиллаб сўради бир кампир. Нариги хонага ўтаётиб, унга кўзим тушди: бошига гулдор оқ рўмолдан дакана ўраган, кўзлари шилпиқ, билакдек бўйнига алламбало мис тақинчоқлар таққан муштдек кампир қалтирабгина ўтирарди. У тамшаниб жавоб кутар, не тонгки, нигоҳида «Пардахол келганмикан?» деган маъно ҳам йўқ эмасди.

— Дугонам, — деди Сафара. — Эртага Тошкентга бирга кетмоқчимиз.

Девордаги суратга рўпара бўлдим — Пардахол опа! Шундан сўнг ҳар бир буюм, ҳар бир бурчак Пардахол опани эслата бошлади. Гўё кинолардагидек унинг арвоҳи кезиб юрарди, менга пўписа қилар, ўчини олишга уринар эди; ўлимига сабабчи қиз эса ўз қизида, арвоҳнинг алами барибир менда эди.

Сафара уф тортиб, диванга ўтирди.

— Оти нима? — сўради қизчамга ияк силкиб.

— Асила.

— Неча ёш?

— Ёшига тўлгани йўқ... — Мени кампирнинг тақдири қизиқтираётган эди, сўрадим: — Бувингга ким қарайди?

— Қариндошларнинг ичида «квартирант»лар кўп. Ҳовлимизда бепул туриш эвазига бувимни

боқиб ўтиришади. Менинг ўз ҳаётим бор. Бувимга бағишлаёлмайман.

Эрталаб такси келди. Қизим билан орқа ўриндиққа ўтирдик. Шоҳбекатга яқин қолганимизда, Сафара ҳайдовчига кўп қаватли эски уйлар жойлашган маҳаллага кириш кераклигини айтди.

— Манави рўдапо кийимда Тошкентга боролмайман, — деди у кўз қисиб.

Оғир жиддийлик чўккан эди, кулишдик. Ваҳоланки, марҳума онасининг «йигирма»си ҳам ўтмаганди ўшанда. Қора кўзойнак таққан, малла курткали, тор шимли қиз — хонанда Санам подъезддан чиққанида, нафақат таксичининг, ҳатто менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Боз устига лабида ингичка сигарета бор эди.

— Уф, қутулдим, — деди у машинага ўтириб, деразадан тутун пуфларкан. — Қора кунлар ортда қолгани рост бўлсин! Қайтиб ҳеч кимнинг бошига тушмасин!.. Эҳ, онам-а! Одам салгина бағритош, совуққон бўлса-да!

Шўрликнинг овози бир оз очилганди, лекин меникидек бўлолмаслигига кўзим етиб, ичимда истехзоли кулимсирадим. Назаримда, у ўз рақобатчисига нонини бераётган аҳмоқ эди.

6. «ЯЛЛАЧИЛАР, ЯЛЛА, ЯЛЛА!..»

Сафара Тошкентнинг чеккасидаги тўрт қаватли уйда ижарада турар экан. «Собир Раҳимов»га тушганимиздан сўнг таксига ўтириб, сал кам бир соат юрдик. Квартира деразасидан сал наридаги серқатнов катта йўл ортидаги узумзорлар, ундан ҳам нарида эса қандайдир заводнинг мўрилари кўриниб турарди.

— Чекка мавзеда маза қилиб яшаймиз, ҳеч ким бизни танимайди, — деди Сафара газни ёқиб. — Агар қизингни уйингга ташлаб келганингда, ишинг

жуда енгил бўларди-да. Ҳа, майли, ҳозир унга каша пишириб берамиз. Энага ҳам топиш керакми?

— Ҳм, — деб бошимни лиқиллатдим.

— Қайфиятинг йўқ?

— Йўлда чарчадим, — синиқ кулимсираганимни ҳис этдим. — Биринчи марта бола билан келишим... шунга...

Бироқ алдаётган эдим. Аслида квартира аҳволини кўриб, бошимга гурзи билан ургандек бўлишди. Энг арзон, таъмирсиз ижара уй. Идиш-товоқлар раковинада жўмрак бўйи тахланиб ётибди. Қўланса ҳид. Суваракларнинг сон-саноғи йўқ. Гиламсиз, яланғоч полнинг бир четида эски-туски кўрпачалар, кир чойшаблар. Айниқса, айвон деразасининг синган кўзига қоқилган клёнка йиртилиб, шамолда хосиятсиз ҳилпираб турибди. Мана, нима учун Чингиз ака ёлғиз яшайдиган қизнинг уйига келмай, меҳмонхонага таклиф этган! Бундай жойда зино қилишга ҳам ирганган!

Қизчам гингшиди. Сафара анойи эмас эди, аҳволи-руҳиямдаги пўртаналарни сезди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди қўлини белига тираб, — бир киришсак, ярақлатиб ташлаймиз.

Ярақлатиш учун анча-мунча пул керак эди. Менда ҳам, Сафарада ҳам пул кам. Қўлларимиз қўл бўлгандан бери катта пул кўрмагани сезилиб қолди. Балки Сафара умрида қўшиқчилик қилмаган бўлсачи, деб қўрқиб кетдим.

— Бонунинг «Ёлғизман» қўшиғини куйлаёласанми? — қармоқ ташладим унга.

— Мен фақат шўх қўшиқлар куйлайман, — деди у ва «Муҳаббат қасрида ўтирса кўнглим...» деб хиргойи қила бошлади. Иш дабдала эди.

— Феруза Жуманиёзовами ё Шоира Отабекова? — сўрадим ундан. — Негадир шу қўшиқ кимникилигини кўп адаштираман-да!

— Мен ҳам, — пинагини бузмади Сафара.

Айни шу дамда эшик тақиллаб, у соатга кўз ташлади ва тўсатдан ранги қув ўчиб кетди.

— Қизчангни беш дақиқага бериб турасан, — деди ҳовлиқиб. — Болам бор, деб ҳозир бир одамни алдамасам, мени ўлдиради. Илтимос, Зарнигор, шундоқ кўрсатаману қайтариб келаман.

Жавобимни айтишга улгурмадим. Сафара гурсиллатиб қадам босган кўйи тўшак ёнига келди. Ўз ҳийласидан бошқа ҳеч нарсани ўйламаётган эди. Боламни лип этиб олиб, бағрига кучук боласидек босди. Кўчаларда кўрганман, ит деса жонини берадиган айрим хотинлар кучукваччаларни шу тахлит кўтариб юришади. Ва уларни жиним суймасди.

Бечора қизалоғим қўполликка чидаёлмай чириллаб йиғлади.

— Йўқ, — дедим эшикни тўсиб. — Қизчамни аралаштирма. Бер бу ёққа!

— Вой, ўртоқ, битта кўрсатаман, бўлди.

— Йўқ! — деб қизалоғимга ёпишдим.

— Зарнигор!..

— Бер бу ёққа қизимни!

— Алдадим, эшикдан чиқармайман! Қўрқма! — деди Сафара кўзлари чақнаб. — У мени анча вақтдан бери кўргани йўқ, ҳомиладорман, деб олти ой аввал айтганман! Жинни, нега тушунмайсан?! Шундоқ остонадан кўрсатаману қайтариб бераман шу етимчангни!

— Нима дединг? Ким етимча?

— Отаси йўғ-у...

— Отаси бўлмаса онаси бор!

Биз тортишаётганимизда, меҳмон эшикни ҳатто тепди ҳам. Кўз олдимга бетарбия бойвачча йигитнинг сур қиёфаси келди. Тор оқ шим, оқ кроссовка, эғнидаги футболкада эса алламбало ёзувлар, типратикан сочларининг орқаси елкага

тушган, озгин, димоғида кучаниб гапирувчи олифта. Пастда «иномарка» хизматига мунтазир...

Сафара ноилож қолгач, эшик калитини буради ва мен ҳам подъездга қўрқа-писа кўз ташладим. Йўқ, адашган эканман. Асли қишлоқдан экани афт-ангоридан яққол кўринган, қора кўйлак, қора шимдағи, юзи турли тошмалардан чўтир бўлиб кетган бир йигит турарди. Ўлай агар, зўрма-зўраки шаҳарлик бўлиб олган бунақа қишлоқиларни одам ўрнида кўрмасдим.

— Сазо ака, ассалому алайкум! — қийқирди Сафара яшин тезлигида ўзгариб.

— Нега очмайсан? — ўдағайлаб ичкарига қадам босди у. — Етти ойлик қилиб туғдингми дейман? Шуми чақалоғинг?

Саломга алиқ олмагани, берган саволлари унинг қандай оиладан чиққанини ошкор этди. Менга худди қулваччасига қараган хожадек гердайиб назар солди. Кейин беписанд оҳангда Сафарадан сўради:

— Қим бу? Қасам ичаманки, чақалоқ уники.

— Ўртоғим... — минғиллади Сафара. — Чақалоқ меники, ишонинг.

— Гаранг! Сен «вопше» туққанга ўхшамайсан! Ким у дедим?

— Ўртоғим деяпман-ку.

Қизчамни йиғидан тўхтатиш учун хона ўртасига бориб, қўлимда тебрата бошлаганимда, йигит ортимдан гапирди:

— Бола билан? Қаердан топдинг бунни?

— Гапнинг очиғи, у янги қўшиқчи.

— Жин урсин! — деди Сазо хориж фильми қахрамонларига тақлидан. — Нега мен танимайман?

— Районимиздан. Тошкентга биринчи келиши.

— А, почча қаерда?

— Йўқлар.

— Э-э... Салом бердик, дилором! — У менга иягини кўтариб сўзлади. — Жуда ҳам чиройли экансан.

Таъвиянинг ҳар бир гапи, ўзини тутиши асабимга шундай тегаётган эдики, асти чидаб бўлмасди.

— Дилором эмасман. Исмим Зарнигор! — дедим.

— Мен ҳам исмингни айтганим йўқ. Дилором, бу — ўхшатиш! Санамга қараганда, соҳибжамол экансан.

— Йигит, сал оғзингизга қараб гапиринг! — деган эдим, Сафара орага тушиб, мени лол қолдирадиган гапни айтди:

— Зарнигор, ким билан гаплашаётганингни биласанми? Сазо акам катта шоир!

Ё алҳазар, бу махлуқ ҳали шоир экан.

— Ш... шоир? — деб бўсағадаги нусхага бошдан-оёқ қараб чиқдим. Менинг наздимда шоирлар кўнгил кишилари эди, ҳеч қурмаса, бир чимдим қалб бўлиши керак эди уларда. Ахир, Сазода одамийлик қиёфаси ҳам йўқ-ку.

— Сазойи тахаллуси билан ижод қиладиган шоир ҳақида наҳотки эшитмаган бўлсанг?! — мақташга тушди Сафара. — Тўйларда айтадиган кўшиқларингнинг шеърларини ким ёзиб берганини билмай куйлайверасан-да, бир кун келиб, одамни мана шундай шарманда қиласан! «Синоат» гуруҳига, Маҳдиё Фозиловага, яна ўнтача санъаткорга...

— Ўттиздан зиёд, — луқма ташлади Сазо.

— Ана шунақа! Сазо акам билан ҳазиллашма! Шоубизнесдаги халқ артистлари ҳам бу кишига салом беради! Сен ким бўпсан?.. Биз ким бўпмиз?! Ҳали биздан тузукроқ санъаткор чиқадими, йўқми, худо билади! Сен эса ўз шоирингни танимай ўтрибсан-а, тавба!

Қизалоғимга каша берадиган вақт бўлган эди. Ошхонага кирдим. Шоир ортимдан бир дунё мағзава ағдариб, ўз мағзавасининг ичидан кўпик ахтаришга тушди. Исмимни тилга олмай, учинчи шахс қилиб гапираётгани учун ҳарқалай ўзимни босдим. Сафара эса бу вақтда шоша-пиша кийимини алмаштирди. Сезишимча, Пардахол опанинг қизи шоирнинг

ўйнашидан бошқа ҳеч кими эмасди. Юрагим симллаб оғриди. Ким билан дугона тутиндим? Кеча продюсер, бугун шоир билан ётиб турадиган суюқоёқ менинг дўстим, сирдошим, иш топиб берувчимми? Беихтиёр Кимсанни эсладим. Илк бор миямни бир ўй пармалади: «Хато қилмадингми?.. Хато қилмадингми?.. Хато қилмадингми?..»

— Яқинда турмушга чиқмоқчиман, — деди Сафара. — Бу охирги марта боришим, Сазо ака... Мени ҳам тушунинг. Газеталар ёзмаса ҳам сайтчилардан яхшилиқ кутиб бўлмайди, интернетга ёзиб юборса, тамом бўламиз. Айниқса, сиз таниқлисиз, Сазо ака.

— «Чёрный пиар», ҳечқиси йўқ! Сенга берган пулларим шеър сотиб йиққанларим эди, хазондай супуриб олганим йўқ артистларга ўхшаб! — жеркиб берди Сазо. — Эпложмас экансан, нега мени чув туширдинг? Нима, пул заводим борми?

— Ўз қўлингиз билан бергансиз.

— Ўз қўлим билан қайтариб олишга ҳаққим борми? Ана, Баҳром.уз! Шеърятга мендан кейин келиб, машина олди! Битта шеърини беш юз долларгача сотади. Яқинда уйли ҳам бўлади! Мен эса аҳмоқман! Сенга пул тикиб ўтирибман-а? Қанийди бу пулларни пешана терим билан топмаган бўлсам? Баъзан юз доллар ҳам бермайди бу артистлар! Улар фақат олиб ўрганган, олиб! Уларга фақат ёпиштириш керак, ёпиштириш!..

Эшик ёпилди. Дарров очилиб, Сафаранинг овози эшитилди:

— Зар, биз кетдик! Эшикни қулфлаб ол! Ҳеч кимга очма! «Участкавой» янги бўлган, мени танимайди, «прописка» сўраб келса, тамомсан!

Кашани идишга солиб, қизимнинг ёнига чўкдим. Совуқ хабар эшитган каби ҳушим ўзимда эмасди. Нима кўргилиқ бу? Шоу-бизнесга кияппманми, бузуқчиликка? Ўзи бу шоу-бизнесга кириш йўлагими

ё бутунлай бошқа оламга тушыпманми? Йўлдан адашдим, шекилли...

Кўзларимдан ёш думалади. Афсуски, нарсаларимни йиғиштириб, уйимга қайтиб кетолмасдим. Шу тобда элга танилган, ҳар куни тўйларга чиқадиған, иссиққина уйи, машинаси, ортиқча пули, дўстлари, қариндошлари бор санъаткорларга шунчалар ҳавасим, йўқ-йўқ, ҳасадим келдики, манглайим шўрлигидан додлаб юбораёздим. Нима қилсам экан? Тақдир нега уларга берган? Улар ҳам менга ўхшаган одам-ку! Ораларида хоҳлаган номаъқулчиликни еб юрадиғанлар ҳам бор, аммо нега ошиғи ол-чи?

Вақт алламаҳал бўлгач, Асила ухлаб қолди. Юзимни совуқ ургунча дераза оша шаҳарни томоша қилдим. Сон-саноқсиз уйлар, чироқлар, машиналар... Қаердадир талабалар ётоқхонасида синфдошим Шохрух дарс тайёрлаётгандир.

Бир зум дунёнинг нариги чеккасига келгандек бегоналикни туйиб, қўрқиб кетдим. Хаёлимда «ҳалиям кеч эмас, орқангга қайт» деган ўй чарх уриб юрди, сўнг ўзига нажот ахтариб, кўнглимнинг лоқайдлик ва совуққонлик диёрига учиб ўтди. Ўтдию қанотлари қайирилиб йиқилди. Ботинимни буткул зулмат қоплаб келаётганини ҳис этмоқда эдим. Бу зулматни эстрада чироқлари ёнарқўнғизчалик ҳам ёритолмас эди.

— Нима қилиб бўлса ҳам йўлимни топиб олишим керак, — дедим ўзимга-ўзим. — Уйга қайтмайман!.. У ёқда барибир ҳеч нарса ўзгармайди...

Бекорчиликдан айвонни тозалашга киришдим. Кир-чир кийимлар орасидан эркакларнинг доғ ёпишган пайпоқлари, ирkit ички либослари топилиб, димоғимга бадбўй ҳид урилди, ўқчиб юбордим. Умримда бундай наҳс босган уйда яшамагандим. Агар Сафара ваъда берган санъат шу уйдан

бошланадиган бўлса, у, шубҳасиз, ҳалокатга элтувчи санъат, аниқроғи, санъатсимон ҳалокат эди.

Ниҳоят, эшик тақиллади. Сафара қайтишда улбул кўтариб келишидан умидвор эдим. Бугун мен қизчам билан меҳмонман, ҳойнаҳой ресторандан қайтаётган одам бизни ҳам ўйлар... Ўҳ, янглишмабман. Сафаранинг қўлида семизгина пакет бор эди.

— Соат бир бўлди-я! — дедим қувончимни яширолмай. — Кеч қолганингдан жуда хавотир олдим...

— Нега? — деган овоз эшитилдию сесканиб тушдим, қоронғиликдан Чингиз ака чиқиб келди. — Бизда тунги соат бир кеч қолганликни англатмайди. Одатда уч ёки тўртда хизматдан қайтилади.

Иккиси ҳам ичкилик ичиб олган эди.

— Чингиз ака, сал секинроқ, — деди Сафара, — ичкарида ёш бола ухляпти, раҳмингиз келсин.

— Э, мен уни танийман, — кулди продюсер, — туғруқхонада ётганида телефон орқали овозини эшитганман. Шундайми, Зарнигор?

Биз нон, колбаса, вино, «кола» безаб турган дастурхон атрофидан жой олдик.

— Келибсан-да? — деди Чингиз ака менга суқланиб қараб.

— Ўша пайтда ҳам айтганман, Чингиз ака, мен санъаткор бўлмоқчиман, — дадил жавоб бердим, — бугун келганим учун бунақа жойда ноиложликдан турибман.

— Санъаткор бўлмоқчи, — Сафара продюсерга кўз қисди, иккиси пиқ-пиқ кулишди. — Кўнгли беш юлдузли отелни тусаяпти.

— Нима қилибди? Айби йўқ... — деди продюсер.

— Орзунинг! — қўшимча қилди Сафара. Улар беш ташлашиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Асила уйғониб кетаёзди, жаҳл билан гингшиди. Агар Кимсан қизи ва собиқ хотинини шу аҳволда кўрсами, ўзини осиб қўйиши мумкин эди.

Асабийлаша бошладим, лекин туғёнимни сизди-

ришим яна мазах қилинишимга ёки уларнинг ёрданидан жудо бўлишимга олиб келиши мумкин эди. Шоу-бизнес қаср бўлса, мен ўғринча кирмоқчи эдим ва йўл кўрсатувчи эшикбон, гарчи ўз нафсини ўйлаётган эса-да, кўнглига тегиб қўймаслигим даркор эди.

— Майли, ишга ўтайлик, — деди Чингиз ака битта-битта қадаҳ кўтарганимиздан сўнг. — Тошкентда яқинларинг борми?

— Йўқ, — дедим.

— Танишларинг-чи?

Бош чайқадим. Чингиз ака тумшайиб, вино бутилкасидан кўз узмай хаёлчан ўтирди.

— Фақат битта синфдошим бор, — дедим.

— Нима? — пешанаси тиришди продюсернинг. — Синфдош?

— Ҳа, бир синфда ўқиганмиз. У мактаб саҳнасига чиқиб юрганимдаёқ қаттиқ танқид қиларди. Менга совчи юбормоқчи эди, лекин отам бошқага бериб юборди. Ҳозир Тошкентда, мединститутда ўқийди.

— Гаплашдингми у билан?

— Икки йилдан бери гаплашмаймиз.

— Демак, ҳеч киминг йўқ экан, — деди Чингиз ака ва оёқларини чалиштирди. — У ёқда, районингда кимларинг бор?

— Кимларим? Қайси маънода?

— Қаерда, ким билан ишлаётганингга, қанча топаётганингга доим қизиқиб турадиган кишилар... Айтиб қўяй, курсдошим Эсонбойни бутунлай унутасан, туман маданият уйини ҳам.

— Кўрдингми, Чингиз акам сени ишга олмоқчи, — Сафара тиззамга урди.

— Ҳеч ким ҳеч нимани суриштирмайди, — деб жавоб бердим. — Лекин қанақа ишга олмоқчисиз?

— Қўрқма, раққосаликка эмас, хонандаликка.

Шундан сўнг Чингиз ака ҳеч кимга сирни очмаслик шарти билан ўз режасини сўзлаб берди. Бу — Сафара

айтган режа эди. Бирмунча вақт аввал Чингиз ака Маҳлиё Фозилова билан алоқаларни узибди. Ясат ака деган миллионер Чингиз акани ўз қизига продюсерлик қилишга таклиф этибди. Қизи санъат оламига ўзгача тахаллус, ўзгача ижод жўшқинлиги билан портлаб кириши кўзда тутилган экан. Тахаллусни эшитиб, Чингиз ака бойвучча қизнинг устидан кулаяптими ё қизнинг ўзи ўз устидан кулганми, тушунолмадим. Мадина асл исми экану Мультина деб тахаллус олибди. Тавба, Мультина... Бу нима дегани? «Мульти» деган сўздан олинган шекилли. Бундай Европача, боз устига бузилган тахаллус олгандан кўра ўзимни ўлдирганим маъқул эди. Нақадар жирканчлик-а? Қолаверса, Чингиз аканинг кўчадаги ахлоқинию оилавий ҳолатини наҳотки ўша миллионер билмаса? Мазкур ҳол ғунажинни ҳўкизнинг ёнига боғлаб қўйиш билан барабар эмасми?

— Ясат ака катта одам, — деди продюсер, — гапини икки қилолмайман. Сен — икковинг ўзларингнинг гуруҳингларга янги ном топинглар. Жияним Жамшид сенларга вақтинча продюсер, маъмур, ҳайдовчи, техник ходим бўп туради. Тўйларни топишда шахсан ўзим бош-қош бўламан. Лекин ҳозирча лицензия олиб бермайман. Аввал ўзларингни кўрсатинглар, бир-икки сўм ишланглар. Истеъдодларингни яна бир синовдан ўтказай, чархлай!.. Агар бирортаси Тошкент шаҳрида, «Тошобл»да ёки вилоятларда ҳужжатларингни сўраса, ДАН ходимлари билан келишиб, постда ушласа, мен туриб бераман. Тушунарлими? Нима, ҳамма артистнинг лицензияси бор, деб ўйлайсанларми? Қуёнлар кўп!

— Вилоятларда ҳам солиқ тўламай тўй ўтказиб юрганлар қанча! — лаб буриб гап маъқуллади Сафара.

Бир пайт у ҳожатхонага кириб, мен продюсер билан ёлғиз қолдим.

— Бизни, — деди Чингиз ака қадаҳ кўтариб, менга

бир кўзини қисиб қараркан, — анави меҳмонхонада кўриб қолмаганмикансан, деган гумондаман.

Баданимга чумоли ўрмалаб, сал бўлмаса ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Қанақасига кўриб қоламан, Чингиз ака?

— Сал аввал барга винога келгансан. Ангрендаман, деб алдагандим, тан оламан. Лекин бу менинг шахсий ишим. Бирдан бизга кўзинг тушган, чунки фожиадан аввал барда эдик. Сўнг оптимиздан пойлаб боргансан, номеримизни аниқлагансан. Санамнинг онасини бошлаб келиб... хуллас, бир аёлнинг бошига етдинг.

— Тухмат қилманг, — ич-ичимдан қалтираб, ҳожатхона эшигига қарадим. Сафара ҳақиқатни билса, адои тамом бўлишим муқаррар эди. Кейин шоу-бизнесни тушимда ҳам кўрмайман.

— Эртага кечқурун Жамшид сени студияга олиб боради, қолган гапни ўша ерда гаплашамиз. Нима демоқчи эканимни тушундинг-а? Мен билан чумолича ҳам тортишма! Агар Санам билан бир бўлиб, меҳмонхонадаги қилмишинг учун ўзаро суд қилсак, ҳолингга маймунлар аза тутади, каламушлар гўр қазийди. Ахир, минг қилса ҳам ўша аёл Санамнинг онаси эди.

— Мен... Чингиз ака... ишонинг...

У туфук сачратиб, аммо овозини пасайтиб, деди:

— Бизни «подставит» қилдинг! Илонсан! Тортишма мен билан! Уқдингми?

Сафара чиқиб, авзойимдан ниманидир сездим. Юрагим қопқондаги ёввойи ҳайвон каби узини ҳар ёнга ураётганга ўхшарди. Бахтимга продюсер бошқа оғиз очмади. Фақат кетаётганда, менга истехзоли боқиб, Сафарага имо қилди.

— Санамхоним бир битлиқи шоир билан юради! Аслида уни ўзбек шоирлари шоир ҳам ҳисобламайди, сабаби оддий: Сазонинг дарди шеърфурушлик, шеър сотиб, пул ишлаш! И, тўғри қилади ўзбек шоир-

Азамат ҚОРЖОВОВ

лари! Айтмоқчиманки, ўзингга йигит танлаётганда... эр демоқчиман... ҳақиқийларни танла! Шоу-бизнесда артист, адабиётда шоир кучли! Агар тескарисини қилсанг, яъни шоу-бизнесда шоирни, адабиётда артистни танласанг, сен, хафа бўлма-ку-я, фирт аҳмоқ ҳисобланасан!.. Келишдикми? Болангни ўпиб қўй. Эртагаёқ яхшироқ квартира топиб, гўдаккинани энагага бер.

— У нега бирдан сенга йўл-йўриқ кўрсатиб қолди? — гижинди Сафара эшикни қулфлаб.

Чошгоҳ маҳал Сафара пастга тушди. «Дом»нинг орқа томонидаги сартарошхонанинг мижози эмиш. Бугун яхшилаб соч турмаклатса, кечқурун тўйга чиқармиш.

— Сен билан ижодни шу ҳафта охирида бошлаймиз, — деди у чимирилиб. — Бугун ҳеч қаёққа чиқмайсанми?

— Жамшид студияга олиб кетаркан.

— Вой, иблис! Чингиз ака айтдимми? Нега мен бе-хабарман?

У бир нафас бош қашди-да, негадир енгил тортди. Кейин қўшиқ хиргойи қилиб, ўзини роса кўзгуга солди.

— Иккимиз бирга ишлашни истасанг, — деди у, — сир яширмайсан. Бу — бир. Иккинчидан, кеча болангни бир минутга бермай, асабимга ўйнадинг. Еб қўймайман-ку! Агар қизингни бериб турганингда, эшакнинг юрагини ёрардим.

— Қизимни ҳеч нимага аралаштирма, илтимос.

— Унга энага топмоқчимисан? Топ! Сендан энага афзал!

Сафара оқ сумкасини елкага ташлаб, менга омад тилади ва уйни шўх-хандон тарк этди. Мурғак қизалоғим ҳам мен билан битта кемада экани алам қилди. Ягона илинж — тезроқ шоу-бизнесдан ўрнимни топиш ва шахсий ҳаётимни молиялаштириш эди.

Назаримда, пул етишмовчилиги туфайлигина қора кунларни бошдан кечираётгандим.

Энага топилмади. Узун бўйли, қорачадан келган, шахло кўз йигит — Жамшид мени йўқлаб келганида, аҳволимга ачинди.

— Сизга энага керакми? — деб сўради у. — Бир аёлни биламан. Студиядан чиқиб, машинада уникига борамиз. Бу квартирада болани касал қилиб қўясиз-ку.

Юз-кўзидан қандай йигит эканини уқиб олмоқчи бўлдим. У ҳам бир неча бор зимдан қараб қўйди. Кимлигини билолмагандирман, аммо мени аллақачон «кашф этиб» улгурганди: оқибатда жиддийлиги ўрнини ачинишга ўхшаш хайрихоҳлик эгаллади. Жамшид шоу-бизнесга кириб келаётган бўлажак маъмурга эмас, қишлоғимиз кўчасида қўлимдаги оғир юкни олган оддий йигитга ўхшарди.

— Раҳмат, Жамшид ака, — дедим.

— Жамшид деяверинг, биз тенгқурмиз.

— Уйланганмисиз? — Саволим ғалати чиқди, худди боши очик бўлса, мен учун аҳамиятлидек.

— Йўқ, — лабининг бир четида кулимсираш кўринди. — Уйланишга ҳали ёшлик қиламан. — Кейин дарҳол савол учди: — Катта кўринаманми?

— Бировга қараб ёшини айтиб беролмайман, узр... Уйланганингиз ҳақида ҳам сўрамаслигим керак эди.

— Аслида узрли нарсани мен сўрамоқчийдим. — У эшикни қулфлади, сўнг Асилани қўлимдан олиб, зинага қадам қўйди. Меҳрибон қўллар қизчамга ҳам ёқди шекилли, йиғламади. — Нега ажрашгансиз? Ё ростини айтинг, ё ҳеч нима демай қўя қолинг. Фақат ёлғон гапирманг, илтимос.

— Ёмон жойга тушдим.

— Ёмон жой... қанақа? Яна бир марта узр. Бирга ишласак биласиз, кўп савол берадиганлардан эмасман.

— Қўшиқ куйлашни, санъаткор бўлишни кечаю кундуз ўйлардим, улар эса, ҳатто, магнитофон

эшитишимга вақт беришмасди. Уйда рақс туша-ётганимни кўришса, томи кетган деб ўйлашарди. Томи кетган эмас, енгилтакми-ей, тарбиясизроқми-ей, нима бўлганда ҳам, одамни ёмонга чиқариб қўярди-да. Келин дегани улар учун фақат уй-рўзгор ишлари билан шуғулланадиган, чизган чизиқдан чиқмайдиган, эрига кечаси жориялик қиладиган кал чўри. Бошқа ҳеч ким эмас.

— Кал чўри? У нима дегани? — сўради Жамшид соддадиллик билан.

Зинапоянинг бурилиш жойидаги супада тўхтаб, унга қайирилиб қарадим-да, кулиб юбордим.

— Қул, бу — эркак хизматкор, аёлларни чўри дейишади. Кал чўри эса чўриларнинг орасида ҳам обрўйи йўқ бир бечора, хунук хотин. Унга хўжайинлари тугул, ўзи қатор чўрилар ҳам иш буюришаверади. Мен ўзимни шундай ҳис қилардим. Билдингиз?

— Билдим, лекин ишонмадим, — деди Жамшид қизчамни кўтариб, ёнимдан жиддий қиёфада ўтиб, биринчи қават зинасига тушаркан.

Маъмурим шу экан, демак, менга ё жуда-жуда яхши бўлади, ё шўримга шўрва тўкилади.

— Вой, нега ишонмайсиз? — овозимга нозли оҳанг қўшдим.

— Бизда унақа оила йўқ. Келинлар ва қайноналар келишмовчилиги кучайгандан-кучайиб, охир-оқибат вазият шундай оғирлашадики, қайнона келинни, келин қайнонани кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмайди. Ҳар икки томон ҳам сўраганларга аянчли саҳнани тасвирлаб беришади. Трагедия! Муаллиф эса ўзлари!

— Чоллардай фикрлайсиз, — гапни ҳазилга бурдим.

— Фақат чол деманг, — қизариб кетди Жамшид.

Оқ «Нексия»да студияга етиб бордик. Мўъжазгина студия шоколад рангида эди. Кираверишдаги ним қоронғи хонага диванлар қўйилган, рўпарадаги чароғон хонадан шуъла уриб турарди. Қизчамни

қучоқлаб, диванга ўтирдим, оғзига сўрғич тутиб, тиззам билан енгил тебрата бошладим.

Рўпарадаги хонада ҳашамдор диванлар, ойнаванд столлар, деворларда эса рамкага солинган турли фотосурат, фахрий ёрлиқлар ҳамда дипломлар кўзга ташланарди. Ва бу макон ҳақиқий санъатга хизмат қиладиган даргоҳ эканини эслатарди. Кўзга кўринмас шоу-бизнес салтанатининг маркази шу ермикан, деган ўй кўнглимдан кечди.

Ичкаридан бир неча қиз ҳашамдор хонага чугурлашиб чиқишди-да, ўртада тўхтаб қолишди. Сочи сариққа бўялган бўйчани менга кўриниб турарди. Уни танидим: яқинда ойнаи жаҳонда клипи намоиш этилган қиз. Суҳбат ҳам айнан ўша клип ҳақида эди.

— Мени танқид қилишгани билан адамлару оймлар мақташди, бошқа нима керак! Ўзларинг айтинглар, клипимнинг беҳаё жойи борми? Яланғоч оёқларимни катта планда кўрсатганмишман! Шу ҳам гапми? Ахир, мен мини юбкадаман-ку, калта-фаҳмлар! Яланғоч билан мини юбкадаги қизнинг фарқига борадиларми ё ҳаммасини бўғиб ўлдирайми ўшаларнинг?!

— Йўқ, улар оёқнинг фарқига боришмайди! — деган жавоб эшитилди.

— Ёввойилар! — чийиллади қизлардан бири.

— Ҳаммасининг ичиқора! — шанғиллади бошқаси.
— Битта клип олишнинг ўзи бўладими?! Уларга қолса, клип-плип олинмайди, замондан орқада қолиб, эстрадамизни ҳам бутун дунё олдида шарманда қиламиз!

— Тўппа-тўғри! — қийқиришди қизлар.

— Томошабинга беҳаёларча боққанмишман! — ҳамон тутуни чиқарди ёш хонанданинг. — Смирно турган мавзолей соқчисига ўхшаб куйлашим керакмиди? Нима исташади ўзи мендан?! Қўшиқ, клип — булар одамларнинг маданий дам олиши учун! Клип билан бировни тарбияламайман-ку! Қандайдир

насиҳатни уқтиришим керак эмиш! Мен-а?! Мен бировга ақл ўргатаманми? Энг ёмон кўрганим — ақл ўргатувчилар!

Жамшид қизлар билан қуруққина саломлашди ва ичкари хонага, адашмасам, овоз ёзиш бўлимига элтувчи йўлакка кириб кетди. Қизлар унинг орқасидан лаб буриб, беписандлик билан кўз ташладилар. Бири: «Ким бу? Шу ерда кўп ўралашиб қолди?» — деб сўраганди, сариқ сочли хонанда: «Чол лақабли йигитча! Чингиз аканинг жияни!» — дея жавоб берди.

Қизчам безовта бўлиб, сўргични чиқариб ташлади. Хижолат чекдим. Хонанда қиз мени пайқаб, шунчаки нигоҳ ташлаб қўйди, бировнинг ҳовлисига кирсанг, челақ, супурги, замбилғалтакларга қараб қўйган каби ҳиссиз ва бемаъно нигоҳ эди бу. Энди ўзимни лўли хотин ҳис қилиб, ишқилиб қўлимга садақа ташлаб кетмаса, деб қўрқа бошладим.

Яхшиям, машина калитини ўйнаб, башанг кийинган йигит келиб қолди. Қизлар ширага ёпишган пашшалардек уни қуршаб олишди. Ўзбекча, русча аралаш ҳол-аҳвол сўрашишлар ниҳоясига етгач, йигитнинг овози хонани тутди:

— Чақалоғимизни роса куттириб қўйдик! Қани, кетдикми?

Мен ток ургандек сапчиб тушдим. Бироқ у шоу-бизнесда жавлон ураётган клипмейкернинг туғилган кунига боришни назарда тутган экан.

— Ҳамма машинага! Борганда кўрасизлар, бунақа серҳашам дастурхон, тантанали туғилган кун ҳеч қаерда бўлмаган, бўлмайди ҳам!

— Бунақа клипмейкер ҳам ҳеч қаерда йўқ-да! — деди қизлардан бири.

Улар чапак чалиб, майда қадам ила қувлашиб, қийқиришиб, ёнгинамдан ўтиб кетишди. Ақалли бирортаси қайирилиб боқмади, ҳол сўрамади. Улар учун ҳеч ким эмаслигимни яна бир бор англадим.

Ҳарқалай садақа бермаганига шукр. Шу тобда эндигина ойнаи жаҳонда клипи намоиш этилган қандайдир ойимчалар беписандлик қилишар экан, нима учун Чингиз ака мени студияга керакли инсондек, Сафарасиз, ёлғиз чақиртирди, деб ўйлаб, сергак тортдим. Меҳмонхонадаги воқеа учун гинакудурати бўлса, терс бурилиб кетарди. Менсиз ҳам уни ўтади. Ҳа, ҳусним, яқин кишим йўқлиги, енгил орзуларим каби важлар Чингиз акани менга боғлаганди, ҳалиги қизларга эса ҳеч бир ип боғламасди. Бу яхшими? Албатта, ёмон, худди кеча ўйлаганим-дек ҳалокатли эди.

— У кетдими? — чарчоқдан эзилган Чингиз ака бошини кўтарди. Мени тор хоналардан бирига — продюсер ҳузурига бошлаб кирган Жамшид эшик олдида тўхтаб:

— Мультинами? — деб сўради.

— Сенга гапираётганим йўқ, кетавер. — Жамшид менга маъноли нигоҳ ташлаб, эшикни ташқарисидан ёпгач, Чингиз ака уф тортди. — Ёмон чарчадим... У қаерда? Бу ерга келмадими, ишқилиб?

Сафарани сўраётган эди.

— Тўйи бор экан, — дедим.

— Гуруҳ номини топдингларми?

— Йўқ.

— Ўйнаб юрибсанларми?

— Бизми?

— Менга қара, Зарнигор, бу нимаси? — продюсер киртайган кўзларини қадади. — Тушунаман, қишлоқдан келгансан, лекин сал бўлса ҳам соҳамиздан хабаринг бор-ку! Ойдан тушганга ўхшаб бунча меровсирайсан? Ким бу? — У Асилага қарата қўл сермади. — Студияда нима қилиб юрибди? Қўлингда бола эмас, микрофон бўлиши керак! Нега энага топмадинг? Нима учун янги гуруҳ ҳақида ўйламадинг? Дугонанг бутунлай тамом бўлган, сен-чи? Ахир, соҳамизда бир соат ҳам имиллаш, мужмаллик, пайсалга солиш йўқ!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Балки артистларга маза деб ўйларсан? Унда катта хато қиласан! Энг азобли иш артистларники! Эртага бир-иккита қўшиқ билан телевизорга чиқсанг, ҳамма сени танийди, машҳур қиёфага айланасан. Эринчоқлигинг, шунақа лоқайдлигинг, ишингга нописандлигинг билан шоу-бизнесдан кетсанг, ўша машҳурлик бошингга битган бало бўлади. Оддий ишда ишлолмайсан, бозорга боролмайсан, қисқаси, кунингни кўролмайсан. Пулинг камлик қилиб, бозордан кийим олсанг ҳам халқ қўлини бигиз қилиб кўрсатади, анави артист-ку, бунча оддий бўлиб қопти, деб! Дўконда сотувчи бўлсанг ҳам кун йўқ. Бу ўша қўшиқчи-ку, энди шунақа иш қиляптими ва ҳоказо! Шунинг учун санъатга кирдингми, маҳкам ушлашинг шарт! Шоу-бизнесдан ё катта бойлик тўплаб чиқиб кетишинг, ё ўлиб қутулишинг керак! Учинчи йўл — шармандалик!

— Тушундим, Чингиз ака, — деб ерга қарадим. Асила заҳарли гапларга ақли етмаса-да, қўрққанидан йиғлаб юборди.

— Исми нима? — продюсернинг пешанаси тиришди.

— Асила.

— Уни энагага топширишинг шарт. Яхшиси, онанггами, опанггами бериб юбор, ўзлари катта қилишади.

Юзимда аянч ифодаси зоҳир бўлди шекилли, Чингиз ака бош эгиб, асабий чайқалди.

— Чақалоқ билан бир кун ҳам ишлолмайсан, Зарнигор! — деди у гижиниб. — Гуруҳ ўз фаолиятини бошласа, ҳар куни тўйга чиқасан, кўпинча уйингга тонгга яқин келасан. Кундуз эса студия. Санъаткорда бўш вақт йўқлигини сен ҳозир тасаввур ҳам қилолмаяпсан! Санъат сени шундай домига тортиб кетадики, ўзинг ҳам билмай қоласан. Ҳар куни тўй, концерт, тадбирлар! Ҳар бир соатинг пулга айланади. Бир кун уйда ўтирсанг, миллионлаб сўмдан қуруқ қоласан, бунинг устига ўша кунги «заказ»ларни

рад этганинг учун бошингда калтаклар синади. Бу дегани, сени оқим оқизиб кетади, ўзингча сузмайсан, сузолмайсан!

— Энага топаман, Жамшид ёрдамлашишга ваъда берди.

— Чолнинг кўнгли хотинларникидан ҳам бўш, — бош кўтарди Чингиз ака. — Битта нарсани бошидан келишиб қўялик, уни ўйнаш қилмайсан! «Чол» деб Жамшидни айтяпман. Уқдингми? Қаёққа етакласанг, кетаверади. Латта! Мен уни одам қилмоқчиман!

Томирларимга қон сиғмай гупириб, қўлим мушт бўлиб тугилди, миямда лўқ-лўқ оғриқ уйғонди. Бироқ Чингиз аканинг кўзларига боқарканман, ҳақоратомуз гапларга чидашга мажбур эканимни тушундим. У «бўлмайсан» деса, қайси гўрдан иш топаман? Ким менга гуруҳ ташкил қилиб беради? Қўлимда чақалоғим билан-а?! Студиядан чуғурлашиб чиққан ҳалиги қизлар туғма бахтли эди, мен эса бахтсиз. Улар шундай хонадон фарзандларики, санъаткор бўлиш орзусини айтса, шарт-шароит қилиб беришади, йўл-йўриқ кўрсатадиган одамлар, ҳимоячи йигитлар ҳамиша топилади. Эрга тегиб чиқса ҳам унақаларга уйланадиган бўйдоқлар учрайди. Чингиз ака менга муомала қилгандек кимдир муомала қилиб кўрсинчи?! Мен — шўрлик бахтимни топгунча она сутим оғзимдан келишини ўйлаб ич-ичимдан инграндим.

— Чингиз ака, — деб боламни бағримга маҳкамроқ босдим, — сизга кеча ҳам айтдим, кайфингиз бор эди, кулиб қўйдингиз. Мен... мен санъаткор бўлмоқчиман, фоҳиша эмас... Санъат учун оиламдан воз кечдим, фоҳишалик учун эмас. Сиз ундан... жиянингиздан ҳеч хавотирланманг. Жамшид менга қўлини ҳам теккизмайди. Эрим билан ажрашганим учун енгилтакка чиқарманг.

— Сазо билан ҳам, — деди у.

— Чингиз ака, айтяпман-ку... — аламдан йиғлам-сирадим.

— Ўша шоирвачча ярим йил аввал қишлоғига даф бўлганди, яна пойтахтга келиб қопти. Кеча дугонанг билан ушлаб олиб, бурнини роса ишқадим. «Севгилинг» менинг, фалончининг, писдончининг, ҳаттоки Ясат аканинг қўлидан ўтган, нима, сен унга уйланмоқчимисан, дедим. Фурур-пурур борми ўзи унда?! Каллаварам! Шоу-бизнес жинниси! Бўлмай қолган чала артист!

Сафаранинг ҳаммага ёйилиб кетаётган бу сирларидан бохабар бўлиб, юрагим музлади. Бироқ юпанч берадиган жиҳати шу эдики, бундайин таржимаи ҳол Сафаранинг юзини қора қилиб, мени эса машҳурлик сари йўл очилганида ортиқча ҳамроҳдан халос этиши мумкин эди.

Чингиз ака қизчамга алам билан кўз ташлади, иягини ўйнатиб, тишларини гижирлатди.

— Сенга ёлғиз кел, деганмидим? Тушунмабсан. Бугун сени бир жойга олиб бормоқчи эдим.

Унинг кўзидан кўз узмадим.

— Қаерга? — сўрадим томоғим қуруқшаб.

— Меҳмонхонага.

— Нима учун, Чингиз ака? — овозим қалтирагани яққол билинди.

— Нима учун бўларди? Мен сенинг продюсерингман. Қаерга боришни, нима иш қилишни, қайси қўшиқларни қачон куйлашни мен белгилайман. Ўзинг чиқишинг учун пулинг йўқ, йўл-йўриқни билмайсан, ҳеч ким сени танимайди ҳам. Кейин... менинг олдимда тилинг қисик жойинг бор, продюсеринг бўлмаганимда ҳам гапимни ўтказа оламан. Кеча айтдим, сен Санамнинг онасини ўлдирдинг... Хўш... ана шунақа гаплар... Балки продюсерликни бошқача тушунарсан? Кассирми, ҳомийми, адвокатми?

— Йўқ, тўғри тушунаман.

— Продюсер билан ишладингми, этинг бизники,

суягинг ўзингники. Хоҳласам, бутун юртга машҳур бўласан, хоҳласам, видео-роликларинг интернетга чиқади.

Томоғимга ўқчитувчи беҳузур нарса тиқилди.

— Лекин, Чингиз ака, сиздан илтимос... — дедим. Ва энди оёғим ҳам қалтирай бошлади.

— Қўрқма! Шунчаки қизишиб кетяпман... Ниятим ёмонмас... Меҳмонхонадаги кичкина концерт залида кичкина тадбир бор эди, — Чингиз ака қора хаёлларимни тўзғитиб юборди. — Саҳнага чиқардинг, бошлардинг ижодни! Санамни чақирмаганимнинг сабаби, келажакда фақат сен билан ишламоқчиман. Саҳналар унга ҳайф. Концертда зўр одамлар билан таништирдим, фойдаси тегарди. Ёшинг ўн саккиздами?

— Ҳа.

— Яна йигирма йил эстрадада ишласанг бўлади. Санам эса кўпроқ тўйларда хизмат қилиш учун керак. Башараси, ўзини тутиши, овози карьера қилолмаслигини яққол айтади. Лекин кўп нарса пулга боғлиқ бўлгани учун у билан тўйларга чиқасан. Шунинг учун маймунни ҳайдаб юбормайман! Сенинг ёнингда битта қиз бўлиши керак. Якка ўзинг тўйларни эплашинг қийин, бунга ҳали вақт бор. Тушундинг-а?..

— Тушундим.

— Гапларим Санамга етиб борса, мен учун йўқсан.

— Айтмайман, — дедим енгил тортиб.

— Бўпти, кетавер... — Эшикни кўрсатди, ўрнимдан турганимда, синиқ овозда шундай деди: — Зарнигор, гапимни қандай тушунасан, билмадим, аммо айтмасам бўлмайди. Мен ҳаётимда уч марта катта хатога йўл қўйганман. Учаласи ҳам оила қуришим билан боғлиқ. Хотинлар ҳамиша бошимга етган.

Унга индамай тикилдим.

— Болангни ота-онангникига бериб юбориш ҳақида жиддийроқ ўйла. Ҳар ойда пул юборамиз, ҳеч

нимадан зориқмайди, меҳрибон қўлларда бўлади... Сен эса доим ёнимда бўлардинг, бирга ишлардик.

Чингиз акани айни дамда хафа қилгим келмаётганини ҳис этдим. Шайтон кўнглимга чўғ ташлади. Бироқ унга хотин бўлишни ҳам истамасдим. Чингиз ака менга бир-икки йил, шунда ҳам фақат иш ва ижод юзасидангина керак эди. Лаънати, худди ҳаммасини сезаётган каби жуда шошмоқда эди. Қанийди, тезроқ ўз ўрнимни топа қолсам! Унга қиёбоқмай кетадиган кунларим келармикан?

— Ўйлаб кўрай, — деб жавоб бердим.

— Мен уйланган аёллар, — гапининг давомини айтди у, — ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳаддан ташқари талаб этадиган таннозлар эди. Сени эса қишлоқдаги тўйда кўрганимдаёқ ёқтириб қолганман. Тошкентда яшасам, уйим-жойим, «пропискам» бўлса, эрим ижод қилишимга катта шарт-шароит яратиб берса, дейдиган қизлар кўп. Сен ҳам шундайлардансан, буни яхши биламан.

Ичимдан хижолатпазлик тошиб келди, аммо теримга сингиб, ташқарига бугланиб чиқишга улгурмай, бирдан нафратга айланди. Ўзимдан нафратландимми, Чингиз акаданми, тушунолмадим. Киприк қоқмай тикилиб турардим қаршимдаги ошиғи олчи эркакка.

— Ажрашсам, сенга уйланаман. Бузуқчиликлар, маишатпараствлик жонимга тегди. Никоҳдан ўтиб, тинчгина яшаймиз, ижод қиламиз...

— Бўпти, мен борай, Чингиз ака, — деб эшик тутқичини тортдим.

— Бу гапимни ҳам дугонанг эшитмасин. Агар билиб қолса, сени заҳарлаб ўлдириши аниқ. Ўйладики, мен иккинчи хотин қилиб оламан. Лекин иккинчи хотин билан ўйнашнинг фарқи осмон билан ерча. У ахлоқсиз, тарбияси бузуқ қиз. Нафси ҳам ёввойи отникидек. Илқ танишганимизда бирданига уй, машина, клиплари учун пул сўраган! Мана сенга

ҳақиқий башараси! Дунё гўзали ҳам шунча нарса сўрамаган бўларди. Унга қайси каромати учун уй, машина, пул бераман? Айрим бойларга жазман бўлиб олиб, ишини битирган ашулачи қизларга ҳавас қилса, ўша ашулачилардай бўлсин, эпласин! Олқинди! Ҳеч бало қўлидан келмайди! Тушини сувга айтсин!

— Бу ишлар гуноҳ эканини биламан, Чингиз ака, — дея эшикни ёпиб, ҳорғин ва ҳолдан тойган продюсерни ёлғиз қолдирдим. Студиядаги мўъжазгина хона ғиж-ғиж наҳс, гуноҳ, шилталиқ кўнғизларига тўлган эди гўё. Тезроқ юрмасам, улар тирқишлардан ўрмалаб чиқиб, изимдан бостириб келади-гандек ваҳмга чулғандим.

— Йиғладими? — боламга меҳрибонлик билан кўз ташлади Жамшид.

— Эшитилдими? — деб сўрадим. Чингиз аканинг ҳақоратдан тўн кийган гапларини аёл бошим билан кўтарганим учун йигитнинг олдида хижолат чекишим мумкин эди, аммо...

— Йўқ, — деди у. — Овозидан хўрлиги келаётгани сезиляпти... Йиғлабди бу асал қиз!

Ҳақиқатан, Асила бояги йиғисининг акс-садоси ўлароқ йиғламоқдан бери бўлмоқда эди. Эшик олдидаги қоровул билан хайрлашиб, кўчага чиқдик. Шаҳар ҳавоси тоза, бутун атмосферага ҳурлик, сурурбахшлиқ унсурлари иниб қолган эди. Бу шаҳарда сал ҳаракат қилса, одам ўз-ўзидан бахтли бўлиб кетади-гандек туюларди.

— Ўн минутлик йўл, — машинасига калит солди Жамшид.

У ваъдаси бўйича, энагалик қиладиган рус аёлни-кига олиб борди.

— О, Жамшид, сенинг олдингда жуда хижолатлиман, мени кечир, — деди хотин бўсағадаёқ умидимизни сўндириб, — бола олиб қўйдим. Лекин энагаликка бир аёлни тавсия этаман, яқинда Самарқанддан келган. Кеча қариндоши орқали иш суриштирган

эди, энагалик ёки уй хизматкорлиги. Исми Надежда. телефон рақами... ҳозир блокнотимни олиб чиқай... — У лапанглаб ёндаги хонага кириб-чиқди. — Хўш... О, топдим!.. Бу ерга бир қариндошиникига келиб яшаяпти. Айтишларича, айниқса, ёш болага жуда яхши қарармиш, профессионал... Квартираларинг борми?

— Ҳозирча квартирасининг шароити ёмон, — деди Жамшид. — Ўзининг уйида қараб туролмайдими?

— Унинг уйи йўқ. Қариндошиникида яшаяпти, деяпман-ку.

Жамшид телефон рақамини олиб, гаплашди. Надежда билан учрашиш ҳам қийин бўлмади. У эллик ёшлардаги истаралигина аёл бўлиб, эски замонда қурилган уч қаватли уйнинг, зина тагидаги хонадониди истиқомат қиларкан. Бир менга, бир чақалоғимга қараб, мулойим оҳангда деди:

— Хўп, энагалик қиламан, аммо бу ерда қаролмайман. Кўряпсиз-ку, эски уй.

— Меникига кўчиб борасизлар, — деди Жамшид.

— Лекин... — дея иккиланиб қолдим. Чингиз аканинг гапи миямда бонг уриб, дарду ғамимни кўзгаб ётган чоғда, бу йигит нима дейди? Никоҳсиз бирга яшайдиган енгилтак жувон деган ном оламанми?! Продюсер бекорга сўкмаган бўларкан-да.

— Хоналар ҳаммамизга етади. — Жамшиднинг кўзларида фитна сезмадим.

— Мен Сафара билан битта квартирада туришга келишганман, — дедим. — Бошқа уй топанман. Агар яхшилик қилиш ниятингиз бўлса, майли, топишга ёрдам беринг.

Эртасига иш бошлаш хусусида Надежда билан аҳдлашиб, кўчага чиққанимизда, Жамшид:

— Сизни тушунмадим, — деди норози бўлиб. — Вақтинча ўз уйимдан жой берай десам, қанақа хаёлларга бордингиз-а?

— Агар Сафарани ҳам чақирсангиз...

— Йўқ! Ўлсам ҳам уни уйимга қўймайман! Сизни болангиз билан, аниқроғи, болангиз ҳурмати учун таклиф этдим, Зарнигор! Ахир, кўрдим-ку қанақа жойда яшаётганингизни! У бир ошхоначининг уйи. Сафарага текинга бериб қўйибди... У ёғини тушунаверинг...

— Нима бало, у шунчалар бузукми?! — деб алашим бўғзимдан тошиб чиқди. — Нега дугонамни ҳамма ёмонотлиқ қилаверади? Яқинда онаси ўлди... Мени санъатга олиб кирмоқчи... Унинг соддалигидан фойдаланиб, шу кўйларга солишган бўлишса-чи, Жамшид?! Шунчалар енгилтак экан, мени эмас, кўча қизини шерик қилса бўлмасмиди? Йўқ, у ўз кучи билан машҳур бўлолмасидан васвасага тушиб, хато қилган.

Маъмури тирсагимдан тутиб, машина ёнига олиб келди, орқа ўриндиққа жойлашимга ёрдамлашди, сўнг рулга ўтириб, хитоб қилди:

— Шоу-бизнесга хуш келибсиз, Зарнигор! Асабийлашишдан фойда йўқ!

— Шоу-бизнес эмас, балои баттар экан!

— Мен сизга айтсам, Сафаранинг адвокати бўлолмайсиз, чунки у қурбон эмас! Ва ҳеч ким бечорани мажбурлаётгани ҳам йўқ! Эътибор берсангиз, кимдир номусига тегиб қўйган баъзи қизларнинг кейинги ҳаёти ҳам издан чиқади. Тўғри, биринчисида куч ишлатишади, кейин-чи? Нега кейин ўзлари ёмон йўлни танлашади? Мен Сафарага ўхшаганларга икки дунёда ҳам тушунмайман! Оилага тупурдими, оила ҳам унга тупуради!

— Қачон оиласига тупурибди?

— Оиласига эмас, оилага деяпман. Оила, бу — вақт-соати келганда, турмуш қуриб, эри, бола-чақаси билан тинчгина, эл қатори яшаш, рўзгор бахти, қариндошуруғ олдида юзи ёруғлик ва бир нима-бир нималар! Сафара эса аввал санъат, карьера, юлдузлик, деди. Қанийди унинг йигирма-ўттиз йилдан кейинги

ҳаётини кўрсатадиган сеҳрли кўзгу бўлса! Хор-зор бўлиб юрганини кўрардик. На эрнинг, на болачақанинг тайини бор! Вой-дод, вақт орқага қайтса, аввало оила қурадим, деб ҳўнграб йиғларди, қон-қон йиғларди. Оиланинг ўрнини ҳеч нима босолмайди, бойлик ҳам, шон-шуҳрат ҳам. Чунки оила қуришни биров ўйлаб топмаган, оиласиз яшаш одамни тўппатўғри жарга олиб боришини минг йиллар мобайнида инсоният кўрган, амин бўлган шу нарсага. Мусулмон ҳам оила қуради, насроний ҳам! Ўзбек ҳам оила қуради, инглиз ҳам! Лекин келиб-келиб қаердаги бир артист қиз бутун инсоният тарихига қарши чиқиб, «мен аввал санъатда номимни чиқариб олай, кейин оила қураман, оила қочмайди», дейди. Ўша инсоният тарихи бунақа «юлдуз»у «юлдузча»ларнинг неча мингтасини мажақлаб, тавбасига таянтирган. «Оила қуриш қочмайди» эмиш! Бекорни айтибсан! Оила қуриш шунақанги қочадики, қирқ ёшингда ҳам қувиб етолмайсан! Оддий ҳақиқат: ўттиз ёшга етган қизга бўйдоқ йигит уйланадими? Бордир битта-иккита тасодифлар! Лекин у ёғига хотини ўлган, ажрашган эркаклар, ҳатто иккинчи хотин, ўйнаш-пўйнаш қилиб олувчилар учрайди. Шуми қизнинг пок орзуси? Ахир, ҳаётга бир марта келамиз. Аввал уйланмаган йигитга аввал турмуш қурмаган қиз ярашади! Эр кўрмаган қиз билан хотин кўрмаган йигит жуфт бўлишини стандарт бахт деб ўйлайман. Ё нотўғри гапиряпманми, Зарнигор?

— Орқаваротдан «чол» дейишаркан... — дедим.

— Нима?

— Лақабингиз шунақа экан. Узр, ўзингизга ҳам айтиб қўяй, дедим.

— Ҳа, аҳмоқлар лақаб қўйишни ҳам эплашолмайди, — Жамшид машина тезлигини оширди.

Шу кеча Асила иккимиз уникида тунадик. Супермаркетга тушиб, камида эллик минг сўмлик (ҳозирги беш юз минг сўмга яқин маблағ) егулик,

сут ва памперс олиб келди. Кейин қолсамми, кетсамми, деб иккилана бошлаганди, Чингиз аканинг қалбимни нимталаган гапини айтдим. Албатта, фақат Жамшидга тааллуқли жойигача.

— Тоғам шунақа дедими? — лаби қимтилди унинг.

— Хафа бўлманг, тўғри қиляпти.

— Тоғам мени эмас, мен тоғамни йўлга солмоқчиман, — деди Жамшид. — Қани, ўша гапларни менга айтса! Айтолмайди! Мени тарбиялаш нияти йўқ, шунчаки сизни қизғанияпти, холос. Маъмурликдан олиб ташлай деса, ўрнимга дордан қочганлардан бошқа ҳеч кимни тополмайди. Уларга эса гуруҳни ишонармиди! Кечирасиз-ку-я, тоғам яқинда сизга оғиз солади! Хотини билан охирги вақтларда умуман келишмаяпти. Эҳтиёт бўлинг, Зарнигор!

Аламдан бўғриқиб, стол устидан машина калитини олди-да, чиқиб кетди.

Эшик ёпилгач, хато қилганимни тушундим. «Хафа бўлманг, тоғангиз тўғри қиляпти» эмиш! Гўёки мен кўпни кўрган жувонман ва Чингиз ака огоҳлантирмаса, Жамшидга истаган вақтда жазман бўлишим муқаррардек.

Минг афсуски, эрсиз, ота-онасиз, дўстсиз мендек ёш, соҳибжамол жувоннинг касб тақозоси ҳам шу эди. Ҳа, касб тақозоси! Шундагина билдим, нега бошқа касбдаги қиз-жувонлардан енгилтаклар кам чиқадию бизда кўп. Уқитувчи, ҳисобчи, фабрика ишчиси — улар кечаси ҳамкасблари билан ресторан ёки студияда ишламайдилар, бир-бирини қучиб (ахир, бу рол-ку, дейишади, аммо оғушдаги вужуд ростакам вужуд-ку!) клип ёки кинога тушмайдилар, ҳиссиётларини намоиш этиб, турли муқом қилишга мажбур эмаслар, олис вилоятларга, хорижий гастролларга бормайдилар. Хонанда эркакларнинг атрофида нозанинлар шунчалик кўпайиб кетадики, иккита хотин олиб, ўзларини гуноҳдан тиймоқчи бўлишади. «Бу ҳам касб тақозоси, — истехзо қилдим

Азамат ҚОРЖОВОВ

мен. — Агар ўшалар оддий қоровул бўлганидами, иккинчи хотинни тушларида ҳам кўришмасди!..» Бироқ қанийди шу кўйи гуноҳдан тийилиб қолишса? Тақдир: «Сенга ҳали хотинлар сони керакми? Мен эса сифат билан синайман!» деган каби янада ёш, соҳибжамол ҳурлиқоларни унга юбораверади. Ахийри, бояқиш санъаткор таслим бўлиб, иккала хотинига ҳам хиёнат қилишдан ўзга чора тополмайди.

Ниҳоят телбаларча ўзимни йўқотиб:

— То артист экансан, ўла-ўлагунингча гуноҳга ботиб қол! — дея қаҳқаҳ уриб кулдим. Бироқ бу кулги айрим шоу-бизнес вакиллари устидан эмас, ўзимнинг устимдан кулганим эди.

Эрталаб телефон жиринглади. Даставвал овоз қаердан чиқаётганини аниқлаёлмадим. Алоқ-чалок тушлар кўриб ётган эмасманми, телефон ҳам тушимда жунбушга келяпти, деб ўйладим.

Асила йиғлади, аммо унга қарамасдан телефонга чопдим.

— Алло!

— Агар хотини қўнғироқ қилганидами, ўлиб кетардинг! Сени қара-ю! Гўшакни кўтариб ўтирибсан! — деди бир қиз.

— Ким бу?

— Ким бу? Жинни! Танимадингми? Тунашга қолаётган жойингни бир оғиз айтиб қўйишни қачон ўрганасан?

У Сафара эди.

— Чарчагандим... кайфиятим ҳам йўқ... — дедим.

— Бугуноқ «сотка» сотиб ол. Менга қўнғироқ қил. Жамшид айтмаганида, уйингга қочиб кетди, деб сендан воз кечиб юбормоқчи эдим. У нима деди?

— Ким?

— Чингиз аканг-да, бошқа ким бўларди!

— Гуруҳга ном топмабсанлар, деди. Боламни олиб борганим учун роса жаҳли чиқди.

— Бола халақит берибди-да?

— Сафара, бу билан нима демоқчисан? «Жамшиднинг хотини бўлганида ўлиб кетардинг», дединг, индамадим. Сенингча, мен қўлимда гўдагим билан...

— Ҳазиллашдим, Жамшид бўйдоқ. «Ўраб оламан» деб хаёлингга ҳам келтирма, демоқчиман. Ахир, бола «нормальный» оиладан. Ойиси билса, дорга осиб кетмасин, ҳе-хе-хе...

— Сафара, уришиб қоламиз!

— Унга ишонаман, Чингиз акага эса йўқ.

— Ишонмасанг ишонма! Лекин мени ўзингга тенглаштирма!

— У-ў-ў!.. Шундоқ ҳам тенгим бўлолмайсан! Мен билан уришиб, шоу-бизнесдаги калхатингдан айирилиб қолма, қизалоқ! Оқибати кўча эканини биласан-а? Анув гапимни эслатиб қўяй, мендан сир яширсанг ҳам иккимиз душманмиз! Гапир, Чингиз ака нималар деди?

— Бугун гуруҳга ном топишимиз керак...

— «Силби» бўлади. Ном топиш ҳам иш бўптими?!

— «Силби» инглизча сўзми? Маъноси нима?

Сафара шундай беўхшов кулдики, эрталабдан наша чекиб олмаганмикан, деган гумонга бордим.

— Тескари ўқи, жинни, — деди у.

Тескари ўқидим: «Иблис». Бу ҳазилга ўхшаса-да, Чингиз ака тасдиқлади. «Силби» эсда қоладиган, сирли ва жарангдор ном эмиш. Халқ сирни дарҳол билиб қолади. Ундан кўра очиқчасига «Икки иблис», агар Чингиз акани ҳам қўшадиган бўлсак, «Уч иблис» десак яхшироқ эмасмиди?!

— Майли, шоу-бизнесда бизникидан расво номлар тиқилиб ётибди-ку, — ўзимга таскин бердим.

Биринчи тўйдан ўзимда йўқ севиниб қайтдим. Кўзланган мўлжалдан икки юз минг сўм ошиқча пул ишлагандик. Ва ҳаммаси, аввало менинг шарофатимга эканини Жамшид ҳам тан олди. Ўша куннинг ўзида Надеждага маошини олдиндан тўлаб қўйдим. Мультифилмнинг иши билан қаттиқ

Азамат ҚОРЖОВОВ

банд бўлган Чингиз ака бизни кўришга келолмади, чақирмади ҳам, аммо қўл телефонимга сим қоқиб, табриклади. Кейин:

— Сени огоҳлантирганман, Зарнигор, — деди овозига қахрли тус бериб. — Эшитишимча, Жамшиднинг уйида яшаётганмишсан.

— Қизим иккимизга қулай квартира ахтаряпман... Ҳалиги... энага «уйингда ётиб қарайман», деган. Жамшид биз билан турмаяпти. Энага — учаламиз яшаяпмиз...

— Продюсеринг аслида мен эканимни эсингдан чиқарма. Ҳамма жойда кўзим, қулоғим бор. Тушундинг-а?

— Тушундим...

— Қанақа планларим борлигини ҳам биласан.

— Чингиз ака, шу ҳақда ҳозирча гаплашмайлик, илтимос...

— Сабаб?

— ...

— Сабаб йўқ! Отам қаторисиз, демоқчисан-да, а? У ҳолда сен учун ҳамма нарса қилиб бероладиган ёш йигитни кўрсат, отанг бўлиб фотиҳа берай!

— Бу мавзуларни нега кўтаряпсиз, ҳайронман. Биз ҳозир иш, ижод ҳақида кўпроқ ўйлайлик... Ҳечам кўнглимга қарамайсиз, Чингиз ака, мен ҳам одамман.

— Бўпти, кўнглингга қарайман, — киноя қилди у. — Фақат кўрсат ўша кўнгилни!

Чингиз ака ва малайлари ёрдамида Жамшид пойтахт атрофидаги шаҳар-туманлардан кўплаб тўйлар топа бошлади. Кўп ўтмай эл оғзига тушдим. Ҳавас қилишса, қариндошиникига ҳам чақиришарди ва табиийки, даврада аввалги тадбирдагилардан кўпчилиги иштирок этишарди. «Зарнигорхон! Ўтган галдагидек рақс тушиб куйланг!» дейишар, аёвсиз пул қистиришар эди. Қистирмадан тушган пуллар не чоғлик роль ўйнашини билган хонанда қанчалар бепарволикка тиришмасин, барибир хаёли пулда

бўларкан. Боз устига дастлабки тўйлар эмасми, пулга оч эдик, пулга чанқоқ эдик, кўнглимиз ҳам, қўлимиз ҳам, кўзимиз ҳам «Пул! Пул!» деб зорланмоқда эди.

Бироқ ҳафта ўтмай, каттароқ тўйларда мисимиз чиқа бошлади. Мактаб кўрмаган қизлар қанақасига профессионал хонанда бўлсин? Минг умид қилганим билан миямнинг бир четида ўшал ҳақиқат қаршисидаги ожизлигимни англадим.

Жамшид репетиция учун доимий жой топишга мажбур бўлди. Чингиз ака «ҳар бир қўшиқни ўн-йигирма марта репетиция қилсин, бу ер қишлоқ эмас, ўз устларида жиддийроқ ишласин», дея Жамшидни койибди. Сўнгра бизга ҳам айтмаган гапи қолмади. Бунга кўпроқ Сафара лойиқ эди. Айниқса, у Юлдузнинг қўшиқларини умуман маромига етказолмасди. Бўкадаги тўйда «Йўлимни тўсади бу шайтон!..» деб энди авжга чиқмоқчи эди, бўлмади. Қўшиқни шунақа бузиб айта бошладик, ахийри бир одам сўкиб берди: «Шайтон сенинг эмас, сен шайтоннинг йўлини тўсяпсан! Қўлингдан келган қўшиқни айт-да, э-э-э!..»

Якшанбадан душанбага ўтар кечаси, тонггача студия бўш экан, Чингиз ака қўшиқ ёзишга чақирди. Бордик.

— Менга қараларинг, — деди бош продюсер ғазаб билан, — икковингдан ҳам тузуккина хонанда чиқаётганда нега касал сигирга ўхшаб бўшашиб қолдинглар? Яна озроқ меҳнат, озроқ ҳаракат керак, тамом! Кейин ҳаммаси ўзгариб кетади! Бир йилга қолмай ўз қўшиқларингни ёза бошлайсанлар! — У Сафарага яқинлашди. — Санам, мабодо юлдузликка эришиб бўлдим, демаяпсанми?

— Йўқ, — кўзини олайтиб қаради Сафара.

— Мен гуруҳни кўтаришим керак! Сенинг юзингга қараб, катта ишдан воз кечолмайман. Бунинг учун ўзингдан ўпкалайсан, келишдикми?

— Келишмадигу, ҳаммаси тушунарли, — Сафара менга нафратомуз қараб қўйди.

— Мультина билан шартномам уч йилга эканидан яхши хабардорсан, лекин тез орада бутун ҳаётимни «Силби»га бағишлайман. «Силби» — ўз гуруҳим! Биринчи марта ўзим ташкил қилган борлиғим! Уқ-дингми?

— Уқмадиму, ҳаммаси тушунарли, — деди Сафара яна менга нигоҳ ташларкан.

— Томи кетганми бунинг? — лабини бурди Чингиз ака. — Ўй, Жамшид, тўй-пўйда биронтаси чойнак отмадими?

Юлдуз, Ҳосила, Озода, Гулсанам, Зулайҳо репертуарларидан қўшиқлар танланган экан, тонггача ёздик. Энди фонограмма билан ҳеч қачон чарчамайдигандек эдим, хурсанд бўлдим. Осонроқ йўли бор экан-ку. Нега юз фоиз жонли куйлаб, чираниб юрибмиз? Боз устига студияда ёзилган қўшиқнинг жарангдорлигини айтмайсизми?

Икки хонали квартира топдим, ойига бир юз эллик доллар. Сафара ҳам бир уйга кўчиб ўтди, аммо бир ойга қолмай ул кошонани ҳам бурунги аҳволга солди-қўйди. Сазо ҳамон думдай эргашиб юрарди. Янги гуруҳ ҳақида эшитиб, бир куни менга ҳам қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Шўртумшук шоирнинг муддаоси аниқ эди.

— Бизнинг меридианларимиз учрашмайди, — дедим унга.

— Меридиан нималигини билмайману, аммо биз барибир учрашамиз, — калондимоғлик ила сўзлади у. — Гуруҳларингга қачон лицензия олишмоқчи? Ҳақиқий ижодни бошласанглар бастакордан аввал менга ишларинг тушади. Бастакор нима дейди? Хоразмча ё андижончага мос тушадиган шеър келтиришни буюради. Ким ёзиб беради ўша шеърни? Китобдаги шеърларга ишонган хонанда ҳаром ўла-

ди. Айнан «заказ» бўйича мос қилиб ёзиш керак...

Телефонимни ўчириб қўйдим. Ўзимни Чингиз акага садоқатли кўрсатиш учун имконият туғилган эди. «Эркаклар қармоқ ташламаяптими?» деганида, Сазони айтдим.

— Сазони қўй. Шу ҳафта Мультина оиласи билан Дубайга учиб кетади, — деди Чингиз ака, — ўн беш кун дам олишади. Мен бўшман. Сени далаҳовлига олиб кетмоқчиман, нотўғри тушунма, бир иш бор.

Хотинбозликда ном чиқарган бош продюсеримизнинг далаҳовлисида тийрамоҳда нима иши бўлиши мумкин? Ҳаммаси равшан эди. Бироқ сурбетлик менга ҳам юққан экан чоғи, очиқ таклифдан этим жунжикмади. Шу заҳотиёқ кўнглимдан ўтди: балки бу тинимсиз тўйларга чиқиш, гоҳида тўй эгалари билан ҳақ талашиш, гоҳида маст-аласт меҳмонлар билан ғижиллашиш самарасидир? Наҳотки, касбим юзимни очиб юборган бўлса?!

Ҳозир эса шоу-бизнес пиллапояларининг юқори поғоналарига илинтирадиган валламатни, не бўлганда ҳам, ёлғонлар билан вақтинча авраб туришим лозим эди.

— Кузда нима бор у ёқда, Чингиз ака? — дедим.
— Бунинг устига қизчамнинг мазаси йўқ, мени ҳам тўғри тушунинг.

Продюсер ўйлаб ҳам ўтирмади.

— Кузда нима бор дейсанми? Барибир ҳали санъаткорона ҳаёт учун янгисан-да, Зарнигор. Ғўр-лигингга, қишлоқда ўсганлигингга, ҳашамдор турмуш тарзини кўрмаганингга борасан. Сенга ўхшаганлар «маёвка»ларга фақат баҳорда чиқилади, чўмилишга фақат ёзда борилади, деб ўйлашади. Аслида ҳордиқ чиқариш, юракнинг чигилини ёзиш йилнинг тўрт фаслида — уч юз олтмиш беш куннинг исталган вақтида бўлаверади. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Чет эл ҳам бир қадам. Анталиияга бор-йўғи қанча пул зарурлигини биларсан?..

— Энди Анталия дейсиз-а! Одамни қўрқитманг. Қизчам...

— Зарнигор, биринчидан, қизингни онангга бериб юбор, маблағ билан таъминлаб қўй. Буни сенга айтганман! Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган ёш қизсан, фарзанд тарбиялаётганингга одам ҳайрон қолади. Иккинчидан, мен мактаб боласи эмас, тақдирингни ҳал қиладиган хўжайининг, ҳомийинг, директоринг, шефингман! Болам касал деб нега алдайсан?

— Алдамадим...

— Касал бўлса, дўхтирга олиб бор. Таниш дўхтир керак бўлса, сўра мендан. Нега яна ёлғонингга давом этяпсан? Қизчангни бир суткада бир кўрасанми, йўқми, Худо билади. Агар чиндан ҳам йўталиб-пўталиб қолган бўлса, ҳечқиси йўқ, энагаси қарайверади.

— Бормасак-чи, Чингиз ака, илтимо-о-ос... — хархаша қилдим бошқа баҳона тополмай. — Студияда гаплашайлик.

— Қулоқ сол. Ҳеч кими йўқ болали жувон Тошкентга келиб, бирдан ўз йўлини топиб кетиши, ҳатто бойлик, шуҳрат, дўст орттириши даргумон. Лекин бу сенга насиб этди! Сенинг йўлинг эркин ва ижодий йўл. Эркин қушсан! Бугун студияда, эртага театрда, индин курортдасан! Ҳаққинг бор буларга, Зарнигор!.. Ва буларнинг бари кимнинг шарофати билан?

— Одамлар эшитади... уяламан, ахир...

— Сени ўйнашликка таклиф этаётганим йўқ, нимадан уяласан?! Сенга ўхшаган қанча-қанча қизлар санъатда ҳеч вақога эришолмай икки қўлини бурнига тиқиб кўчада қолиб кетяпти. Дугонангга қара! Ўн йилдан сўнг ҳам на пули, на обрўйи бўлади! Чунки у ўз қадрини билмайди. Кўпроқ пул ишлаб қолсам, ютаман, деб ўйлайди. Худди кўчадаги енгилтак хотинларга ўхшаб!

— Тўғри, Чингиз ака, пул учун ҳамма нарсага тайёр инсон, айниқса, агар у аёл киши бўлса...

— Менга қара, сендан тўғрими ё нотўғри, деб сўраганим йўқ. Кўп чайналма! Далаҳовлида фақат иккимиз бўлмаймиз. Дилижон деган қўшиқчини эшитганмисан? У ҳам боради. Шовқин-суронли шаҳарда, шамолдек тез замонда ким ҳам сенга бемалол ўтириб шоу-бизнеснинг икир-чикирлари-ю, бошқа балои баттарларини тушунтирарди! Далаҳовлида икки кун кабобхўрлик, шўрвахўрлик қилиб, ҳаммасини гаплашиб оламиз. Хоҳласанг, бошқа санъаткор хотинларни ҳам чақиртираман. Фақат Маҳлиё дема!

Чангакдаги бир тўйда яллачилар мени Дилижонга менгзаб, қўшиқ айттиргани кечагидек ёдимда эди. Шоу-бизнесни тарк этиб, изсиз йўқолган хонандани ўшандан буён ўзимга яқин олардим, аммо шу дамгача рўпара келмагандим унга.

— Надя опадан сўрай, агар Асилага икки кун қараб тураман, деса...

— Бу ерда менинг гапим гап, қанақадир нянкалар билан бошимни қотирма! — Чингиз аканинг овози дағаллашди. — Энди сен ҳам секин-аста катта артист бўляпсан. Ўзингдан улуғлар билан муомала қилишни, «хўп» дейишни ўрган. Фил иш билан мурожаат қилганда, қари сичқондан рухсат сўралмайди, билдингми?

— Хўп, — дедим беихтиёр.

— Мана бу бошқа гап, — хириллади продюсер. — Тўққизда тайёр тур.

Эрталаб, кетишимдан сал аввал, Сафара қўнғироқ қилган эди, муҳим иш билан икки кунга жўнаётганимни айтдим. У жиғибийрон бўлиб, «қаёққа?!» деб сўради. Ҳақиқатни айтармидим! «Бир танишим билан дам олиб келаман», дедим. Ким, деб туриб олди. У истаган одами билан кетади,

суриштирмайман-ку, аммо менинг йўриғимга чида-ёлмади. Иккимиз сал бўлмаса ади-бади айтишиб қолдик. Тарози посонгисининг мен томони оғир келмоқда, Сафара борган сайин вазнини йўқотмоқда эди. Қўлинг баланд келаётганда, чўчимас экансан. Шундай бўлса-да, ҳозирча Чингиз ака билан ўртамизда мустаҳкам ришта йўқ, шу важдан Сафаранинг чинқириқларига чидашга мажбур эдим.

— Уйингдан бир қадам чиқмасдан мени кут! — амр этди дағдағаларининг охирида.

— Сазо билан гаплашиб юрибди, деб ўйлаяпсанми, Сафара?

— Ўша чала шоирни гапирма менга! — ўшқирди газабдан ўзини тиёлмай. — Зарнигор, нега бунақа қиляпсан?! Сир яширмаймиз деганмиз-ку!.. Тўхта-тўхта, Мультина оиласи билан «Эмират»га кетяпти, деб эшитгандим, демак, Чингиз ака шу ҳафта бўш. Тўғрисини айт, бирон жойга таклиф этдимми?

— Бошимни шунақа оғритиб юбордингки... — деб қизил тугмачани босдим. Қайта-қайта қўнғироқ қилди, аммо телефонимни «овозсиз» ҳолатга солиб қўйдим.

— Нега энди икки кунга? — ажабланди Надежда қароримни эшитгач. — Ким билан?

— Ким билан деяпсизми? — ҳайронлигимни яширмай кўз ташладим унга. — Буни сизга айтолмайман. Менимча, билишингиз шартмас.

У маошини оляпти, индамайгина кўнади, деган хаёлда эдим. Кўзлари тубидаги беқиёс норозиликни кўриб, аввалига энсам қотди. Кейин жаҳлим чиқди: нега менга бунақа қараяпти? Қариндошим бўлса ҳам бошқа гап эди. Шу ёшида бегона шаҳарда ёлғиз яшаб юрганига қараганда, ёшлигида ким бўлгани маълум.

— Қўшимча ҳақ тўлайман, — дедим мен ҳам нигоҳимга норизо маъно бериб. — Асила кўкракдан чиққан, менсиз ҳам бир-икки кун йиғламайди... Қийналмайсиз, Надя опа.

— Қийналмайман...

— Дўкондан ҳамма егуликларни олиб келиб бераман, қайтгунимча остона ҳам ҳатламайсиз.

Қизалоғим ўкинаётган каби «аув-в...» деб зорлана бошлади. Надежда кўксига босиб кўтариб, оҳиста тебранар экан, баттар қовоқ солиб деди:

— Ҳали ёшсан, Зарнигор. Ўзбек қизи, мусулмон фарзанди бўлсанг, ярашадими шу юришинг?

— Надя опа!..

Кўзларим ола-кула бўлди-ёв.

— Нима Надя опа?! Шу кунгача индамадим. Тўғри юрибди-ку, дедим. Лекин энди сезяпманки, ёмон йўлга киярпсан. Биласанми, мен кимман? Пианиночиман!

— Табриклайман!

— Ўттиз йил пианинодан дарс бериб, барибир санъатнинг моҳиятини яхши тушунолмадим, шунинг учун саҳнага чиқмадим. Сен эса, кўриб турибман, ноталарни тушунмай юлдуз бўлмоқчисан! Умрингда бирор соз ёки пианино чалганмисан?

— Надя опа! — қичқирдим унга яна. — Билдик, дунёга машҳур маэстро экансиз! Нега унда энагалик қилиб юрибсиз?! Нега умр бўйи ҳеч нимага эришмагансиз?!

— Кўзгу қаршисида тўхтаб, ўзимга ўзим гапириндим: — Тавба, бу киши нега менга ташланиб қолди? Бир ишни қойиллатиб қўйган бўлса экан! На касбининг, на оиласининг тайини бор!

— Мен фақат пианинони эмас, болаларни ҳам яхши кўраман. Қолаверса, санъатга алоқаси бўлган ҳар бир одам, сенингча, нима учун юлдуз бўлиши керак экан? Унутма, юлдуз дегани ҳамма нарсани қойиллатиб қўйди, деганимас. Минглаб аҳмоқлар, такасалтанглар, ахлоқий чувриндилар ҳам гоҳида худди ўзларига ўхшаган аҳмоқ, такасалтанг, чувриндиларни кўкларга кўтариб, юлдуз қилиб қўйиши мумкин. Бу гўёки кутилмаганда бозорда пиёз

қиммат бўлиб кетганга ўхшайди. Пиёз қиммат бўлгани билан ноннинг ўрнини босоладими? Олтиннинг нархи билан тенглашоладими?

Қайрилиб қарагандим, Асила митти кўзлари билан мени ахтарди. Надежда учун менинг болам гўёки санъат эди, қолган умрини унга бахшида этишга тайёр эди у.

— Б... бошимни қотирманг-да, энагаликда давом этинг! Мен қизимга энага олганман, ўзимгамас! — дедим бошқа гап тополмай.

— Сен хафа бўлма, ростини айтишни яхши кўраман. Ўша пиёзнинг вақтинча қимматлигининг ўз сабаблари бўлганидек айрим қўштирноқ ичидаги «санъаткор»ларнинг ҳам ёлғон шуҳрат қозониш сабаблари бор. Бу сабаб эртага ўз кучини йўқотади ва машҳурлик қандай келган бўлса, шундай кетади. Бутун умрини ёлғон ишга бахшида этадиганларга юракдан ачинаман.

— Мен эса шахсий ҳаётимга аралашадиганларни ёқтирмайман.

— Санъатни тушунмай туриб санъат осмонида порлашга интилишинг ақлга сиғмайди-да, ахир, Зарнигор. Билиб туриб, ичимда қандай сақлай? Шунчаки вақтинча ялт этиб ёнасану ўчасан. Учар юлдуз бўласан, холос. Юрагим ачишганидан гапиряпман. Бир қизим борлигини айтганман, эсини таниганидан бери уни санъат оламига яқин қилиб тарбияладим...

— Хўш, халқ артисти бўлдимиз?

— Оддий уй бекаси.

— Ҳамдардлик билдираман, Надя опа.

— Ҳазиллашма. Сенга тўғри гапиряпман. Унинг исми Марина. Ҳозир икки ўғли, икки қизи бор, қишлоқда яшайди, ўзбекка турмушга чиққан. «Менинг ҳақиқий санъат асарларим фарзандларим» дейди у.

— Эски гаплар, — деб лабимга помада сура бошладим.

— Ҳатто унинг ҳам муסיқий билими сеникидан ўн марта ортиқ.

— Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига.

— Марина санъатни севарди, лекин артистликни эмас. Бу гапимнинг маъзини чақсанг, даҳшатли мантиқ келиб чиқади. Сен эса артистликни шундай «севасанки», таърифлаб бўлмайдигандек туюлади. Лекин эътибор берса, сенга пул, шон-шухрат, қўлингни совуқ сувга ҳам урмай маишат билан яшаш ёқади. Артистликдан шуни ахтаряпсан! Бу — аслида артистликнинг ўзини яхши кўрмайсан, дегани. Артист тўйларда қўшиқ куйламасин, аксинча, шоирлар шеър айтсину одамлар пул қистирсин, деган қонун чиқса, қасам ичиб айтаманки, сен қўшиқчиликни ташлаб, шеър ёзишни ўрганаётган бўлардинг.

Унга қаҳр билан тикилдим, аммо шу тобда юзимга ёлғондакам қаҳр тусини беришга мажбур эдим.

— Вой-бў, бунча маломат! Тоққа бормай бугун бошқа энага топиш билан шуғуллансам бўларкан, — дедим.

— А-ҳа, тоққа боряпман, дегин! Уйингдан кимдир сўраб келса, бор ҳақиқатни айтаман, хафа бўлма, — Надежда боламини бағрига босиб, диванга ўтирди. — Аччиқ гапларимдан сўнг бошқа энага топишингга ишонмайман, чунки янги энага «маош олсам бас, бекам билан ишим йўқ», дейдиганлардан бўлади. Лоқайдлигидан тез орада чарчайсан.

— Яқинларим учун ўлганман, тоққа эмас, мазорга кетганимни айтсангиз ҳам майли, — деб сумкани елкамга осиб, чиқиб кетдим. «Мени ким ҳам ахтариб келарди, уйимни бирор қариндошим билармиди?» деб ўйладим. Бироқ далаҳовлидан қайтганимда тақдир менга қандай учрашув ҳозирлаб қўйиши хаёлимнинг етти кўчасига ҳам келмади. Назаримда, бир умр тўйларда яллачилик қилиб, бутун дунёни яллачилик билан забт этмоқчи эдим. Бахт шу эди, бундан бошқа воқеа-ҳодисалар эса бахтимга дарз кеткизолмасди.

7. БИР-БИРИДАН ЁМОН КУНЛАРИМ

Пастда Чингиз ака кутиб турган эди. Орқа ўриндиққа ўтирарканман, ажабланганнамо ҳолда Дилижонни сўрадим. Продюсер тезлик алмаштиргични енгил суриб, деди:

— У бошқа машинада боради, яъни йигитининг...

Машина шиддат билан олға интилиб, равон йўл ўртасига чиқиб олгач, йўлакдан шошиб келаётган Сафарани кўрдим. Бахтимга у сал бефаросатроқ эди, ўз продюсерининг уловини танимади.

«Дилижон жуфти билан борса, бундан чиқди, мен ҳам жуфтим билан бораётган эканман-да, — дедим ичимда. — Албатта, бунга ўзим кўндим, мени ҳеч ким мажбурламади... Баттар бўл!»

— Нима гаплар? — рулни бошқараётган жойида қайрилиб менга қаради Чингиз ака.

— Тинчлик, — дедим ийманиб.

— Сазо нима дейди?

— Олди-қочди гаплардан бошқа нима ҳам дерди, Чингиз ака. Лицензия олсаларинг менга ишларинг тушади, хоразмча, андижонча қўшиққа мос шеърлар топилиши осон эмасмиш.

— Тентак! Эътибор берганмисан, у ўзини юлдуз ҳисоблайди. Шоирмисан, ўз қавмингга ўхшаб юр-да, ҳадеб санъаткор қизларнинг этагига осилишингга бало борми? Агар яна бир марта гап отса, менга айт. Орқасига шундай боплаб тепаманки, онасининг олдига бориб тушади.

Далаҳовлига икки соатда етдик. Бунчалик узоқ деб ўйламагандим. Тоғ бағрида ҳувиллаб ётган уйчалар, аллақачон баргларини тўкиб, маъюс тикилиб турган дарахтлар, осмонни қоплаган хосиятсиз булутлар — барчаси менинг фожиамга аломат эди. «Дилижон умуман келмаса, овлоқ маконда икки кун қолиб кетсам-а?!» қабилидаги ваҳимали ҳиссиётларга чул-

ганиб, юрагим увишди. Бироқ машинадан турли маҳсулотлар, егуликлар ва ичимликларни ошхонага ташиб, бошламасига юз грамм ароқ ичиб, колбаса билан юмшоқ нонни газак қилганимиздан сўнг иблис кучини кўрсатиб, енгил тортгандек бўлдим. Албатта, бу расво этувчи енгиллик эди. Ўзимни юпатдим: «Бундай юрган битта мен эмас-ку!.. Агар миллион-миллион сўмим бўлганида, бу кўйга тушмасдим... Фалак Мультиганикидек бойлик бермагани учун шу қадар гуноҳкорманми?..»

Дарвозага занжир илиб келаётганимда, Чингиз ака хотинига буюрган каби:

— Машинанинг ҳам эшигини ёп, ҳадемай ёмғир ёғадиганга ўхшайди, — деди.

Ичкарига кирганимда, ўпкаладим:

— Дилижон келади дегансиз, келсин. Сиз билан ёлғиз қолмайман.

— Ростини айтсам, улар эртага, бир кеча-кундузга меҳмонимиз бўлишади.

— Нега биз бугун келдик?

Чингиз ака полни гижирлатиб, яқинлашди. Соҳибжамолларни кўриб суюлишига гувоҳ бўлганман, аммо чиндан суюлганда афт-ангори буткул ўзгариб, пиёнисталарга ўхшаб қоларкан. Икки қўлида икки қадаҳ, кўзлари йилтиллаб жилмайди. Тили учида ажиб қўшиқлар ноталарга ўхшаш қушчаларга айланиб, ана-мана учаман деб турарди.

— Бугун қўлингни сўрамоқчиман, Зарнигор.

Тилим инон-ихтиёримсиз сўзламоққа жазм этди:

— Мен... оила қурмоқчимасман... Ўзингиз тушунасиз, Чингиз ака... Ахир...

У қадаҳ тутди. Каравот қирғоғига ўтирдик.

— Мен ажрашдим, — деди у.

— Нечанчи марта? Уйланасиз, ажрашасиз, уйланасиз, ажраш...

— Пластинканг айланиб қолдими?... ҳиқ... — лабимга

Азамат ҚОРЖОВОВ

бармоқ босди у. — Хотинларим санъатдан йироқ эди. Аввал айтганимдек, ҳаммаси «белоручка»лар! Сен эса... ҳиқ.. мени бошингда кўтариб юрасан. Яна ажрашади, деб ўйласанг, хато қиласан. Оддий қизни юлдуз даражасига чиқариб, ажрашаманми? Ҳадемай элликка, сўнг олтмишга чиқаман. Сендек ёш, гўзал, офатижонни бундан кейин ҳам тополаманми?.. Йўқ... Ажрашишлар жонимга теккан, Зарнигор... Мана шунақа! Баъзан пала-партиш гапираман... Хўш?

— Фақат бу йил эмас...

— Бу йил эмас? — Чингиз ака антиқа мавжудотни томоша қилаётгандек ажабланиб тикилди. Ва тўсатдан қаҳқаҳ уриб кулиб юборди, мен ҳам кулгига қўшилдим. Ичимиздаги ароқ танамизни пўстакдек қоқиб, чангимизни чиқармоқда эди.

— Бу йил эмас! — қийқирдим тоғу тошларни ларзага солиб. — Ростдан айтаяпман, Чингиз ака!..

— Ҳатто эртага ҳам эмас!.. Бугун! Бугун!.. — дерди маст продюсер.

Ёмғир шовиллаб ёғди. Кечга яқин тинди, аммо узиб-узиб тун бўйи ёғиб чиқди. Шу кеча илк бор сигарета чекдим. Чингиз аканинг тўшак четида ичимлик ҳўплаб, ёмғирли деразага тикилиб ўтириши менга ҳам юқди. Икки-уч йўталдиму кейин ўрганиб қолдим. Ҳар сафар ювиниш хонасига кирганимда, ўзимдан бадбўй ҳид буруқсиётганини сезардим. Ароқ, сигарета, бегона одам ҳиди...

Шунчалик қотиб ухлабманки, Чингиз ака бир неча бор силтаганида ҳам уйғонолмадим.

— Меҳмонлар келишди, бир соатдан бери сигнал чалиб, машинанинг ҳам ичини куйдирди! — деди продюсер хириллаб. — Бунча қотдинг-а?! Эй, сенга гапираяпман! Тур!..

Соат ўн бир бўлган эди. Момиқ сочиқлардан бирини олиб, ювиниш хонасига кирган эдим, продюсер эшикни тепди.

— Кутиб оласанми десам, яна ўша ёққа кирдинг-

ми? Минг марта ювинганинг билан гуноҳларинг ювилиб кетмайди!

Жуда ҳам шошилдим. Ахир, Дилижон келган. Уни куттириб қўйиш гуноҳ. Боз устига айбимни кўз-кўз қилиб, душда ушланиб қолганим-чи! Юрса товонидан, сўзласа тилидан, боқса кўзидан ўт чақнайдиган қиз бўлмайманми?!

Ниҳоят, минг бир истиҳола билан шоша-пиша чопиб чиққанимда, рўпарамда турган кишига кўзим тушиб, даҳшатдан тошдек қотдим. Бошига шляпа, эгнига нимча илган, сўнгги урфдаги оқарган жинси кийган киши туғилиб-ўсган туманимнинг машҳур отарчиси, продюсеримнинг курсдоши, қишлоғимизнинг қатор-қатор тўйларини ўтказиб юрадиган таниқли маҳаллий шахс, нафақат мени, оиламдагиларни ҳам беш қўлдай танийдиган Эсонбой ака эди. У менга, мен унга бақрайиб қолдик.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!.. — Чингиз аканинг ёқимсиз кулгиси тоғу тошни ларзага келтирди. Йўқ, тоғу тошни эмас, қалбимни, қалбимга қўшиб бутун вужудимни тилка-пора этди. Тўйлар, репетициялар ва... кечаги гуноҳқор тун юзимни очиб, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетгувчи қилди, фаолиятимга халақит бергувчи ижобий, аммо эндиликда каминага нокерак хислатларни енгдим, деб ўйлагандим. Чучварани хом санаган эканман. Йигити билан қўл ушлашиб юрганида отасига дуч келган бокира қиздек ўзимни йўқотдим-қўйдим.

— Зарнигормисан? — Эсонбой аканинг қошлари чимирилди. Бир зумда ўпкаси чиқиб, қора-қизил тусга кирди.

— Эсон, наҳотки танимаяпсан? Иккиланмагин! — кулгидан ўзини тиёлмасди продюсерим. — Сенга айтгандим, мен уни севаман! Севиб қолганман ахир! Барибир унга уйланаман, деганимда ҳам, ишонмагандинг! Мана, яқинда тўйимиз бўлади. Албатта, сени айтаман! Келасан!

Ичкарига қочиб кирмоқчи бўлдим, аммо далаҳов-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ли афсонавий ғор эмас-ку, кетаверсанг, кетаверсанг, неча замонлар ўтгач, покланиб чиқсанг. Қажоққа ҳам беркинардим?

— Саломлашсанг-чи! — деди Чингиз ака елкамга қўл ташлаб.

Сурбетлик ёрдамга келди. Юзимнинг терисини қалин қилиб:

— Ассалому алайкум, Эс... Эсон ака... — деб довдирадим. — Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Қизиқ бўлди-ю! — дея Эсонбой ака продюсеримга алам билан қаради. Бевозта нигоҳи кимнидир ахтарди. Шундагина Дилижон ёдимга тушиб, машиналар сари кўз югуртирдим. Йўлакдан оқ рўмол ўраган озғин, қаримсиқ аёл кўтарилиб келмоқда эди. Шуми Дилижон? Орадан ўн йил ҳам ўтмади, бунчалар қариб, бунчалар тақводор бўлиб қолди у?

Тақводорлигига янглиш нисбат берибман. Далаҳовли саҳнига чиққанида қўлидаги сигаретага кўзим тушди. Оқ рўмол эса айрим Шарқ мамлакатларидаги русумдан кўр-кўрона ўғирланган мода экан, холос.

— Мени кечир, оғайни, — бу вақтда продюсерим Эсонбой акани қучоқлаб, тилёғламалик қилмоқда эди. — Бунчалик хафа бўлишингни билмагандим. «Сюрприз» эди-ку, нақ юрагинг тўхтаб қолаёзди-я!.. Ў-ў, Мадонна! — У курсдошини қучоғидан бўшатиб, Дилижонни ҳамбағрига босди. — Кулбаи вайронамизга келмаганларига ҳам бир аср бўлдилар-а? Валижон айтганидек, қадамларингизга Ҳасан аканинг отлари!

— Чингиз ака, биласизми, кимсиз? — деди Дилижон четга тутун пуфлаб. — «Козёл»сиз!

— Ие, бу қанақа «комплимент»? Жин эмас, жинлар урсин сизни! Агар ўша жонивор бўлсам, демак, сиз «коза»сиз! Биологик мувозанатни бузманг!

Улар одобсизларча ҳол-аҳвол сўрашишгач, ажралишди. Шунда ҳам Дилижон мен билан сўрашмай, атрофни ўраган арчазорлару қояларга назар солди.

— Куз бўлса ҳам олам нақадар гўзал! — деди димоғини тўлдириб нафас оларкан.

— Танишинг, бу Зарнигор, — деб Чингиз ака менга ишора қилди.

— Салом, — деди Дилижон такаббурликка асло хиёнат қилмасдан.

Меники ҳам қўзиди. «Шоу-бизнеснинг зулматга бурканган орқа томони ҳақида маълумот берадиган «муаллима»нинг маърузасидан бенасиб қолсам қоламанки, думимни ликиллатмайман».

Қуруққина манзират қилдим:

— Салом. Қани, ошхонага марҳамат...

— У менинг хотиним, — ортимдан пичирлади продюсер. — Янгиси.

— Ҳа ўлманг, қизингиз қатори-ку! — чақиб олди Дилижон.

— Шахсий ҳаёт ўз номи билан шахсий ҳаёт. Унга ҳеч кимнинг аралашишига ҳаққи йўқ. Қолаверса, йигирма ёш кичик тугул қирқ ёш кичикка уйланса ҳам мусулмончиликка тўғри келади.

— Ҳо-о! Ниқоҳсиз юриш мусулмончиликка тўғри келармикан? Ўлай агар, ҳали ниқоҳ ўқитмагансиз!

— Ҳамма гапирса ҳам сиз гапирманг!

— Нима-а?! Ҳой Эсончик, ўртоғингизнинг гапини эшитдингизми? Нега дамингиз ичингизга тушиб қолди?

— Зарнигор Эсон яшайдиган тумандан! Иккови бир-бирини танийди! Эртага Зарнигор хотинини кўриб, тоғда сиз билан юрганини айтса, тамом! — Чингиз ака томни кўтаргудек қаҳқаҳ уриб кулди. Дилижон ҳам продюсердан қолишмади. Мен ва Эсонбой ака гарангсиз турардик. Бомба портлаб, қулоқ-миямиз карахт бўлган, фақат кўзларимизгина тирикликдан далолат берарди.

— Бунга қаранг-а! Айтдим-а, нега ранги бўзариб қолди! — вақтинчалик жуфтига шафқат қилмади Дилижон. — Боягина йўлда очилиб-сочилиб сизни

мақтаб келаётганди. Юлдузни бенарвон уради, дедими-ей!

— Тўғри, — чапак чалди продюсерим, — лекин нарвондан фойдаланмайман, доим лифт билан чиқаман.

Эсонбой ака учун бир кеча-кундуз дўзах азобига айланади, деб хато ўйлаган эканман. Учинчи ё тўртинчи қадахдан сўнг баҳри-дили очилди. Шайтон суви виждон, имон, ор-номус ўтларига сув қуйишини эшитгандим, аммо одамни бу қадар ўзгартиришини ўз кўзим билан кўрмагандим.

— Мен ҳам ўйнаб юрганим йўқ, — деди у. — Хотиним кўнглимга ёққанида, атрофимда парвона бўлгани-да, юрагимдаги гапларни топиб-топиб гапирганида, фақат уни дердим. Чингиз, ҳозир кўрсанг аввалгидан беш баттар семириб кетган. Одамга доим норози қарайди, юриш-туриши, нафас олиши, нафас чиқариши — ҳамма нарсаси норозилик. Кино ёқмайди, мусиқа ёқмайди, нуқул қон босими ошиб, пишиллаб, елпиниб ўтиради. Семизлигини кўтаролмаганидан оёғи оғрийди. Унга ўн беш йил аввал айтганман, «ҳой, сал ўзингга қараб юр, машқ қил, эрталаблари чоп». Зарилми, деган. Одамлардан уялишини пеш қилган. Ҳатто устимдан кулган. Ҳозирги аҳволидан уялсин, чаласавод, ўқимаган, қолоқ, «тупой»!..

— Олдида сўкининг, орқадан эмас! — эътироз билдирди Чингиз ака.

— Зарнигор! — тўсатдан Эсонбой ака менга мурожаат этди. — Боя Чингиз «хотинини кўрса, қақиб беради» деди. Сен ростдан ҳам чақ! У билсин... аёллик латофатини сақлаб қололмагани учун билсинки, мен ҳар гал Тошкентга келганимда, жононлар билан кўнгилхушлик қиламан!..

— Жононлар?! Яна бошқаси борми? — ёлғондакам пўписа қилди Дилижон.

— ...керак бўлса, уйланаман ҳам! — қўллари мушт

бўлиб тугилди Эсонбой аканинг. — Кўнглимдагидек хотин билан яшашга менинг ҳам ҳаққим бор! Мана бу еримда тош эмас, юрак уриб турибди, юрак!

— Вой-бў, бинойидай одам десам, қип-қизил жинни экансиз-ку! — деди Дилижон.

— Э, қани олдик! — қадаҳ кўтарди Чингиз ака. — Ҳаммамизнинг ҳам кўксимиздаги юрак, ҳаммамиз ҳам одамдек яшашни хоҳлаймиз. Ким тўқликка шўхлик қилади? Ҳеч ким! Бу юришимиз, ҳақ гапни айтсам, бахт излаш, йўқотилган ҳузур-ҳаловатни топиш, ишлатилмай ётган маънавий ва моддий кучларни ишлатиш!.. Бирор бойвачча безорилик қилса, тўқликка шўхлик, дейишади. Балки у ҳам ўзини ўзи ахтараётгандир, балки у ҳам кучини қаерга ишлатишни билмаётгандир? Бола учун ота-онаси айбдор бўлса, биз учун турмуш ўртоқларимиз айбдор. Кўнгилдан яшаганимизда, ҳеч қачон бу ерда тўпланмасдик, бу гуноҳларни қилмасдик!.. Минг лаънат!.. Олдик!..

Зиёфат гоҳ шодмонликка, гоҳ ғам-ғурбатга қоришиб кетмоқда эди. Шунинглардимки, биз ўзимизни ахтармаётган эдик, аксинча тобора йўқотиб борардик. Чингиз ака уларнинг кўз олдида мендан бўса олди, юлдуз бўлишимни башорат этди. Кейин қайнатма шўрва пишириш учун қозон бошига юборди.

Қозон биқирлаб қайнаётганда, оловга термилиб, кўксимда маҳзунлик, зерикиш ҳиссини туйдим. Сигарета ёдимга тушди, ахир кеча чекишни бошлаганман-ку. Шу пайт Дилижон уйдан чиқиб, мен томон юрди. Йўл-йўлакай сигарета тутатди ва дарҳол кўзимдаги маънони уқиб:

— Чекасанми? — деб қутини узатди.

Никотин қоришган тутунни ютиб, оловга тикилиб қолдик. Қозондан қуюқ буғ кўтарилмоқда, ҳаво кескин совиган, ёмғир томчиламоқда эди. Бошимизда айвоннинг шиферли томи. Агар бу дамларим ҳалол-пок ўтаётган бўлгандами, ёнимда пулдор эрим,

Азамат ҚОРЖОВОВ

қизим Асила... Эҳ, бир кам дунё! Мени не кўйларга солмоқдасан?

— Нима етишмаётганини айт-чи, — деди Дилижон.

— Масалан?

— Вариант бермайман, буни ўзинг билишинг керак.

— Бирор нарса ичмоқчимисиз?

— Қўйсанг-чи! — қўл силкиди собиқ хонанда. — Муסיқа етишмаяпти, қўшиқ етишмаяпти! Биз санъат одамларимиз, лекин қани ашула?

— Негадир Чингиз ака ҳам магнитофонни...

— Уни қўй, ўзинг-чи? Демак, сен ҳам мендексан, Чингиз аканг ҳам! Демокчиманки, аслида биз юрак-юракдан қўшиқни севмаймиз. Қўшиқ бир восита, холос. Пулга, шон-шуҳратга, унвонга етказадиган лифт. Ҳа, Чингизбегинг айтганидек, лифт!.. Клип-ларинг борми?

— Ҳозирча қўшиғим ҳам йўқ, опа.

— Бундан чиқди, одамсан, фуқаросан, аммо санъат соҳасида ҳеч кимсан. Лекин қойил, Чингизни илинтириб, тўғри қилибсан. У сени юқорига олиб чиқишга қурби етади. Фақат бўшашма, «шустрая» бўл. Энди ижодни бошлаган кезларим бир дугонам бор эди. Истеъдоди сен билан меникидек — ўрта-миёна. Тағин ўртамиёна деганимни кўнглингга олма. Буюк истеъдод соҳиблари Чингизга ўхшаганлар билан ўралашиб юрмайди Хуллас, у кун-кун ора уйи атрофидаги ҳашаматли дўконга кирарди. Хусн-малоҳатига, ноз билан юришига, либос танлашдаги дидига, умуман, бизда бўлган барча ажойиб хислатларга эга эканига гап йўқ эди! Хонанда бўлиш учун ҳаракатлари ҳам чакки эмас-дию шу пул ўлгир етишмасди-да. Буни қара, бир бойвачча йигит ҳам қимматбаҳо моллар дўконининг харидори экан. Дугонамни бир неча марта дўконда учратиб, танишишни кўнглига тугиб қўйган экан. Концертда кўргач, «э, бу артист қиз экан-ку», деб қармоқ ташлабди. Одамлар шунақа: икки гўзални,

яъни бири уй бекаси, бири хонанда, ёнма-ён қўйиб, қайси бирини танлайсан, деса, хонандани танлайди. Улар дастлаб дўконда учрашиб, ул-бул харид қилиб юришди. Кейин кўчада ҳам учраша бошлашди. Охир-оқибат қиз ўша товламачининг гапларига учиб, номусидан айирилди, юзига қора чапланди. Қўшиқ ёзиш, клип учун пул ундирилмади шўрлик. Менга дардларини айтиб, қирқ кеча-кундуз йиғлаган.

— Судга бермадимми?

— Қанақа суд? Йигит ширасини сўриб олгач, пўчоғини бошқаларга раво кўриб, умрбод қутулиш учун содда дугонамга боплаб тузоқ қўйган! Гўёки хиёнат устида ушладим, деб орани очиқ қилган. Иккала қулоғинг билан ҳам эшит, продюсер ёки бирорта бойни оғдирдингми, маррага етдим, деб ўйлама. Эҳтиёт бўл! Ўша дугонамга ўхшаб додингни ҳеч кимга айтолмай аро йўлда қолиб кетма. Шундайлар борки, клипинг учун минг доллар ҳам бермайди. Юз-икки юз доллари билан эса мушук офтобга чиқармиди?!

— Сизни ҳам алдашга уринишганми?

— Алдашга уриниш дейсанми? Улар уринмайдилар, жон-жаҳдлари билан тиришиб ҳаракат қиладилар, сен эса айёр бўл, нозик нуқталарини бил. Бир йигит парвона бўла бошлади, дейлик. Ҳар куни тушликка ёки кечки овқатга таклиф этади, курьердан гуллар юборади, байрамларда романтик совғалар ҳадя қилади. Бу «меҳрибончилик»ларга учма. Клип учун уч минг доллар етмаяпти, бер, де. Берса, унга қиё боқишинг мумкин. Гуллар учун сотилиш, бу — қорни оч сигирнинг чирмовуқни кўрганда тамшанганига ўхшайди... Пуф-ф... — Тутун уфурди у. — Мен ҳам-масидан қутулганман.

— Лицензиянгизни бекор қилишгани ростми?

— Ким бекор қилади? Беш хонали уй олдим, Европа услубида таъмирлатдим, машинам бор, келинчаклар учун салон очдим, бизнесимдан пул тинимсиз томиб

турибди. Айт-чи, энди менга шоу-бизнес керакми? Хеч қачон қайтмайман санъатга! Кимлар учундир қўшиқ айтиш, аҳмоқона талабларини бажариш, айрим нокасларга паст кетиш, кечалари уйқудан қолиш — ҳаммасидан қутулдим. Сен учун эса, Зарнигор, энди бошланяпти. Ачинаман сенга, нозиккина кушча!

Дилижоннинг таънасидан сўнг мусиқа қўйилди. Вальс тушдик. Тушликка эркаклар ўз қўллари билан кабоб пиширишди. Энг қайноқ хушчақчақлик онларигагина ғурбатни унутардим, аммо ҳаял ўтмай яна юрагим сиқила бошларди.

— Зарнигор, — деди кечки пайт ортимдан чиққан Эсонбой ака, — шу ростми?

— Ҳа, қайнатма шўрва ҳам пишай деб қолди, роса эзилиб... — дегандим, у:

— Ўй-й, — деб гандираклаганча қозонга энгашди, — ким сендан шўрвани сўраяпти?! Тўй ростми дейпман... Анави билан... Чингиз...

— Эсонбой ака, маст бўлиб қолибсиз, ичкарига киринг, совқотасиз.

Туманимизнинг отарчиси атрофга аланглади.

— Менга Дилижон керакмас, — деди қўл сермаб. — Машҳур бўлган бўлса, ўзига! У ҳаммадан қолган!.. Илтимос, тўйни тўхтат... Ёнингда ўсган гулни биров юлиб кетса, алам қиларкан... Мен ҳам сенга бефарқ эмасман, бошимда кўтариб юраман... Тўхтатасанми?

— Тўхтатсам сизга нима? — дея унга нафрат билан боқдим. Юрагимдан вижирлаб бошимга чиққан қаҳру ғазаб кўзимни ёшлантириб юборди. Яна нимадир демоқчи эдим, бўғзимга тиқилган аччиқ нарсани ютишга мажбур бўлдим, гапиролмадим. Ўкириб йиғлаб юбормаганимга ҳайрон эдим. Во дариғ, икки кунда бошимда икки маломат! Бири гуноҳга ботирди, иккинчиси ҳам фаҳш балчиғига булғашга умидвор! Шунчалар умидворки...

— Ўзинг биласан, — Эсонбой ака бир четга туфлаб,

гандираклаб ортига бурилди. «Ҳамманг шунақасан», деди, тўнгиллади, қўли билан ғалати қилиқ қилди.

Тоғда ўтган икки кунни ҳаётимнинг энг қора, расво дамлари, деб ҳисобладим. Бироқ гурур йўлида исён кўтаролмасдим. Продюсеримнинг ўйнаши бўлиб қолганим ҳақидаги маълумот, нафақат маълумот, баайни шоҳидлик Эсонбой аканинг қўлида эди. Бахтимга Чингиз ака ва унинг ўртасидаги дўстлик омон бўлсин, акс ҳолда отарчимиз мени измига солиш учун сирларимни фош этиш билан қўрқитиб дунёдаги энг жирканч талабларни қўйиши мумкинлигини тушундим. Ё эсимни йиғиб олишим, ё бутунлай сурбетга айланиб, шайтоний зирҳга ўралишим даркор эди.

Афсус, эсим кирмади. «Машҳур хонанда» ниқоби орқасида мени чорлаётган шон-шухрат ва бойлик васвасаси сари интилар эканман, нима қурбонлик бўлса, кўз ҳам юмиб ўтирмай беравердим. Шаҳарга кириб келганимизда, яна кўзгуга қарадим. Ё алҳазар, ароқ, сигарета ва зино юзимни худди Дилижонникидек сўлғин қилиб қўйганди.

— Биз энди доим биргамиз, — қизарган кўзларини қадади продюсер.

Унинг нигоҳида ҳув ўша меҳмонхонада Сафара билан қўлга тушганидаги каби алланечук лоқайдлик маъносини кўрдим. У оила қуришни таклиф этганида, бир неча марта уйланганини, дугонам икисини тутиб олганим хаёлимга-да келмаганига ҳайрон қолдим. Аслида менда на рашк, на иффат бор экан.

— Хайр, — дедим ва ижара уй йўлагидан тез-тез юриб кетдим.

Ҳозир юқорига чиқаман, қизимни ўпаман, Надежданинг кинояларига чидайман, деб хаёлимдан ўтказдим. Оҳ шўрпешана Зарнигор, уйга кир, тақдир сени кимга рўпара қилишини кўриб, қон йиғлайсан, демади ҳеч ким.

Чуқур уҳ тортиб, қўнғироқ тугмачасини босдим: жиринг... нг!.. Жиринг... нг!..

— Ҳозир! — деган овоз эшитилди олисдан.

Надежда ҳар кунгидек эшик очди. Бироқ у бошдан-оёқ яп-янги либосда эди. Билардимки, янги кийимлари йўқ ва ўтган икки кун мобайнида қизимни ташлаб, бозорга тушиши ҳам ҳақиқатдан йироқ.

— У келди! — деди Надежда ичкари хонага.

Шунда бўсағада турган икки эркак ва бир аёлнинг пойабзалига кўзим тушди. Одамтопмас ижара уйимга ким меҳмон бўлиб келди экан, деб икки қадам ташладим. Ёндаги очиқ эшикдан ичкаридагилар кўринди. Ё фалакнинг қудратидан! Эсонбой акага дуч келганимда ҳам бунчалар қўрқиб кетмагандим. Қўлимдан сумкам тушиб, мувозанатни йўқотдим, яхшиям, энага суяб қолди...

— Ҳа, бу ўша! — деди ўрнидан турган бир аёл. Шу пайт эркак ҳам (у Асилани тиззасига олиб ўтирганди) оёққа қалқди.

Мен эса Марюса янга ва эрининг бу ерга қандай келиб қолганига ақлим етмай гаранг эдим. Дунё шунчалар тор бўладими? Эримнинг Чангак қишлоғи қаёқдаю азим Тошкент шаҳридаги минглаб уйлардан биридаги ижара уйим қаёқда!

— Салом, — дедим тилим зўрға айланиб.

«Эй Худойим, бўсағада яна бир жуфт эркаклар пойабзали турганди, униси ким бўлди экан?» — деб хонага кўз югуртирдим, аммо кўзларим бошқа ҳеч кимни кўрмади. Кимсан бўлиб чиқса, тил тортмай ўлсам керак, деган иқроқ қалбимга болта каби урилди. Наҳотки, у мени олиб кетишга келган? Уйланган эди-ку!..

Марюса янганинг эри, яъниким Кимсаннынг амакиси Асилани қўлидан қўймай, бўйнини силкиб, журъатсиз овозда алиқ олди. Тоғдаги икки кунлик ишратдан қайтган собиқ келинни кўрган эркак худди айбдордек хижолатпазликда эди. Болани кимга

беришни билолмай, дарҳол кўрпачага ўтирғизиб, бош қашиди. Надежда боламни кўтарди, эркак янада хижолат чекиб, алланима дея минғиллади.

— Бу қизим Марина, — деди Надежда Марюса янгага имо қилиб. — Айтгандим-ку, у қишлоқда яшайди, деб. Бунисини ҳам танийсан, куёвим. Ҳаммаларинг бир-бирингни танийдиганга ўхшайсан. Улар тўй тараддуди билан бир «Дамас»ни кира қилиб, Тошкентга келишган экан, қўнғироқлашдик, топишдик. Бир пайт суратингни кўриб, сенга қизиқиб қолишди. Шу санъаткорингиз бизнинг келин бўлиб чиқади, дейишди. Тасодифни қара!

— Худди ўзи, — деб Марюса янга қўлимдан етаклаб кўрпачага ўтирғизди. — Худди ўзи!.. Лекин намунача ойимчамизнинг ранглари қоғоз бўп кетди! Тов ҳавоси ёқмадима дейман? Қандайсиз? Тошкентларда яшайпман, катта санъаткор бўлдим денг? Вой-бў, ростдан ҳам қип-қизил артистга айланиб кетибсиз-ку!

— Тоғ... — дедиму бош чайқадим. Тоққа борганим йўқ, деб алдамоқчи эдим, лекин улар «ҳавоси ёқмади» деган маънода тушунишди.

— Шундай пайтда тоғда бало бормиди? — бидиллади Марюса янга. — Ойдаи қишлоқни ташлаб, тўртта девординг орасига келган гўр бўладима? Товди соғинади, далани соғинади, кейин эрдиям соғинади! Шу-да! Бошқа нима?

— Биз «Дамас»дан хабар олайлик, — минғиллади эри. Кейин балконга қараб овозини кўтарди: — Зафар, нима қиялпсан балконда?! Тушиб-пушиб кетдингми, нима бало? Кетдик! Булар орқамиздан чиқаверади.

Омад мендан бутунлай юз ўгириб, шу дам балкондан Кимсаннинг синфдоши Зафар чиқиб келди. Дастлаб у ичкарида нима воқеа бўлаётганини тушунолмади. Менга тикилиб қолган кўйи ҳавони ҳидлади. Хонани қимматбаҳо атир ҳиди тутган эди. Ўша-ўша талтайиш, хиралик ва беписандлик аралаш, аммо ёмонлик сезилмайдиган нигоҳ.

— Зарнигор? — деди кўзларини катта-катта очиб. — Эй, чиндан бу Кимсан жўранинг аввалги хотини-ку!.. Ассалому алайкум, мўйинса! Сизни ҳозир деразадан кўрдим, ёмон ўзгариб кетибсиз-ей! Шу «дом»да яшайдиган «городской» қиз деб ўйлабман. Танимабман!

Миқ этиб оғиз очмадим. Тақдир муштга айланиб, бошимга бир уриб тентак қилиб қўйган эди. Хув ўша келинчаклик кунларимда кўча четига кул тўкишга чиққанимда, қўлимдан ушлаган йигит эди у. Дастидан қайнонам қанақа жанжал кўтарган эди! Ёввойилар! Қорин ҳам қўйибди, юзи тандирдан узилган нондек қўпчиб, қизарибди. Ўшанда севган қизиникига совчи юборган, аммо рад жавобини айтишган эди. «Кимга уйланган экан? — деган ўй ўтди кўнглимдан. Ўтдию ичимда жеркидим: — Қўй шуларни! Бунақалар бировга куядими? Ароқ ичади, сигарета чекади, бир-икки сўкинади, кейин янгалари кўрсатган бошқа қизга уйланади-кетади. Умрида қизнинг қўлидан ушламаган эмасми, кўрмаганнинг кўргани курсин, умр бўйи қишлоқи хотинининг атрофида гирдикапалак бўлиб юришади. Мана уларнинг ҳаёти... қисмати...»

Марюса янга узатган чойни ютоқиб ичдим. Адашмасам, эрининг совиган чойи эди. Ёлғонни давом эттиришга мажбурлигимни тушундим. Ўлганимнинг кунидан бошимни кўтариб:

— Кечадан буён мазам йўқ, ёқмайдиган нимадир едим, шекилли... Асила яхшими? — дедим. — Жуда соғиндим уни... Кел, қизим...

— Отасининг нусхачаси экан, мўйинса! — Зафарнинг оғзи тинмади, Марюса янганинг эри ташқарига тортқиласа ҳам, ғаройиб махлуққа дуч келган каби кўзи йилтираб шанғилларди: — Расмга тушириб, Чангакка опкетамиз! Йўқ-йўқ, ундан кўра ўзини бериб юборинг, «Дамас»имда бир айланиб келсин, отасини кўрсин, кейин ўзим ташлаб кетаман.

Эсингиздами, бир қизга совчи юборганим. Яқинда ўшанга уйландим! Янгаси билан ҳам танишади.

— Бўлди-е! — Марюса янганинг эри ахийри ошкора аччиқланиб, Зафарни силтаб тортди. — Кетдик, жуда оғзингнинг қулфи очилиб қолди-да сен боланинг! Бу ерда қиладиган ишинг йўқ. Уларни пастда кутиб турамиз, орқамиздан дарров тушади... Тезроқ тушинглар, кутамиз!

Тақдирнинг иккинчи мушти тайёр турган экан. Шу тобда останадагилар орасидан сирғалиб, Сафара ичкарига ўтиб олди.

— Ёлғончи! — ҳам кулиб, ҳам аламдан қичқирди менга. — Танишим билан тоққа кетяпман, десанг бирор дугонасиникигадир-да деб ишонибман! Чингиз аканинг далаҳовлисига борибсан-ку!

— Сафара! Ўчир овозингни! — кўзларим қинидан чиқиб кетаёзди.

— Икковинг икки кун йўқ бўп кетдинг-е! Жа ишқ ўйини қилибсанлар-а? Вой, писмиғ-ей!.. — У ногаҳон айёрлик билан оғзини бекитиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. — Вой, ким булар? Ассалом!.. Мен уйни сотиш учун эгаси «клиент» олиб келибдими, десам, қариндошларимисиз? Мен Сафараман, битта районданмиз... Яхшимисизлар?

Ҳолим танг эди. Эримнинг ва ўзимнинг яқинларим доим «агар артистлик йўлини танласанг, бировларнинг қўлида ўйинчоқ бўласан, чунки на пулинг, на суяйдиган одамнинг бор», дегувчи эди. Исботини кўрдилар. Ҳали Чангак қишлоғига, сўнг ўзимизнинг туманга, она қишлоғимга гап тарқайди. Бу борада Сафара ҳам барча душманларимга жон-жон деб кўмаклашадиганга ўхшаб қолди.

— Кимга туҳмат қияпсан? Ҳаммани ўзингдек фоҳиша деб билма! — дедим уятдан лов-лов ёниб.

— Мен ўшанақаманми? — кўзлари ўйнади Сафаранинг. — Аввал ўзингга боқ!

— Дугонам билан дадасининг боғига бордик, қиз-

лар билан дам олдик! Тухматинг учун жавоб берасан! Ёки Пардахол опага ичган қасамимни бузишни хоҳлаяпсанми?

— Вой-вой! Продюсерингни, ўз ҳомийингни, отанг қатори жазманингни фош қилмоқчимисан? Тузини еб, тузлиғига тупур энди! Худди меникига тупургандек! У билан далаҳовлида икки кун бирга бўлганингни шундай исботлаб бераманки, оғзингни ҳам очолмайсан! Қандай дугонанг бор эдики, дасининг боғига олиб борадиган?

— Ўчир, туҳматкаш!

— Тепангда Худо бор, нега ўзингни буларга пок қилиб кўрсатяпсан?!

Сафара менга ўшқириб, эшикка юрди. Қизчам чириллаб йиғлай бошлади.

— Бошида айтганман, — деди Сафара оғзидан туфук сачратиб, — қўшиқчи қизларга эркаклар кўп оғиз солади, менсиз бирортаси билан гаплашма, йўлдан уради, деб! Рангинг ҳам айтяпти. Бўйнинг кўкарганига қара! Ҳатто рўмол-пўмол билан яширмабсан ҳам! Улар салгина кўз қисиб қўйганидан орқаларидан чопиб кетдинг! Уят, Зарнигор! Мени ҳам, манави қариндошларингни ҳам шарманда қилдинг!.. Узр, сизлар кимлари бўласизлар?

— Эрининг чечасиман, — деди Марюса янга тумшайиб, илло дадил оҳангда, — яъни келинойиси. Манов киши, — у турмуш ўртоғини кўрсатди, — эрининг амакиси бўлади. Қизчасининг энагаси эса менинг энам, ўз туққан энам.

— Ана холос! — чапак чалди Сафара. — Гапларимга ишонмасангиз, Надежда опадан сўрайсиз!

Эркаклар чидаёлмай подъездга чиқиб кетишди. Мен Сафара билан сал бўлмаса соч юлишдим, аммо Надежда ва Марюса янга ажратиб қўйишди.

— Ҳали кўрасан! — Сафара бармоғини нуқиб, пўписи қилганча кўздан йўқолди.

— Тухмат қияпти, у қасамхўр қиз! — деб ич-ичимдан ўзимни мажбурлаб ҳўнг-ҳўнг йиғладим.

— Ўтирайлик, — деди хомуш тортган Марюса янга. — Яшайверсанг, кўп нарсани кўрасан, дейишувди. Кечагина куёвини яқинига жўлатмаган нозли келинчакнинг аҳволи... Кўрмаслигим ҳам, куймаслигим ҳам керак эди.

— Бас, янга... Мени тинч қўйинг! — дедим зор қақшаб.

— Эҳ, Зарнигор, нималар қип журибсиз? Куйганимдан гапираяпман, куйганимдан!

Надежда қизини туртди. Улар қабр бошида тургандек бирдан сукут сақлашди. Асила ҳам йиғидан тўхтади, мен ҳам. Сафарани қарғаб-қарғаб, Асилани баҳона измида овута бошладим. Бир оз ўтиб, Марюса янга деди:

— Энам Тошкентга опасини излаб кеп, мана, иш ҳам топиб, шу ерда қоп кетибди. Тақдирни қаранг, келин, энам сиздинг болангизга энага бўпти. «Ипподром»га Зафардинг «Дамас»ини «заказ» қип келиб, баҳонада энамди ҳам топдим, сизди ҳам. Менинг айтадиган гапим шуки, келинжон, бу йўлдан қайтинг! Кўрган-кечирганимизни ҳеч кимга ойтмаймиз. Зафарга ҳам ўзим қасам ичтираман! Қишлоққа қайтиб, турмуш қуринг, мундойчиқин хор бўп журманг.

— Бу гаплар минг марта айтилган, — дедим бошимни ҳам қилиб. — Қайтмайман. Нима, мен бузуқчилик қилиб юрибманми? Санъаткор бўлмоқчиман... Шоубизнесни биласиз, қачон қарама, миш-миш, тухмат, ифво, жанжал...

— Менинг ҳам бошимга оила ёки санъатни танлаш чеки тушган, келин. Шундайларни кўрасизки, оила ҳамда санъат битта бўп пешанасига ёзилган. Афсус, биз билан сизда ундай бўлмади. Оилани танладим. Лекин афсус қилмайман. Сиз-чи? Бундай сайлов бошингизга тушиб, хато йўлни танлаяпсиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— У танлаган йўл санъат ҳам эмас, — деди Надежда ҳазин товушда.

— Маслаҳатга зор эмасман. Мени тинч қўйинглар, бўлди, — дедим.

Марюса янга қўлимни силаб, охирги гапини айтди:

— Энам уйингизда яшамайди, энагалик ҳам қилмайди, Зарнигор. Биздан хафа бўлманг.

— Майли...

— Нега деб сўрамайсизми?

— Йўқ. Ўзим очигини айта қолай. Кимсан ҳам, бизнинг уйдагилар ҳам шахсий ҳаётимни телесериал кўргандай томоша қилишини истамайман. Надежда опага шунча қилган хизматлари учун раҳмат! Бугундан бошлаб бошқа энага ахтараман. Энг муҳим гапим, Сафаранинг туҳматларини қишлоққа ташиманг, илтимос. Мен яқинда турмушга чиқяпман. Тошкентда яшайдиган, санъат соҳасида ишлайдиган, обрўли, бой ва мени тушунган инсонга!

— Дугонангиз таърифлаган кишигами?

— Қайси?

— Отангиз қатори, деди-ку.

— Мен сизга, сиз менга ҳеч кимсиз! Кимга турмушга чиқишим билан ишингиз бўлмасин. Яхшиям, ўзингиз биринчи бўлиб гап очдингиз: онангизга ҳам жавоб... Кетсин!.. Сиз ҳам тезроқ кетинг!

Улар бир-бири ила кўз уриштиришди.

— Бу ердаги гапни ташимайман, қўрқманг, — деди Марюса янга, — лекин адресингизни қудаларга жеткиздираман.

— Етказинг. Мен эртага кўчиб кетаман. Квартира беришди.

Бу кеча Асила иккимиз ётдик. Энди умрбод пок-ланолмаслигимни билиб, ёстиққа юзимни босдим-да, тун оққунча кўз ёш тўкдим. Уйдан янги келинкуёв хонасидаги оҳори тўкилмаган кўрпа-тўшак ва либосларнинг муаттар иси келаётгандек туюларди. Эҳ, оппоқ тонгдек осуда ва пок келинлик даврим-а!

Бир ажойиб уйим бор эди! Қайларга кетди ҳамма ҳавас қилган бебаҳо даврим? Бунчалар тез... бунчалар қайтмас экан у даврлар...

Бахтимга эртасига репетиция ҳам, тўй ҳам йўқ эди. Жамшид билан кечқурунгача шаҳар кезиб, Асилага бошқа энага топдик. Жамшид икки кун йўқолганимнинг сабабидан бохабар шекилли, аввалгидек очилиб гаплашмади.

— Шоу-бизнес одамни эмас, ундаги энг яхши ҳислатларни ейди, — деди у.

Мен эса Кимсан билан аллақачон ажрашиб кетганимга қарамай Марюса янга «келин», «қуда» каби сўзларни тилга олганига ҳайрон эдим. Гўё бахтим ҳали ҳалокат чоҳига қулаб тушмагандек эди ва мен ўла-ўлагунча уларга келин ҳисобланардим.

8. ҚОТИЛЛИК

Ижара уйдан тезроқ даф бўлмоғим лозим эди. Бошпана масаласида Чингиз акага ноилож қўнғироқ қилдим.

— Қизингни қишлоққа бериб юбор, сени уйимга олиб кетаман, бирга яшаймиз, — деди эски режасини қўзғаб.

Кўп вақтим кўчада, тўй-ҳашамда ўтса-да, Асиладан йироқда яшаш осон эмасди. Бир кун келиб аҳволим яхшиланиб кетади, қизим учун бўш вақт топаман, ҳаётимни қизимга бағишлайман, деб кутардим. Ёмон иккиландим. Афтидан продюсер ҳар жиҳатдан фолибликка эришмоқда эди. Фолибликка эришгани сайин мен ҳам яқинларимдан шунчалар йироқлашиб борардим. Эсонбой ака, Сафара, Марюса янга, Зафар кабилар, агар турмушга чиқмасам, исталган вақтда номимни булғаб ташлашлари мумкин эди-да.

— Хотинингиз қаерда? — сўрадим продюсердан.

— Уйда. Лекин сени Чилонзордаги бошқа уйимга жойлаштираман. Хўш, болангни нима қилдинг?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ўйлаб кўрай, — деб хўрсиндим. «Кўнглимга қарамайсиз», демоқчи эдим, ўтган галги қўланса жавоби ёдимга тушиб, айтмай қўя қолдим.

Бироқ Асилани юзлаб чақирим олисдаги онам-никига ташлаб келишни эмас, Сафарани ўйладим. Биз ҳамон битта гуруҳ эдик. Тишимни тишимга босиб, ундан ўч олиш учун пайт пойлардим. Албатта, Чингиз аканинг Чилонзордаги уйига кўчиб борсам, оила қурсам, ўз қўшиғимни куйлаб, ойнаи жаҳонга чиқсам, аччиқдан аччиқ зарбалар берган бўлардим. Куйиб ўларди у.

— Қизимни жўнатолмайман, — дедим кечқурун ошиқ продюсеримга.

— Жуда болажон чиқиб қолдинг-да, — тунд жавоб эшитилди гўшакнинг нариги томонидан. Сўнгра қаттиқ томоқ қириб олди.

— Ахир, ўзим туққанман! Ўз болам!..

— Етимхонага ташлаб кел, бефарзанд оилаларга сот, тириклай кўм, деяпманми?! Мен ҳам мусулмонман, инсонман! Оналик нима, сендан яхши тушунаман! Менга қара, бугун ўнта қўшиқ гаплашдим, ҳаммасини сен куйлайсан. Юрасанми анави Санамга ўхшаб! Энди бўш вақтинг умуман бўлмайди. Болангга барибир қараёлмайсан!

— Ҳамма нарсага розиман, лекин боламини бериб юборолмайман. Ундан ажралсам, ўламан, Чингиз ака. Қишлоқдагилар қараёлмайди, ичиктириб қўяди.

— Ҳеч иложи йўқми? — дағдаға қилди продюсер.

— Чингиз акажон, илтимос... — ялиндим нозли оҳангда. — Ўзингиз дунёдаги энг яхши одамсиз-ку! Мен ахир... ахир кимга бериб юбораман норасида гўдаккинамни? Онам қари, касалманд. Сингилларим ёш. Опамлар ўз рўзғори билан чувалашиб юради, поччамларнинг ҳаммаси камбағал.

— Ҳеч иложи йўқми, деб сендан сўраяпман? Аравани қуруқ олиб қочма!

— Йўқ.

Чингиз ака бир нафас жим турди, кейин:

— Майли, сен айтганча бўлсин, — деди мени қувонтириб. — Лекин доим унга энага қарайди. Бизга... айтмоқчиманки, ижодга, карьерага халақит бермасин. Хўпми?

— Раҳмат. — Миннатдорчилик билдирар эканман, ҳақиқатан ҳаммасига рози эканимни ҳис этдим. Зеро, аслида Чингиз ака кўп нарса ваъда бермаганди: на қонуний хотинман, на ҳуқуқий жиҳатдан ўз қўшиқларимга, уй-жойимга эгаман. «Танилиб олай, — дедим ичимда. — Ундан катта ҳомийлар чиқади. Бошидан менга беписанд қарагани, тўлиқ шарт-шароит яратиб бермагани, Асилани «қизим» демагани учун шундай куйдириб кетаманки... Шоубизнесни кузатиб юрибман, барча қийинчилик танилгунингча!..»

Кўч-кўроним битта «Жигули»га ҳам юк бўлмади. Чилонзорга кўчдим. Янги энага Сурхондарёдан келган ўттиз ёшлардаги аёл бўлиб, боламни худди қишлоғимдаги бувижонларга ўхшаб парваришларди. Қўлида лағмон едиргани, нонни чайнаб бергани учун қойидим. Чингиз аканинг уйини кўриб, «вой, мунча яхши-и...» деб ичини тортиб, киннасини солаверди.

— Шу уйнинг эгаси билан турмуш қурдим, опа, — дедим унга. — Ҳозирча биринчи хотинидан ажрашгани йўқ, икки кунда бир келади. Асиланинг хонасидан чиқмайсиз, йиғлатмайсиз, ҳеч ким билан телефонда гаплашмайсиз. Қисқаси, бу ерда борлигингиз билинмасин. Ўзингиз тушунасиз, нозик одамлар ортиқча одамни ёқтиришмайди.

— У ёғидан ўйланманг, — деди энага, — қотириб қўямиз. Шундайми, Асилахон?

Қизчам тугмачадек кўзларини менга қадаб, бармоғини сўрди. Унинг юзида мендан хавотир олаётганга ўхшаш қандайдир ифода зоҳир эди.

Шу куни Сафара қўнғироқ қилди. Ёнида Жамшид ҳам бор экан, аввал у гапирди:

— Зарнигор, эртага тўй бор. Яхши жойлашиб олдингизми?.. Мана, Сафарага беряпман.

— Алло... Ҳа, ўртоқ, ҳалиям аразлаб юрибсанми? Ўзингча мендан қочмоқчи бўлиб қаерга кўчдинг?

— Менга гапирма! Гаплашадиган гапим йўқ!

— «Силби» нима бўлади? — кулди у. — Ҳозир четроққа чиқай... Зарнигор, сени Тошкентга яхши ниятда олиб келганман. Соғлигинг учун мен жавоб бераман, билдингми?! Чингиз ака билан тоққа кетаётганингни яширганинг жудаям ҳаддингдан ошиш, билиб қўй! Кўрдинг, ўзимни босиб ололмадим...

— Ахборотинг учун, Чингиз акам менга уйланыпти, бугун Чилонзордаги уйига кўчиб ўтдим. Бўйимда ҳам бор.

— Чингиз ўлса ҳам сенга уйланмайди! Биласанми, у орқангдан нима деган? «Бир-икки йил юрса бўладиган янги нарса!» Ана шунақасан сен! Йилнинг тўрт фаслида сенга ўхшаганларнинг тўрттасини топади. Неча марта уйланиб, неча марта ажрашганини биласан, лекин қанча хуштори бўлгани тушинггаям кирмаган!.. Айтгандай, уни хўрозқанддай ўйнатиб юрганимни меҳмонхонада кўргансан-ку. Ўл ўзингни бундай арзон-гаров сотмай! Фурурсиз!

— Ўзинг ўл!

— Сенга яхши бўлсин, деб юрагимни ачитсам, бунча жириллайсан, кўрнамак?

— Ўзинг кўрнамак!

— Бўпти, менга нима, тўтиқуш! Тақдиринг ўзингники! Пиширган ошингни мен ичмайман!.. Бугун Жамшид янги студияга олиб боради, юзма-юз гаплашайлик. Ҳозир ваннангга кириб, юзингни яхшилаб юв! Иложи бўлса гишт билан ишқала! Уйқунгдан уйғонолмай асабимга ўйнаяпсан! Ҳомиладорман деб иккинчи гапирма!

«Бопладим», — қувондим ичимда. Бироқ кўзгуга қараб, кўрқиб кетдим: чиндан ҳам ҳомиладор бўлсамчи? Нега бунчалик ўзгариб боряпман? Назаримда,

юзимда доғлар ҳам кўзга ташлангандек эди, шоша-пиша ишқалай бошладим. Гоҳида сабаб-бесабаб ваҳимага тушишимни пайқадим. Васваса ҳам бежиз эмасди: мен шоу-бизнес оstonасидаги балчиққа фарқ бўлиш эҳтимоли таҳдид солаётган бахтиқаро жувон эдим.

Чингиз ака кўримсиз бир студияни шундай шарт билан гаплашиб бердики, худди ўзимизникидек исталган вақтда репетиция қилишимиз, қўшиқ ёзишимиз мумкин эди. «Ёшлар», «Ўзбекистон» ва «Тв-Марказ»да тез-тез намойиш этилаётган клип-ларнинг қўшиқларини дискка ёзиб, эртасигаёқ тўйларда фонограммализни жаранглатардик. Халқ орасида хит бўлган эски қўшиқларни-ку қийратиб юборгандик. Чингиз ака вилоятлардаги одамларини Жамшид билан таништириб, телефон рақамларини олиб берди. Шахсан киришмаса, шу вақтгача «Силби»ни Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро томонларга бир марта ҳам тўйга таклиф этишмади. Бизга ўхшаш қайсидир гуруҳ Жиззахдаги бир бадавлат шахснинг тўйидан нақ ўн миллион сўм ишлаб келгани ҳақидаги миш-миш продюсеримизни касал қилиб кўяёзди. Ҳақиқий иш бундай бўпти! Машҳур санъаткорлардек бир кечада ўн миллион сўм! Биз эса қачон машҳур бўлсак, ўшанда беш-ўн миллиондан ишлаймиз, деган хаёлда юрибмиз. Аслида радио, ойнаи жаҳон, матбуотда чиқмай туриб ҳам қучоқ-қучоқ пул ишласа бўларкан-ку. Боз устига биз каби лицензиясиз эди улар.

Тошкентдан машҳур санъаткор чақиришга ҳам-манинг қурби етмасди, аммо «тўйимда Тошкентдан келган санъаткорлар хизмат қилса» деган орзудан ҳамма ҳам воз кечолмасди. Бундай одамларни ахтариб топиш, «Силби»ни энди танилаётган эстрада гуруҳи, «Энг тўйбоп» деб ташвиқот қилиш лозим эди. Жамшид ҳайдовчилик, қўриқчилик, кассирлик қилиши мумкин, аммо товламачилик

қўлидан келмасди. Шу важдан каттароқ даромаддан умидвор Чингиз аканинг шахсан ўзи вилоятлардаги тўй гаплашувчи эстрада даллоллариининг инига чўп суқиб, катта-катта фоизлар ваъда берди. Ҳам Мультинага продюсерликни, ҳам бизга тўй топиб беришни эплашига ҳайрон қолдим. Бу борадаги ишчанлигини тан олиш керак эди.

Биз илк марта довон ошиб, водийга, кейин Самарқанд ва Қашқадарёга бордик. Пул қистиришлар, хонандани қучоқлаб суратга тушишлар, ҳатто бизни ёки раққоса қизларни кўтариб ўйнаш одатларини кўравериш ҳайрон қолмайдиган бўлдим. Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги бир тўйда ширакайф тўй эгаси шартта белимдан қучди, оёғим ердан икки қарич узилди. Бир неча марта айлантиргач, ерга қўйди ва уч бойлам мингталикини устимдан сочди, қудаси паст кетишни хоҳламади, ёқамга иккита юзталиқ долларни тикиштирди. Шу куни мендан бахтиёр одам бўлмади.

Бир-бирининг бошига доллардан ясалган гулчамбар (тахминан ҳар бир гулчамбарда икки-уч минг доллар бор эди) тақишни ўша кезлари кўрдим. Афсус, менга ҳам, раққосамизга ҳам ғаройиб гулчамбардан битта япроқ — юз долларлик олиш насиб этмади.

— Қўшиғинг учун эмас, — деди бошқа бир тўйда басавлат эркак пул узатар экан, — ҳусн-жамолинг учун беряпман! Чунки қўшиқларинг Юлдуз билан Леди Гагадан ўғирланган... ўғирланган эмас, нақ ўша қўшиқлар! Ҳуснинг эса оригинал! Ўзингники!

Сафара нима бўлди, дерсиз? У қўшиқчи шоир Сазонинг ошкора жазмани эди. Гоҳида студияга ҳам бирга келишар, адашмасам, бир том остида яшашарди. Бошқа жиҳатдан унинг бу тахлит ҳаёт кечириши менга маъқул тушди. Ҳарҳолда ўрнимга кўз олайтирмаяпти-ку! «Чингиз билан аввал мен танишганман, санъат саҳнасига каминани чиқариши керак эди, туман маданият уйида ҳам ишлаёлмай

хор-зор юрганингда пойтахтга олиб келсаму шуми кўрсатган кароматинг?!» қабилидаги дод-войларни қалаштириб ташласа керак, тамом, қулоғим ўла-ўлгунимча тинчимайди, деб қўрққан эдим. Зеро, шу нарса аниқ бўлиб бормоқда эдики, иккимиз ноқонуний «Силби» гуруҳининг хонандалари сифатида узоқ фаолият олиб боролмасдик. Чингиз ака менинг ўз қўшиқларимни ёздиргач, радио-телевиденияда «айлантириб», ўзимни алоҳида машҳур хонанда қилиб шоу-бизнесга олиб кирмоқчи, умрбод продюсер, бошқача айтганда, молиявий хўжайиним ва доимий жазманим бўлиб олмоқчи эди. Бу ўйин менга ҳам ёқаётган эди албатта. Чингиз ака ўзича хусн-жамолимдан, ёшлигимдан фойдаланмоқда эди, мен эса у орқали танилиб борардим. Танилганимдан сўнг эса ўша гап — туршакка айланаётган, қурт еган ўрикдан воз кечаман.

— Қизишиб кетдим, кечир, — деди ўшанда Сафара. — Ўйлаб кўрсам, шахсий ҳаётингга аралашишга ҳаққим йўқ. Фақат илтимос... Чингиз акага турмушга чиқма, салкам отанг тенги-ку! Бу ҳамманинг, шу жумладан, менинг ҳам нафсониятимга тегади. Хўпми?

Индамай қўя қолдим. Кўп ўтмай бошига фожиа тушди: бувиси вафот этди. Пардахол опанинг волида-си — ёлғизликка гирифтор этилган тўқсон ёшлардаги бир бурда кампир кўз олдимга келди. У бошига дакана ўраган, мис тақинчоқлар таққан, кўзларини шилпиқ босган мункиллаган кампир эди. Менинг шарпамни пайқаб, марҳум қизи Пардахол опага илҳақ бўлгандек тикилган, қизининг қайтганига умидвор ҳолда нимадир дейишга оғиз жуфтлаганди, бояқиш.

— Жанозага кимлар боради? — сўради Жамшид машина калитини хаёлчан ўйнаб.

— Ҳеч ким бормади, — деди Чингиз ака қатъий оҳангда.

— Нима учун, тоға?

— Студия бор, тўй бор, репетиция бор.

— Барибир бориш керак, — ўрнидан турди Жамшид, — эртага кўзига қандай қараймиз? На ота, на она қолди, битта шу бувиси эди...

— Э, ваҳима қилмасанг-чи! Санам унинг бошида ўтирганмиди? Ўз онасига зиғирча меҳри йўқ эди, қариб-чириган бувисига куядими? Унинг хаёлини ҳозир жаноза ёки бувидан айрилиш банд қилмагани аниқ. Қайтанга энди яхши бўлди. Ҳовлини сотади-да, Тошкентга келади, «дом» олади, машина олади, бойвучча бўлиб юради анави сўтак билан!

— Сиз ҳам бормайсизми? — Жамшид менга қаради.

— Бир тумандансиз, дугонасиз, битта гуруҳсиз...

— Хўп, ўзинг бора қол, — қўл силкиди продюсер ва чўнтақларини кавлаштириб сигарета ахтара бошлади. — Биздан салом айт, жиян.

— Жанозага бораётганда салом айтиладими? — Жамшид пальтосини билагига осиб, эшикка жаҳл билан юрди.

Кўлимдаги аёлларбоп чиройли сигарета қутисига тикилиб қолдим.

— Салом айтасан-да! Ё куйлаб берасанми? — захарханда қилди продюсер ва сигарета тутатиб, менга пуфлади.

— Ундай деманг, Чингиз ака, — қовоғимни солдим.

— Мен эркакман, Зарнигор, лекин сен камроқ чек. Нимадан куйиб чекапсан? Ўзингни бахтсиз ҳисоблаяпсанми?

— Ўзингиз ўргатдингиз-ку, — дедим унинг тутуни-ни нари ҳайдаб.

— Кўп нарсага ўргатаман, ўргатавераман. Ҳаммасига ўрганиб қолаверма. Уйда бўлмаган кунларим Жамшидни чақириб юрма тағин, ҳе-хе-хе...

Тутун барибир менга ошна бўлолмаганди — йўталдим. Жамшид эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Биз Чилонзорда дориломон кун кечирардик. Телевизор, музлатгич, кондиционер, чангютгич, жавонлар, ётоқ диван — ҳамма нарсам бор эди. Битта

«Жигули»да кўчиб келган бўлсам, кетишим учун эса эндиликда камида «ЗИЛ» керак эди. Чингиз ака охирги вақтларда тез-тез ташриф буюрарди. Эски никоҳи «Титаник» мисоли фарқ бўлмоқда эди. Ва умид қилардимки, мен сўнгги айсберг эдим.

Сурхондарёлик энаганинг яқинлари қандай жойда ишлаётганини суриштириб, дарҳол ишни ташлашни талаб қилишди ва қизимга яна бошқа энага топдим. Кейинроқ орқаваротдан эшитишимча, энаганинг яқинлари «бировнинг ўйнаши бўлган бундай бузуқ аёлникида яшама», деганмиш. Аблахлар, ноинсофлар, ичиқоралар! Ахир, юқори даражада ҳақ тўлаётгандим! Бузуқ эмишман! Чингиз ака менга уйланмоқчи-ку! Кўчадан, дуч келган эркакдан пул териб юрибманми?

Бу гал Жамшид энага ахтаришмади. Чингиз ака уй хизматкорлигида ишлаб юрадиган бир аёлни қайсидир таниши орқали топтириб келди. Бир оз кўпол эса-да, учинчи энаганинг феъл-атвориға ноилож кўндим. Надежда тилла эди. У қизалоғимни туғишган бувисидек ювиб-тарарди, авайларди, қайгурарди. Афсус, Марюса янганинг — «бир марта ёниб кўрмаган юлдуз»нинг онаси бўлиб чиқди. Тасодифларнинг барчаси яхшилик келтирмайди-да.

Ниҳоят, ўз қўшиқларимни ёзадиган дамга ҳам етдим. Кечаю кундуз тўйлардан пул ишлаб бераётганим учун клип масаласи кўндаланг қўйилишини-да кўнглим сизди. Нархимнинг ошиши, аввало, Чингиз акага фойда эди. Даромадимнинг етмиш фоизига эгалик қиларди-да, ахир! Дилижон огоҳлантирганидек, продюсеримнинг шунчаки ўйинчоғи бўлиб қолмаётганимдан хурсанд эдим.

Студияга қанот боғлаб учдим. Бироқ мусиқа таниш туюлиб, таъбим тирриқ бўлди. Чингиз акадан сўрашга ҳайиқиб, шу ерда хизматимизга шай ўтирган хотинчалиш шоирга мурожаат қилгандим, у миждовланди-да, сўнг:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Шеърим ёқмадими, синглим? — деди шивирлаб. — Студияга келмасимдан олдин шеърим яхши эди. Биласиз, менга продюсерингиз билан бастакор «ана шунақа-мана шунақа» бўлсин, деб уқтиришди, Тошкентча шевадаги ибораларни атайин қўштиришди, кўча жаргонларини ўзлари топиб, киритишди. Энди шеърни саёзликда айблашади. Агар сиз ҳам...

— Шеърингиз билан нима ишим бор-е! — жеркидим уни. — Муסיқаси таниш. Мабодо сизга ҳам шундай туюлмаётими, деяпман?

— Энди-и, ҳамма мусиқа ҳам аслида ўхшаш...

— Эркакдай аниқ-аниқ гапиринг! Бу мусиқалардан гумон қиляпман, четдан ўғирланмаганмикан?

— Тўғри, таниш туюлаяпти... — Кейин бирдан ҳақиқатгўйлиги тутиб кетди: — Бири қозоқча, иккинчиси ҳиндча, охирги ёзилгани туркча... Аниқроғи, арабча. Менимча, турклар ё араблардан, араблар ё турклардан...

— Раҳмат! — ундан узоқлашдим.

Тонгга яқин мазам қочди. «Чингиз ака, етар, жуда чарчадим», дедим. Продюсер ҳам кўзи қизариб, устмауст эснарди. Эртага туш чоғи қайсидир институтда Мультина кичик концерт бериши ҳақида ҳалигина гапираётганди, дам ҳам олиши керак-ку.

— Майли, етар, — деди у техник ходимга қўлини «икс» қилиб. — Стоп! Домой! Ҳамма уй-уйига!

Учта қўшиқ ёзиб, уйга қайтдик. Хаёлимда бир ўй ғужғон ўйнарди: биз тўйларда оломонни алдадик, аммо ўғирланган мусиқа билан миллат телевиденияси орқали бутун халқни алдай олармиканмиз? Қанча санъаткорлар ўғрига чиқиб кетишди. Айниқса, таптортмас радиобошловчилар, исёнкор шоу-бизнес сайтлари мени тинч қўйишармиди!

Тушга яқин уйғондим. Кечаги ғашлик, кўнгил айниш яна жонланди. Тоғдан қайтганимизда, Чин-

гиз ака қўярда-қўймай поликлиникага юборганди. Ўзим ҳам ҳомиладорликдан сақланувчилар сафига бажонидил киргандим. Энди эса худди иккиқатдек... «Йўқ, балки касаллик бошланаётгандир? — хавотир ғимирлади кўнглимда. — Онамни норози қилдим, опамлар ҳам бош кўтаролмай қолишган, оқпадарман... Қарғишга ишонмасдим, бор нарсa шекилли...»

— Э, қуриб кетсин шу ташвишлар, ваҳималар... — ванна қабул қилиб, сочимни фенда қуритаётиб, Чингиз акага маъноли қарадим.

— Нима? — деди у Мультиналнинг қўнғироғидан сўнг кайфияти буткул бузилиб.

— Қўшиқларимни танқид қилишмасмикан, Чингиз ака?

— Нега танқид қилишади?

— Ўғирланган... — нозланиб, ликиллаб қўйгандим, эғнимдаги узун сочиқ тушиб кетаёзди.

— Аҳмоқ, — деди у афтини бужмайтириб.

— Хорижникига ўхшади-да! — овозимни нозли чўздим.

— Ким нима дейди? Қанча жойи ўзгартирилган, миллийлаштирилган, қайтадан аранжировка қилинган! Ўзбекча куйлаш ўзи бўладиган ишми?! Турк, ҳинд, араблардан очиқча ўғирлаб, рейтингини кўтариб, ялло қилиб юрганларни кўр! Рейтинг, бу — «ставка» дегани! Минг, икки минг, уч минг доллар! Сен эса ўз ижодингга шубҳа қилиб ўтирибсан! Бу аҳволда еб ташлашади сени! Шоу-бизнесдагилардан эмас, ташқаридагилардан қўрқ, уқдингми? Аниқроғи, қўрқма! Меники де! Ўғирлик деб хаёлингга ҳам келтирма! Сенинг хаёлингга келмаса, бошқалар ҳеч нима қилишолмайди.

— Без бўлиш керак экан-да?

— Кимсан?!

Пик этиб кулиб юбордим.

— Бунинг кулгили жойи йўқ, — деди продюсер жаҳл аралаш. — Рўмолча олиб йиғла.

— Аввалги эримнинг исми Кимсан эди, шунга кулдим, Чингиз ака.

— Аввалги эр... Ҳм, ёмон таъриф эмас, — истехзо қилди у.

Шифохонада бир неча текширувлардан ўтишни буюришди. Таҳлил натижаларини йўлакда кутиб ўтиргандим, оқ халатли ёш шифокор — қўлида бемор варақаси — бошимда тўхтади.

— Ие, Зарнигор, ўзингмисан?

— Ким... — шундай дедиму танидим. У синфдошим Шоҳрух эди. Ўрнимдан туриб, кўз олдим қоронғилашиб, чайқалиб кетдим.

— Мазанг йўқми? — тирсагимдан тутди. — Ўтир, ўтир...

— Бир оз. Шу... текширтиришга келгандим... Қўй-вор, яхшиман.

Тиббиёт институтига кирганидан бери Шоҳрухни кўрмаган эдим. Бўйи чўзилиб, қоши қалинлашиб, оппоққина, барногина йигит бўлибди. Бу даражада ўзгаришини кутмагандим. «Версачи» атирининг ҳиди, туфлиси, соати ва шими унинг диди юксалганига далил эди. Очиғини айтсам, ич-ичимдан зил кетдим. Шу йигит ҳам мени севарди. Совчи юборишга аҳд қилган кун отам Рухсат аммага розилик сўзини айтиб, тақдиримни Кимсан билан боғлаб қўйганди. Келажаги порлоқ йигитни кўра билмаса ҳам қийин экан-да.

— Ўтир, рангинг оқариб кетди, — меҳрибонлик кўрсатди у.

— Ҳечқиси йўқ... Шу ерда ишлайсанми? Практиками?.. Ўзгарибсан.

— Ҳамма «ўзгарибсан» дейди, билмасам, менимча, ўша-ўшаман, — жилмайди Шоҳрух. — Бу ерда кимгадир учрашдингми?

— Ҳа, учрашдим. Анализларни кутяпман.

— Ўзим ёрдамлашаман. Бугун дарсимиз шу ерда.

— Йўқ, керакмас, Шоҳрух, дарсингга киравер.

Тақдир ўйинида ютқаза бошлаганимни англадим. У билан мен — осмон билан ер. Бир замонлар тақдиримиз қўшилиши мумкин эди, энди ҳеч қачон. У талаба, бўйдоқ, албатта ўзига муносиб қизга уйланади. Мен эрга тегиб чиқдим, қизим бор, айни пайтда иккинчи эр — ўзимдан йигирма ёш катта продюсеримнинг қўлидаман. Шоҳрух ичмайди, чекмайди, мен эса...

— Уйландингми? — деб сўрадим беихтиёр.

— Йўқ, Зарнигор, ҳали вақт бор... Бир гап сўрасам хафа бўлмайсанми?

— Сўра, — юрагим шиф этди.

— Нега бундай қилдинг? Менимча, уйингга қайтишинг керак. Аянг...

— Шоҳрух, керакмас...

У ёнимга ўтириб, чуқур уҳ тортиб, бир нуқтага тикилиб қолди. Юз-кўзига бир қараб олгач, дедим:

— Келгуси ҳафта радиоларда қўшиқларим берилади, тез орада клипларим ҳам чиқади. Мактабда ўқиб юрганимда шу кунларни орзу қилганман... Мен бахтлиман, Шоҳрух.

— Лекин касбинг, ижодинг ҳақида эмас, бошқа нарса ҳақида гапирмоқчийдим. Сени одамлар...

— Керакмас, Шоҳрух! Ҳозир мазам йўқ, кўряпсан-ку! Улар истаганча сасийверишсин! Яқинда тўйим бўлади, иккинчи марта турмуш қурыпман. Санъатни тушунган инсонга... Масалан, сен ҳам мени тушунмасдинг! Саҳнани севганим учун ўша пайтларда ҳам нуқул мен айбдор эдим... Нотўғрими?

— Нотўғри. Санъатни жуда яхши тушунаман. Кейин... менмас, сен бевафолик қилдинг. Қўй, шу ҳақда гаплашмайлик. Ўзингни яхши ҳис қиляпсанми? Нима бўлди?

— Агар атрофимдагилар яхши инсонлар бўлганида эди, бундай юрмасдим, — қайсарлик қилдим. — Лекин энди нолимайман. Мослашдим! Бировлардан айб қидиришга вақтим ҳам, ҳафсалам ҳам йўқ.

— Майли-да...

— Сенга ачинаман, Шоҳрух. Чунки эскича фикрлаш қурбони бўлиб, мендан айирилдинг. Тўғри, энди менга уйланмайсан, лекин бир кун келиб барибир афсус чекасан! Олдинроқ ҳаракат қилганингда эди, совчиларингга розилик беришарди. Бор-йўғи бир кун кечикдинг.

Шоҳрух бош эгиб, чуқур нафас олди, хиёл қизарди. Гапим қаттиқ таъсир қилди, деган умидда эдим.

— Уйланиш ҳақида сўрадинг, — деди у бошини буриб, — ҳаммадан сир сақлаб юргандим, айта қолай: мен уйланыпман.

— Вой, талабасан-ку, зарил экан-да.

— Келин тошкентлик, санъат соҳасида ўқийди. Ўқишни битиргунча уйланмоқчи эмасдим, лекин унинг онаси оғир дардга чалинган. Қизимнинг тўйини кўриб қолишим керак, деб илтижо қилди. Саҳнани севадиганларни ёмон кўрганимда уни севиб қолмасдим. Санъатдагилар фақат ўз соҳамиздаги одамларгина бизни тушунади, деганида у ҳам менга кўнгил қўймасди. Бўлажак юлдуз ёки продюсер эмас, шифокорман.

— Ким экан ўша жононанг? — деб сўрадим кинояомуз.

Шоҳрух юзимга ачиниб қаради.

— Танимайсан, чунки у сендай таниқли эмас. — Гапи юрагимнинг астаригача куйдириб юборди. «Сендек таниқли эмас...» Нима демоқчи у? Тўйма-тўй юрганимга, шоу-бизнес эркакларига орқаваротдан таниқли эканимга шама қиялптимми? Мени шифохонада учратгунга қадар фақат қишлоқдаги миш-мишларнигина эшитган, деган хаёлда эдим. Қишлоқда қандай миш-мишлар бор? «Вой, артист бўламан деб Тошкентга кетиб қолганмиш», «Эри билан ҳам шунинг учун ажрашган-да», «Ҳозир қизчаси иккови квартирада ёлғиз турганмиш, соғ эмас-ов, бу Зарнигор...»

Шоҳрухдан шунчалик тез кўнглим қолдики, бир зумда кўзимга хунук, мақтанчоқ, калондимов кўринди. Тил учида омад тилаб, ўрнимдан турдим. Ўртоқлари дарсга чақиришди. Уйладимки, бу охириги марта оддий инсон бўлиб гаплашишим эди. Энди мени фақат телевизорда, газета саҳифаларида, концерт зали саҳнасида кўриши мумкин. Бундай эски танишлар билан учрашгандан кўра юзини кўрмаганим минг марта авло эди. Уйланаётган эмиш! Бўлсанг, бир оқ халат эгасисан, келгусида ишхонангдигилару касаллардан бошқа ким танийди сени? Мени бутун юрт олқишлайди, қўшиқларим хитга айланади, енгилтак дейдиганлар соямга салом беришади ҳали. Дубайдан (билмадим, қандай йўл билан) машина ишлаб келиб, гердайиб рулда ўтирган айрим бетайин жувонларга салом берган хотин-халаж менинг пойимни тавоф этмайдими?

— Хўш, — деди эллик ёшлардаги тепакал шифокор бурнига кўндирилган кўзойнак тепасидан мўралаб, — нега соғлигингизга қарамайсиз? Менимча, спиртли ичимлик ичасиз, сигарета чекасиз. Шундайми?

— Танбеҳ эшитадиган мактаб боласи эмасман. Касалхонангизда ётишим керакми? Қанча вақт?

— Шунақаман денг, ҳм-м... Қанчалик эрта, қанчалик кўп даволансангиз ўзингизга шунчалик яхши. Бугуноқ шошилинич равишда ётишингиз шарт эмас. Ҳозирча касаллик сизни оёқдан чалмайди, юраверасиз. «Ўз вақтида даволанинг, ароқ, сигаретни аёл бошингизга ким қўйибди, эртага она бўласиз», демоқчи эдим, холос. Қолаверса, шифохона меники эмас, иддао қилманг, синглим.

— Ҳа, онаман. Ҳадемай қизим бир ёшга тўлади, ичсам, чексам...

Шифокор қорнимга имо қилди.

— Мен унисини назарда тутяпман.

— Нима, ҳомиладорсан, демоқчимисиз?

— Тавба, қанақа одамлар бор-а? Билмасмидингиз?

Шифохона ҳовлисидаги ўриндиққа чўкиб, пешанамни муштладим. Урди Худо! Яна фарзандли бўламанми? Тақдир менга бу қадар кучли зарба беради, деб ҳаёлимга-да келтирмагандим. Шунда англадим, нега баъзи қиз-жувонлар бефарзандлик туфайли эмас, айнан фарзандли бўлишини эшитиб жонига қасд қилишини! Ҳомиладор бўлиб қолиш — енгил жазо эмас экан, борган сайин эзилиб-янчилиб, ер тагига кириб кетавердим. Дунё кўзимга қоронғи бўлди-қолди. Бу ҳовли, йўлак, кўчаларга сиғмай бошим оққан томонга йўл олдим. Мен ҳомиладорман! Бунинг учун Чингиз ака ҳеч қачон кечирмайди, ахир нималар демаганди-я!

Ортимдан Шоҳрух етиб олди.

— Зарнигор, менга уй манзилингни, телефон рақамингни, ишхонанг қаердалигини айт.

— Шоҳрух, тинч қўй, бугун сен билан гаплашолмайман. Яхшиси, умуман гаплашмайлик. Сен мени кўрмадинг, мен сени.

— Бу нима деганинг? Ҳеч бўлмаса, номерингни беришинг шунча қийинми? Шу ҳафта қишлоққа кетяпман, аянг сўраса, нима дейман?

— Кўрмадим, де.

— Мен ёлгончи эмасман, Зарнигор.

У қўлимдан тутмоқчи эди, силтаб юбордим-да, машиналар оқимидан такси тутиш учун йўл четига чиқдим. Шоҳрух ортиқ безовта қилишни истамади. Негадир қалбим ўртаниб кетди. Биз синфдош эдик, у мени севарди. Бир неча йил ўтиб, иккимиз Тошкентда учрашиб қолдик. Учрашдигу дарров ажралмоқдамиз. Хафа қилдим. Балки яқинроқ бўлиб, кўнглини овлашим керакмиди? Ким билсин, бир йил ўтар-ўтмас турмуши бузилиб, бошқа хотин излаб қолар, тақдиримиз қўшилар?

Ҳаёлимни иккинчи фарзанд тўзғитиб юборди. «Буниси қачон бўлди? — ўйлардим алам билан.

— Поликлиникага боргандим, ҳомиладорликдан

сақланувчилар сафига киритишганди. Демак, тоғдаги икки кун... Энди нима қиламан? Олдирмасам-чи? Чингиз ака ҳалитдан фарзандли бўлишга кўнса экан... Йўқ, эшитса жон-пони чиқиб кетади. Поликлиникага қандай важоҳат билан жўнатганди. «Бўйингда бўлиб қолмасин, керак эмас менга бола» деганида, нафратомуз боққан эди нигоҳи...»

— Чингиз ака, — дедим уйга қайтгач, қўнғироқ қилиб, — шифохонадан келдим, уйдаман.

— Тайёргарлигингни кўряпсанми? Нега шаштинг паст? — продюсеримнинг овози қаттиқ эшитилди, қулоғимни тешиб юборди.

— Қанақа тайёргарлик? Мен...

— Қанақа тайёргарлик?! Эсинг жойидами? Учта тўй буюртма олдим, учаласи ҳам бугунга, «бирров»га! Пулини бериб қўйишди, долларда! Сартарош-партарошингга, пардоз-мардозинга эртароқ учраш! Ухлаб қолма!

— Иккиқат эканман, Чингиз ака.

— Тушунмадим.

— Нега тушунмайсиз? Ҳомиладорман. Бугуноқ даволанишни бошлашим керакмиш. Бўлмаса... охири ёмон бўлади, дейишди.

Чингиз ака бир нафас жим турди.

— Мени алдадингми? — сўради илон каби вишиллаб.

— Нега алдайман?

— Поликлиникага бормаган экансан-да! Ҳозироқ етиб кел!

Йўлга чиқдим. Сафара телефонда йўқлади. Қуруққина саломлашдик. У ҳам мен каби руҳсиз, бенаво эди.

— Қўшиқ ёзибсан? — деди қув-қув йўталиб.

— Чингиз ака қўярда-қўймай ёздирди. Мазанг йўқми?

— Жанозада кўп йиғладим, томоғим оғриб ўтирибман... Келмадинглар?

— Узр, ҳечам имкон бўлмади.

— Аянгни кўрдим, — деди кутилмаганда Сафара. — Уҳ-ху... Бекор томоғимни аямадим-да...

— Қаерда кўрдинг?

Онам жанозага борганидан таажжубландим. Сафаралар ва бизнинг хонадон ўртасида ҳеч қандай ришта йўқ эди. Онам бир аёл билан (эҳтимол, холамдир) келганмиш. Маййитни чиқарганларидан сўнг ҳам анча ўтирганмиш. Сўнг ҳеч ким билан гаплашмай қайтиб кетибди.

— Ўзингда нима гаплар? — секингина гап тагини ковледи Сафара. — Шунча қўшиқ ҳадя қилибди, бекоргамасдир? Тўйларинг... уҳ-ху, уҳ-ху... қ... қачон?

— Билмадим, ҳозир сенга ҳеч нарса деёлмайман.

— Қайта-қайта айтганман, у одам барибир сенга уйланмайди. Болангни нима қиласан энди? Туғасанми?

Баданимга чумоли ўрмалаб, қовоғим учди. Сафаранинг ичига ўт қалаш учун тўқиган ёлғоним ҳақиқатга айланган эди.

Бу гал тескари ёлғон ишлатдим:

— Кечир, Сафара, сени алдовдим. У менга уйланаман, деган, лекин ҳеч нарса кутмаяпман... ҳомиладор эмасман...

Рақибам сезиларли даражада қувониб деди:

— Ҳали келажагинг олдинда! Шошилма, Зарнигор!

Продюсеримнинг кабинетига етгунимча ҳолсизланиб қолдим. Йўлакда бемажол ўтирганимни кўрган қизлардан бири ҳол-аҳвол сўраб, ёрдам таклиф этди. Хўрлигим келиб, бош чайқадим ва букчайиб ўтиравердим. Ёнгинамдан елкасига костюм ташлаган машҳур артист оқ шим, оқ туфлисини ярақлатиб ўтиб кетаркан, менга маъноли нигоҳ ташлаб қўйди. У бир неча ҳамкасблари қатори хотинни иккита қилмаган бўлса-да, яқинда Ялтага ўн тўққиз ёшли раққосаси билан битта самолётда кетаётганини кўрганлар борлиги ҳақида ўйладим.

Гуноҳлардан чарчаган вужудим ўзидан шундай ўйни ситиб чиқарди: қўлини узатса ҳамма жойга етадиган эркакларнинг кўпчилиги нега айнан соҳибжамолларга чанг солишади? Қизлар ҳам нега қаршилиқ қилишмайди? Эркак учун ёш ва гўзал қиз билан хориждаги оромгоҳда дам олиш, гўзал учун эса машҳур пулдор инсон етакловида чет эл саёҳатига чиқиш шу қадар бахтмикан? Бу кайф-сафолар гўр азоби бўлиб қайтишини билишмасмикан?

«Сен-чи?» — деди виждоним тилга кириб. Ундан ҳам даҳшати, юрагимнинг ҳали очилмаган энг пастки қатламидан бир садо қайнаб чиқди: «Бу ёруғ олам эгасиз эмас... эгасиз эмас... У ҳаммамизни кўриб турибди... Ниҳоятда катта сабр, ниҳоятда катта қаҳр билан...»

Бир пайт кайфи бузуқ Ясат ака ва продюсерим пайдо бўлди.

— Сиз фақат қизимнинг ижодий ишлари билан шуғулланишингиз керак! — деди хўппасемиз корча-лон. — Яна бир марта айтаман, фақат унинг иши билан! Ахир, биз шунга келишганмиз! Маҳлиё Фозиловага қандай хизмат қилардингиз, худди ўшандай!

— Хўп, Ясат ака, хўп, — қўлини кўксига қўйди Чингиз ака.

— Мендаги қулоқ ҳам тешик қулоқ! Эшитяпман, Чингиз, ҳаммасини эшитяпман! Маслаҳатим, қалан-ғи-қасанғи гуруҳлар тузиб, уларга умид боғламанг! Шоу-бизнес ўз номи билан шоу-бизнес! Ким тўй-бизнесдан бошқасини кўрмаса, келажаги йўқ унинг!

Ясат ака ёнимга етганида, менга ўқрайиб қаради.

— С... с... салом... — овозим зўрға чиқди.

— Бўпти, Чингиз, гаплашамиз, — деб Мультина-нинг дадаси продюсер билан хўмрайиб хайрлашди.

— Қулоғим сенда, — Чингиз ака кабинетига кириб, столга тирсақларини таяб ўтирди. — Боя нималар деб алжирадинг?

— Ўша... эшитганингиз.

— Вей, менга қара!.. — ўшқириб берди Чингиз ака.

— Нима-а?.. — тўсатдан йиғлаб юбордим.

— Мендан сўроқсиз ҳомиладор бўлишга... энг алам қиларлиси, алдашга нима ҳаққинг бор?! Бугуноқ олдир! Йиғлашни бас қил! Сен санъаткорсан! Санъатнинг юкини кўтариб юрибсан! Исталган вақтда турмушга чиқолмайсан, истаганча фарзандли бўлолмайсан! Оддий одамлардан устунсан, ахир!

— Поликлиникага борганман, алдамаганман. Ҳозир аборт мумкинмас дейишди...

— Эй, ҳали вақти ўтадиган даражага етмагандир?

— Гап ундамас... — ҳиқиллаб йиғладим. Продюсер кўнгил учун ҳам юпатмади. — Мен... мен касал эканман... Ҳозирча операция қилишмайди...

— Бўпти! Қанча вақт, қанча пул керак?

Унга ажабланиб қарадим. Орани очиқ қилмоқчи, кўчага қувмоқчи деб кўрқиб кетдим. Шошилинч тарзда хато хулоса чиқариш фақат менга ҳос одат эмасди, албатта.

— Нега бақраясан?! — столни муштлади, аммо шу заҳотиёқ овозини пасайтирди: — СПИД, рак, «сахарний» эмасдирсан? Кўринишинг ҳам айтиб турибди, бир оз чарчагансан, қонинг камайган. Абортга тайёр бўлишинг учун қанча вақт, қанча пул керак? Гапирсанг-чи, бунча норози қарайсан!

— Шамоллашинг бор, дейишди. Кейин... улар бир ойлик ҳомилани олмас эканлар, икки ойлик бўлгунча кутишаркан.

— Э, балони ебди! «Доля»сини берамиз, қилсин ўша қассоблигини!

— Уйланмайсизми? — сўрадим юрак ютиб. — Мен... охирги вақтларда ишонмаяпман... Сиз...

У курсига ўзини ташлаб, ялпайиб олди. Шифтга қараб жинниларча қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кейин:

— Ассалому алайкум, биби Зарнигор! — деди.

Мен жавоб кутардим.

— Ҳали шунақа хаёлда юрибман, де? Демак, менга

ишонмас экансан-да? Майли, ишонма, қиз боладай ғўрсан, хомсан. Лекин каллангни ишлатмасанг, сени тинч қўймайман. Одамга ишонмасликка ҳаққинг бор, каллангни ишлатмасликка эса зиғирча ҳаққинг йўқ!

Гапларига тушунмадим, кўзим жиққа ёш, мўлтираб ўтиравердим.

— Анави Ясатга ўхшаганлардан гап эшитиб, — деди у шивирлаб, — қўшиқларингни ёздиряпман! Сенга уйланмас эканман, зарилми машҳур қилиб?! Шу ёғини ўйламадингми? Бор, уйга чоп! Тўй вақтигача ўзингга қараб ол. Санъаткорнинг, ҳатто, касал бўлишга ҳам вақти йўқ! Кўринишинг жуда яхши. Гап йўқ! Шунчаки ёмон хабарни эшитиб, қўрқиб кетгансан.

У мендан бўса олмоқчи бўлди, аммо юзимни терс буриб, чиқиб кетдим. Ишонасизми, оёқда зўрға турсам ҳам тўйга бордим. Бир ресторандан иккинчисига етгунча гўёки калтакланган каби «Нексия»нинг орқа ўриндиғида сулайиб ётардим. Албатта, Жамшид аҳволимдан яхши хабардор эди, лекин миқ этмади, худди тоғасидек юпатмади ҳам. Эртасига тўшакдан туролмадим, Асиланинг энагаси «Тез ёрдам» чақирди. Шифохонада ўтган уч кун мобайнида ҳам Чингиз ака ҳоли-жонимга қўймади. Наридега даволаниб, тасвирга олиш майдончасига шошилишга мажбур бўлдим. Ҳа, илк клипим тасвирга туширилмоқда эди. Яна бир муҳим хабар — Чингиз ака уч ойлик лицензия олиб берди. Мен энди яккахон хонанда эдим! Лицензиямни томоша қилиб кўзим тўймасди. Сафара чангимда қолиб кетди. Унга ҳам лицензия олишга кўмаклашадиган, ижодига ҳомийлик қиладиган, доимий суянчиқ бўладиган валлават учрайдими, йўқми? Акс ҳолда бувисидан қолган ўша ҳовлини сотиб ҳам санъатдан ўрин тополмаслиги беш қўлдай аён эди. Туппа-тузук тадбиркор йигитлар уйини, машинасини сотиб, чиройли ёш қизлардан хонанда тайёрлаб, тўйма-тўй пул ишлашни эплолмай,

машинасию уйининг пулидан айрилиб ўтирганида, ёлғиз Сафаранинг қўлидан нима ҳам келарди. Сазо асли Дон Кихоту Дон Жуан бўлса, қандай каромат кўрсатарди шўрлик қизга.

— Қийинчилик олдида таслим бўлма, — деди Чингиз ака, — нимага эришаётган бўлсанг, аввало ўз меҳнатинг самараси! Сенга айтгандим-а?

— Маҳлиё Фозилованинг концертига келганимда қанчалар умидвор қилгандингиз! — зўрма-зўраки ишва-ноз этдим.

— Тўғриси, ўшанда ҳозиргидан анча гўзал эдинг! Аввало, ҳусн-жамолингни асра, ўзингни олдириб қўйма! Бугунги техника овозни созлаб беради, аммо хунук бўлсанг, қарисанг, тамом, машҳурлик қочади сендан! Продюсерлик марказлари ҳам нега чиройли қизларга ўч бўлишини тушундингми? Йигитни ёки хунук қизни машҳур қилгунча эси кетади уларнинг! Гўзал қиз қўшиқ куйлаб, рақсга тушиб, бир жилва қилсами, зўр «эффект» беради-да!

Бу эски ноғорадан чиққан гаплар эди. Бироқ натижа бор-ку. Учта қўшиғим радиоларда, интернет сайтларида, телефонларда ва дискларда тарқалди. Ҳозирча кўча-кўйда қўшиғимни тинглаётган бирор одамни учратмаган бўлсам-да, шоу-бизнес вакилларидаан айримлари мақтаб қўйишаётганидан бошим кўкка етди. Ўғри ўғрини мақтайди, деганларидек, ўзимга ўхшаганлардан ширин сўзлар эшитдим, аммо катта санъаткорлар ҳамон қиё боқмас, назарига илмасди мени.

Кейинги ҳафтадаги гала-концертда шоу-бизнес вакиласига айланганимни илк марта ҳис этдим. Шоу-бизнес аҳлининг барчаси ила очилиб-яйраб сўрашишинг шарт эмас экан. Бунда ҳам турли-туман тоифалар бўлиб, буни хатти-ҳаракатлардан сезиш мумкин эди: қучоқлашиб, ўпишиб кўришадиганлар, қўл бериб кўришадиганлар, узоқдан бош силкиб қўядиганлар. Бироқ яна шундайлар бор эканки,

ҳамма билан ҳам қучоқлашиб кўришиб кетавераркан. Мен эса... ўзимни Мультинадан узоқ олиб, «Сув-пари» гуруҳи қизлари билан ёнма-ён турдим. Санъат аҳлининг деярли ярми мени тўйларда кўриб, таниб қолганига ишончим комил эди. Кеккайган хонандалару актёрлар, сахна ортида жиддий тортиб қоладиган қизиқчилар — ҳаммаси қандайдир бегона шахслар эканини, сахнадан кўра сахна ортида кўпроқ шоу намойиш этилишини юракдан туйдим. Балки на ортиқча пулим, на қонуний уй-жойим бўлгани учун тортинаётгандирман?

Концертда сахнага чиқиш насиб этмади. Албатта, бу менинг эмас, Чингиз аканинг ожизлиги эди. Мультина шунчалик ёниб-жўшиб куйладики, овозию рақси, либосларию пардоз-андози меникидан хийла устун эканини ичимда тан олдим. Отасининг пули кўплиги учун орзу-ҳавас ортидан санъатга кирмаганини, юрагида дард, жўшқинлик борлигини кўрдим. Рақибам шу бўлса, менга қийин эди. То ундан кўп пул сарфлаёлмас, ўтказиб куйлаёлмас, уникидан-да катта тоғларга эга бўлолмас эканман, менга нон йўқ эди.

Эртасига студияга жон-жаҳдим билан кириб келгандим, ўриндиқда виқор билан ўтирган Сазо ва кўзлари қонга тўлган Сафарани кўрдим. Ўшанда қотилликка санокли кун қолганини билмасдим, албатта. Навбатдаги кўнгилхираликни сездим ва ширали овозда салом бердим. Бироқ иккиси ҳам алик олмади.

— Бу ёққа юр, — деди Сафара тирсагимдан тортиб, — сенда гап бор.

Ташқарига чиқдик. Аёздан қотган дарахтлар қорларни силкиб туширолмай унсиз ва жонсиз турарди. Кўчанинг нариги томонидаги кўм-кўк арчазорни секин-аста туман қоплаб келмоқда, ҳадемай студия биносига ҳам етса керак. Масжид минораси аллақачон туман бағрига фарқ бўлган эди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Сафаранинг оёқлари остида муз қисирлаб синди.

— Мен сенга нима ёмонлик қилдим? — кўкариб сўради у.

Янада хунуклашибди, овози ҳам эркакшода, бўғиқ ва дағал эди.

— Чап томонинг билан турдингми? Нима гап ўзи?

— деб қўлларида ушламоқчи эдим, уриб юборди.

— Ўзингни овсарликка солма! Бўйингда борлиги рост экан-ку! Чингиз ака сенга уйланаётган эмиш, хотини билан деярли ажрашибди. Ҳаммасидан хабарим бор, кўзим кўр, қулоғим қар эмас.

Ўзимни ниҳоятда афсуслангандек кўрсатиб, дедим:

— Ажрашганини эшитмадим. Лекин, тўғриси, Чингиз ака уйланамадан деяпти, жиддий айтяпти, қўймапти. Мен нима қилай, Сафара? Шу сенга ёмонлик қилганимми? Шахсий ҳаётингга аралашаётганим йўқ. Ана, Сазо ака билан турмуш қуряпсан...

— Одам ҳам шунчалик зулук бўладими?! — важоҳат билан гапимни кесди. — Қиз бола бошим билан нега Чингиз акага ўзимни яқин олиб юргандим, нега?! Шунчаки бузуқчилик учунми? Йўқ, сенга очиқ айтаман, лицензия олмоқчи эдим, клип ишлатмоқчи эдим! Худди сенга ўхшаб! Бошқа ким қилиб берарди бу ишларни? Менинг бой отам ёки онам борми?! Пешанамни шўр қилиб, отам тенги эркакнинг қўлида қўғирчоқ бўлдим!

— Лекин мен...

— Йўқ, мен хонанда бўлмоқчи эдим, мен, мен, мен! Ўртага суқилишга нима ҳаққинг бор, бузуқи?!

— Сафара... Сафара деяпман...

— Нима Сафара?! — у шарфимдан бўғди. Студия ёнидан ўтиб кетаётган йўловчи бинойидек қизларнинг ёжиллашаётганини ҳазм этолмади шекилли, бошини афсус-ла сарак-сарак қилди. — Маданият уйи бўсағасида йиртиқ калиш бўлиб ётганимда, ўзинг Тошкентга олиб келдинг-ку, демоқчимисан?

Тўғрими, шундай демоқчимисан? — силтади мени. — Унда эшит! Сен аямнинг қотилисан!

— Мен-а? Тухмат қилма, Сафара, аянг сени ёмон аҳволда кўриб, қон босими ошиб ўлди-ку.

— Исботлаб берайми? — бир шапалоқ туширди у. — Меҳмонхонадаги кузатув камерасини атайин текширганман. Чингиз ака иккимиз бардан чиққанимизда, изимиздан пойлагансан, диванда ўтириб, қайси хонага киришимизни кутгансан! Кейин аямни учинчи қаватдан бошлаб тушгансан! Қон босими борлигини билардинг! «Қизим Тошкентда санъаткор» деб расмимни кўрсатган! Шунчалар безбет, шунчалар ичиқорамисан? Аям ҳали кўп яшарди!.. — Сафара устма-уст тарсаки туширди, қаршилиқ қила бошладим, аммо кучим етмади. — ...аямни ўлдирдинг, қотил!.. Қотил!..

Студиядан чошиб чиққан Сазо бизни ажратишга уринди, аммо у жисмонан заиф бўлиб, боз устига Сафара сония сайин қутуриб бормоқда эди. Сал нарида бир «жип» кўринди, бизга яқинлашмасдан ўнгга, студия ёнига бурилиб, кўздан йўқолди.

— Тошкентга таклиф қилганимдан мақсадим, — деди Сафара ҳансираб, — сени ҳам аянгга тутиб бермоқчи эдим! Кўрсин ўз туққан қизининг аҳволини! Шундай қиз туққани, ўстиргани учун шарманда бўлсин! Қон босими ошиб ўлсин...

— Пардахол опа сир сақла, деган, сир сақладим-ку, Сафара! — йиғладим мен. — Қоч, урма мени! Бирор жойим кўкарсин, ҳомиламга бир нима бўлсин, судга бераман сени!

— Ўчир! Судга берасанми, ўласанми, энди менга барибир! Онамни ўлдирдинг, энди ҳомилангга раҳминг келиб қолдими?!

— Сазо ака, қаранг!.. — бор овозим билан ялиндим шоирга.

Сафара пальтомдан маҳкам ушлаб олиб, қулочкашлаб ураверди Бошимни эгнимга қисиб,

юзимни тўсиб олдим. Ҳар зарба тушаётганида кўзимни чирт юмардим.

— Вақтида удалаёлмадим!.. — қичқирди у. — Лекин аниқ ушлаб бермоқчийдим! Аянгнинг аҳволини кўриб, раҳмим келди! Менда юрак бор, сенда-чи, мараз?! Ўлдириб бўлиб, сир сақлаганинг кимга керак?! Қотил! Жаллод! Қандай яхши аям бор эди! Топиб бер!.. Топиб бер аямни!..

— Аянг расмингни кўрсатмаган, Сафара! Худо урсин, сенлигингни билмаганман!

— Барибир аямни сен ўлдирдинг!

— Ўзинг ҳам юрмаслигинг керак эди-да... Нега тушунмайсан?

— Нима-а? Кечирим сўраш ўрнига шуми ўзингни оқлаганинг?! Мени танимаган экансан, лекин Чингиз акани-чи? Уни гувоҳ олдида ушлаш учун аямни бошлаб бордингми? Чингиз ака нима ёмонлик қилганди сенга? Бунақа итлигингни билмай борбудини бериб юрибди-ку! Ичидан пишган қасамхўрсан сен!

У мени йўлакка йиқитиб, дўппослашга тушди. Қорнимдан тиззаси ила босиб эркакчасига муштлай бошлади. Тимдаламоқчи бўлиб юзимни очганим хатойим бўлди: кўзимдан, бурнимдан зарбалар едим. Шунчалар ёвуз ва кучли эканини кутмаган эдим, ўлдириб қўйишдан ҳам тоймасди. Оғзи-бурним қонга тўлиб, юлқинишлар оқибатида бежирим пальтом йиртилди, телпагим бошимдан учиб, сочим ёйилиб кетди. Қулоғимга музнинг эмас, телефонимнинг қисирлаб сингани эшитилди. Шоир эса ўзини жўрттага кучи етмаётган қилиб кўрсатаётгани равшан сезилиб қолди. Овозим бориचा чинқириб одамларни ёрдамга чақирдим. Ҳеч ким келавермагач, ёввойи овозда бақириб, қочишга уриндим.

— Ўчир овозингни! — дея Сафара бошимга тепди, юз-кўзимни тўсиб, ғужанак бўлиб олдим. У эса

тепкилашда давом этди. Қани ёрдам берадиган бирор кас келса! Аксига олиб қаҳратонда студиянинг хилват кўчасида инсон зоти кўринмас, сал наридаги катта йўлдан гиз-гиз ўтаётган машинадагилар бизни пайқамас эдилар. Студия қоровули кар эди, Чингиз ака ва бошқа ходимлар, ҳойнаҳой, овоз эшитилмас ичкари хонада диск ёзаётган бўлишса керак.

— Ҳали насибамни еб, клип ишлайдиган бўлдингми?! — ёқамдан бўғди Сафара. — Гала-концертда сахнага чиқмоқчимисан? Кейинчалик концерт ҳам қўярсан, фоҳиша?! Мана сенга!.. Мана!..

У чарчаб қолди ва танаффус қилиш учун қаддини тиклаб, юзимга туфлади, шундагина чангалидан қочиб чиқишга имкон топдим, аммо рақибам студия томонда тургани боис орқа кўчага югурдим. Сафара хуморидан чиқмаган экан, изимдан қувди. Студия ёнидаги машина сақлаш майдончасида бояги «жип» турарди. Мультигани танидим. У бизга ҳайрат билан тикилиб, кимгадир қўнғироқ қилмоқда эди.

— Чингиз ака! — деб қичқирдим умид билан.

Мультина машинани ўзи ҳайдаб келган шекилли, бошқа ҳеч ким кўринмасди. Сумкам ва телефоним аллақачон қўлимдан учиб кетган, ёлғиз нажот шу қиздан эди.

— Тел... тел... телефон!.. — деб унга ёпишгандим, итариб юборди.

— Жанжалкашларингизни йиғиштириб оласизми, йўқми?! — деди Мультина телефонига.

— Сенга Чингиз акажонинг керакми? Мана! — Сафара етиб келиб, елкамдан чангаллаб, шундай тортдики, оёғим тойиб, бошим билан музга йиқилдим. Шу ондаёқ нафасим қайтиб, кўз олдим хиралашди.

...Кўзимни очганимда, машинанинг орқа ўриндиғида мени кимдир суяб ўтирарди. Қарасам, Сазо. Рулда эса Чингиз ака.

— Адресини айт! — ўшқирди продюсерим шоирга.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Айтмасанг, милицияга бераман, ўзлари топиб олишади. Шу керакми сенга?

Биз светофорда тўхтадик. Мультифотонинг оёғи остида Сафара мени тепкилагани, Чингиз ака студиядан чиқиб, бақир-чақир қилгани, кўзимни очолмай узоқ ётганимни эсладим.

— Қўйинг, Чингиз ака, — ялинди Сазо. — Қизлар бир адашди, бир хато қилди! Қайтиб такрорланса, одам эмасман!

— Сен шундоқ ҳам одам эмассан!

— Чингиз ака...

— Орқангга бир тепиб қишлоғингга учириб юбораман! Кимсан ўзинг? Қачондан бери одам бўлиб қолдинг? Тўртта шеърингни артистлар қўшиқ қилганига тумшугинг кўтарилиб қолдимми?

— Менинг айбим йўқ бу ерда, Чингиз ака! Сафара орани очиқ қилсам, бўлди, қайтиб кўрмайман, деганди, шунга...

— Э, ўчир! Хотинга ўхшаб бунча мингиллайсан?! Мақсади мени шарманда қилишми? «Силби»ни ҳам тарқатиб, ҳамма сирымни элга ошкор этиб юрибди! Кўрсатаман кўзига! Квартирасининг адресини айт! Айт, деяпман, кўппак! Сенларнинг дастингдан кеча мени анави «Сарбоз.ком»да уриб чиқишибди. Мени сайтчиларга сенлар нишон қиляпсанлар!

— Чингиз ака... Акажон... Зарнигор ҳам ўзига келди, уйингизга олиб борайлик, — ялинди Сазо. — Ўзингиз тушунасиз, шоу-бизнесда бунақаси бўлиб туради-ку!

— Шоу-бизнес эмас бу, эшитдингми?

— Эшитдим, эшитдим..

— Топган баҳонанглар шоу-бизнес, шоу-бизнес! Яширин камерага тушиб, «ролиги» чиққан ҳам айбни шоу-бизнесга тўнкайди, эрига хиёнат қилган бўлса ҳам шоу-бизнес айбдор! Сен бузуқ бўлсанг, шоу-бизнесда нима айб?

Мен Сазога қарадим, Сазо менга аҳмоқларча илжайди. Дарҳақиқат, Чингиз аканинг ўзи ҳам

соғ эмасди, гапларини эшитган одам жонкуяр ва ҳалол инсон эканига ишонарди. Менимча, у фақат ўзинигина «эркин шахс» ҳисоблар, бошқалар ҳам истаганича яшаётганини кўрса, чидолмасди.

— Бундан кейин Тошкентда яшасанг ҳам, — деди продюсер, — менинг кўзимга кўринма, уқдингми?

— Уқдим, акажон.

У тирикчилигининг тўрт жиловидан бир учини продюсерга тутқазиб қўйиб, адабиётни шоу-бизнеснинг оstonасига биринчилардан бўлиб пўстак қилиб тўшаб берган эди. Шўрлик шунчалар истар экан-да артисту хонандаларга яқин бўлишни! Бунинг учун ўзидаги қурбонликка ярайдиган нима бўлса, қурбон қилди, қила олди! Афсуслар бўлсинки, мен ҳам Сазонинг сал бошқача нусхаси эдим. Ва Чингиз акага ўхшаб фақат ўзимгина «эркин шахс» бўлишни хоҳлардим. Бошқа қизлар бирор бадавлат кишининг ёки продюсернинг қўйнига кириб, клиплар ишлатаётса, ўз-ўзидан асабим кўзийдиган одатим чиққанини охириги кунларда пайқаб қолдим.

— Бўпти, ука, — ҳовуридан тушди Чингиз ака, — сен ҳам эркаксан, мен ҳам. Гап бундай. Ҳозир Санамни... Сафарани топамиз. Сўкмайман, чертмайман, жавобини бераман. Келишдикми?

— Хўп, — деди Сазо янада бўшашиб.

Мультина телефонда гаплашаётганида, Сафара Чингиз аканинг студиядан чиқаётганини эшитиб қолган ва мени дўппослаб бўлгач, таксига қараб қочган экан. Чингиз ака унинг орқасидан қанча чақирмасин, тўхтамабди, Сазо эса эртага барибир юзма-юз келишини ўйлаб, изига қайтибди. Улар мени продюсернинг машинасига ортиб, Сафаранинг квартирасига боришаётганди.

Ниҳоят, рақибам телефонни кўтарди.

— Менга бер, — деб Чингиз ака шоирнинг қўлидан телефонни юлиб олди. — Қаердасан? Гаплашсак бўладими? Ётиб илтимос қилайми? Ялинайми? Са-

нам... Санам, сен аввал менга қулоқ сол, эшитдингми?.. Хўп, «Силби» шундоқ ҳам асфалософилинга кетган экан, сен-чи? Тентаклик қилмаганингда, сен ҳам асфалософилинга кетмасдинг! Энди... э, менга қулоқ сол, деяпман... Қулоқ сол, тарбиясиз!.. Ҳа, Зарнигор ҳам оппоқ эмас, оқ қизлар қора шоу-бизнесга ёлғиз кирмайди! Ҳаммасидан хабарим бор!.. Ие, унинг атайин қилганини биларкансан-да?.. Хўп, қаерда? Кўприкдан ўтиб, супермаркетнинг ёнидан ўнгга қайириладиган кўчадамисан? Бўлди, гап йўқ. Ҳозир етиб борамиз. Яхшилаб гаплашиб оламиз... Ҳа, балки мен хато қилаётгандирман.

Машина трамвай йўлидан чапга қайрилиб, бошқа кварталга кирди. Сўнгра кўприкдан ўтиб, ойнаванд супермаркетдан ўнгга юрдик. Кўп қаватли уйларни оралаган тор асфальт йўлнинг икки четида кирлаган қор уюмлари ўркач-ўркач бўлиб ётарди. Беғубор болалик гаштини сураётган болаларнинг қийқириқлари бу кварталдан туманни ҳайдаб юборганга ўхшарди. Ҳадемай офтоб нурлари туман пардасини ёради, олам бахтга чулғанади.

Тўрт қаватли уй олдида тўхтадик. Қарғалар қағиллаб дарахт шохларини ташлаб қочди. Узун пальто кийган, жун рўмолга ўралган иккита хотин дардлашиб туришарди. Уларнинг тимсолида ҳаёт ниҳоялаб қолган эди гўё. Ногаҳон атрофга ҳадиксираб кўз югуртирдим. Сафара умрбод ёвузлигича, кучлилигича қоладигандек эди.

— Қанисан? — телефонга ғижиниб гапирди продюсер. Сўнг атрофга яна бир марта аланглади. — Ҳа, кўрдим. Мошинага келасанми ё борайми?.. Ҳа, майли, ўзим.

Бугун Чингиз ака устара ишлатмаган шекилли, иягида оқарган туклар ниш урганди. Бу янада важоҳатли кўрсатарди уни. Айни дамда ўзимнинг ташқи кўринишимни ўйлаб, аламдан йиғлаб юбораёздим. Шишган, кўкарган яралар, қотган қон

доғлари... Чап кўзим эса тобора юмилиб бормоқда эди. «Сафарани ўлдирса ҳам кам», дедим ичимда.

Чингиз ака шоирга берган ваъдасини унутиб, қўланса сўзлар билан сўкиниб, машинадан тушди. «Сен ўтир, машинадан оёғинг чиқса, ўласан!» деб Сазога пўписа қилди у.

— Ҳозир кўради! Ўлдираман анавингни!

Шоу-бизнес теграсида юрган кунларим маш-хур артистларнинг, донғи кетган хонандалару режиссёрларнинг сўкинишларини ўз қулоғим билан эшитдим. Аёл зотининг сигарета, пиво ва коньякка ружу қўйганини ўз кўзим билан кўрдим. Ёқалашганларга, эркак-аёлнинг очиқ-ошкор жазманчилик қилишига, бундан асло уялмаслигига гувоҳ бўлдим. Гийбатлару бўҳтонларни-ку айтмай қўя қолай. Энди эса буларнинг барчаси бошимда мужассам эди. Назаримда, Чингиз акага шаръий никоҳланганимда ҳам ўртада поклик бўладиганга ўхшамасди. Юзимга қора чапланган эди. Ва энди бу қорани дунё ҳаммоми ювиб-тозалаб беролмасди. Клипимда халқимизнинг иболи, ҳаёли, вафодор қизи сиймосини гавдалантирганим учун кимларгадир ёқарман балки, аслида эса...

Сазо шоша-пиша Сафаранинг рақамларини тера бошлади. Чингиз аканинг авзойи у кутгандан-да ёмон эканидан огоҳлантирмоқчи эди. Сафара эса сигарета чекиб, асабий ҳолда тутун пуфлади. «Силби»дан бутунлай айрилган, шоу-бизнестан қувилган, шахсий ҳаётда ҳам хор-зор бўлган афтодаҳол қиз эди у. Юпатгувчи ҳаётбахш гоёси, жон ато этгувчи эътиқоди борлигига асло ишонмасдим. Аламдан тиришган юзини кўриб, қанчалар ғалати бўлмасин, раҳмим келди. Орзулари шумиди?

— Алло, Сафара, қоч! — деди Сазо телефонда, аммо жазмани кечиккан эди.

Чингиз ака қўлини ниқтаб алланималар деб ўдағайлади. Сафара телефонини чўнтагига тикди.

Сигаретани ташлаб, оғиз очган ҳам эдики, продюсер бир шапалоқ туширди. Сафара юзини ушлаб унга ҳайрат билан боқди, кўзлари катта-катта очилиб, пирпиради. Кейин ортига бурилиб, шартта жўнавормоқчи эди, Чингиз ака шундай куч билан итариб юбордики, Сафаранинг оёғи осмондан келиб, қор тўла ариққа думалади. Сал нарида турган ҳалиги хотинлар:

— Эркак киши бўла туриб қиз болага қўл кўтаришга уялмайсизми?! — дейишди ёрдамга шошилиб. — Нега урасиз? Э, садқаи эркак кетинг! Ўлдирдингиз қиз шўрликни!

Продюсер бошини ҳам қилиб машинага қайтди. Сазо ҳамон ёнимда ўтирар, нафас олмас, шу тобда маъшуқасига ёрдам бергандан кўра шоу-бизнес оламида қолиш афзал эди. Хотинлар Сафарани ариқдан тортиб чиқаришди. Шунда омадсиз қўшиқчи юрак-юракдан хўрлиги келиб ҳўнграб юборди.

— Аяжон... Ая... — бўзлаб йиғларди у. — Қаердасиз, аяжон?! Сиз ўлганча мен ўлсам бўлмасмиди, аяжон... Қандай кунларга ташлаб кетдингиз? Энди қандай яшайман... Аяжон... Вой, аяжоним...

Ёш қизга айланиб қолганди у. Айтиб-айтиб, қон қақшаб йиғларди. Ким ҳам юпатарди бечорани. Ахлоқсизлиги ўз онасининг бошига етди. Ёшлигию иффатини тиккан шоу-бизнес эса бу бахтиқарони ҳазм қилмасдан кўчага туфлаб ташлади. Ўрнида мен бўлишим мумкин эди. Яхшиямки, ҳусн-жамолим, нозли овозим, аёллик карашмам ва бир чимдим омадим бор экан...

Бироқ шу пайт машинадан тушиб, санъатдан воз кечмоқчи, муштипар онажонимнинг ҳузурига қайтмоқчи ҳам бўлдим, аммо кўринмас занжирлар чор тарафдан тутиб қолди. Қул эканимни англаб бурчакка қунишиб ўтирдим.

— Эшит, Зарнигор, — деди продюсер, — сенга уйланаман, шу ҳафта... йўқ, юзингдаги кўкарган

жойлар тузалсин, кейинги ҳафта! Кўриб кўзи куйсин унинг! Клипинг эртага телевизорга чиқади. Бирйўла иккита каналдан!.. Бундай юришдан мен ҳам тўйдим! Қачон кўнглимга ёққан хотин билан бемалол, одамга ўхшаб яшайман? Керак эмас Мультинага продюсерлик қилиш! Керак эмас Ясат аканинг ҳомийлиги! Мустақил одам бўламиз...

Бироқ Сафара мудҳиш воқеалар тегирмонини ажалнинг қўли билан айлантираётганидан беҳабар эдик. Сафарадан еган калтагимдан сўнг шундоқ ҳам танг аҳволим баттар оғирлашди. Тез-тез ўқчийдиган, бошим айланадиган бўлди. Шон-шуҳратга етай деганимда, тўхташни истамасдим, шу боис жонимни жабборга бериб, шавкатнинг изидан қувишда давом этдим. Шифохонада ётиш буюрилган бўлса-да, Чингиз аканинг ҳафсаласини пир қилмаслик важидан фақат кундуз, бор-йўғи тушгача даволаниб, тонгга қадар тўйма-тўй юардим. Ўзимни соғлом, хушчақчақ, тиниб-тинчимас ижодкор ва соҳибжамол қиёфада кўрсатиш қуролим эканини теран англаб етгандим. Шундай қилайки, Чингиз ака мендан афзалини тополмаслигини тушунсин, аро йўлда ташлаб кетмасин. Дарҳақиқат, санаб ўтган хислатларимсиз нимага суянаман?

Ойнаи жаҳонда клипим намоиш этилди. Хориж муסיқасининг айрим жойлари ўзгартирилган шакли экани экранда тез билиниб қолди, «ўғирлабди» деган гап-сўзлар қулоғимга чалинди. Танқиддан, ундан-да ёмони, лицензиямдан жудо бўлишдан қўрқиб, бир неча кун юрак ҳовучлаб юрдим, аммо хориж мусиқасини ўғирлаган битта биз эмасдик, ҳеч ким мушугимизни пишт демади. Тўйларда галим келганида, ўртакашлар: «Яқиндан бошлаб телеканалларда клипи хитга айланган янги юлдуз, бўлажак примадонна Зарнигор ўзининг ажойиб таронаси билан сиз — азизларни хушнуд этади!» деб алқашарди. Туғруқхонада чақалоғимни қўлимга

олганимда, Кимсаннинг уйлангани ҳақидаги хабарни эшитиб, телевизорга чиқишни, машҳур бўлишни шунчалар истагандимки, орзуларим ушалганини тақдирнинг буюк тухфаси деб қабул қилдим.

Клипим бир ой мобайнида ҳар куни икки марта эфирга узатилиши учун Чингиз ака телеканал кассасига минг доллар тўлаб қўйганди. Ҳамқишлоқларимнинг, дугоналаримнинг, айниқса, Кимсаннинг экранга тикилаётганини тасаввур этиб, бениҳоя ҳузурланардим. Бўлолмайсан, дейишганди-я! Бўлдим! Бўлганда ҳам жуда қисқа муддат ичида! Қанча қизлар иффатию бахтидан айирилиб, аро йўлда қолиб кетишди, мен эса манзилимга етдим. Ҳали шу даражагача чиқаманки, мен продюсер учун эмас, продюсер мен учун ишлайди.

Шифокорлар норозилик билдиравергач, дедим:

— Аборт қилинглар, тамом-вассалом. Яна довланишга вақтим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ. Барибир бу болани туғмайман. Керакмас менга бола! Эшит-япсизларми, унинг отасига ҳам кераги йўқ!

— Аборт қилмаймиз, демаяпмиз-ку! Шошилсангиз, қайтиб умрбод фарзанд кўрмаслигингиз мумкин. Бу — бир. Иккинчидан, асорати соғлигингиз учун хавф солади...

— Бу шахсий ишим.

— Синглим, тиббиётда шахсий иш дегани...

— Илтимос, мени ҳам тингланглар! Қачон аборт қилишни лозим топсанглар, ўзларингнинг ишларинг! Асорат қолса ё қайтиб бошқа фарзанд кўролмасам, у ёғи ўзимга! Нима бўлганда ҳам, шу ҳафта, узоғи билан кейинги ҳафта аборт қилдиришим керак. Очиқ айтяпман, отаси ҳам, мен ҳам фарзандни хоҳламаймиз.

Ниҳоят, сўнгги таҳлил натижаларини кўришгач, икки ҳафтадан сўнг ҳомиламни олишга қарор қилишди. Чингиз акадан суюнчи сўрадим. Ажойиб тиббий қатл учун ажойиб мукофот!

— Тўй кунини белгиладим, — деди Чингиз ака ҳорғин кайфиятда, — шанба оқшоми. Маъқулми?

— Маъқул бўлганда қандоқ! — продюсеримнинг бўйнига осилдим. — Дунёдаги энг яхши, энг олижаноб, ҳатто энг романтик эркаксиз! Сизга тақдирим боғланмаганида нима қилардим-а, Чингиз ака?! Энди сизсиз яшолмайман, бирор кун ҳам! Аввалги турмушимни ўйласам, дўзах экан. Мени жаннатда яшатапсиз!

Биз висол жомидан зўрма-зўраки симирдик. Эртасига тушгача дам олишга ҳаққинг борлигини ўйлашинг бахт эди. Бироқ Чингиз аканинг кайфияти кўтарилмади, уҳ тортиб тескари ўгирилиб ётди. Эрталаб майкачан ҳолда диван четида ўтирганини кўрдим. Биқинини ушлади, юзи оғриқдан тиришиб, менга қаради.

— Аччиқ чойми, қаҳвами дамлаб бер, Зарнигор, бошим оғрияпти, қорним ҳам санчишни бошлади, — деди у. Елкасига осилгандим, нари итарди. — Сенга кеча айтмагандим, анави келганди.

— Ким?

— Дугонанг Сафара... Оёғимга ётиб ялинди.

— Гаплашдингизми?

— Остонадаёқ ҳайдавормоқчи эдим, ёпишиб олди. Ноилож киритдим...

Кўз олдимда меҳмонхонадаги шармандали манзара жонланиб, биқиниб ётган рашким бош кўтарди. Чингиз ака менга ўйланишини айтганида, муқаддам бир неча марта хотин олиб-хотин қўйганини, ёшлигидан буён зинокорлигича қолганини, дугонам иккисини меҳмонхонада ўз кўзим билан кўрганимни ўйламагандим. Менга карьера ва пул керак эди. Энди эса рашким қўзиб, продюсеримдан ошкора хафа бўлдим. Касаллигим сабаб бир ҳафтадирки, исимни олмаган эди, дарров Сафарани кечирибди-да.

— Тавба, Тошкентда нима қолди унга! — дедим шу дамдаёқ уйқим очилиб. — Уйига кетсин, турмуш

қурсин, ўтирсин бола-чақасига қараб. Эшитгандир-сиз, Сазони отаси уйлантириш учун вилоятига опкетибди. Сафарадан бошқасига уйланмайман, деган экан, «Отангнинг гўрига сенинг! Шунча қиз турганда, жувонга уйланасанми, қизталоқ?!» деб сўкибди.

— Сен ҳам эшитибсан-да, — продюсер кўзини юмди. — Нима деб сўкканигача ёдлаб олибсан.

— Бечора шоир, уни севаман, деб дод солибди. Отаси ҳамманинг олдида нима деганини ҳам айтайми? «Севги ҳақида аёлга ўхшаб шеър ёздинг, индамадим, энди аёлни «ака» деб бўйдоқ ҳолингда «эр»га тегмоқчимисан?» дебди. Ўша кундан бери қизлар Сафарага «Сафар ака» деб лақаб қўйиб олишган. У ҳамма билан юрадиган қиз! Кўп эшитяпман, жуда айниган дейишяпти. Гаплашмаслигингиз керак эди, Чингиз ака.

— Қўйсанг-чи шунақа гапларни! Кўнглимга қил сифмаяпти...

— У кайфиятингизни шунчалик буздими?

— Сени ҳам фаросатдан қисган, биласанми шуни? — деди Чингиз ака тўсатдан ғазаб билан боқиб. — Тур, чой қўй, мазам қочаётганини кўриб туриб, дугонангнинг гийбатини қилишингга бало борми?!

— Кечирасиз... ҳозир газни ёқаман... — Ошхонага чопдим.

Ётоқхонага қайтиб кирганимда, Чингиз ака яна қорнини ушлади, афти бужмайиб кетди. Гўё мен эмас, у иккиқат эдию туғилишини истамаган бола азоб беришни бошлаганди. Ҳарҳолда сония ичида хаёлимдан шундай телбавор ўй ўтди.

— Лаънати, менга бир нима ичирди... Дўхтирга борай дедим, лекин... ўҳ, ўтиб кетади, десам... — зорланди продюсер.

— Қўлидан нимадир ичдингизми? Нега ичасиз, Чингиз ака?

— Қаёқдан билибман! — бўйин томирлари бўртди

унинг. —Э-э... балки шунчаки қорним оғриётгандир... Ваҳима қилма.

— Дўхтир чақираман. Сафара сизга нимадир ичирган. Бу — аниқ! Қандай қилиб унга ишондингиз-а?!

— Бидирламай Жамшидни чақир, мошинани қўшсин.

Биз шифохонага шошилдик. Ярим йўлга етганимизда, Чингиз ака қайд қила бошлади, ранги кўкариб кетди бояқишнинг. Ахийри оғзидан қон келди. Жамшид ҳам, мен ҳам амин эдик: Сафара ўч олган, бундай қабиҳликни ундан кутса бўлади. Ишқилиб, берган оғуси ўлимга олиб бормасинда. Шоу-бизнесда бу одамсиз жавлон уришга тайёр эмаслигимни ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетди.

— Кими бўласиз? — сўради қизил юзли бадқовоқ шифокор Жамшиддан.

Бу вақтда милиция ходимларини кутиб, йўлакда турардик. Жамшид муштини пешанасига тираб оғир хаёлга толганди. Азбаройи кайфиятсизликдан менга бир сўз қотмади. Барибир у яхши бола, кўнглини овлаб, алдаб-авраб ўзимга ўргатиб олсам, то Сазо каби отаси уйлантиргунча атрофимда итдай айланиши, шоу-бизнесдан бадарға бўлишимдан сақлаши мумкин эди. Деразадан тикилиб фикримни тўплашга уринардим, илло хазон янглиғ сочилган ўй-фикрлар қани тутқич берса.

Шифокорнинг «Кими бўласиз?» деган сўроғидан сесканиб, ортимга ўгирилганимда, «Ж... жияниман», — деб жавоб берди Жамшид.

— Тоғангизнинг оиласи борми? — шифокор ундан сўраётиб, менга синчков нигоҳ ташлади, аммо беморнинг на хотинига, на қизига ўхшатди ва дарров юз ўгирди. Ичим шув этди. «Ҳаммаси тамом!»

— Ҳа, — дея Жамшид аччиқ ютинди.

— Биз қўлдан келганини қилдик. Бу ёғи милициянинг иши. Оиласига ётиғи билан тушунтиринг.

Негадир йиғламадим. Кутилмаганда руҳимда ажиб

енгиллик уйғониб, бармоқларимни хўжакўрсинга гижимладим. Ўзимни ёши номуносиб продюсердан қутилган ва уй-жойию пулларининг меросхўрига айланган, албатта, чексиз эркинликка эришган ёш қиздек ҳис этдим. Жамшид менга ялт этиб қаради, ранг-туси қоғоздай оқарди. Кейин йўлак бошидаги зинага шошилди. Ортидан эргашган эдим, яшин тезлигида бурилиб:

— Йўқол! — деб бақирди. — Тоғамнинг бошига сен етдинг! Сендан рашк қилиб ўлдирди у! Биронтангни кўргани кўзим йўқ! Ҳаммаларинг тўнғиздан тарқанг маразсанлар! Бир одамни единглар! Минг лаънат!

Зинадан тушаётганида йиғлаб юборди. Бироқ шунчалик тез чопиб тушдики, йиғи ўз соҳибининг орқасидан эргашиб, шифохонадан чиқиб кетди, аллақерда эшик қарсиллаб ёпилди. Энди Жамшид ҳам мен учун йўқ эди. Бирйўла продюсер, ҳомий, маъмур ва студиядан ажралганимни тушуниб, кўксимга ханжар санчилгандек қалқиб кетдим. Вақт борида нимадир қилишим керак эди, аммо нима қиламан? Бошдан-охир таъзияда иштирок этиб, ўзимни хокисор бева қилиб кўрсатайми? Сафарага қарши бир-биридан ваҳимали далиллар айтиб, ҳисобимга кўпроқ балл тўплайми? Балки хотинбоз ва иккиюзламачи бўлиб яшаган, умрини ёш қизларни йўлдан уришга, меҳмонхоналару сауналарнинг хилват хоналарида иблиснинг ҳам тушига кирмаган гуноҳларни содир этишга сарфлаган эркакнинг тобутига ўзимни отиб, мени кимга ташлаб кетяпсиз, деб йиғлашим даркордир? Фаришталар омин қилиб, орқасидан дўзахга кетиб қолсам-чи?

Уйга қайтдим.

— Нима қилибди у кишига? — сўради энага. — Касалхонага ётқиздингизми?

— Ўлди, — деб деворга суяндим. — Заҳар беришибди.

— Вой, ростданми? — энаганинг совуқ малла кўзла-

ри йилт-йилт ўйнади. — Эсизгина! Артистлардан бўлса ҳам яхши одам эди.

Унга тушуниксиз кўз ташладим.

— Ким заҳар берибди? — сўради ёқасини ушлаб. — Жувонмарг ўлгур, артистлик ҳам осон эмас экан-да.

— Сафара.

— Ҳув бир куни ёмонлагандингиз, ўша енгилтак қизми?

— Ҳа, ўша.

— Вой, эсипаст! Энди нима қилади? Қамалади-да, тўғрими?

— Тамом, умри турмада чирийди.

— Ҳе жони чиқсин, илойим. Менимча, темирни қизигида босиб, тайёргарлигингизни кўраверишингиз керак, Зарнигор. Каллани ишлатган ютиб чиқади.

— Нега мен тайёргарлик кўраман? — бошим ғув-ғув оғришни бошлади.

— Пуллар кимда?

— Қанақа пуллар?

— Тўйлардан тушган долларлар.

— Сиз ҳам чўнтагимизни санаб юрибсизми? Ҳар куни тўйдан мунча пул тушади, бир ойда шунча бўлади, уларни нималарга сарфлаймиз...

— Чўнтагингиздаги пулни бошимга ёстик қиламанми?! Агар Чингиз ака ўлган бўлса, — энага кўзларини ола-кула қилиб, овозини пасайтирди, — замон ўзгарди, деяверинг. Бир юз саксон градусга ўзгарди, тушундингизми? Уй, пул, манави жиҳозлар — ҳеч вақосиз қолиб кетманг, қоқиндиқ! Нимангиз бор? Аввалдан айтай дедим, яна ўзи билса керак, деб индамадим. Чақалоғингиздан бошқа ҳеч нимангиз йўқ! Ҳаммаси Чингиз аканики! У ўлдими, энди мол-мулкигаю пулларига ким эгалик қилади? Хотини! Ўйлаб кўринг, қайси аёл эрининг ўйнаши... узр, қонунда бўлмаган хотини демоқчийдим... мол-мулкию пулларни ноқонуний хотинга қўш-қўллаб

Азамат ҚОРЖОВОВ

тутқазади? Шунақа аҳмоқ борми? Шахсан мен икки дунёда ҳам ишонмайман!

Асила чириллаб йиғлай бошлади, аммо қиё ҳам боқмадим. Миям бонг урди: пул, уй, пул, уй!.. Ҳақиқатан ҳам жамики топган-тутганим Чингиз акада эди. У эса пулларни, ҳужжатларни Чилонзордаги биз турган уйида сақламасди. Нариги уйининг манзилини биламан — Учтепа туманида. Бироқ у ерда Чингиз аканинг қонуний хотини — мени бир уришда ўлдириб қўядиган басавлат кундошим истиқомат қиларди. Ноумид шайтон, балки одамгарчилиги бўлса, тўйлардан ишлаб топган пулимни берар. Тўғри, Чингиз ака тўй-тадбирлардаги тушумдан ўттиз фоизи меники эканини айтган, лекин охири вақтларда пуллар меники-сеники эмаслигини бот-бот тилга олди-ку. Ҳа, продюсернинг вафотидан кейин аслида пулларнинг ҳаммаси меники. Ўттиз фоиз даромадимга олганим мебеллару телевизор, тилла тақинчоқлару компьютар шундоқ ҳам шахсий мол-мулким. Битта хатойим — доллар жамғаришга улгурмаганим. Чингиз аканинг никоҳига киришим тайин эди-да, ахир. Ўша урғочи айиқ бир тийин топишга хизмат қилган эмас, бир нима десинчи, қонуний хотини бўлмасам ҳам судга бераман. Уйқудан қолиб, тўйма-тўй юриб, минг хил эркак олдида ноз-ишва қилиб топган пулимга нега биров эга чиқаркан?

— Алло, Жамшид, илтимос, телефонни қўйиб қўйманг... — дедим. У барибир алоқани узди. Кейин яна рақамларини териб, ялиндим: — Болам ҳаққи, илтимос!

— Бошқа телефон қилманг! Бу эса мендан сизга илтимос, ҳўпми?

— Чингиз акадан фарзанд кутяпман! Унинг боласи учун уй-жой, пул...

— Одам ҳам шунчалик аҳмоқ бўладими?

— Жамшид! Жамшиджон, гапимга қулоқ солинг...

У телефонини ўчиришдан эринмади.

— Алло!.. — қичқирдим яна қўнғироқ қилиб. — Бир оғиз гаплашинг, Жамшиджон! Чингиз акамни Сафара заҳарлагани исботландими? Ҳеч бўлмаса, шуни айтинг, Жамшид! Нега унақа қиласиз? Мен Чингиз акамни ўлсин дебманми? Илтимос... — бор маҳоратимни ишга солиб йиғладим. — Мени ҳам тушунинг...

— Ҳа, бошқа ким заҳар беради? Сизми?! Асло! Чунки ҳеч вақонгиз йўқ, тоғамни ўлдириб, кўчада қолишингиздан нима наф?! Тўғрими?

— Жамшид, одамни қўрқитманг...

— Сафарани ҳозир ушлашади. У умри қамоқда ўтишига, сиз эса кўчада қолганингизга аза тутасиз. Ҳеч бирингиз тоғам учун куймайсиз.

— Куяман...

— Шоу-бизнесни ҳам, санъатни ҳам, ҳатто тўйдаги хизматни ҳам ёлғонга қориштирдингиз. Мени алдашдан фойда йўқ. Агар шунақа ёлғон гапираркансиз, бас, қўнғироқ қилманг! Нима истайсиз мендан? Билиб қўйинг, иш масаласида барибир қайтиб учрашмаймиз, ҳаммаси тугади! Мен ҳеч бир муаммонгизни ҳал қилиб бермайман. Тоғамнинг ўлими масаласида бўладиган терговдан бошқа бирорта ишга аралаштирманг мени!

— Сафара қочиб кетдими? — сўрадим мунғайиб.

— Қаёққа қочади! Бўкиб ичган! Милицияга эшик очмай алламбало деб сўкинаёпти.

Такси тутиб, Сафаранинг квартираси жойлашган кўп-қаватли уйларга етиб бордим. Тўрт қаватли уйга элтувчи тор асфальт йўлда қизил таёқчасини кўтарган ходим йўлни тўсди. Машинадан тушиб, квартира томон югурдим. Қорнимда оғриқ тўлғониб, тўсатдан лоҳас бўлдим, қайт қилиб юбораёздим. Бироқ кўз олдимдаги манзара мени олға ундарди. Қизил таёқли ходимдан сал нарида бир гуруҳ милиция ходими, уларнинг хизмат машиналари, ўт ўчирувчилар,

фавқулодда вазиятлар хизмати машинаси. Мана, «Тез ёрдам» ҳам шай турибди. Сафара ўзига ўт қўйса, осса, томирини кесса, ўлишга улгуролмаслигини тушундим. Уни ходимлар эшик ортида чалғитиб туришганида, бошқалари учинчи қават деразасидан кириш пайида ҳалак эдилар.

— Эй, бу ёққа мумкинмас! — хитоб қилди кимдир менга.

Шу пайт ойна жаранглаб синди. Қопга ўхшаш қора буюм дераза лабидан ағдарилиб, девор ёқалаб шувиллаб пастга энди. Оғир экан, ҳавода секин айланди ва биринчи қаватнинг туртиб чиққан айвон томига урилиб, тунукани тарақлатиб юборди. Одамлар қоп сари чопишди. Кўнглим шунақа айнидики, гавдамни тутолмай йўл четига ўтириб қолдим. Бу Чингиз ака урганида Сафара йиқилиб тушган ариқ лаби эди...

Ҳушимга келиб, ҳамширадан Сафарани сўрадим. Саволимни жавобсиз қолдирди. Эртасига айтди: учинчи қаватдан тушган «қоп» Сафара экан.

У ўлмади, лекин орадан етмиш кун ўтиб, ўзини осди ва шу тариқа дарбадарона кечган умрига нуқта қўйди. Ўз жонига қасд қилишнинг гуноҳ эканини кўп марта эшитган қиз ҳаётига ўз қўли билан хотима ясади. Кўзига ўлимдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолган-да шўрликнинг. Хонанда бўлолмагани, Чингиз аканинг ўлиmidан сўнг бир неча йил панжара ортида яшашга маҳкумлиги наҳотки шундай йўл тутишга ундаган бўлса? Учинчи қаватдан ташлади, ўлмади, иккинчи уринишда эса... Умуман олганда, у машҳурликка эришиш учун танлаган йўли ҳам гуноҳли сўқмоқ эканини бошиданоқ билган эди. Пок қалб, пок вужуд ва пок сўз билан эмас, зино каламушлари бижғиб ётган ер ости йўлидан ялтироқ қаср сари илдамлади. Оқибатда барибир ҳеч нимага эришолмади, эришолмасди ҳам.

Сафара шоу-бизнеснинг оддий вакиласи ҳам

бўлолмади. Матбуот тугул интернет сайтлари, ҳаттоки энг қайноқ «Сарбоз.ком» унинг аянчли қисмати ҳақида бир сўз ёзмади, тириклигида кўрмаган орзу-ҳавас ўлганидан кейин ҳам ушалмади. Воқеадан мутаассир бўлиб, «шоу-бизнес вакили», «юлдуз», «мегаюлдуз» каби тушунчаларни англагандек бўлдим. Айримлар юлдузман, деб ўйлайди, аммо у ҳали шоу-бизнес вакили даражасигагина етганди, холос. Дарвоқе, Чингиз ака адашган кечаларнинг бирида шундай деган эди:

— Бизда санъаткорлар ҳам, юлдузлар ҳам халқнинг кўзига кўпдек кўринади. Бўладиган гапни айтганда, ҳақиқий санъаткорлар, ҳақиқий юлдузлар санокли, жуда-жуда санокли. Юлдуз, бу — бутун халққа машҳур санъаткор. Унинг исм-фамилиясини, ташқи кўринишини, овозини ҳамма танийди. Шахсий ҳаётига ўз кўзи билан гувоҳ бўлган одамларни топиш амри маҳол. Телефонда боғланишнинг-ку ҳеч иложи йўқ. Бизда эса телевизорда бир хонандани кўрсанг, тўйга айтишим керак, деган баҳонада ундан-бундан рақамларини топиб, ҳали қўшиғи эфирда ўчмасдан туриб, шахсан гаплашишнинг мумкин. Шу юлдузми? Ҳақиқий юлдузнинг «сотка»си бўлмайди! У билан юзма-юз ўтириб хизмат ҳақини савдолашишнинг ҳам имкони йўқ, интервью олиш ҳам осонмас. Айрим артистларимиз-чи? Рейтингини кўтариш учун таҳририятларга ўзлари келишади, мендан интервью олинглар, деб мухбирларга таклиф айтишади. Тавба, яна улар ўзларини юлдуз санашига ўлайми? Айрим мухбирлар унақа санъаткорнинг олдига бориб ўтирмайди: ё телефон орқали интервью олиб қўя қолади, ё таҳририятга чақиради. Бир оғиз «келинг» дейди, санъаткор етиб келади. Мана сенга юлдуз! Кўряпсан-ку, тўйларда манаман деган юлдузларимиз тўй эгаси билан пул талашишади. Халқ ҳам қизиқ-да! Юлдуз бўлса, нега осмондан тушиб, пул талашяпти, демайди. Америка, Европа юлдузларини телефонда

ахтариб топиш ақлга сифмайдиган ҳодиса! Ўйла, бир мухлис матбуотдаги таниши орқали Леди Гаганинг рақамларини топди. «Мен мухлисингизман, кечаги клипингиз зўр чиқибди», деди. Леди Гага ҳам хурсанд, «ваҳ, менга мухлисларим қўнғироқ қилишди, клипимни мақташди», деб... Айтгандай, бир кун келиб, сен ҳам юлдуз бўлдим, деган хаёлда «сотка» тутмай, интервью беришга ўзингча нозланиб, хориж юлдузларига тақлид қилиб юрмагин. Бунақа сохта юлдуз бўламан, деб бор рейтингингдан ҳам, тўйларингдан ҳам айирилиб қолма, тушундингми? Дилижон, Маҳлиё, улардан ташқари бир-иккита эркак артистлар бир вақтлар шундай қилишарди. Уларни топиш у ёқда турсин, телефонда шахсан гаплашишнинг ҳам иложини қилиш осон эмасди, нуқул ўрнига «админ»и ёки «прод»и гапиради. Кулгили томони, ўзини мегаюлдуз санаб, унча-мунча газетага интервью бермайдиган ўша олифталар вақт-соати келиб ўзлари мухбирларга «повод» беришди. Юлдузмисан, метиоритмисан, бил-да, ахир!

Чингиз ака ҳақ эди. Пул қоплаб ишланадиган маконда одам одамга бўри. Сайтга кириб, Сазонинг қора кўйлак, қизил бўйинбоғда жилмайиб тушган суратини кўрдим. Қуйидаги сатрларни ўқидим (матн интернетдан таҳрирсиз кўчирилди): «Ёш ва келишган шоиримиз Сазойи, яъни «Эсингдами ой остида?», «Юрагингни сот, ёрим», «Кеча нима бўлди, яхши қиз?», «SMSинг эсимда» каби хит қўшиқларнинг муаллифи уйланиш исканжасида! Қизлар куйиб қолди! Ўзини осадиганларга ким ип беради? Лекин хушxabар ҳам бор: Сазо рак экан, тез орада ўлармиш. Шунинг учун отаси тезроқ уйлантириб, ҳеч бўлмаса, ундан бир келинчак эсдалик қолсин, деяпти!»

Компьютеримни ўчирдим. Миямга муҳрланган Сазо суратдаги каби сочини Дэвид Бекхемникидек қотирган, ҳамон жилмайиб, аниқроғи, тиржайиб турарди. Бундай тоифадаги шоирлар таназзулга юз

тутган шеърият ва бахтиқаролик иси анқиётган шоубизнес олдида ҳам бемалол тиржая оладилар. Ахир, улар тирикчилик учун шунга ўргатилган-да.

9. ЯНГИ ҲОМИЙНИНГ ТАКЛИФИ

Сафара ҳали ўлмаган кунлари мен ҳам шифохонада эдим. Бир кундан сўнг аборт қилишлари керак эди. Энага боламни йиғлатганча кўтариб тўппатўсиндан палатага кириб келди.

— Тинчликми? — дедим қўрқиб. — Нима қилди унга?

— Ҳеч нима, сал-пал йўталапти, холос.

— Нега бундай юрибсиз?

— Хуллас, мен кетяпман.

— Хуллас, кетяпсиз? Тушунмадим, қаёққа?

— Бир дугонам бойларнинг уйидан иш суриштириб юрганди, бирдан иккита аёлни ишга оладиган жой чиқиб қолибди. Бормасам бўлмайди. Энагалик қийин экан. Менга хизматкорлик маъқул, Зарнигор.

— Шуни олдинроқ айтсангиз бўлмасмиди?! — фиғоним фалакка ўрлади. — Пенсияга чиққунча ишлайман, деган ким, опа?

— Узр сўраяпман-ку.

— Қачон сўрадингиз? Одам ҳам шу даражада... бўладими?! Э, майли, кетсангиз кетаверинг! Фақат ўрнингизга энага топгунимча сабр қиласиз. Кейин ялинсангиз ҳам ишга олмайман.

У агар бугундан кечикса, ўрнига бошқа хотин қабул қилинишини айтиб, оёқ тираб олди. Иккимиз палатани бошимизга кўтариб, ади-бади айтишдик. Ҳамширалар ўртага тушишди. Асила бурнидан сув оқиб, яна қув-қув йўтала бошлаганида, энага уни ва уй калитини ҳамширага тутқазди-да, ташладикетди. Эртанги операцияни унутиб, уйга оёғимни судраб қайтдим. Бор-йўғи икки юз доллар пулим қолган эди. Бундай аҳволда Учтепага, пулларимни

ундириш учун кундошим билан жанг қилгани боролмасдим. Қизимни қучиб, ҳўнг-ҳўнг йиғладим. Асилага ким қарайдию ким менинг бошимда ўтириб, бир қошиқ иссиқ овқат тутади? Наҳотки таслим бўлиб, қишлоқдан ёрдам сўрасам? Онам ва опамлар келишса, бундай юришимга қўядими? Меҳр кўрмай ўсаётган Асила, аёвсиз калтакланган мен, бола орттириб, тиф остига ётиш...

Бахтимга қўшнилар бор эди. Бармоғимдаги тилла узукни ечиб, биринчи қаватдаги ночоргина оила соҳибасига бердим. Шифохонада кўпи билан уч кун ётишимни айтдим. Катта-катта тўйлардан таклифлар тушаётганини, пулим кўпайгач, супермаркет очмоқчилигимни, қўшниларни оилавий ёппасига ишга олмоқчилигимни чўпчак қилдим. Гапимга ишонмай деса, ойнаи жаҳонда клипим намойиш этиляпти, ишонай деса, на машинам, на уйим бор. Ҳатто хизмат ҳақиға пул тополмай, узук бериб турган жойим. Иккилана-иккилана рози бўлди. Бироқ энағалик қилиш насиб этмади. Эндигина уйга қайтиб, гўдаккинамга «Хиконцил» ичираётгандим, эшик қўнғироғи чалинди. Узиб-узиб чалиши Чингиз акани эслатди.

— Ким у? — дедим юрагим дук-дук уриб.

— Мен, — овоз берди нотаниш аёл. — Очинг.

— Кимсиз?

— Чингиз акангиз ўлмаган экан, хушхабар олиб келдим.

— Нима?..

— Вой, қулоғингиз яхши эшитмади шекилли. Чингиз акангиз ўлмаган экан, нега ҳайрон бўласиз? Жанозасига бормагансиз, ўлигини кўрмагансиз, ишонмаяпсизми?!

Эшикни қия очиб, подъездга мўраладим. Қоп-қора сочлари фарвайган, кўзлари чақчайган, бақбақаси осилган ва шу осилган бақбақасида бир энлик тилла занжир ярақлаган, қирқ ёшлардаги басавлат

хотин зўрма-зўраки илжайди. Сўл томонда, зинадан чиқишда қуйиб қўйгандек унга ўхшаш, аммо нигоҳида меҳр, ачиниш, аёллик туйғулари балқиб турган иккинчи аёлни ҳам кўрдим.

— Зарнигормисиз? — чақчайган кўз менга қўлини ниқтаган эди, бармоқларида қўша-қўша узуклар товланди. — Вой, занжирни тушириб, бемалол очсангиз-чи. Суюнчи берадиган одамнинг пойлашини!

— Кимсиз? Ту... тушунмадим гапингизга...

Хотин кармонидан шоша-пиша ҳужжат олиб, бир зум очиб-ёпиб кўрсатди.

— Шаҳар қабристонлари бошқармаси бошлиғи ўринбосариман...

Эшик занжирини туширганимдан сўнг у ҳужжатини шошилмасдан кармонига солди. Зинада турган шеригига кўз қирини ташлаб:

— Буни суюқоёқ десам, ғирт овсар экан-ку! — деди ва томоғимдан ғиппа бўғиб, уйга бостириб кирди.

— Тамара, ўлдириб қўясан! — эгизак хотин ҳаллослаганча бизни ажратишга уринди. — Милицияга ёзиб беради, босқинчилик бўйича статья оласан, шу керакми сенга?

— Булар эримнинг бошига етишди! Энди уйимда бемалол яшаб, бузуқчиликни давом эттирмақчилар! Кўзига кўрсатиб қўяман!

У кундошим эди. Сафарага қаршилик қилгандим, лекин баҳайбат хотинга қўлимни ҳам кўтаролмадим. Қўшнилари эшитмаслиги учун улар эшикни ёпиб, мени суд қила бошлашди. Асиланинг йиғлашига-да парво қилишмади доғулилар.

— Синглим бўғиб ўлдириб қўйиши мумкин эди, — деди эгизак Тамарани мендан нари ҳайдаб, — ёш боланг ҳаққи жонингга оро кирдим. Сенга маслаҳатим, нарсаларингни ол-да, тезроқ чиқиб кет.

Тамара «у яхши гапга тушунмайди, тўйлардаю турли эркаклар қўлида бети қотиб кетган», дея ҳамла

қилмоқчи эди, опаси қаттиқ-қаттиқ қойиб ташлади. Эрингнинг бошини айлантирган бўлса, ўзингнинг ҳам айбинг бор, деди. Чингиз аканинг ўлганини, жанжалдан фойда йўқлигини, ҳозироқ орани очик қилиб, мени уйдан чиқариб юбориш кераклигини дона-дона қилиб тушунтирди. Тамара эса оғзидан боди кириб-шоди чиқиб, қарғишу ҳақоратларни тиндирмасди. Чингиз акага аввалдан ўзидақа аёллар ёққан эмиш. Қилтириқ ёки у ердан-бу ердан келиб қолган қаланғи-қасанғи беэтак қизлару жувонларга ҳар замонда адашиб илакишиб қолармишу кўп ўтмай ўз қозиғини топармиш. Бу гал ўлимга юз тутгани, ўртада фарзанд дунёга келиши кутилаётгани фигонини фалакка чиқарибди. Боз устига уй-жой, пул-сул ундириш ниятим ҳақида ҳам қай гўрдандир хабар топибди.

— Нарсаларингни ол-да, сингилжон, кўз олдимизда уйдан чиқиб кет, — деди опаси. — Тамара уста топиб келади, қулфни алмаштиради.

— Фақат ашқол-дашқолини эмас, боласини ҳам олиб кетсин! — чийиллади Тамара.

— Бунча асабийлашма! — ўрнидан турди опаси. — Ялинсанг ҳам боласини сенга ташлаб кетмайди. Жамшид айтди-ку, қизчаси аввалги эридан бўлган, Чингизингнинг зурриёди ҳали туғилмаган, туғилмайди ҳам, чунки яқинда аборт қилдиради. — Опаси менга ўгирилди. — Тўғрим иш гаплар?

— Бир ҳафта кутоласизларми? — титраб-қақшаб муҳлат сўрадим. — Уйдан абортдан кейин кетаман...

— Бир соат ҳам кутмайман! — бошимга келиб тупук сачратди Тамара. — Квартирани шип-шийдом қилмоқчимисан?! Чучварани хом санабсан, ипирикчи! Гугурт чўпи опкетишга ҳам ҳаққинг йўқ! Аборт қилдириб, яхши кўринмоқчи эканингни ҳам билдик, урғочи тулки! Эшит! Олдирасанми, туғасанми, Чингиз аканг энди йўқ, менга барибир! Ҳаромингга бир тийин ҳам ундирилмайсан!

Оғиз очишга қўрқсам-да, ичимни ит тирнай бошлади: шунча нарсадан айриламаними?!

— Боламнинг ҳақини... майли, лекин...

— Нима лекин? Қанақа боланинг ҳақи?!

— Бу уйдаги кўп нарсалар меники! Телевизор, музлатгич, «спалний гарнитур»... Бундан ташқари Чингиз акада тўйлардан тушган пулларим бор эди, уйингизда ёки студиядаги сейфда сақлаб қўйган бўлса керак. Ўзим ишлаган пулларни, ўзим сотиб олган мебелларни, компьютерни опкетаман, орамиз очиқ! Бўлмаса, судга бераман. Суд ҳал қилмаса, ҳаммасини хат қилиб ёзиб, ўзимниям, қизимниям ўлдираман...

— Нима?! Нима дединг? — бобиллади хотин. Сўнг опасига додлади: — Айтдим-ку, опа, у яхши гапга тушунмайди! Хўжайиним уни артист қилиш учун минг-минглаб долларнинг баҳридан ўтган! Топиб берсин ўша пулларни! Бу уйни жиҳозлаш учун икки йил аввал тўрт минг доллар пул кетганди. Қани ўша нарсалар? Ким пуллаб юборди, ким?.. — Яна менга захрини сочди. — Сен! Ҳа, сенлар! Шунча вақт яшаганларинг етмагандай қолган-қутган буюмларни ҳам ташиб кетасанлар! Чингиз акам аҳмоқ бўлиб ҳар йили «қиз» янгилаб турган, ҳар йили мебелу музлатгич алмашган бу уйда! Қанийди буларни олдинроқ билганимда! Ол! Кийимларингни, диск-пискингни, бузуқчилик қилиб топган долларларингни! Сенинг нарсаларингдан жирканаман, эшитдингми, ўв?! Лекин бу квартирадаги мебелларга, музлатгичга, компьютерга қўлингниям теккизма! Ҳовлимдаги пулларга эса сендан аввалги ўйнашлари ҳам даъво чиққан! — У бош бармоғини уятли кўрсатди. — Мана оласан! Судга бермоқчи бўлсанг, суд биноси, прокуратура, «РОВД» қаерда жойлашганини ўзим кўрсатаман! Боланг билан қўшмозор бўлиш ниятинг борми, ниятингга ет, муртад! Охирги гапим, ҳозироқ даф бўл!

— Қаерга кетаман? — деб йиғламсирагандим, Тамара айиқдек ташланиб, эшикка судради.

— Бир камим энди эримнинг есир қолган қанжиқларига эшикни кўрсатиш! Шўрим бор менинг!

Шовқин-суронни эшитиб, қўшнилар чиқишди. Чингиз аканинг хотини мени «ота-онаси оқ қилган отарчи қиз», «оиламни бузиш мақсадида эримнинг бошини айлантирган енгилтак», «санъаткор бўлиш учун ҳар қандай пулдор эркак билан дон олишишга тайёр суюқоёқ», «қонуний квартирамни эгаллаб олган товламачи» деб таърифлаб бутун «дом»ни зир титратиб шанғиллади. Қўрққанымданми, касаллик хуружими, айбловларга ўзим ҳам ишониб, дир-дир қалтирай бошладим. Билардимки, квартирада энди бир кун ҳам қолдиришмайди.

— Жамшид! Қаердасан? — Тамара телефонга қичқирди. — Қаёққа ғойиб бўлдинг? Пастда нима бор?! Чик бу ёққа!.. Ҳа, анавуларни олиб тушасан! Бирорта меҳмонхонагами, бир кечалик ижара уйгами, жойлаштир! Эрталабки автобусда қишлоғига кетади! Агар яна уни бу ерда кўрсам, ўлдириб қўяман! Сен ҳам товонига қоласан!

Асила иккимизни машинага чиқаришди. Кийимларимни юкхонага тиқишди. Эзилиб-эзилиб йиғладим, қарғадим. Шундоқ ҳам мадорим йўқ эмасми, Асилани қўлимда тутолмай сулайиб қолдим. Борар жойим йўқлиги Жамшидга аён эди. Тошкентга келган кунимдагидек меҳрибончилик кўрсатмади, уйига олиб бормади, қовоқ уйганча рул бошқариб борарди.

— Уларга чақиб бериб, ўчингни олдингми? — дедим сенсираб. — Бекорга шоу-бизнес атрофида изғиб юрмайсан... Сени яхши бола деб ўйлагандим... Яхшиларга бало борми?! Соддаман... Буларнинг ҳаммаси бир гўр!

— Меҳмонхонадан бир кунлик номер гаплашдим, — деди собиқ маъмури босиқ оҳангда. — Эртага

вилоятларга қатнайдиган «Нексия»ни савдо қилиб, сизга юбораман. Ҳаммаси ўз ҳисобимдан... Билмадим, яхшиманми, ёмонманми, қўлимдан келгани шу. Уйингизга боринг, онангиздан кечирим сўранг. Ҳаммаси яхши бўп кетади. Лекин мени қарғаманг. Қарғиш одамнинг оғзидан чиққанидан сўнг, қарғалган кишини ахтаради, дейишади. Агар ноҳақ қарғалган бўлса, қарғиш орқага қайтиб, ўша одамнинг ўзини ураркан. Сизга зиғирча ҳам ёмонлик қилганим йўқ, Зарнигор! Тоғамнинг хотини аввалдан шунақа! Ундан эсон-омон қутулдингиз, шунисига шукр қилинг!

Меҳмонхона орқасидаги автомобиль тўхташ жойига кирдик. Жамшид юкларимни кўтариб олдинда юрди, ердан кўз узмай борардим, қулоғим тагида Асиланинг йўталиши, ўпкасининг хириллаши... Ҳужжатлар расмийлаштирилаётганда, таниш тарона янграб, бошимни кўтардим. Меҳмонхона қабулхонаси залининг кунжагидаги телевизорда клипим бошланди. Бу ҳам майли. Даргоҳ жуда-жуда таниш туюлиб, атрофимга кўз югуртирдим. Ё алҳазар, мен ва қизим тақдир тақозаси билан ўша меҳмонхонага — Чингиз ака ва Сафара зино устида қўлга тушган бинога келиб қолгандик. Кўп ўтмай ўзим ҳам Сафарадан қолишмайдиган бўлдим. Ойнаи жаҳонда эса ўзбекона меҳр-оқибат, оташин ишқ, мард севгилим ҳақида миллий либосда ёниб-жўшиб куйламоқда эдим, одамлар телевизордаги сувратиму сийратимдан ўрناق олсалар арзирди.

— Бошқасига ўтказинг, — деди диванда ўтирган эркак. — Чет элдан ўғирланган қўшиқларни эшитсам, асабим қўзийди.

Уним ўчди. Ҳайвонот олами ҳақидаги кўрсатув бошланди. Бир гала оппоқ қуш ҳавога кўтарилди, сарғиш соҳилдаги беташвиш жониворлар кўринди, кейин яшил ўтлоқда онасининг пинжига тиқилаётган шервачча экранни тўлдирди. Шер ва шервачча

атрофга мағрур кўз ташладилар. Зеро уларнинг нигоҳларида аввало бир-бирига меҳр ва ишонч бор эди. Кўрсатув бошловчисининг майин овози карнайдан сузиб чиқди: «Она ўз боласига меҳрибон, бола ҳам онасини қанчалар яхши кўради...»

Асила кучаниб йўталди ва орқасидан йиғлаб берди.

— Номерга жойлашиб, «Тез ёрдам» чақиринг, — деди Жамшид. — Укол қилиб кетса, қизчангиз кечаси билан яхши ухлайди. Районингизга борганингиздан сўнг албатта шифохонада ётиб, даволатинг. Қариндош-уруғингиз ёнингизда бўлади, қийналмайсиз. Ўзингиз ҳам анча-мунча даволанишингиз керак.

— Ўргилдим сендақа меҳрибондан, — деб четга қарадим.

— Бу ерларда энди ҳеч кимингиз йўқ, Зарнигор, — янада жиддий тортди у. — Агар ҳақиқий санъаткор бўлганингизда, оддий бир хотин қишлоғингизга қувиб юбормасди. Сизга кўчани кўрсатиб қўйишлари мумкин эканми, демак, юлдуз эмас, оддий одамсиз.

— Ҳали қайтиб келаман, — деб унга ғазабнок тикилдим.

Кетди. Бизни иккинчи қаватдаги худди ўша номернинг рўпарасига жойлаштиришди. Бироқ Чингиз ака ва Сафара учрашган хонада галдаги «ошиқ-маъшук»лар эмас, эндиликда бутунлай бошқача инсонлар меҳмон эди. Эшик очилиб, иссиққина кийинган отахон ва истарали завжаси йўлакка чиқди. Иккаласи олтмиш-олтмиш беш ёшлардаги нуроний жуфтлик эди.

— Тошкент барибир Тошкент-да, — деди отахон. — Кечаси камалакдек товланиб кетади. Ҳозир борсак кўрасан, хотин, чароғон масжидлардан жаннатнинг овози келади гўё. Кўчаларнинг, биноларнинг кечаси товланишини кўрсанг, чет элга келиб қолдикми, бобой, деб биқинимга туртмасанг, юрган эканман.

— Вой, секинроқ... — ийманди онахон. — Одам бор ҳам демайсиз-а?

— Нима? Яхши эшитмадим. Севги ҳалиям бор демоқчимисан?

Улар ҳазил-ҳузул билан йўлак бошига кетишди. Биз ўз хонамизга кирдик. Маҳзунлик уммонига чўкдим. Асила ниҳоятда чарчаган эди, уйқу енгиб келар, аммо йўтал ҳоли жонига қўймасди. Бу меҳмонхона туман маданият уйи қошидаги фольклорчи даста билан келган кунимиздагидек ҳеч қандай сурурбахш ҳаёт ваъда беролмай мунгга қоришиб ётарди.

«Тез ёрдам» чақирдим. Шифокор қизалоғимни шифохонага олиб кетиш кераклигини айтди. Унга қишлоққа кетаётганимни, ҳозирча укол қилса, эртагаёқ туман шифохонасига ётқизишимни тушунтирдим. Шифокор Асилага эмас, менга ачиниб қаради.

— Хўп, лекин бола йўлда қийналади. Шунини хоҳлайсизми?

— Бу ерда қолсам, эртагаёқ мени ўлдиради!

— Ўлдиради? Жиддий айтяпсизми?

— Ҳа, жиддий айтяпман.

— У ҳолда милицияга қўнғироқ қилинг. Ё ўзим чақирайми?

— Тушунмадингиз... Ҳеч ким мени тушунмайди! Ичимни тирнаётган итлар мени ўлдиради!.. Кўнглимга қил сиғмаяпти! Қил сиғмаяпти!.. Бугун бор-йўғимдан жудо бўлдим... — Кўзимдан ёшимни оқизиб, дардимни шифокорга тўкиб сола бошладим. — Мени танимаяпсиз-а? Янги хонанда Зарнигорманку! Хонандаликка эришдим деганимда, қишлоққа кетишга мажбур қилишди...

— Артист кўпайиб кетган бўлса, қайси бирини танийман.

— Клипим ҳозир телевидениядан бериляпти, лекин тез орада ном-нишонсиз ўчади, ном-нишонсиз йўқолиб кетаман! Чунки фақат бир ой учун пули тўланган! Ижод, истеъдод дейишади. Кўряпсизку аҳволимни! Пулим, ҳомийим, продюсерим йўқ,

телевидения тугул битта тўйга ҳам чиқолмай қолдим! Келаётган шанба иккинчи марта турмуш қуришим керак эди: уйим, эрим, пропискам, янги қўшиқларим — ҳамма нарса насиб этаётганди, бир кунда, бир соат ичида пастга қуладим... Айрилдим ҳаммасидан!

— Сиз йиқилган жойдан ўн барабар баланддан йиқилганлар ҳам бор, — деди шифокор кўзойнагини артиб. — Мен танимасам ҳам, машҳур санъаткор экансиз, ҳали даври давронингиз келади, нега бунча сиқиласиз? Менга бир қаранг, оддий врачман. Лекин, кўряпсиз, бахтли инсонман. — У кўзойнагини тақиб жилмайди ва сумкасини қўлига олди. — Хайр. Муҳими, қизингизни авайланг, тезроқ даволатинг. Бахтингизни Яратганнинг ўзи беради, фақат унутмангки, бахт қўлингиз орқали берилади. Шундай экан, бахт қайсидир маънода ўз қўлингизда.

У кетгач, меҳмонхона хизматчисига кечки овқат буюриб, қизимни кўтариб, овутдим. Тез орада ухлаб қолди. Ётоқ дивани ўртасига ётқизиб, жигарбандимдан кўз узмай ўтирдим, кўз узмай овқатландим. Тонгга яқин Асила безовталана бошлади. Негадир яна «Тез ёрдам» чақиритишни истамасдим.

Нихоят, телефон жиринглади.

— Қизчангиз яхшими? — сўради Жамшид.

— Ҳа. — Дарҳол қўрс оҳангга ўтдим: — Нега телефон қилияпсиз?

— «Нексия» боряпти, нарсаларингизни йиғиштиринг.

Ҳеч нима демадим. Орадан ўн беш-йигирма дақиқалар ўтгач, меҳмонхона олдида бизни машина кутмоқда эди. Ҳайдовчи юklarимни ортишга киришди. Меҳмонхонага қайирилиб қарадим. Қишнинг эрталабки муздай ҳавосидан симирдим. «Ҳаммаси тамом, — дедим ичимда. — Онам ҳақ шекилли... Ёмон хор бўлдим. Нега машҳурликка интилсам, бошимга бунча ғавғо ёғилди? Мультинага ўхшаганларга эса доим омад кулиб боқади... Шохи

бор унақаларнинг... Мен — бечоранинг қачон қарама шўрим қайнайди...»

Тақдирнинг аёвсиз зарбларини юмшатиш учун дедим:

— Майли, қизим ўлмаса бас...

Ҳадемай шаҳар ортда қолди. Икки хотира дунёси оралиғида елиб борардим. Биринчиси — Кимсан билан ажрашгунимча кечган дамларим, иккинчиси — Тошкент саргузаштлари. Қизиқ, эрим билан мажбуран яшаган эдим, яна ўшанақа ҳаёт қўйнига қайтйпман: кетишим ҳам, келишим ҳам мажбурийлик. Эркин эмас эдим, барибир бўлолмадим. Аслида мен интиланган чўққи машҳурлик эмас, эркинлик бўлса-чи? Эркинлик мақталади, аммо нега қўлини бигиз қилиб кўрсатишади мени? Балки бунақа яшаш эркинликдан бошқа ном билан аталар?

Уйим яқин. Эсонбой ака тоғдаги воқеадан сўнг кимларгадир «таърифимни дoston қилгани» ҳақида ўйладим. Марюса янга, эри ва Зафар-чи? Ҳаммалари собиқ эримнинг уруғ-аймоғи орасида мени иғво қилишган. «Ўлсин, баттар бўлсин», деб гўримга гишт қалашган. Очиқ-ошкор гапирмаганда ҳам, камида оғзини кафти билан тўсганча пичирлаб: «Ҳа, рост, Зарнигор ёмон йўлга кириб кетган...» — дейишган. Ҳатто ўз қишлоғимга сиғмаслигимни ўйлаб, бир чимдим умид чўғига ҳам кул тортдим.

Тунов куни эшитдим, Дилижон турмушга чиқаётганмиш, кап-катта хотин нечанчи мартадир оқ фата киймоқда. Куёв Эсонбой ака эмаслиги қитиқ патимга тегди. Тоғда иккиси шунчаки ўйнаб юрган бўлиб чиқиши... Наҳотки, менинг ҳам Дилижондан фарқим қолмайди? Чингиз ака ўлмаганида умрим турмушга чиқишу ажрашиш билан ўтармиди? Чангакдаги тўйда, ҳали ҳаётим издан чиқмаган кунларда (на ботинан, на зоҳиран ўхшаш) бахтиқаро қўшиқчига бежиз менгзамаган эканлар-да! Тақдир ҳазилини қаранг!

«Нексия»ни уйга ҳайдатдим. Қуёш чарақлаб турган бўлса-да, кун совуқ эди: бўғотларда сумалаклар ялтирайди. Шу пайт дарвозамиз тагида дардлашиб турган уч-тўрт қўшни хотин ва катта опамга кўзим тушди. Қишлоқдан таъзия иси келарди. Ҳаммалари қайғуга чўмишган, айниқса, опам... Бошидаги жун ёлдор тагида мотам аломати бўлмиш оқ рўмолни кўриб оёқ-қўлимдан мадор қочди. Ҳа, оёғида махси-калиш, бу ҳам мотам белгиси эди. Яланғоч дарахтлар, қор уюмлари устидан ноумид ҳаққалаб юрган чумчуқлар, уйлар орқасида кунда тобланиб ўтирган кишилар — барчаси юрагимни шундоқ ҳам эзиб юборган эди. Бўғзимга шиддатли ҳаво тикилиб, ҳушим бошимдан учаёзди. Бироқ чинқирмадим ҳам, ҳушимдан ҳам кетмадим. Машина тўхтагач, улар менга тикилишди. Кўзларимиз алдаяпти, деб ўйлашди шекилли, энгашиброқ қарадилар, оғизлар очилди, сўнгра бу оғизлар тўнтариб қўйилган «С» шаклига кирди.

— Зарнигор!.. — кутилмаганда опамнинг юзи чарақлади. — Вой, ўз оёғи билан келибди-ку! Улар эса кетиб бўлишди...

— Аяжон... — йиғи титраб чиқди бўғзимдан.

— Бу ҳали «ая» деб юрибди, — тўнғиллади қўшни хотин.

— Аяжоним-ей...

Шундан сўнг опамнинг ҳам кўнгли бузилиб, яна мотамсаро қиёфага кириб, қучоқлаб кўришди. Қўшнилари Асилани олиб, ўпа бошлашди, йўталаётгани ва иситмаси чиққанини айтишиб, уйга шошилишди. Йўл-йўлакай байрам шодиёнасини кўтариб, «Асила келди!» дейишди ҳовлидагиларга. Бироқ онадан айирилиш олдида боламнинг оддий иситмаси кўзимга кўринмади. Ҳақ гапни айтганда, бошиданоқ унга оналик қилолмаётган эдим...

Нари борса уч юз чақиримдир, шунча ой ичида нега бир бор онамни кўриб кетмадим,

қўнғироқлашмадим, ахир Шохрух атайин сўраган эди-я! Хатолар, хатолар... Ҳаммасига ўзим сабабчи! Ҳаётимни бундай шўришларга тўлдирганимдан кўра ўлиб кетганим афзал эмасмиди?!

— Бир-икки соатдан ошди, Тошкентга ҳам етай, деб қолишган, — рўмолчаси билан бурнини артди опам.

— Ким?

— Аямлар... Ҳаммалари сен билан Асилани оп-келишга кетишди. Телефонингни зўрға топдик, лекин ишламади.

— Аямлар?.. Нима деганингиз бу? — қувончдан пуфак каби ёрилаёздим, аммо оний янглиш туфайли тирик онамга аза тутиб юборганимни сездирмаслигим керак эди, дедим: — Телефонимни яқинда алмаштиргандим... аниқроғи, сим-картам кўп, бир нечта... Бугун «Билайн»да юргандим...

— Сениям, қизингниям касал бўп қолди, деб эшитдик.

— Ҳа, Асилани даволатиш керак... Ким қарайди у ёқда?.. Менинг ишим кўп, опа... Шунга... опкелдим...

— Телевизорда ҳар куни кўряпмиз. Жиянларинг қачон чиқишингни билиб олган, «ана, холам!» деб, айниқса, Напис қулоқ-миямни еб қўяди... Табриклаймиз!

— Бу... опа, тинчликми? Оқ кийибсиз...

— Қайнонам вафот этди.

— Яхши... Вой, эсимни ебман, узр... Худо раҳмат қилсин...

— Зарнигор, сен билан алоҳида гаплашмоқчимиз. Ҳамма қариндошларнинг гапи бор. Уларга телефон қиламиз, ҳозироқ йўлдан қайтишади.

— Гап-сўзларга ишонманг, опа, ҳаммасини тушунтириб бераман. Менга уйланмоқчи бўлган киши қазо қилиб қолди. Санъаткорлар ҳақида бир зумда қанақа миш-мишлар тарқалишини биласиз-ку.

Жонажон ҳовлимга қадам босдим, оёғим остини

она ерим гичирлатиб ўпди. Олисларда пул ва шон-шуҳрат эвазига ахтарган меҳримни шу макондан бепул ва беминнат олиб турганимни, ҳаётда меҳрдан ва яқинлар дийдоридан ўтиб тушадиган бахт йўқлигини ҳис этдим. Қанийди, вақт орқага қайтса, Кимсан билан ажрашмасдим, оддий уй бекаси бўлиб, номимга доғ туширмай яшардим. Начора! Балки шоу-бизнес марраларидан улоқтирилганим ютуғимдир?

Синглим ва укаларим ўзларида йўқ шод эдилар, бўйнимга осилишди. Эндигина кўришиб бўлгандим, телефоним жиринглади. Вилоятимизга тегишли рақамларга қараб, Тошкентга ахтариб кетганлар қўнғироқ қиляптимикиан, деган ўйда яшил тугмани босдим.

— Зарнигор, яхшимисан? — аёл кишининг бўғиқ овози янгради. — Номерингни зўрға топдим. Аввало табриклайман, клипинг зўр чиқибди. Маладес! Шу темпни йўқотма!

— Кимсиз?

— Маҳлиё Фозилова деган опангман, айланай. Бунақа... дарров танимай қолма-да!

— Маҳлиё опа? Ростдан ўзингизмисиз? — севинч тўфони қонимни миямга ҳайдади. — Узр, минг марта узр, опажон!

— Менга қара, ҳаммасини эшитдим. Лекин шошиб чакки иш қилибсан. Бир тентак хотиннинг дўқ-пўписасидан қўрқиб қишлоғингга қочиб кетаверасанми? Оббо сен-ей! Санъаткорнинг юраги бақувват бўлиши керак!.. Ҳозир қишлоқдамисан?

— Ҳ... ҳа.

— Сени ўз гуруҳимга оламан. Чингиз яхши продюсер эди, лекин сенга продюсерлик эмас, майнавозчилик қилди, унинг учун бир қўғирчоқ эдинг, холос. Мен ростгўйман, «юлдуз бўласан» деб аврамайман. Гуруҳимда юрсанг, тушган пулнинг ўн фоизи сеники. Айтмоқчиманки, юлдуз бўлиш ўзингга боғлиқ. Ўтган куни Термизда эдик, олти

минг ишладим. Кеча Қаршида хизмат қилдим, беш минг «кўки»дан, тўрт миллион ўзимизникидан тушди. Бугун вилоятларингда тўй бор, бу телефон шу ерлик йигитники. Айтгандай, қизчангнинг мазаси йўқлигини, ўзинг эса ҳомилангдан қутулмоқчилигингни — ҳаммасини эшитдим! Энди бундай қиламиз: қизчангни онангга бер, шифохонада олиб ётсин. Чўнтагингда қанча пулинг бор, бир тийинигача уларга ташла, дори-дармонга ишлатади. Катта йўлга чиқсанг, «Хундай» юбораман. Кечқурунги тўйни ўтказиб, Тошкентга қайтамиз. Ўзим квартира топиб бераман, ўзим даволатаман. Бир кунда топганимнинг ўн фоизини ҳисобла, бу кетишингда янги қўшиқлар ёзиб, клип ҳам ишлайсан. Нима керак кимнингдир пулига қараб қолиб, ундан қарздор бўлиб?! Сабр қилсанг, ҳақиқат қарор топади, бекор шошибсан. Ўзим ҳам анча вақтдан бери сени кўз остимга олиб юргандим.

— Нега айнан мени, опажон?

— Ишонмайсан-а? Биласан, Маҳлиё Фозилова деган номим бор, «ставка»м энг камида икки минг доллар! Лекин уч-тўрт соатлик тўйда бошдан-охир ўзим куйлолмайман! Ўртада сен ҳам куйлаб туришинг керак. Охириги вақтларда чарчаяпман. Ўйлаб-ўйлаб сендан аълосини тополмадим. Фақат яна бир гап: бугун келишинг шарт! Ё бугун, ё ҳеч қачон... — У аччиқ йўталди. — Тушундингми?

Ҳам ўй, ҳам тўй ташвиши тушди бошга. Тамом деганимда омад шунақа кулиб боқдики... Опам қўнғироқ қилиб, онамларни йўлдан қайтарди. Уйни исириқ тутуни ила шодлик ҳам қоплаб олди. Бироқ ичимга чироқ ёқса ёришмасди.

— Опа, — дедим ахийри чидаёлмай, — аям келса, Асилани шифохонага олиб борсин, мана пул. Мени йўлда машина кутяпти. Шаҳарда тўй бор экан, қаттиқ илтимос қилишди.

Қизимни, уйимни, қишлоғимни ташлаб чиқдим.

«Хундай» микроавтобуси куттирмади. Кўп ўтмай мен вилоят марказидаги меҳмонхонада Маҳлиё Фозилованинг рўпарасида ўтирардим. У илк учрашганимиздаги каби сигарет чекмоқда, аммо эндиликда кўзларида хайрихоҳ маъно балқимоқда эди. Бир чашкадан қаҳва ичдик. Мазам қочаётган эди, бир оз ўзимга келдим. Ҳайдовчиси ва созандалар хитойча катак сумкани очиб, ўн-ўн беш кило чиқадиган пул ғарамини ўртага ағдаришди. Қаттиқ жипсланган тахламсиз пуллар озодликка чиққач, жон кириб, секин-аста шиша бошлади. Бундай ҳодисани умримда илк марта кўришим эди: ҳайратдан ёқа ушладим.

— Сананглар, — деди хонанда. — Ёпиштирилган пулларни гижимлаб тиқаверганмиз-да, Зарнигор. Икки-уч йил ўтса, менинг даражамга етиб, аёл бошинг билан ана шунақа қоплаб пул ишлайсан! Бугунги кунда пул — санъаткорда. Касбни тўғри танлагансан, айёр қиз!

— Худо хоҳласа, сиздай бўлмоқчиман, опажон.

— Раҳматли Чингиз клипинг учун фақат бир ойга пул тўлабди. Ёнимда юриб, тезроқ пул ишла. Минг доллар берсанг, кейинги ойда ҳам айланиб туради.

Ўзимни лоҳас ҳис қилаётганимни ҳисобга олмасак, ишим жўнашиб кетганди. Афсуски, санъаткор бўлиш пешанамга битилмаган экан. Шоу-бизнесга интилишимнинг иккинчи фасли қанчалик тез бошланган бўлса, шунчалик тез хотима топди. 16:00 да меҳмонхонадан чиқдик. Тўй Кимсаннинг туманидаги бир бадавлат кишиникида экан. Ажрашаётганимда мулла айтган эди: ҳали йўллар обод бўлиб, тезюарар поездлар қатнови йўлга қўйилса, овлоқ қишлоқлар ҳам шаҳардек бўлиб қолади. Бир вақтлар келинлик либосида ўтганим ўнқир-чўнқир асфальт йўлдан ҳозир «Хундай»да елиб борарканмиз, ўтмишимни ўйлаб, хўрсиндим. Ойна каби текис, тимқора, қалин

асфалът йўл! Бизга ёнма-ён темирйўлдан «Регистон» шувиллаб ўтди. Рангин уйлар кўринди. Ким ўйлаб-ди дейсиз даштдаги темирйўл бўйидаги қишлоқлар етти хил рангда товланиб туришини!

Чангак томондаги катта бир қишлоққа бордик. Одам гавжум, кун совуқ. Маҳлиё Фозилова биринчи марта навбат берганида, ўзимни зўрға тутдим, аммо иккинчисида микрофонга етиб бормадим: кўнглим айнаиб, ўқчиб юбордим. Тўй қандай ўтганини билмайман. Энг ёмони, мендан қон кета бошлади.

— Чингиз кечаю кундуз тўйма-тўй қулдай ишлатибди, ўтир машинага, — деди Маҳлиё Фозилова. — Шу кечаёқ шифохонага ётқизаман.

Қишлоқдан чиқаверишда, микроавтобус йўлини «Мерседес» тўсди.

— Маҳлиё опа, узр, шогирдингиз бизнинг машинада кетади, — деганларини эшитдим. Эркаклар мени талашаётган эдилар.

— Кел, қара аҳволига! — эшикни очиб мени кўрсатди Маҳлиё Фозилова. — У касал! «Женский» касал! Нима, ўлдирмоқчимисан?!

Яримсоатлик тортишувдан сўнг, тўй эгаларининг етиб келгани наф қилиб, мен ҳалигиларнинг машинасида кетмайдиган бўлдим. Тошкент йўлига яқинроқдан қийиб чиқиш учун сўлга бурилдик. Аёзли қиш кечасида на йўловчи, на қишлоқ кўринар, «Хундай» шошилар, юрак ҳовучлаб, орқа ўриндиқда қўнишиб ўтирардим. Артист жувонга бунчалик сурбетлик ва очкўзлик билан тажовуз қиладиган кимсаларни ўз кўзим билан кўрмагандим, лабимдан учуқ тошиб кетди. Ҳа, қўрққанамча бор экан. «Мерседес»даги маст эркаклар ортимиздан қувиб етишди.

— Биз уни ўлдирмаймиз! Соппа-соғ олиб бориб қўямиз! — деб мени микроавтобусдан тортиб туширишаётганида ҳушимдан кетдим...

Кўзимни очганимда, ғира-шира туман ичра Рухсат амма — собиқ қайнонам кўринди. Даставвал тушга йўйдим. У марҳум отамнинг исмини тилга олди, менинг хор бўлиб юрганимга куйинди. Не кўз билан кўрайки, Кимсаннинг етти болорли четдаги хонасида ётардим. Қайнсинглим Гулчеҳра чой ҳўплашимга ёрдамлашди. Печкада ўт гуриллар, Тошкентдаги меҳмонхонада учраган нуроний отахон айтганидек, жаннатнинг иси келарди гўё. Шу кечанинг ўзидаёқ вилоят шифохонасига ётқизил-дим. Қизим ҳам шаҳарга келтирилган экан. У ўн етти кун деганда соғайиб, шифохонадан чиқди. Менга эса ҳадеганда жавоб беришмади. Онкологияга юборишганда билдим: саратон касалига йўлиқибман. Талоқдан сўнг мулла чақирганимизда келмаган Кимсанни шифохонада кўриб, ҳайрон бўлдим. Ҳар кимдан қолган хотинини энди у бошига урармиди?

— Сен ҳали бахтли бўлиб кетасан, — деди у ердан кўз узмай. — Илтимос, Асилани... қизимни бер... ўзим катта қилмоқчиман... Ана, Марюса чеча, онаси Надежда опалар... қизимнинг биринчи энагаси... ҳамма шу ерда... Ялиниб-ёлвориб сўрайман, Зарнигор, қизимни бер...

— Барибир ўламан... Нега сўраяпсиз, ҳайронман... — дедим ва сўнгги марта жилмайдим.

Касал кўришга келганлар бирма-бир кўришишди. Кимсаннинг дўсти Зафар кул тўкишга чиққанимда, қўлимдан ушлагани учун узр сўраётиб, йиғлаб юборишига сал қолди. Гулчеҳра ҳам келган экан, мени маҳкам бағрига босди.

Уйга жавоб беришган кунлари ойнаи жаҳонда Марюса янга куйлади. У санъатга қайтдимиз ё санъат унга қайтдимиз, билолмадим. Бир замонлар мен ҳам санъатни севганимни тушундим, аммо кейинчалик уни шон-шуҳрат ва пулга алмашиб юборган эканман.

«Маҳлиё Фозилованинг микроавтобусидаги одам

қандай қилиб Рухсат амманикида пайдо бўлиб қолди?» дерсиз.

Мени ҳушсиз ҳолда Чангак қишлоғи четидаги уйга олиб киришибди. Уй эгаси дарҳол Рухсат аммани чақирибди. «Ажрашиб кетган бўлса ҳам ўзимнинг бовури», деб собиқ қайнонам мени уйига олиб келтирибди. Кўнгли жойига тушган хонанда хайр-хўшлашиб, Тошкентга жўнаб кетибди. Бир тийин қолдирмабди.

Дарҳақиқат, мен унга, унинг шоу-бизнесига нима хизмат қилгандимки, пул тўлашса!

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
1. Оиламдан воз кечаман	5
2. Ажрашиш орзумга айланди	33
3. Санъат йўлида	54
4. Меҳмонхонада содир бўлган воқеа	75
5. Сафара ва мен	92
6. «Яллачилар, ялла, ялла!..»	103
7. Бир-биридан ёмон кунларим	142
8. Қотиллик	161
9. Янги ҳомийнинг таклифи	205

13,5



Адабий-бадиий нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

БАХТИҚАРО МАЪШУҚА

*ёхуд шоу-бизнес кўчасида адашган
жувон саргузаштлари*

Қисса

Муҳаррир:	<i>О.Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>Р.Ташматов</i>
Мусахҳиҳ:	<i>М.Холиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>Г.Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АИ №270

Босишга 04.06.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

«Virtex Times UZ» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табоғи 14,0 Адади 4000 Буюртма №43

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: book@ijodpress.uz

www.IjodPress.uz



Азамат ҚОРЖОВОВ

БАХТИҚАРО
МАЪШУҚА

ISBN 978-9943-5234-2-5



9 789943 523425

